АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

ОШИҚНОМА

6 - КИТОБ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
профессор С.Р.РЎЗИМБОЕВ

УРГАНЧ -2013

«Ошиқнома» рукни остида 6-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага “Юсуф ва Зулайҳо”, “Маликаи Зарнигор”, “Гавҳарой”, “Саёд ва Ҳамро” достонининг оғзаки варианти киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла Аҳмедов, Сотим Аваз, Сафарбой Рўзимбоев, Исҳақжон Исмаилов

Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Ҳ.Қ.Рўзметов, С.М.Сориев, У.Б.Бобожонова, Б.Қ.Абдуллаева, Н.Бобожонова.

Тақризчи: доцент: Абдулла Аҳмедов

«ХОРАЗМ» НАШРИЁТИ – 2013

С.Р.Рўзимбоев, Ҳ.Қ.Рўзметов, С.М.Сориев, У.Б.Бобожонова,
Б.Қ.Абдуллаева, Н.Бобожонова.

«ОШИҚНОМА»

СЎЗ БОШИ
ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАРИ

Хоразм диёри қадимги маданият ва санъат ўчоқларидан биридир.

Президентимиз Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида бу ўлка ҳақида: "...Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири"[1], деган эди.

Бу ўлкада қадимдан давом этиб келаётган мумтоз адабиёт профессионал мусиқа санъати бахшичилик ва халфачилик анъаналари, улар репертуаридаги ноёб достонлар, эртаклар қўшиқлар ҳамда бошқа турли фольклор асарлари юқоридаги фикрни тўла исботлайди.

Маълумки, достончилик анъаналари мусиқа санъати билан узвий боғлиқдир.

"Мусиқа маданиятимизнинг минг йилликлар билан сарҳисоб этилувчи тарихи хилма-хил ва бой манбаларда ёритилган. Улар асосан икки асосий тоифага мансуб. Бири-археологлар томонидан кашф қилинган ашёвий далиллар, назарий ва тарихий рисолалар, одобномалар, шеърият ва мусиқа аҳлининг ҳаёти ва ижодига оид тазкиралар ҳамда бошқа соҳаларга тегишли ёзма манбалар. Иккинчиси-жонли мусиқий анъаналар ва улар ҳақида халқ орасидаги фикр ва мулоҳазалар. Оғзаки ва ёзма манбалар орасида. Узвий боғланиш мавжуд. Улар бир-бирини тўлдириб, мусиқа маданиятининг умумий манзараларини тўлароқ тасаввур этишга имкон очади[2].

Хоразмда мусиқа маданиятининг тарихий илдизлари жуда қадимийлик касб этади. "Эрамизнинг I асридан IV асригача Хоразм давлатининг пойтахти бўлган Тупроққалъада қурилган сарой деворларига ишланган расмлар орасида мева терувчи аёллар, ярим яланғоч рақсга тушаётган аёл, айниқса арфа чалаётган аёл ва қўш ноғора чалаётган эркак тасвири характерлидир"[3]. Демак, мусиқа санъати, мусиқа асбоблари Хоразмда эрамиздан олдинги пайтларданоқ ривожланиб келган. Айниқса X-XI асрларга келиб, Хоразм шоҳ саройида машшоқлар, созанда ва гўяндалар жуда кўп бўлган. "Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч шаҳридаги маъмур ва обод замонларда Чингизхон ҳарб қилмасдан илгари бу шаҳарда сокин бўлғон одамларнинг аксарияти мусиқийни ўзларина бир ҳунар ва касб иттихос қилғонлар. Мунинг орқасида ўз оилаларининг ўнгишиқларини таъмин этгандурлар. Ҳатто мазкур асарларнинг муболаға билан кўрсатганларига қараганда ёлғиз Кўҳна Урганч шаҳрида дутор созина эшак (харрак) йўниб сотиб ўнгишиқларини шул ҳунарлари бирла ўткарадурғон кишиларнинг миқдори бир мингга етишади"[4].

Ушбу маълумотлар ривоятга ўхшаб кўринсада, унинг замирида қандай бўлса ҳам ҳаёт ҳақиқати ётади.

---

[1] Каримов И.А. Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан сўзланган нутқ. // "Урганч университети" газетаси, 1997 йил, 20 октябр.

[2] Матёқубов О. Рисола хусусида (сўз боши) // Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқа тарихчиси. –Т.: "Ёзувчи", 1998. –Б.4.

[3] Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.48.

[4] Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси, 7-бет.

Юқорида қайд қилганимиз арфа чалаётган аёл суврати ҳам мусиқа асбобларининг Хоразмда пайдо бўлиш тарихининг жуда қадимийлигидан дарак беради.

Фитрат ўзининг ўзбек-мумтоз мусиқасига оид рисоласида шундай ёзади: “Ёзувчиси маълум бўлмаган бир “мусиқий тарихча”сида рубобнинг султон Муҳаммадшоҳ томонидан Хоразмда пайдо бўлгани ёзиладир. Бу китобни кўрганим кун мен ҳам шунга ишонган эдим. Бироқ йигирманчи йилларда Ҳиндистондан келтирганим “Соранг” исмли бир чолғунинг рубобга жуда ўхшашлиги мени шоширган эди. Сўнгралари қўлимга тушган Дарвеш Алийнинг “Рисолайи мусиқий”сида бу чолғунинг Балхда ясалгани, Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Хоразмда ривож топгани кўрсатилади”[5].

Дарҳақиқат, рубобнинг Хоразмда Х асрлардаёқ фаол чолғу асбоби сифатида тарқалгани айни ҳақиқатдир. Чунки, рубоб анча қадимий чолғу асбоби бўлиб Форобийнинг “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида унга таъриф берилган[6].

Бундан ташқари, И.Тимофеевнинг “Бируний” монографиясида қайд қилинишича, 1009 йилда Абу-л-Аббос Маъмун саройида бўлган базмда хонандалар рубоб жўрлигида Шоҳид Балхий ва Рўдакий ғазалларини ашула қилиб куйлаганлар[7]. Шунингдек, ушбу монографияда чанг, най ва қўғирчоқ бозлик санъати ҳақида ҳам маълумот берилади.

Шажараси Хоразмдан бўлган Жалолиддин Румий (XIII) ўз шеърларини рубоб жўрлигида куйлаб юрган.

“Мусиқий, суюкли рубоб Жалолиддинга фақат ақли биланмас, балки бутун жисми билан оламга, одамларга бирикиб, ўзини соҳиб қудрат, Тангрига тенг инсони Комил деб ҳис этишга ёрдам берди”[8].

Рубоб дуторга нисбатан анча мураккаб чолғу асбобларидан саналади. Шу сабабли унинг пайдо бўлган жойида мусиқа илми юксак даражада камол топган бўлиши керак. Бундай жойлардан бири эса Хоразм эди.

Бинобарин, мақомларнинг асл макони ҳам Хоразм бўлган[9]. Бундай олиб қараганда тарона, сувора (асп рос) каби ибораларнинг илдизлари ҳам “Авесто” даврининг урф, одатларига бориб тақалади[10].

Фитрат бу асбобнинг Хоразмда пайдо бўлганига шубҳа билан қарайди. Унинг бу шубҳасига ҳам шубҳа билдириш мумкин бўлган анча далиллар мавжуд. Шубҳаларнинг асосли бўлиши учун тарихий жараёнларга бир назар солайлик. Искандар Зулқарнайн, “Авесто” китобини Юнонистонга жўнатган пайтида бундан норози бўлган Хоразм подшоси Фаразман 500 нафар содиқ аскарларни уларнинг изидан юборади. Аскарлар Туркиядаги Ван кўли яқинидан ўтадиган тор дарада юнон аскарларини қувиб етиб, жангда енгиб, “Авесто” китобини қўлга киритиб, улар Искандарнинг оёғи тегмайдиган юртга-Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига борадилар ва шу шаҳарда яшаб қоладилар.

---

[5] Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –Т.: “Фан”, 1993. –Б.29.
[6] Форобий. Рисолалар. –Т.: “Фан”, 1975. –Б. 61.
[7] Тимофеев И. Бируни. –М.: «Молодая гвардия», 1986. –С. 167.
[8] Фиш Р. Жалолиддин Румий. –Т.: Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. –Б.58.
[9] Матёқубов О. Мақомот, 49-бет.
[10] Ўша жойда, 37-бет.

Ўзларини порслар деб атайдиган бу Хоразмликлар ҳозирги кунда 250 мингдан кўпроқ бўлиб, Бомбей шаҳрида алоҳида қавм бўлиб яшамоқдалар[11].

Уларнинг битта таниқли вакили, машҳур кино режиссёр Раж Капур ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкентга келганида ўз аждодларининг Хоразмдан эканлигини фахр билан тилга олган эди.

Ушбу тарихий ҳодисалар замирига назар солинса, Хоразмдаги айрим чолғу асбоблари, рақс санъати ўша кишилар орқали Ҳиндистонга етиб борган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Хоразм мусиқаси, рақслари билан ҳинд мусиқаси ва рақсларининг ўхшашлиги боиси ҳам шу ҳодиса билан боғлиқдир балки. Балки рубоб ҳам ўша "Авесто" ҳимоячилари билан ҳинд элига бориб "Соранг"га айлангандир.

Энди Балх масаласига келсак, бу шаҳарда санъат ва адабиётнинг тараққий қилгани тарихдан маълум. Ўз шеърларини рубоб жўрлигида куйлаб юрган Жалолиддин Румийнинг ҳам ўша шаҳарда туғилганлиги бежиз эмас.

Ғазнавийлар давлати ҳукмронликни қўлга олгандан кейин бу шаҳарда ҳунармандчилик тараққий қилиб шарқнинг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди[12].

Маълумки, 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни бўйсундириб, маъмунийлар давлатини тугатди. Хоразмдан Ғазнага кўплаб ҳунармандлар, олимлар ва бошқа асирларни олиб кетди. Буларнинг орасида Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди[13]. Бу асирларнинг бир қисми Ғазнада ўрнашган бўлса, бир қисми Балх шаҳридаги ҳунармандчилик, санъат ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Хоразмшоҳлар даврида Кўҳна Урганчда тараққий топган санъат намоёндаларининг чолғу асбобларининг, хусусан рубобнинг Ғазнага, Балхга олиб кетилмаганлигига ким ҳам кафолат беради. Рубоб Хоразмдан Балхга олиб кетилганми ёки аксинча ҳолат юз берганми, буни исботлаш ниҳоятда мураккаб масала. Бу муаммони китобхон фикрига ҳавола қиламиз.

Шу жойда яна бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш лозим бўлади. Хоразмшохлар саройида машҳур бўлган рубоб қандай шаклда бўлган. Буни Фитрат ўзининг юқорида қайд қилинган китобида шундай тавсиялайди: "Бу чолғунинг гавдасини тўрт асос қисмга бўлмак мумкиндир: қорин, кўкрак, бўйин, бош қорин, кўкрак ҳам бўйин қисмларининг учаласи бир бўлак тут ёғочидан "қазма" йўли билан ясаладир. Рубобнинг қорни бир-бирига боғланмиш икки чуқур идишга ўхшайдир... Ичкдан ясалган беш тори борким, йўғонликда фарқлидир. Бундан бошқа ўн иккита "тор ости" торлари бор. Чолғучи рубоб чалғанда буларни чиртмайдир, буларнинг хизмати асл торларга чертиш таъсири билан титраб, асл тор товушиға ўзларининг мунгли, титрак товушларини қўшмоқдир[14].

Фитратнинг Дарвеш Алий китоби асосида таъриф қилаётган чолғу асбобини Комил Аваз қўш қоринли рубоб (тор) деб, тўғри номлайди[15]. Демак,

---

[11] Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари, 28-бет.
[12] Ўзбек энциклопедияси, II том. –Т.: "Ўзбек энциклопедияси", 1972. –Б. 54.
[13] Беруни и гуманитарные науки. Т.: «Фан», 1972. –С. 34.
[14] Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи, 29-бет.
[15] Комил Аваз. Ибрат манзили. Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.32. (303)

бу асбоб ўша даврдаёқ Хоразмшоҳлар саройида ишлатилаётган экан. Халқ орасида тор атамаси кам ишлатилади. Бу атамани кўпроқ профессионал мусиқашунослар ишлатса, халқ орасида рубоб деганда тор тушунилади. Албатта ўша даврдаги рубоб (тор) ҳозирги шаклидан жиддий фарқ қилган.

Яна бир нарсага эътиборни жалб қилиш лозим. Маълумки, ҳар қандай мусиқа асбоби бир томони билан уни яратган халқнинг дини ва урф-одатига бориб боғланади.

Бухоролик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, қашқар рубобидаги шохлар рамзий жиҳатдан хитойликлар динининг қадимги урф-одатларидаги маданий-мифологик тасвирга алоқадордир[16].

Хоразмда яратилган қўшқоринли рубобнинг яратилиш тарихи хусусида ҳам ривоятлар бор. Бу ривоятларнинг биттаси Нуҳ пайғамбар фаолияти билан алоқага эга.

Тўфон натижасида Нуҳ кемаси узоқ сузиб охири баланд бир тепаликка келиб тўхтайди. Аммо қуруқлик кўринмайди. Охири Сом ибн Нуҳ оққуш билан кабутарни учради. Улар узоқдан “қувоқ”, “қувоқ” дея овоз чиқаришади. Сузиб борсалар қуруқ ер экан. “Қувоқ” сўзидан “Хивоқ” номи пайдо бўлган экан.

Шу сабабдан ҳам Хива Сом ибн Нуҳ томонидан отасининг кемасига ўхшатиб қурилган экан[17].

Таниқли достончи, Хоразмнинг етакчи бахшиси Бола бахши Қурбонназар Абдуллаевнинг ҳикоя қилишача, зардуштийликка эътиқод қилинган даврларда “жон, тана гир” куйини чалиш учун чолғу асбоби ясашга киришилган ва кўп изланишлар натижасида Хоразм қўшқоринли рубоби яратилган. Дастлаб у қайиқ шаклида бўлган. Кейинчалик, учлари бир-бирига тегиб турган иккита қайиқча шаклини олган. Торлари икки қават бўлиб, юқорисидагилари ичакдан, пастдагилари соф олтиндан ишланган экан.

Нуҳ қайиғи билан алоқадор нарсалар Хоразмда анчани ташкил этади. Жумладан, Хоразм эркаклари киядиган папақлар ҳам қайиқ шаклида бўлган. Бу бош кийими ўтган асрнинг 70-йилларигача истеъмолда бўлди.

Бизнинг санъат, чолғу асбоблари ҳақида батафсилроқ фикр юритишимизга сабаб бўлган нарса Хоразм достончилик анъаналарининг тарихий илдизларини ёритишдир. Юксак санъат тараққиётига достон куйлаш анъаналарининг таъсири катта эканлигини унутмаслик керак.

Бола бахши биз билан суҳбатда бахшичилик анъаналари, достон куйлаш саъати ҳақида гапириб яна бир нарсани таъкидлаган эди. Унинг фикрига қараганда достон куйлаш санъати Хоразмшоҳлар давридаёқ юксак даражага кўтарилган. У пайтларда бахшиларни гўяндалар деб аташган. Ўша пайтдаёқ достон куйлашда қўшқоринли рубоб етакчилик қилган.

Чунки, Хоразмдаги ширвоний услубда куйланадиган достон мусиқалари шиддатли ва тантановор бўлиб, уни рўёбга чиқаришда дуторнинг кучи етмайди.

---

[16] Саидий С.Б., Қаюмов И.Ғ. Қашқар рубоби қисқача тарихидан. // Санъат йўналишларида ёшларни маънавий-ахлоқий-тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлар мавзусидаги илмий-амалий конфенция материаллари. – Бухоро, 2013. –Б.38-40.

[17] Худойберганов К. Хива дунёдаги энг кўҳна қалъа. –Т.: 2012. -Б. 9-10.(346)

Рубобнинг такомиллашган тури бўлган торнинг ХХ асрда бахшилар томонидан достон чолғу ансамблига олиб кирилиши бу фикрни тасдиқлайди.

Фақат Хоразмдагина бахшилар ансабли шаклланиб узоқ асрлар давомида халққа маънавий озиқ бериб келган. Бу ансамблда тор, доира, ғижжак, буламон иштирок қилган. Албатта тордан бурун бахшиларнинг дутор ва рубобдан фойдаланганлигини инкор қилиш қийин. ХХ асрларга келиб тор, дутор, гармон бир-бирини алмаштириб юрган. Масалан, Бола бахши торда, Қодир созчи гармонда, Турсун бахши дуторда куй чалиб достон ижро этишган. Дарвоқе, торни хонанда сифатида илк маротаба саҳнага олиб чиққан киши ҳам хоразимлик Комилжон Отаниёзовдир.

Бахши ансамбли юксак тараққий қилган санъат натижасида рўёбга чиқади. Қадимдан тараққий қилиб келган санъат ўчоғи эса Хоразмдир.

Хоразм халқи шундай талант ва маҳоратга эгаки, у истаган бир халқнинг қўшиғини ўша халқнинг хонандаси куйлагандек куйлай олади. Истаган бир халқ рақсини ўша халқ ижрочисидан қолишмайдиган даражада маромига етказиб ўйнайди.

Аммо ҳеч бир халқ Хоразмча қўшиқ ва рақсни хоразмиклар даражасида ижро қила билмайди.

Хоразм достончилигида достондаги ҳар бир шеърий парча махсус куй билан ижро этилади. Битта достон камида 15-20 нома воситасида куйланади. Ҳар бир куй ўз номи билан айтилади. Достонлар таркибида эса мураббаъ ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, мустазод, ҳатто туюқлар ҳам кўзга ташланади. Бу жанрларнинг достонларга кириб келиши ҳам профессионал санъат ривожи билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида эса фақат бахшининг ўзи дўмбира (аслида танбур, танбура сўзидан олинган) жўрлигида достон куйлайди.

Хоразм достончилигида достондаги ҳар бир шеърий парча махсус куй билан ижро этилади. Битта достон камида 15-20 нома воситасида куйланади. Ҳар бир куй ўз номи билан айтилади. Достонлар таркибида эса мураббаъ ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, мустизод ҳатто туюқлар ҳам кўзга ташланади. Бу жанрларнинг достонларга кириб келиши ҳам профессионал санъат ривожи билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида эса фақат бахшининг ўзи дўмбира (аслида танбур, танбура сўзидан олинган) жўрлигида достон куйлайди.

Хоразм минтақасида достонларни қироат билан ўқиб эшиттирадиган ёки оғзаки равишда гармон жўрлигида куйлайдиган яна бир ижрочилар борки уларни воҳада халфалар деб юритишади.

Хоразм воҳасида халфачилик анъаналари қадимдан бошлаб кенг оммалашган. Ҳозирги кунда халфа деганда дастлаб тўйларда хизмат қиладиган, гармон чалиб ашула айтадиган аёл ва унинг ёнидаги доирачи билан раққосадан иборат кичик ансамбл тушинилади. Қолаверса, тўй ва азаларда диний ва дунёвий китобларни қироат билан ўқийдиган аёл ҳам халфа деб юритилади.

Республикамизнинг бошқа минтақаларида учрамайдиган бу анъана хусусида кўпгина тадқиқотлар эълон қилинган[18].

Ушбу эълон қилинган тадқиқотларнинг аксарияти бир-бирини такрорлайди. Айримларида эса тўла кўчирмакашлик яққол кўзга ташланади. 2012 йилда Хивада чоп этилган китоб бунга мисол бўла олади. Халфалар ҳақида гап кетганда асосан хоним халфа, Ожиза ва Анаш халфалар кўпроқ тилга олинади. Уларнинг соз чалиб достон қўшиқлари ва термалар ижро қилганликлари ва ўзларининг ҳам шеър тўқиганликларига урғу берилади.

Юқорида таъкидлаганимиз тўй ва аза маросимларида хизмат қиладиган халфа аёллар эса тадқиқот доирасидан ташқарида қолиб келмоқда. Улар аза маросимларида “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”, “Қул хўжа Аҳмад” каби достонларни ярим куйлаш оҳангида қироат билан ўқиб келганлар. Тўй маросимларида эса “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Асли-Карам”, “Тоҳир Зуҳра” каби ишқий достонларни мухлисларга ёқимли овозда ярим куйлаш оҳангида ўқиб эшиттирганлар. 1862 йилда Хоразмга келган Ҳерман Вамбери бу тоифа халфаларни тинглаган ва мазкур ижро анъанаси уларга Эрондан ўтган бўлса керак, дея таъкидлайди[19].

Ҳ.Вамберининг бу фикрига тўла қўшилиш мумкин эмас. Чунки бу анъананинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Чунки, ибтидоий даврнинг вокал музикаси ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлади[20]. Бундан уч минг йиллар олдин хотин-қиз халфалар “Авесто” “Гоҳ”ларини худди ўша ярим куйлаш (речитатив) охангида ўқиб эшиттиришган:

“Гоҳ”ни қироат қилиб,
Аслида ишонмаган
Ўзин имонда санаб,
Лекин “Гоҳ” куйламаган
На халажу на хотин
Менга эҳсон қилмасин[21].

“Авесто” таржимони М.Исҳоқовнинг таъкидлашича, “Гоҳ”-Зардушт бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари. “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ” қўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган[22]. “Гоҳ”ларни ёддан ўқийдиган хотин-халажлар ўша даврдаёқ “Қалпа” номи билан юритилган[23]. Албатта бу атама минглаб йиллар ўтиши билан фонетик ўзгаришга учраган ва “халфа”шаклига кирган.

---

[18] Қаранг: Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ қўшиқлари. –Т.: Фан, 1965. –Б.23-27; Жалолов Т.Ўзбек шоиралари. I китоб, -Т.: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. –Б.239-241; Қиличев Т.Хоразм халқ театри. –Т.: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б.114-124; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Т.: Фан, 1979; Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. –Т.: ТДПУ нашриёти, 2005. –Б.4-11; Рўзимбоев С. Халқ достонлари ва халфалар ижоди // Адабий мерос. –Т.: Қўлёзмалар институти нашриёти, 1984. –Б. 9-13; Яна ўша. Ожиза. –Т.: 2003. –Б.3-8; Яна ўша. Анаш халфа. –Т.: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. –Б.3-6; Яна ўша. Хоразм достонлари. –Т.: “Фан”, 1985. –Б.27-33; Жуманиёзов О. Халпа // Илм сарчашмалари. Урганч, 2002, №4. –Б.71-72; Ражабова Х. Аёл бахшилар ҳам бўладими? // Маърифат” газетаси, 2002 йил, 2-феврал ва бошқалар.

[19] Вамбери Ҳ. Чиғатой тили дарслиги. –Лейпциг, 1867. –Б.33-34.

[20] Косвен М.О.Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Т.: “Фан”. 1960. –Б.180. (240)

[21] Авесто. Яшт китоби. –Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 28.

[22] Ўша манба, ўша саҳифа.

[23] Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. –Т.: ТДПУ нашриёти, 2005. –Б.6.

“Халфа” атамаси ҳақида турли қарашлар мавжуд. О.Жуманиёзов ушбу атамани арабча “халифа” сўзидан келиб чиққан деган фикрни билдиради[24]. Ҳ.Абдуллаев эса биз юқорида тилга олган ишида бу фикрни қатъиян рад қилади. Бизнинг фикримиз “халфа” атамасининг арабча “халифа”га бевосита алоқаси йўқ. Бироқ, бу атаманинг семантик доираси анча кенг бўлиб, шариат қоидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам, мактабдор домланинг ёрдамчиси, ҳунар-касб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи каби маънолари ҳам бор[25]. Ушбу нуқтаи назардан қараганда бу атама раҳбар, йўлбошчи тушунчаларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Туркман халқи орасида мураббийларни ҳозирда ҳам халипа деб юритишади[26].

Араб тилига бу атама ўзлашма сўз сифатида санскрит тилидан ўтиб, раҳбар маъносида ишлатилган бўлиши мумкин. Санскрит эса хоразмийлар учун бобо тил ҳисобланади.

Хоразмда ҳозирда ишлатиладиган “халфа” атамасининг ўқимишли аёл, устоз маънолари ҳам бор. Шу жиҳатдан олганда, О.Жуманиёзовнинг фикрида озми-кўпми ҳақиқат элементлари мавжуд.

Бинобарин, халфачиликдаги устозлик-шогирдлик анъаналарининг тарихи ниҳоятда қадимийдир.

Агарда инсоният тарихига разм солсак, кишилар ибтидоий ҳаёт давридаёқ маънавий озиққа эҳтиёж сезганлар. Диннинг пайдо бўлиши ана шу маънавий эҳтиёжнинг қондирилишида дастлабки омиллардан бири бўлди. “Ибодат қўшиқ айтиш эҳтиёжини рўёбга чиқарган бўлса, маросимлар шеъриятнинг пайдо бўлишини, инонч ва сиғинишлар эса рақс санъатининг юзага келишини тақозо этди[27].

Демак, шеъриятнинг пайдо бўлиши ва қўшиқларнинг куйланишида ибодат ва маросимларнинг роли катта.

“Авесто” “гоҳ” ларининг куйланиши ҳам ўша омиллар билан узвий боғлиқдир.

Кўпгина қўшиқларнинг ва рақсларнинг диний маросимлар билан чамбарчас алоқадорлиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида машҳур санъаткор Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев биз билан суҳбатда қизиқ бир нарсани ҳикоя қилиб берган эди.

Ҳозирда “жоқу-жоқу” сўзларини айтиб ўйналадиган рақс бор. Бу рақс бахшининг айтишича, XXI аср бошларида меҳржон байрами маросимида ижро этилган. Ундаги “жоқу” сўзи аслида “Аё Ку” дир. Яъни бу сўз “Эй қуёш” деган маънога эга “Ку” сўзи ҳозирда “Кун” шаклида қуёш маъносини билдиради. “Аё”-эй, деган мурожаат сўзидир. Бу сўз халқ орасида қўлёзма тарзда оммавийлашган достонларда мурожаат сифатида жуда кўп ишлатилади:

Аё шоҳим, эшит ушбу жавобим...[28]

Аё жоним, бу сўзлара қулоқ сол... [29]

---

[24] Жуманиёзов О. Халпа // Илм сарчашмалари. Урганч, 2002, №4. –Б.71-72.

[25] Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдлик, 4-жилд. –Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2008. –Б.381.

[26] Халыпа (методик журнал). Ашгабат, 2003. –Б.2.

[27] Колер И.. Ранке И., Ратцел Ф. История человечества (до исторический период) Санкт—Петербург, 2003. –С.78.

[28] Ошиқнома, 4-китоб. –Урганч. “Хоразм”, 2009. –Б.43.

Демак, бу қўшиқ зардуштийлик динига алоқадор қуёшга мурожаат тарзида ижро этиладиган ритуал (маросим) тарзидаги ашула ва рақснинг қоришиқ кўринишидир. Ислом дини пайдо бўлгандан кейин бу рақсдаги “Аё Ку” бирикмаси “Ёҳу” тарзида дарвешлар репертуарига ўтиб, яна диний ритуал сифатида истифода этилган. Бу сўзнинг “жоқу” шакли кейинги даврлар маҳсули бўлиб, унинг “ж” ловчи ўзбеклар талаффузига мослашувининг натижасидир. Бу қўшиқ ҳозирги санъаткорлар репертуарига халфалардан ўтганлигини ҳисобга олсак, масала янада ойдинлашади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш зарурки, рақсдаги ҳар бир тактда икки қўл осмонга кўтарилиб “жоқу” сўзи икки –уч марта такрорланади. Ушбу ҳаракат дастлаб қуёшга илтижо қилишга қаратилган. Ислом дини пайдо бўлгандан кейин осмонга-Оллоҳга мурожаат қилиш, илтижо қилишга мослаштирилган. Дарвешларнинг зикрга тушиб “Ёҳу”лаб қўлларини осмонга кўтаришлари ҳам ўша маъно билан боғлиқ. Хоразмда тарқалган “чиппиро далли”, “зумлоқ” рақслари ҳам ритуал характерига эга. Бу масала алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Дарвоқе, халфачиликнинг дастлабки шаклланиши дин, ва маросим билан боғланади. “Авесто” “гоҳ”ларини, Қуръон оятларини қироат билан, қўшиқ оҳангида тингловчига етказиш анъаналари сал ўзгаришга учраган ҳолда ҳозиргача халфалар воситачилигида барҳаёт сақланиб келмоқда.

Халфачилик анъаналари Хоразмшоҳлар даврига келиб, созанда халфаларга ажралиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки бу даврда Хоразмшоҳлар саройида созанда ва хонандалар, раққос ва раққосалар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, ҳатто профиссионал йиғловчиларгача бўлган. Мусиқа асбобларидан: дутор, рубоб, чанг, най, руд жуда оммалашган[30]. Демак, санъат, маданият юксак даражада ривожланган. Афсуски, бу ривожланишни Чингиз босқини ер билан яксон қилган. Халфалар ижрочилиги ҳақида бирорта манба сақланиб қолмаган. Шу сабабли биз фақат Хоним халфа Саидамат қизининг 1895 йилдан бошлаб гармон чалиб, созанда халфа сифатида танилгани ҳақида аниқ маълумотга эгамиз[31]. Хоним халфа ҳам илгари доира жўрлигида, ликув (ликоб), пиёла жаранги жўрлигида қўшиқ куйлаган.

Руслар Хива хонлигини босиб олгандан кейин Янгиариққа кўчиб келган немислар таъсирида Хивага гармон, фотоаппарат, киноаппарат, патефон каби маданий моллар кириб кела бошлаган. Соз-гармоннинг санъат оламига кириб келиши халфачиликнинг ривожланишига юксак ижобий таъсир қилди. Ўша даврларда фаолият кўрсатган йигирмадан ошиқ талантли халфалар ҳақида маълумотлар мавжуд[32]. Бу халфалар орасида элга машҳур бўлган Ожиза-Онабиби Отажонова, Онажон Собирова (Анаш халфа) каби талант эгалари бор. Бу иккала халфа Хоним халфанинг шогирдлари бўлиб, айни пайтда шоиралик қобилиятига ҳам эга бўлишган. Шунингдек, “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Асли Карам” каби ишқий-романик достонларни ҳам

---

[29] Ўша китоб. –Б.59.

[30] Бу ҳақда қаранг: Тымофеев И. Бируни. Москва. «Молодая гвардия» 1986. 41,42, 88, 107,167,198-бетлар.

[31] Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1967. –Б.115.

[32] Қиличев Т. Хоразм халқ театри. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1988. –Б.117.

маромига етказиб куйлаганлар. Хоним халфадан Ҳоди Зариф 1930 йилда “Асли Карам” достонини ёзиб олган[33].

Хулоса қилиб айтганда, халфачиликнинг дастлабки босқичи ибодат ва маросимлар билан қоришиқ ҳолда ёддан ўқиш тарзида шаклланган. Қўшиқ, шеърият, ва рақс билан синкретик тарзда бирлашган бу санъат асрлар оша такомиллашиб келган. Ҳозирги маълумотларга қараганда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, халфалар репертуарига дунёвий достонлар кириб кела бошлаган. Аср охиридан бошлаб созанда, достончи халфалар фаолият кўрсатиб бошлайди. XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан ҳозирги ансамблли созанда халфалар фаолияти оммавийлаша бошлайди. (Бу тоифа халфалар балки хоразмшоҳлар даврида шаклланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас). Созанда халфа сифатида танилган дастлабки санъаткорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сорахон Оллабергановадир. Қироат билан диний ва дунёвий достонлар ўқийдиган саводхон-қиссахон халфалар ҳам ўз йўналиши бўйича тўй ва азаларда хизмат қилишда давом этишади. Хоразмда қиссахон-қироатхон халфалар кўп бўлган. Буларга Ниёзжон Мусаева, Сўна Эшматова, Розия Оллаёрова ва бошқаларни киритиш мумкин[32].

Халфачиликдаги бу икки йўналиш ҳозирги даврда ҳам ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Биз ушбу мажмуамизга учта достонни киритдик. Бу достонларда ҳам юқоридаги жанрларнинг аксарияти мавжуд. Бу достонлар орасида “Юсуф ва Зулайҳо” достони анча мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, мазкур достон ҳақида қуйидаги мақолани ҳам илова этишни лозим топдик.

«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО» СЮЖЕТИНИНГ ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ

«Юсуф ва Зулайҳо» ҳақидаги қиссаларнинг юзага келиши жуда қадимий тарихга эга. Бу қиссага замин бўлган турли афсона ва ривоятларнинг пайдо бўлиши эса эрамиздан олдинги даврларга тўғри келади. Улар қайта ишланган ҳолда дастлаб яҳудийларнинг муқаддас китоби «Таврот»га киритилган. Ўз навбатида ушбу сюжет ислом динининг муқаддас китоби «Қуръони карим»дан ҳам ўрин олган бўлиб, «Юсуф» сурасини ташкил этади ва унда 111 оят жамланган[1].

Х.Г. Кўрўғлининг таъкидлашига кўра, ушбу сюжетдаги Юсуф «биографияси» «Авесто»даги Сиёвуш образи билан боғланиб кетади[2].

«Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси кейинчалик бадиий адабиётга ўтиб, қайта ишланиб, ривожланиб, такомиллашиб борди. Дастлаб бу сюжет араб оламида Абулмуайян Балхий ва Бахтиёрий каби ёзувчилар ижодида кўзга ташланади.

Форсий адабиётда бу қисса асосида илк бора асар ёзиб машҳурлик қозонган шоир Фирдавсийдир. Бироқ рус олими Л.И.Климович ушбу асарни Фирдавсий номига нисбат берилишига шубҳа билан қарайди[3].

---

[33] Қаранг: Ошиқнома, 4-китоб, 345-347-бетлар.
[32] Қаранг: Ошиқнома, 4-китоб, 353-354-бетлар.
[1] Қуръони карим» -Тошкент.: «Тошкент ислом университети», 2001. –Б. 235-248-бетлар.
[2] Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азарбейджана. –М.: Наука, 1983. – С 336.
[3] Климович Л.И. Книга о коране. –М.: Политиздат, 1988. – С. 284.

XI асрда яшаган бухоролик шоир Шаҳобиддин Амъакнинг ҳам «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Аммо бу асар бизгача етиб келмаган.

1233 йилда шоир Али Туркий ўғуз туркийсида «Қиссаи Юсуф» достонини яратади. Мазкур шоир яҳудий-араб сюжетини янги ғоя, мотив ва образлар билан бойитиб, асарга этнографик, маиший тафсилотларни қўшиб, унга туркий колорит бериб асарнинг оригинал туркий версиясини яратди, шоир уни халқ шеърияти услубида ёзган. Ушбу асарни ёзишда у XI асрда яшаган А.Ансорий асарига таянган[4].

Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида ҳам бу сюжет насрий тарзда ўз ифодасини топган[5].

Ҳатто Абу Али ибн Сино ҳам бу афсоналарга қўл уриб «Юсуф қиссаси»ни яратган.

Бинобарин, бу қисса форсий ва туркий шоирларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Турк шоирлари Ш.Ҳамза (XIII аср), С.Фақиқ (XIII аср) Ҳ.Ҳамдий (XVаср), озарбайжон шоири Қ. Дарир (XIV аср), А.Жомий, Қ.Ҳиравий (XVII аср), Ҳозиқ, Хиромий, мулла Юсуф Ёркандий ва бошқа адиблар шулар жумласидандир.

“Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳақида тадқиқот олиб борган Ҳилола Сафарова ва Гелди Назаровларнинг таъкидлашларига қараганда V-XX асрлар давомида “Юсуф ва Зулайҳо” сюжети асосида 17 тилда 130 дан ошиқ асар ёзилган. Шулардан элликтаси форс, ўттиз иккитаси турк, еттитаси ўзбек, олтитаси араб, олтитаси озарбайжон ва бошқа тилларда ёзилган. Ҳатто бу сюжетга немис, латиш ижодкорлари ҳам мурожаат этишган.

«Юсуф ва Зулайҳо» нинг бизгача кўпгина қўлёзма нусхалари етиб келган. Унинг Абурайҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида тўртта, А.Навоий номли Адабиёт музейида битта, Самарқандда иккита қўлёзма нусхаси мавжуд. Шунингдек, унинг қўлёзма нусхалари Туркия, Лондон, Париж кутубхоналарида ҳам сақланади. Фақат туркий тилларда ёзилган қўлёзмаларнинг сони етмишга яқинлашади[6]. Бизгача етиб келган қўлёзмаларнинг энг мукаммал нусхаларидан бири Дурбек номига нисбат берилади. Аммо фанда бу асарнинг Дурбекка алоқаси йўқлиги ҳақида турли мунозаралар мавжуд. Бироқ, асар ўша муаллиф номи остида нашр этилган[7]. Дурбек деган шоир ўтганлиги ҳақида ҳеч бир асарда ёки тазкираларда маълумот берилмаган. Аммо асар ҳақида ёзилган барча тадқиқотларда Дурбек номи қайд этилган[8].

---

[4] Хисамов Н.Ш. Поэма «Киса-и Йусуф» Кул Али и задачи сопоставительного изучения тюркских версий сюжета Йусуфа. // Вопросы советской тюркологии. –Ашхабад, Ылым, 1988. –С. 43-47.
[5] Рабғузий Носруддин Бурҳонуддин. Қиссаси Рабғузий. –Т.: «Ёзувчи», 1990. –Б. 99-167.
[6] Дурбек и его поэма «Юсуф и Зулейха» // Дурбек. «Юсуф и Зулейха».-М.: «Худлит», 1987. С. 5-10.
[7] Дурбек, «Юсуф ва Зулайҳо», -Т.: «Адабиёт ва санъат», 1959.
[8] Бертелс Е.Э. Узбекский поэт Дурбек и его поэма об Иосифе Прекрасного. «Дар». –Т.: 1944; Ҳайдаров С. Дурбек. Дурбек ижодида хотин-қизлар образи. ТошДу илмий асарлари, №202. –Т.: 1962; Маллаев Н.Ўзбек адабиёти тарихи, Ікитоб. –Т.: 1965. Сафарова Ҳ. Ҳазрати Юсуф-гўзаллик тимсоли. –Т.: Ислом университети нашриёти, 2003. ва бошқалар.

Ҳатто рус тилида нашр этилган «Юсуф ва Зулайҳо»нинг муаллифи ҳам Дурбек номи остида берилган. (Дурбек. Юсуф и Зулейха. –М.: «Худ. Лит», 1987. С.Северцев таржимаси).

Асарнинг А. Навоий ижодига нисбатан берилиши ҳам нотўғридир. Шундай қилиб, достоннинг муаллифи ҳозиргача номаълум бўлиб келмоқда. Достоннинг ёзилиш тарихи эса қўлёзмада аниқ қайд қилинган:

«Зод» эди тарих таки «ҳе» ю «дол»,

Муддати ҳижратдин ўтуб моҳусол.

Байт таркибидаги «зод» (800), «ҳе» (8), «дол» (4) ҳарфларидан ҳосил бўлган сонларни қўшсак, 812 рақами келиб чиқади. Демак, достон 812 ҳижрий йилда ёзиб тугалланган. Бу сон милодий йил ҳисобида 1409 йил бўлиб чиқади. Бинобарин, асар ким томонидан ёзилган бўлса ҳам у ўзбек халқининг буюк маънавий меросидир.

Асарнинг композицион тузилиши ва мазмуни тубандагича:

1.Достоннинг ёзилиш сабаби ва воқеа ўрни. Канъон шаҳрида Ёқуб пайғамбар оиласида Юсуфнинг дунёга келиши. Унинг туш кўриб, отасига баён қилиши, буни пинҳона эшитган ўн нафар акаларининг хиёнат йўлига киришлари.

2.Юсуфни акаларининг чўлга олиб кетишлари. Уни дастлаб қудуққа ташлашлари ва кейинчалик 20 дирҳамга сотиб юборишлари. Юсуфнинг куйлагини эчкининг қонига бўяб, уни бўри еб кетди, деб отасини ишонтиришга уринишлари. Ёқубнинг бўри билан сўзлашиши, бўрининг Юсуфни емаганлиги ҳақида онт ичиши.

3.Юсуфнинг савдогар Малик томонидан Мисрга олиб келиниши.

Мағриб подшоси қизи Зулайҳонинг тушида Юсуфни кўриб севиб қолиши, уни излаб Мисрга келиб тасодифан бошқа бировга турмушга чиқиши ва адашганидан пушаймон қилиши. Юсуфни қул бозорида кўриб, топганидан севинчга тўлиши ва оиласига қул сифатида сотиб олишга эрини кўндириши. Юсуфни ўзига жалб қилиш учун ҳаракат қилиши.

4.Зулайҳонинг Юсуфга севги изҳор этиши, севгиси рад этилгач, уни мажбурлаб ўзига оғдириш режасини тузиши. Бу режа амалга ошмагач, унга туҳмат қилиши. Юсуфнинг зиндонбанд қилиниши.

5.Зиндонга шоҳнинг соқийси ва нонвойининг келтирилиши. Уларнинг туш кўришлари. Тушнинг Юсуф томонидан таъбир қилиниши ва бу таъбирнинг ўз исботини топиши. Шу орада Миср шоҳининг туш кўриши. Уни ҳеч ким таъбир қила олмай Юсуфга мурожаат этилиши.

6. Юсуфнинг Миср элида қурғоқчилик бўлишини башорат этиши. Шоҳ тушининг ўша ҳодисага боғлиқ эканини таъбир қилиши. Миср шоҳининг уни зиндондан чиқариб, тахтини инъом қилиши.

7.Юсуфнинг тахтга ўтириб оқилона иш тутганлиги сабабли Миср аҳолисини ҳалокатдан сақлаб қолиши. Бу орада Зулайҳонинг тул қолиб, кўзи ожиз бўлиши, унинг Юсуф олдига чиқиб арз қилиши. Учинчи бор учрашганда Юсуфнинг мурувват кўргазиши ва Зулайҳони яна ёшлигига қайтариши.

8. Ниҳоят Юсуф ва Зулайҳонинг 40 кеча –кундуз тўй бериб, бир-бирининг висолига етишлари. Улардан икки ўғилнинг туғилиши.

9. Канъон вилоятида ҳам қурғоқчилик бўлиб, очликнинг бошланиши. Юсуфнинг акаларининг Мисрга ғалла излаб келишлари. Юсуфнинг уларга ўзини билдирмай ғалла бериб уйларига жўнатиши. Акаси Шамъунни гаровга олиб қолиши.

10. Отасининг Юсуфга мактуб йўллаши. Ибн-Яминнинг Юсуф ҳузурига келиб, акаси билан танишиши. Уни Юсуфнинг ўғрилик баҳонасида олиб қолиб, акаларини жўнатиб юбориши. Акалари яна қайтиб келганда уларга акаларининг Юсуфни Малик савдогарга сотганликлари ҳақидаги тилхатини кўрсатиши.

11. Сўзловчи жом воситасида Юсуфнинг акалари қилмишини фош этиши. Уларнинг айбини тан олдириши ва тавба қилдириши.

12. Юсуфнинг отаси сотиб юборган, чўри аёлдан туғилган акаси Баширни топиб, отаси ҳузурига юбориши. Унинг билан отасининг Юсуф ҳузурига келиши. Баширнинг онаси билан дийдор кўришиши. Юсуфнинг куйлагини кўзига суртиб, Ёқуб кўзининг очилиши. Ниҳоят ота-болаларнинг бирга учрашиши, барча сирнинг аён бўлиши, ўзаро ярашиб, мурод-мақсадларига етишишлари.

«Юсуф ва Зулайҳо» достони воқеалари асосан шулардан иборат. Албатта воқеалар силсиласида майда деталлар жуда кўп. Уларнинг аксариятида мифологик хусусиятлар кўзга ташланади.

Жомнинг тилга кириши, Ёқубнинг бўри билан сўзлашиши, бешикдаги боланинг гувоҳлик бериши, турли туш билан алоқадор лавҳалар бунга мисол бўла олади.

«Юсуф ва Зулайҳо» сюжетини Хоразм минтақасида оммавийлаштирган истеъдодли шоир Нурмуҳаммад Андалибдир. У илк маротаба ушбу сюжетни халқ достонлари услубида наср ва назмда ёзиб ўз мухлисларига тақдим этди[9].

1959 йилда нашр қилинган достон сюжети билан Андалиб достонининг сюжети ўртасида жиддий фарқ кўринмайди. Бу деган сўз иккала асар ҳам бир хил деган маънони келтириб чиқармайди. Андалиб достонидаги наср намуналари ва шеърий парчалар бадиий-эстетик жиҳатдан юксак даражада ишланган бадиий нутқ ҳосилаларидир. Ижодкор насрий баёнда вазнли нутқдан моҳирона фойдалана олган: «Бир гард пайдо бўлди. Гард ичида санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ, фарда-фарда, туғи асоба, дабдаба, Хуршиди ховар, моҳи анвар, оламга сарвар, шон-шавкат, фаришта сифат, нури ҳидоят, тилида минг зикри сано, ишқида тамом халойиқ оҳу вовайло»… (Кўрсатилган асар, 242-бет.)

Достоннинг назм қисмида ғазал, мураббаъ, мухаммас, мустазод каби жанрлардан фойдаланилган. Айниқса мустазодларнинг гўзал намуналари эътиборни тортади.

Ёқуб наби мендан санго бир турфа хабар бор,
Жононинг эмасму?
Отики Юсуф, жумла жаҳон анго харидор,
Ул жонинг эмасму?

[9] Андалып. Ашгабат, «Туркменистан», 1991. –Б.125-246.

Юз нола билан нома ёзиб сизга юборди,
Кўрган ситамидин.
Арз айлади, ёд айласин ул пири кўҳан сол,
Дармонинг эмасму? (Ўша асар, 180-бет.)

Андалиб асарида достоннинг якунланиши бутунлай бошқача тарзда берилган. Ундаги финал «Лайли ва Мажнун»никига ўхшаб кетади. Унда баён қилинишича, Юсуф ўлимини олдиндан сезади. Зулайҳо билан хайрлашиб, жон таслим қилади. Зулайҳо ўзининг икки кўзини ўйиб олиб, биттасини тобутнинг бошига, иккинчисини оёғига қўяди. Юсуфнинг ёнидан ўзига ҳам мақбара қурдириб, худодан ўлим тилайди. Унинг илтижоси қабул қилиниб, жони қабз қилинади. Икки севишган қалб охиратда ҳам бирга дафн қилинадилар.

Қадимдан келаётган турли афсона ва ривоятлар асосида ёзма адабиётда яхлит бир сюжет асосида асар ёзиш анъанасининг тарихи анча узоқдир.

Фирдавсий, Навоий, Жомий, Фузулий, Андалиб ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг турли асарлари фикримизни тасдиқлай олади. Энг муҳими шуки, бу асарлар сюжети қайтадан халқ ижодига ўтиб, ўша асарларнинг халқ вариантлар пайдо бўла бошлаган. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» каби асарлар бунга мисол бўла олади.

Ўз навбатида «Юсуф ва Зулайҳо» достони ҳақида ҳам ўша фикрни айтиш мумкин. Туркман олими Б.А.Қарриевнинг таъкидлашича, туркман фольклорида Андалиб достонидан алоҳида равишда тарқалган «Юсуф ва Зулайҳо» достони ҳам мавжуд[10].

Шундай экан, «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг халқ варианти Хоразмда ҳам бўлиши керак, деган фикр бизда узоқ йиллардан бери яшаб келаётган эди.

Машҳур халфа шоира Ожиза репертуаридаги «Юсуф ва Зулайҳо» достонига тегишли қўшиқларнинг борлиги ҳам ушбу тахминни тасдиқлар эди.

Ниҳоят 2010 йилда достоннинг битта ёзма нусхаси қўлимизга тушди. Бу қўлёзма «Юсуф ва Зулайҳо»нинг халқ орасида тарқалган вариантларининг биттасидир.

2011 йилда «Юсуф ва Зулайҳо»нинг Ортиқбой Менглибоев муаллифлигида битта варианти эълон этилди[11]. Аммо бу асарни маълум бир муаллифга нисбат бериш муаммо туғдиради. Чунки, бу вариантнинг услуби ва асосий моҳияти бизнинг қўлимиздаги нусхага деярлик мос келади. Қолаверса унинг услуби ҳам халқ достонлариникидан фарқ қилмайди.

Бизнинг қўлимиздаги нусхани бир вақтлари Шовот туманининг Кат қишлоғида яшаган Ниёзжон халфа Мусаева қироат билан ўқиб, оммавийлаштириб юрган.

Бу нусхани О.Менглибоев вариантига қиёслаганда мазмун жиҳатидан фарқ сезилмайди. Аммо Ниёзжон халфага тегишли нусхада шеърий қисмнинг салмоғи анча ошиқдир.

О.Манглибоев вариантида мураббаълардан ташқари 3 ғазал, 2 мухаммас ишлатилиб, жами мисралар сони 626 тани ташкил этади.

---

[10] Каррыев Б.А.Эпос и дессаны (к вопросу об их взаимосвязи). // Извезтия АН Туркменистана. Серия общественных наук, №6, 1978. – С.47. (45-52)

[11] Менглибоев О. Юсуф ва Зулайҳо. –Урганч. «Хоразм», 2011.

Ниёзжон халфа нусхаси ҳам 2011 йилда нашр этилди[12]. Унинг таркибида 4 ғазал, 2 мухаммас бўлиб, шеърларнинг қолганлари мураббаъ шаклида берилган. Улардаги мисралар сони 794 тадан иборат.

Ушбу мажмуада эълон қилинаётган йиғма вариантда 226 та мураббаъ, 3 муҳаммас, 5 ғазал, 1 мустаҳзот ишлатилган бўлиб 1050 мисрани ўз ичига олади.

Мукаммаллик жиҳатидан Ниёзжон халфа варианти устунликка эга бўлгани сабабли таҳлил объекти учун ўша нашрни танлашни лозим топдик.

Асар анъанавий сюжет асосига қурилган. Аммо 1959 йилги нашр ва Андалиб асаридаги мазмундан муайян даражада фарқ қилади. Биринчидан, сюжет ихчамлаштирилган. Мифологик лавҳалар қисқартирилган. Иккинчидан, асар таркибидаги шеърий қисм деярлик бошқача ишланган. Фақат ундаги иккита шеър Андалиб асаридаги шеърлар билан мос келади. Битта шеър достоннинг қорақалпоқ версиясидаги шеърга жуда ҳамоҳанг. Ушбу ўхшашликлар достон сюжетининг Хоразм минтақасида турлича қайта ишловлар билан қадимдан бери халқ орасида оммавийлашиб келаётганидан дарак беради.

1959 йилги нашр, Андалиб асари ва биз таҳлил қилаётган учта асарда ҳам Ёқуб, хотини Роҳила, Зулайҳонинг отаси Таймусшоҳ, Миср Азизи, Малик савдогар, Ибн Ямин каби исмлар сал ўзгариш билан умумийлик касб этади. Достоннинг насрий қисми бадиий жиҳатдан анча мукаммал. Достон кўчирилганда эски ўзбек тилидан ҳозирги адабий тилга мослаштирилган. Фақат асар бошида «Аммо ровиёни ахбор, ноқилони осор, хушочинони достони бўстон, андоғ ривоят қулирларким»… тарзидаги бошланма ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, матн таркибида: сўзона, ғамгусор, алмудом, суду савдо, мағфират, чеҳраи ол, мустажоб, нуридийда, шайтони лаъин, алқасосу мин ал ҳақ каби форсий, арабий сўз ва изофалар, эски ўзбек тилига хос «қанда», «қутқарурсен», «қилурсен» каби ифода шакллари сақланиб қолган. Достон лексикасида Хоразм лаҳжасига оид «Хўстор» (ҳомий), «Тўпор» (тўда), «Каж» (қайсар), «Салгин» (таъсир), «Оға» (ака) сингари сўзлар ҳам тез-тез учраб туради. Достон матнида табиат тасвири ва уни образ руҳиятига боғлиқ ҳолда баён этилган ўринлар кўп: «Тун қора чодирини осмону фалакка ёпганда, само юлдузлари тун пардасини тешиб ўз жамолини кўз-кўз қилганда, бутун борлиқда осойишталик ҳукм сурганда Зулайҳо беҳол тўшагига чўзилди» (150-бет.)

Кўпгина ўринларда сажъ усулига мурожаат этилган: «…севги дарди гулдек юзини сўлдириб, ақли ҳушини олдириб, мажолини толдириб қўйди». (154-бет.)

Достоннинг назм қисмида бадиий етук, ғоявий ўткир мисралар учрайди:

Иллат излаганга берасан иллат,
Ҳикмат излаганга берасан ҳикмат,
Ҳақ йўлдан юрганни сақлаб саломат,
Муаммога тўла сирли дунёсан. (174-бет.)

[12] Ошиқнома. Урганч, «Хоразм», 2011. –Б.141-184. (нашрга тайёрловчилар: С.Р. Рўзимбоев, С.М. Сориев, И.О.Исмоилов, М.Жамметова)

Мисраларда ажойиб ташбеҳлар берилиб, улардаги танланган сўзлар китобхонда завқ-шавқ уйғотади:

Манглайида ой балқийди,
Юзида қуёш қалқийди,
Недир дилимни юлқийди,
Юрагимда ишқ уйғотди. (149-бет.)

Асар таркибига кирган ғазал ва мухаммаслар арузнинг ўйноқи баҳрларида битилган:

Биродарлар ажал доми айирди шоҳ суворимни,
Фалак жабри яна бузди, бузилган рўзғоримни.

Ғазал мафоийлун рукнининг айнан тўрт марта такрорланишидан тузилганлиги учун ҳазажи мусаммани солимга тўғри келади.

Бинобарин, достоннинг халқ варианти бадиий жиҳатдан ҳар томонлама мукаммаллик касб этади. Унда ёзма ва оғзаки бадиий нутқнинг ўзаро уйғунлашганлиги сезилади.

Достонга Дурбекка нисбатан берилган вариантнинг таъсирига кўра Андалиб варианти билан қорақалпоқ версиясининг таъсири юксакроқдир. Бир сўз билан айтганда ушбу асарда севги-садоқат, инсоф ва диёнат, меҳнат ва машаққат, иймон ва эътиқод, кечиримлилик ва бағри кенглик, она ватан, ота-она ҳурмати каби эзгу ғоялар омухталашган ҳолда ўз ифодасини топган.

Достонни тадқиқ қилиш халқимизнинг ақл-заковатининг нақадар юксак эканлигини яна бир бор исботлай олади.

Филология фанлари доктори, профессор: С.Р.Рўзимбоев

ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО

Аммо ровиёни ахбор, ноқилони осор, хушо чинони достони бўстон, андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда, араб томонда Нуҳ пайғамбарнинг ўнинчи авлоди бўлмиш Иброҳим пайғамбар дунёга келди. Иброҳим пайғамбарнинг Сора исмли хотинидан Исҳоқ пайғамбар туғилди.

Исҳоқ пайғамбар туғилганда Иброҳим пайғамбар юз ёшда, Сора тўқсон ёшда эди. Исҳоқ пайғамбар Ёқуб исмли ўғил кўрди, Ёқуб пайғамбар онасининг қариндошларидан Роҳила исмли қизга уйланди. Роҳила чиройли, гўзал, дарҳол киши эътиборини тортадиган мафтункор аёл эди. Лекин ундан фарзанд бўлмади. Бир куни Роҳила Ёқуб пайғамбарга: -Мени деб фарзандсиз ўтманг, бошқа аёлга уйланинг, -деди.

Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг устига учта хотин олди. Улардан ўнта ўғил битта қиз кўрди. Роҳила эса бефарзанд ўтиб бораётганидан жуда хафа эди. У Ўзини хилват жойга ўзини олиб худодан фарзанд тилаб илтижо қилди. Бир куни Роҳила туш кўрди. Тушида бир оқ соқолли, сариқ тўнли нуроний чол Роҳилага шундай деди: -Эй Роҳила, кўп ҳасрат қилаверма, илтижоларинг Худога етди. Сен ҳам фарзандли бўласан, сенинг фарзандинг барокатли бўлади. Ундан пайғамбар, солиҳ инсонлар, мамлакат султонлари туғилади. Насли насабинг бутун ер юзига ёйилади,-деди. Роҳила уйқудан қушдек енгил бўлиб қувониб уйғонди. Кўрган тушини эрига батафсил сўзлаб берди. Ёқуб пайғамбар ҳам жуда хурсанд бўлди. Ойдан ой, кундан кун ўтиб Роҳила ҳомиладор бўлди. Тўққиз ой тўққиз кун ўтиб, солиҳ фарзанд туғилди. Унинг ҳусни-жамоли қоронғи уйни мунаввар қилур эрди. Елкасида пайғамбарлик нишони бор эди.

Қошлари қуюқ, кўзлари кулиб турган, тим қора, жингалак сочлари қошига тушиб турган фарзандга Юсуф деб исм қўйдилар. Ёқубнинг Юсуфга туғилганиданоқ меҳри ўзгача зиёда бўлди. Шундай гўзал, чиройли, солиҳ фарзандни ато этган, Худога шукуроналар айтди. Қўйлар сўйиб садақа қилди. Ёқуб пайғамбар фарзандини қўлига олиб уни шундай таъриф этди:

Пешонангда балқир ойнинг жамоли,
Қутлуғ қадам, нури дийдам, хуш келдинг.
Кўзларинг барқ урар қуёш жилоли,
Қутлуғ қадам, нури дийдам хуш келдинг.

Қора сочинг, мушку-анбар таратар,
Юзингда офтобнинг нури акс этар,
Лабларинг ақиқдай ҳаёт бахш этар,
Қутлуғ қадам, нури дийдам хуш келдинг.

Баҳодир жуссали, йўлбарс билакли,
Ёмонликдан узоқ, тоза юракли,
Нигоҳлари сокин, сулув суратли,
Қутлуғ қадам, нури дийдам хуш келдинг.

Пешонанг, балқир Ҳақнинг нишони.
Иброҳим Исҳоқнинг дини иймони,
Вужудингда оқар Ёқубнинг қони,
Қутлуғ қадам, нури дийдам хуш келдинг.

Ёқуб дер, бошинга -тилло сочайин,
Сенга қўйлар сўйиб садқа қилайин,
Эл-элатни йиғиб тўйлар берайин,
Қутлуғ қадам, нури дийдам хуш келдинг.

Ёқуб пайғамбар ва унинг болалари мол чорвачилиги билан кун кечирар эрдилар. Шунинг учун ҳам улар чорва молларини боқиш учун бир жойдан иккинчи жойга доимо кўчиб юрар эдилар. Ёқуб пайғамбар Байтилдан Эфротга кўчиб бораётган эди. Йўлда бирдан Роҳилани тўлғоқ тутиб, туғиши яқинлашиб жуда қийналди. Ниҳоят иккинчи фарзандининг туғилиши Роҳилани ўлим ёқасига олиб келди. У жони чиқай, жони чиқай деганда ўғил туғди. Бола туғилиши билан она бу дунё билан хайрлашди. Отаси боланинг исмини Бенямин деб қўйди. Иложсиз ҳолда Роҳилани шу ерга дафн қилдилар. Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг қабри устига ёдгорлик бунёд қилди. Қабр ҳозиргача “Раҳила мақбараси” деб атаб келинаётир.

Онаси вафот қилганда Юсуф уч ёшда эди. Уни аммаси ўз тарбиясига олди. Аммаси Юсуфни жону дилидан яхши кўрарди. Юсуф олти ёшга кирганда аммаси ҳам қазо қилди. Ёқуб пайғамбар Юсуфни уйига олиб келади. У Юсуфга жуда меҳрибон бўлиб уни ҳеч кимга ишонмас, ёнидан узоққа юбормас эди. Кунлардан бир кун: Юсуф туш кўрди. Тушида қуёш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз унинг атрофида сажда қилаётган экан, ўн икки яшар Юсуф ўша тушини отасига баён қилиб шундай таъриф қилди:

Саҳарда туш кўрдим; қуёш билан ой,
Таъзимда турдилар қошимда менинг.
Ёнларида ўн бир юлдуз чарақлаб,
Таъзимда турдилар қошимда менинг.

Саҳрони тўлдириб қўй-қўзи юрар,
Қўйлар атрофида нағма-соз қилар,
Ҳуру –малойиклар кузатиб турар,
Гўё ҳаммалари тошимда менинг.

Уйқудан уйғондим бўлиб баркамол,
Танам қушдек ўзин сезарди хушҳол,
Тонг отмоқда эди кўрсатиб жамол,
Ёруғлик турганди бошимда менинг.

Бедорликда беҳол бўлиб ўйлайман,
Бу не ҳол сирини билобилмайман,
Юсуф дер, таъбирни сиздан сўрайман,
Таъбир айтинг туриб қошимда менинг.

Юсуфнинг бу сўзларини тинглаб отаси айтдики, Эй дилбандим, ажойиб туш кўрибсан, тушинг муборак бўлсин. Келгусида мартабанг баланд бўлар. Ўн бир юлдуз-ўн бир оға инингдир, қуёш ва ой эса мен ва онангдир.

Шундай улуғ, сеҳрли туш кўришни ато этган Парвардигори олам сени пайғамбарлик учун танлар, ҳамда сенга барча тушларнинг таъбирини билувчи башоратчи илмини берар. Лекин бу тушингни асло бошқаларга, ҳатто оға – иниларингга ҳам айта кўрма. Токи улар шайтоннинг ғулғуласи билан сенга қарши бирон ҳийла-найранг қилмасинлар. Чунки инсон қалбидан шайтон ҳам ўрин олган у ҳамиша инсон учун очиқ душмандир, деб ўғлига насиҳат бериб, бир сўз айта берди:

Ўн бир юлдуз, ўн бир оға-инингдир,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!
Ой ва қуёш отанг билан онангдир,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!

Ҳақ таоло назарини солибди,
Пайғамбар нишонин сенга берибди,
Таъбирчилик илмин ато этибди.
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!

Бир кун келиб болам султон бўларсан,
Ҳимоянгга элу халқни оларсан,
Қардош уруғларинг бошин силарсан,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!

Сенинг истиқболинг болам, буюкдир,
Эл ичида номинг мудом суюкдур,
Ҳасадгўйлар кўриб бағри куюкдур,
Болам, кўрган тушинг муборак бўлсин!

Ёзғитингда эзгу ишлар бор бўлсин,
Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин,
Бобонг Иброҳимнинг руҳи ёр бўлсин,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!

Туш таъбирин айтма, яхши-ёмона,
Ёмондан азият етар бу жона,
Ёқуб дер, сирингни сақла пинҳона,
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин!

Юсуф билан отаси ўртасидаги суҳбатни Ёқуб пайғамбарнинг бошқа ўғиллари пинҳона эшитиб турардилар. Юсуфнинг қалбларида қора ният илдиз отган, ҳасад ўтидан ўртаниб турган ўгай оғалари ўзаро маслаҳат қилдиларки, биз кўпчилик бўлсак ҳам Юсуф биздан кўра отамизга суюклироқдир, отасидан қандай йўл билан бўлса-да, уни айирмасак бўлмайди. Юсуф бор экан,

отамизнинг меҳрини тўла қозона олмаймиз. Юсуфни йўқ қилишимиз ёки бирон бир чоҳга олиб бориб ташламоғимиз керак, деган хулосага келдилар. Отасининг олдига бориб, Юсуфни ўзлари билан чорвани боқишга юборишни ўтиниб сўрадилар.

Отаси Юсуфни ёлғиз қолдирсангиз бўрилар ҳужум қилиб уни нобуд қилар, юбормасман,-деди. Шунда Юсуфнинг ўгай оғалари : Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсиз. Ахир биз унинг биродарлари, холис яхши кўрувчиларимизку. Агар биз ғафлатда қолиб уни бўри еб кетса, шак-шубҳасиз биз жазога лойиқдурмиз,-дедилар.

Юсуфнинг ўзи ҳам биродарларим билан саҳрони бир томоша қилиб келай,-деб отасига юзланиб бир сўз айтди:

Ижозат берсангиз каъбам,
Бир иш тушди хаёлима.
Тушибдур боғ ичра шабнам,
Менинг фасли баҳорима.

Қафасда булбулдур шайдо,
Дилда шодлик бўлур пайдо,
Бошимга тушар минг савдо,
Етиб қадди камолима.

Душманларим ўта ёнсин,
Рақиблар ваъдадин тонсин,
Минг-минглаб ташналар қонсин,
Ичиб оби зилолима.

Юсуф бечорага фурсат,
Отажоним беринг рухсат,
Оғаларим менга улфат,
Хабардор бўлса ҳолима.

Ёқуб алайҳиссалом ноиложЮсуфнинг кетишига руҳсат берди. Аммо Ёқуб алайҳиссалом Юсуфга рухсат қиларида қилди-ю, кўнгли ғашлиги кучаяверди. Дилини турли ташвишлар, ғул-ғулалар қоплади. Ақли шошиб, ҳуши қочиб, турли ҳаёлларга берилиб, ўғли билан хайрлашиб, бир сўз айтди:

Кўзим нури хўш, бор энди,
Қолмади ҳеч ихтиёрим.
Жудоликдан дилим ёнди,
Эшит энди оҳу зорим.

Сендан ўзга бу жоним йўқ,
Хаста дурман, омоним йўқ,
Келарсан деб гумоним йўқ,
Тез етишгил гулу зорим.

Билмам не савдолар бўлур
Ажаб можаролар бўлур,
Бошда юз ғавғолар бўлур,
Шул сабабдан йўқ қарорим.

Холи қўйдинг тоза боғи,
Қайдан оларман сўроғи,
Юрагимга солдинг доғи,
Ҳижрон солма Бируборим

Ёқуб айтар, болам, хўш, бор,
Йўлингда кўзим интизор,
Оллоҳим бўлсин сенга ёр,
Тез қайтиб, кўргил дийдорим.

Қабиҳ ниятлари амалга ошганидан ҳасадгўй оға-инилар хурсанд бўлиб, саҳрога жўнаб кетдилар. Ўгай оғалари Юсуфни саҳрога олиб чиқиб аввало ўлар ҳолатда калтакладилар. Шунда уларнинг каттаси Юсуфни ўлдирманглар, қудуққа ташланглар. Қудуқда ўзи ўлиб кетар ёки уни бирон-бир карвон эгалари олиб кетиб қул қилиб сотиб юборар, биз эса одам ўлдириш гуноҳидан фориғ бўлармиз,-деди. Бу маслаҳат ака-укаларга маъқул келиб Юсуфни карвон ўтадиган йўлнинг устидаги қудуқ томон судрадилар. Юсуф шунда биродарларига ёлвориб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Ҳаммамиз ҳам бир отанинг фарзанди,
Ёш жонимга жабр қилманг, оғалар.
Шайтони лаининг ишини қилиб,
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Отамизга берган сўзни унутманг,
Мотамимда отам бағрин қон этманг,
Мунофиқ тамғасин дилларга туртманг,
Мени ер қаърига отманг, оғалар.

Холисона сизга хизмат қилайин,
Мудом дардингизга дармон бўлайин,
Оғалар сиз билан мен ҳам юрайин,
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Пойингизга азиз бошим қўярман,
Эзгуликни Худо учун тиларман,
Қудуққа ташламанг, нобуд бўларман,
Мени ер қаърига отманг, оғалар.

Алқасосу минал ҳақни унутманг,
Шайтони лаиннинг йўлини тутманг,

Ёмонликни қилиб, яхшилик кутманг,
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Оғаларим, бугун жаллод бўлмангиз,
Юсуф айтур, судраб, қийнаб урмангиз,
Қанотимни болта солиб қирқмангиз,
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Юсуф зори –гирён бўлиб, катта акасидан мадад тилаб, унга ёлбориб, кўзида ёш, бағрида тош унга илтижо қилиб бир сўз айтди:

Кўзим нури, улуғ оғам,
Балога мубтало қилма!
Отам бошига юз минг ғам,
Солиб бахтин қаро қилма!

Менинг ҳолимга раҳм этгил,
Отам фарёдига етгил,
Гуноҳим бўлса, сен ўтгил,
Менга бунча жафо қилма!

Мен ҳам Ҳақнинг қулидурман,
Отамнинг булбули дурман,
Ҳам жони, ҳам дилидурман,
Бу ишларни раво қилма!

Фалак урди манго шабхун,
Йиқилди бошима гардун,
Оталик ҳақини бугун,
Оғажоним, адо қилма!

Юсуф бечорадур ҳайрон,
Отамни айламанг гирён,
Оғажон бошинга қурбон,
Мени бундай гадо қилма!

Юсуф қанча ялинмасин барибир оғаларининг кўнгли юмшамади. Катта акаси ҳам унга шафқат қилмади. Юсуфга раҳм-шафқат қилмасдан “Сен тирик бўлсанг бизга фароғат йўқ”-деб куйлагини ечиб олиб, уни чоҳнинг таги заминига итариб юбордилар. Бир қўйни сўйиб, Юсуфнинг кўйлагини қонига бўядилар ва кечга яқин уйга қайтдилар.

Оғаларига Юсуфни ишониб-ишонмай қўшиб юборган Ёқуб алайҳис салом бир шумликни сезгандай юрагига ғулғула тушиб кун пешиндан оққанда болаларининг йўлига кўз тикиб ўтирди. Узоқдан болалари кўринди. Санаб қараса ўн нафар, шубҳаланиб қараса, уларнинг бошлари эгик, кўзларида ёш, ораларида Юсуф йўқ эди.

Ёқуб алайҳиссалом Юсуфни сўраб, болаларига қараб. Кўзида ёш, бағрида тош бир сўз айтди:

Орангизда кўринмайди Юсуфжон,
Нури дийдам Юсуфжонга не бўлди?
Юсуфсиз бу ҳаёт мен учун зиндон,
Кўрар кўзим Юсуфжонга не бўлди?

Дилимда бир ёмон ҳислар кезганди,
Бахтсиз ҳодисани дилим сезганди,
Ёмон ўйлар кўнглим уйин бузганди,
Нури дийдам Юсуфжонга не бўлди?

Эрта билан ўн бир бўлиб кетдингиз,
Кечга яқин бир кам бўлиб қайтдингиз,
Укангиз Юсуфни қайда йўйтдингиз,
Сўзлар сўзим Юсуфжонга не бўлди?

Бўрилар тўдаси ҳужум қилдими?
Юсуфжонга бирор кор-ҳол бўлдими?
Ғунчаликда гулгун юзи сўлдими?
Меҳрибоним Юсуфжонга не бўлди?

Бошингиз эгикдир, кўзингизда ёш,
Бу аҳволингизга беролмам бардош,
Яратганнинг ўзи сирни қилгай фош,
Мададкорим Юсуфжонга не бўлди?

Ёқубнинг қаноти синди, қайрилди,
Тириклайин Юсуф мендан айрилди,
Бахтим қаро бўлиб белим майр илди,
Сўзлангизлар Юсуфжонга не бўлди?

Ўзаро маслаҳат олган шум-туёқ оғайнилар, чуқур қайғуга ботгандек бўлиб, йиғлаб отасига шундай дедилар:-Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб кетган эдик, қайтиб келсак бўри еб кетибди. Мана бу Юсуфнинг кўйлаги нарсаларимиз яқинида қонга бўялиб ётган экан. Гапларимиз рост бўлса ҳам барибир бизларга ишонмайсиз, деб йиғини кучайтиравердилар.

Ёқуб алайҳис салом болаларига айтди; -сизларга ҳавойи нафсларинг бирон ёмон ишни чиройли қилиб кўрсатган. Дилингизни шайтоний ҳис эгаллаган, ҳасад ўти олишиб, бутун тани баданингизни ўраб олган. Ҳасад-ҳасратга йўллар, бахиллик баднафсликка бошлар, деганлар. Эмди менинг ишим айрилиқ мусибатига Оллоҳдан мадад тилаб сабр-тоқат қилмоқдир, -деди ва Худога нолиш қилиб бир сўз деди:

Оллоҳим сендан тиларман,
Мени бундай зор айлама.
Юсуфни кўрмай ўларман,
Мани бундай хор айлама.

Менинг Юсуфимни бергил,
Ё бу омонатинг олғил,
Илтижомни қабул этгил,
Ҳижрони дилхор айлама.

Етказгил менга қўзимни,
Равшан айлагил кўзимни,
Эгам эшитгил сўзимни,
Зулмга дучор айлама.

Юсуфни сақла ҳар қанда,
Чўлу қиру биёбонда,
Юрагим юзминг армонда,
Мени бунча хор айлама.

Икки юзи гул Юсуфим,
Овози булбул Юсуфим,
Кокили сунбул Юсуфим,
Ҳижронда бемор айлама.

Дардима дармон Юсуфим,
Кўзлари мастон Юсуфим,
Йиғлатмагил қон Юсуфим,
Ёқубни гирён айлама.

Худо сақласа бало йўқ, деганларидек, Юсуфнинг тақдири ўлимгача бормади.

Яратганнинг иродаси бирлан қудуқнинг ичида, сувнинг устида тахт пайдо бўлди. Юсуф қудуқнинг ичида тахт устида уч кун оч-наҳор яшади, уни Тангри ўз нуридан тўйдирди. Баногоҳ Мисрга бораётган карвон ушбу қудуқ бошида тўхтади, сув олиш учун қудуққа челак туширдилар Юсуф челакка осилиб чиқди. Савдогар Юсуфга боқиб, бир қалқиб тушди. Қараса шердай ҳайбатли, аждардай суратли , йўлбарсдай қувватли, кўзлари сеҳрли, боқишлари меҳрли, фариштасифат, хуш талъат бир йигит унга маюсона табассум қилиб турибди. Карвоннинг бошлиғи Молик савдогар Юсуфни ўзи билан бирга Мисрга олиб кетди.

Қадим замонда Мағриб томонда Таймус деган подшоҳлик қилар эди. Шоҳнинг адолатли иш юритишидан мамлакати обод, халқи ундан шод эди. Таймуснинг Зулайҳо исмли бир қизи бор эди. Гўзалликда мамлакатда, неки мамлакатда офтоб нур сочилиб турган замин юзида ундан гўзалроқ ундан фусункор, ундан мафтункор қиз йўқ эди. У шоҳнинг якка-ю ягона қизи бўлиб, Таймус ўз қизига жону-дил билан меҳр қўйганди. Зулайҳонинг алоҳида кўшки, боғи кўплаб канизаклари бор эди.

Зулайҳонинг онасини тўлғоқ тутганда унга доялик қилган, унинг киндигини кесган, сўнгра уни тарбиялаб, илму одобдан сабоқ бериб келаётган меҳрибон энагаси бор эди.

Зулайҳо бир куни туш кўрди. Тушида қадди қомати келишган, гўзалликда тенги йўқ, ширин мулоқотли йигит билан ҳамсуҳбат бўлди.

Унинг нурли кўзи, ширин сўзи, алпдай қомати, сухсурдай сумбати, оқилона боқиши, кўрган кишига ёқиши, сўзга хасислиги, озгина маъюслиги Зулайҳони ўзига мафтун қилиб қўйди. Зулайҳо бу йигитни бутун борлиғи билан севиб қолди.

Севги ҳижрони қизил гулдек юзини сўлдирди, қалбини ҳасратга тўлдирди, ишқ дарди дилидан жой олди. У ўзини узлатга олиб оҳу-нолалар қилди. Зулайҳода бундай ўзгаришни сезган энагаси ундан ҳол сўраб бир ғазал айтди:

Дилимга боғланган гўзал дилбандим,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?
Нимадан хунобсан, асалим, қандим,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Гўдакликдан боқдим, камолга етдинг,
Кун қошимда, тунда бағримда ётдинг,
Бугун сиринг мендан пинҳона тутдинг,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Болдай ширин эди ҳар айтган сўзинг,
Бирор номаҳрамга тушдими кўзинг,
Сўлғин кўринмоқда офтобдек юзинг,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дев ё пари сенинг ақлинг олдими?
Ё биров қалбингга оташ солдими?
Ҳижрон дарди билан юзинг сўлдими?
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дуоларнинг кучин ишга солайин,
Не лозим қошингда бажо қилайин,
Дев, парини дийданг узра йиқайин,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дардинг айт энанга, дармон бўларман,
Истаган нарсангни тайёр қиларман,
Бор ҳунарим бугун ишга соларман,
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Зулайҳо энагасининг меҳрибонликларини кўриб, унга меҳри ошиб, қалби тўлиб-тошиб у ёқ-бу ёққа қараниб, зарбофга ўраниб, товусдай тараниб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб энагасига дардини тўкиб солди:

Тушимда бир йигит кўрдим,
Нигоҳи танни титратди,

Олиб қўлдан ихтиёрим,
Дилда бир туғён уйғотди.

Кириб келди даргоҳима,
Келиб ўлтирди ёнима,
Парво қилмади ҳолима,
Бир офатижон титратди.

Манглайида ой балқийди,
Юзида қуёш қалқийди,
Надир дилимни юлқийди,
Юрагимда ишқ уйғотди.

Ўзидир сарви қоматли,
Қадди баҳодир савлатли,
Сахий қалб, ўктам ҳимматли,
Хаёлим паришон этди.

Дийдорига тўёлмадим,
Узоқ суҳбат қуролмадим,
Манзилини билолмадим,
Ҳижрони дилни йиғлатди.

Сўзлари бирам мулойим,
Кулиб турар кўзи доим,
Насиб айлагай Худойим,
Дилбар мани мафтун этди.

Боқишлари дардга дармон,
Зулайҳо дер, чекдим армон,
Ҳақ қўшишга бергай фармон,
Дилда ишқ уйғотиб кетди.

Энагаси Зулайҳодан бу сўзни эшитиб: -эй қизим, тушга дев ва парилар кириб ўзларини чиройли йигит қилиб кўрсатадилар. Уларнинг иши доим одам фарзандига ғул-ғула солиш, тақдир қилишдир. Агар тушингда кўринган йигит одам фарзанди бўлса, шакл шамойилини ўзгартирмасдан яна тушингга киради. Мабодо ўша йигитни яна тушингда кўрсанг, исмини, насабини, манзилини сўрағил. Иншоллоҳ тақдиринг ўнгланиб, бахтли бўлиб кетарсан. Шу гаплардан кейин энагаси дуолар ўқиб Зулайҳони тинчлантирди, тутаткилар тутатди. Дев, пари энди оромингни бузолмайди, деб тасалли берди. Лекин Зулайҳо тушида кўрган йигитни телбаларча севиб қолди. Севги дарди унинг гулдек юзини сўлдириб, алифдек қаддини эгиб қўйди. Ногоҳонда қалбини асир қилган муқаддас ишқ оғушида сархуш бўлган Зулайҳо маъюс мискин бўлиб, қалби

севги изтиробига тўлиб, дилидаги пинҳоний кечинмаларини бир-бир баён қилди:

Ажойиб нозанин кўрдим, насибам бўлса ёрим бор.
Юрагимни тиғи ишқи пора қилди оҳу-зорим бор.

Ҳуру жаннат рашк этадур гулгун оразини кўргач,
Томоша қилғали, сайрон этарга гулу зорим бор.

Юзин кўргузиб, бошима солди турфа савдоларни,
Сабру қарорим олди, кеча-кундуз интизорим бор.

Кечибман жону дилдан кўрмагунча ҳусни раъносин,
Йитирдим кўз очиб юмғунча, бир соҳибқироним бор.

Муҳаббат ўтидин ёнди дилу жоним мусулмонлар,
Мени айб айламанг йиғласам то ихтиёрим бор.

Ажал соқийлари сунди шароби ишқни жомидин,
Ичиб сархуш ўлиб, ёрё диёримдин гузорим бор.

Тегиб ишқ оташин, ёндирди, айб этманг Зулайҳони,
Умиди васлидин андоғ, яна фасли баҳорим бор.

Зулайҳонинг бу ҳолатидан отасини воқиф қилдилар. Таймус подшоҳ Зулайҳони сўлғин, ғамли аҳволда кўриб, қизига ачинди.

-Эй ёлғиз қизим, кўрар кўзим, ширин сўзим, сочлари қундузим, кўзлари юлдузим, лаблари қирмизим, қалбимнинг қувончи, дилимнинг суянчи, уйимнинг гули, боғимнинг булбули, бошингга не савдолар тушди, деб сўради. Аммо Зулайҳонинг жавоб беришга ҳам ҳоли бўлмади. Шундан сўнг подшоҳ етук табибларни, азайимхонларни йиғиб, қизининг дардига даво топишни уларга топширди. Кун кетидан кунлар, ой кетидан ойлар ўтди. Табиблар ҳам, азайимхонлар ҳам Зулайҳонинг дардига чора топа билмадилар. Шоҳга айтдиларки; қизингиз ишқ дардига чалинган, севги, муҳаббат дардига ёрнинг висолидан ўзга чора топилмас, дедилар. Таймус Зулайҳога айтди: Қизим, тушингда кўрган йигитни топмоқ учун йигит кийимини кийиб, яқин канизакларингдан уч-тўрттасига ҳам йигит кийимини кийгизиб, ботир қўриқчилардан олиб, мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқ, одамлар орасидан севган йигитингни топсанг сени ўша йигитга берурман, хазинамдаги бойликнинг ярмини ҳам қўшиб топширурман. Ўз бахтингни ўзинг излаб топ, -деб қизига оқ фотиҳа бериб, мамлакат бўйлаб саёҳатга жўнатди. Зулайҳо бутун мамлакатни айланиб чиқди. Лекин тушида кўрган йигитни тополмай ғамгин бўлиб яна изига қайтди.

Хонасига кириб ойнага боқиб, кўзидан ёши оқиб бир мухаммас ўқиди:

Эй менинг кўнглимни олган, гул узорим қайдасан,
Бўйи шамшодим, паризодим, нигорим қайдасан,
Гулшани боғимда гулбарги баҳорим қайдасан,

Ҳасратингда зор бўлдим шоҳсуворим қайдасан,
Эй менинг кўнглимни олган навбаҳорим қайдасан?

Жонинга қурбон бўлай руҳи равоним сендадур,
Ақли ҳушим, ихтиёрим, балки жоним сендадур,
Бахти умрим ҳам ҳаёти жовидоним сендадур,
Шамъи шабистониму балки хону моним сендадур,
Эй менинг кўнглимни олган навбаҳорим қайдасан?

Дарди ишқим беадад, мен яна кўнгли харош,
Раҳм қил ҳолим кўриб, эй сен манго бағри тош,
Шамъи рухсорингга ошиқдир қамар бирла қуёш,
Не балодур хаста жонимда ёнар гурлаб оташ,
Эй менинг кўнглимни олган лолазорим қайдасан?

Ҳасратингда йиғлабон дунё бўлибдур тор қафас,
Ғам-аламда бўлмағай мендек гадо ҳеч битта кас,
Оҳинг чексам, нолишимдан туташарлар хорухас,
Раҳм қилғил ҳолима, қошимға келгил бир нафас,
Эй менинг қонимдаги оромижоним қайдасан?

Хоҳи зулмат, хоҳи шаб, кўкка етмиш нолишим,
Сендан ўзга йўқ менинг арзим айтарга бир кишим,
Минг балоларга гирифтордир менинг мунгли бошим,
Абри найсондек жаҳонни тўлдирибдур кўз ёшим,
Зулайҳонинг кераги ғамгусорим қайдасан?

Тун қора чодирини осмону –фалакка ёйганда, само юлдузлари тун пардасини тешиб ўз жамолини кўз-кўз қилганда, бутун борликда осойишталик ҳукм сурганда Зулайҳо беҳол тўшагига чўзилди. Кўзлари уйқуга илинар-илинмас нигоҳида яна ўша йигит пайдо бўлди. –Зулайҳо йигитга салом бериб, товозе қилди. Йигит Зулайҳони қўлларидан ушлаб, мафтункор чехрасини томоша қилди. Йигитнинг қўлларининг тафти, сеҳрли нигоҳи Зулайҳонинг баданини жунбишга келтирди. Зулайҳо йигитни қайта йўқотиб қўйишдан ҳадиксираб, унинг қўлларидан маҳкам ушлаб, кимлигини, манзил-маконини сўраб бир ғазал айтди:

Ўзинг кимсан, қайси ерда маконинг,
Кулар юзли йигит, қайдин бўлурсан?
Султон бўлсанг қайда тахту-равонинг,
Давлатли султоним, қайдин бўлурсан?

Насли насабингни билай, баён эт,
Мушкулларим номинг айтиб осон эт,
Манзиллингни излаб топай аён эт,
Кўнглим олган йигит, қайдин бўлурсан?

Ҳусни-жамолингга кўнглим боғланди,
Шодликларим ҳасрат-ғамга айланди,

Оёғимга олтин занжир чўлғанди,
Ҳушим олган йигит, қайдин бўлурсан?

Ҳусни –жамолингга кўзим тушибдир,
Оғушингга кўнгил қуши шошибдир,
Манзилинг тополмай ақлим чошибдир,
Ақлим олган, йигит, қайдин бўлурсан?

Оҳу-нолам кўриб Мажнун дедилар,
Ишқ дардига билмай ташдит қўйдилар,
Оёғимга тилло занжир солдилар,
Дард берган дилбарим қайдин бўлурсан?

Кўнглимни олдингу бўлмадинг дилдор,
Бедорликда ҳолим сўрмадинг бир бор,
Канизакинг бўлай гар қилмасанг ёр,
Шафқатсиз дилдорим қайдин бўлурсан?

Ошиқ деган шунча қайсар бўлурму?
Зулайҳосин ҳижрон ичра қўюрму?
Дилда ишқ ёнмаса кўзлар ёнурму?
Кўнглим олган йигит қайдин бўлурсан?

Юсуф кўрдики, Зулайҳо ишқ дардида ўзини олдириб қўйибди. Гоҳ хушига келса, гоҳ ҳушидан айрилибдир. Гулдек юзлари сўлғин, сарвдек қомати эгилган, чарос кўзларидан, нам киприкларидан тушаётган кўз ёшлари юзини юварди. Юсуф севган ёрини бу аҳволда кўриб юраги ачинди. Зулайҳога бўлган меҳри янада жўш урди. Зулайҳога узр айтиб, меҳрибонлигини кўрсатиб уни чин юракдан севиб қолганлигини айтиб дилидагини бир-бир баён этди:

Қурбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Мафтун қилди шаҳло кўзларинг сени.
Кўзимнинг нурисан, дилда армоним,
Мафтун қилди кулар юзларинг сени.

Миср азизиман, Миср маконим,
Сени деб оқади томирда қоним,
Мен гўё бир танман, сен эса жоним,
Дилга туғён солди сўзларинг сени.

Бошдаги жиғангга гавҳар бўлайин,
Дардинг олиб сенга дармон берайин,
Насиб қилса бирга даврон сурайин,
Мафтун қилди ишва, нозларинг сени.

Икки ўрим сочинг тиззангга тушган,
Қошга ўсма, кўзга сурма ярашган,
Висолингни насиб қилгай Яратган,
Мафтун қилди нозик белларинг сени.

Севар ёрим кулар юзинг сўлмасин,
Душман кулиб, дўстлар хуноб бўлмасин,
Сур давронни дилда армон қолмасин,
Мафтун қилди бошдан оёғинг сени.

Мен Юсуфман, сен унинг армонисан,
Ошиқларнинг жисми билан жонисан,
Оламда ягона бир жононасан,
Тизга тушар узун талларинг сени.

Зулайҳо Юсуфдан бу сўзларни эшитиб шоду-хуррам бўлди. Гўзал ва шинам боғда ошиқу-маъшуқ ширин суҳбат қурдилар. Осмон ўпар дарахтлар, қийғос очилган гуллар, ариқларда сокин оқаётган тиниқ сувлар, қушларнинг чуғурлаши, булбулларнинг сайраши шавқ ва завқ берарди. Меҳр тўла кўзлар учрашганда дил туғёнга, бадан жунбишга келарди. Узоқ-яқиндан келаётган хўрозларнинг қичқириғидан Зулайҳо кўзини очди. Ҳижрон ғамининг юкини кўтараолмай ёстиққа бош қўйган Зулайҳо бугун ҳушёр бўлиб уйғонди.

Севги –муҳаббатда шундай хосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қилади. Шу билан бирга муҳаббат эгаси дунёга бепарво қарамайди. Уни ишқ зарпечакдай чирмаб олади. Канизлар кўрдики, Зулайҳонинг аҳволида яхши томонга ўзгариш бор. Энагаси Зулайҳонинг шодлигини кўриб хурсанд бўлди. Хурсандчилик хабарини Таймусга етказдилар. Таймус хурсанд бўлиб, Зулайҳони олдириб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Зулайҳо отасига, энагасига тушида кўрган воқеани сўзлаб берди. Зулайҳо отасига юзланиб; мени ишқида ёндириб, ҳижрон азобига ташлаган йигит иккинчи бора тушимга кириб номи Азиз Миср бўлиб, макони Мисрда эканлигини айтди, деди.

-Эй ота, Азизимни топмагунча, унинг висолига етмагунча оромим йўқдир, -деди ва қалбидаги тўлиб –тошиб турган туғённи отасига баён қилди:

Мақсудли кўнгил ичра бир офатижон келди,
Киприклари ханжардай қошлари камон келди.

Неча йиллар йиғлатиб жисмим тўла қон келди,
Ошкора, пинҳон юриб ёрим бул замон келди.

Жонимда фароғат йўқ, улсиз менга роҳат йўқ,
Ҳеч ўзга қаноат йўқ, чин руҳи аён келди.

Ҳам дардимдур ҳам дармон, жонимдур анга қурбон,
Ўлдирса недур фармон ул шоҳи жаҳон келди.

Ишқинда ёниб доим йўлинда гирифторман,
Ўлгунча харидорман чин нури аён келди.

Анинг қадди жамоли куйдирди Зулайҳони,
Шон-шавкатли, обрўли, давлатли меҳмон келди.

Таймус шоҳ Миср мамлакатига одам юбориб; уларга Миср мамлакатидан Азиз Миср исмли одамни топиб, насл-насабини аниқлаб келишни топширди. Таймуснинг элчилари Миср мамлакатининг турли гўшаларида бўлдилар. Кўплаб одамлар билан суҳбатлашиб мулоқот қилдилар. Ниҳоят Азиз Миср Миср шаҳрининг ҳокими эканлигини аниқлаб, ҳокимнинг даргоҳига бордилар Азиз Миср Таймуснинг элчиларини қабул қилиб меҳмоннавозлик қилиб, ҳурматларини жойига қўйди. Меҳмонлар билан суҳбат қуриб, уларнинг фикрларини билди. Келганларга совға саломлар бериб мамлакатига кузатиб қўйди. Подшоҳнинг одамлари Таймусга хуш хабар олиб келиб, кўрган билганларини сўзлар бердилар. Таймус Зулайҳони воқеадан хабардор қилиб уни Мисрга юбориш тараддудини кўрди. Таймус шоҳ Зулайҳога совға-саломлар бериб, энагаси раҳбарлигида бир қанча канизлар ҳамроҳлигида Азиз Мисрнинг олдига юборди. Азиз Миср катта тантана ва шодлик билан Зулайҳони ўз никоҳига олди. Зулайҳо Азиз Мисрни кўргач, бирдан шодликлари ғамга айланди. Бошига бир челак совуқ сув қуйгандай сесканди. Азиз Миср Зулайҳонинг тушида кўрган йигити эмас эди. Зулайҳода қайғу аламларини ичига ютиб, тақдирига тан беришдан ўзга чора қолмади. Зулайҳо энагасига Азиз Миср тушида кўрган гўзал йигит эмаслигини айтиб дардини шундай баён қилди:

Тақдири азалнинг ўйинларидан,
Бегонага юзим тушди, онажон.
Кўнглим олган йигит қолиб қайлардан,
Бегонага кўзим тушди, онажон

Тушда кўрган йигит ёшгина эди,
Сўзлари мулойим, бўшгина эди,
Шаҳло кўзли, қалам қошгина эди,
Ўзга эрга кўзим тушди, онажон.

Оғушига тортди кекса мўйсафид,
Азиз Мисрман деб у қилди таҳдид,
Қалбимни тарк этди чеҳраи хуршид,
Кўзларимдан уйқу қочди, онажон.

Отамдан, онамдан, элдан жудоман,
Мусофирман, бугун энди гадоман,
Ўзга ерда ёрни излаб адоман,
Ҳушим бошларимдан учди, онажон.

Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр,
Қўйнимдаги ёрдан эрурман безор,
Кўнглимдаги ёрим йиғлатди зор-зор,
Кундан-кунга дардим ошди, онажон.

Зулайҳо дер, ёрим излаб келгандим,
Чимилдиққа ўйнаб-кулиб киргандим,
Бегона тўшакда ғамга чулғандим,
Мени дарду армон қучди, онажон.

Зулайҳо кўзидан маржон-маржон ёш тўкиб энагасининг кўксига бош қўйди. Бир вақтлари тоғ оҳуларидек зийрак, хушчақчақ, қайғу ва ғамдан йироқ, очилиб сочилиб юрган Зулайҳони ёрнинг ҳижрони, адашиш алами, севги дарди гулдек юзини сўлдириб, бўларини бўлдириб, ақл-ҳушини олдириб, мажолини толдириб қўйди. Энагаси Зулайҳога сабр-тоқат тилаб, кўнглини кўтариб бир қанча насиҳатлар қилди:

Сабр қилгин болам, ўзга чора йўқ,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.
Сабр сўнги олтин кўнглинг бўлсин тўқ,
Бахтинг кулиб бир кун яйраб кетарсан.

Дардингга давони Оллоҳдан тила,
Ҳар дарднинг давоси борлигин ўйла,
Бардошли бўл доим бардошдан сўйла,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.

Буғдойни тупроққа қориб кетдилар,
Ҳосилини униб чиққач, кутдилар,
Хирмонига сабр қилиб етдилар,
Сабр қилсанг муродингга етарсан.

Яратган бандасин синаб кўради,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳо қийнаб кўради,
Ўзи берган дардни ўзи олади,
Сабр қилгин, муродинга етарсан.

Болам уқиб олгин энаганг сўзин,
Баданга кирмайди тикан беизн,
Иншолло кўрарсан севганинг юзин,
Ғам, ҳасрат йўқолиб яйраб кетарсан.

Зулайҳо ҳақидаги баённи шу ерда тўхтатиб эндиги сўзни Юсуфнинг аҳволидан эшитинг. Шом мамлакатидан чиққан савдогарлар карвони етти кеча-етти кундуз йўл юриб, озгина эмас мўл юриб, неча тоғу чўл ошиб, неча юрту эл ошиб, кунлардан бир кун Нил дарёсининг бўйига етиб келгач дами тинчини олмоқ учун дарё бўйида тўхтадилар. Молик Юсуфга дарёда чўмилиб,

орасталаниб чиқишни айтди. Юсуф Нил дарёсида чўмилиб, сафар ғуборларидан орасталаниб, офтобдек балқиб ҳилолдек қалқиб дарёдан чиқди. Молик Юсуфни қимматбаҳо кимхоб зардўз либослар билан кийинтириб. тахти равонга ўтказиб Миср бозорига олиб борди. Йўлда Юсуфнинг қадди қоматини кўрган одамлар, қизлар, жувонлар тахти-равонга эргашиб Юсуфнинг ҳусни-жамолини томоша қилиб бордилар.

Юсуф Миср бозорига етганда унинг орқасидан эргашган одамлар сони кўпайгандан кўпайиб, катта оломонга айланди.

Зулайҳонинг кўнглида қандайдир завқ-шавқ пайдо бўлди. У ғам-андуҳларни унутиш учун саҳрога сайр этгани чиқди. Зулайҳо саҳрода бир неча кун сайру томоша қилди, бироқ ғам-андуҳдан холи бўлмади. Тахти-равонга ўтириб яна уйи томон равона бўлди. Келаётиб қул бозорида йиғилган катта оломонга кўзи тушди. Зулайҳо одамлардан: “Бу не оломон”, деб сўради. Шунда бир жувон Шом мамлакатидан келган савдогарлар Каънон вилоятидан келтирилган қулни ким ошди савдосига қўйганларини айтди. Зулайҳо канизларига бозор томон олиб боришни буюрди. Бир вақт Зулайҳо қирқин қизи билан, гулгун юзи билан, бир-бирининг изи билан, қанча жоду кўзи билан, ширин –ширин сўзи билан бозорга кириб кета берди. Зулайҳонинг ўнг ёғида қирқ битта, чап ёғида қирқ битта, жами саксон иккита кокили бор. Бир ёғини тилла сувга, бир ёғини симин сувга ботирган, тараб- тараб тонг елига қотирган. Кўзлари жовдираб, зулфлари шовдираб, зулфининг жилоси юзига уриб, юзининг жилоси зулфига уриб, завқу шавққа тўлиб, яшин тушгандай бўлиб, қумрию тўрғайлар унинг жамолига ошуфта шайдо бўлиб, у билан бирга учиб бораётир. Оломон бир Зулайҳонинг чеҳрасига боқиб ором олса, бир Юсуфнинг чеҳрасига боқиб ором олаётир. Гўё бир қуёш учта бўлиб нур таратаётгандек Миср бозори нурга тўлгандек бўлди.

Зулайҳо қараса, катта шоҳсупага қўйилган тахтнинг устида бир йигит турибди. Ёқасига зар қайилган кўркам атлас либос кийган, белига олтин камар таққан, қопқора сочлари жингалак-жингалак бўлиб елкасига тушган, қадди қомати келишган, гўзалликда тенгсиз.

Тушида кўрган йигитни аниқ-тиниқ таниди, Унинг “мен Юсуфман”, деган сўзлари эсига тушди. Миср Азиз унинг лақаби эканини англаб етди ва адашганига иқрор бўлиб, канизларига қараб бир абёт ўқиди:

Қизлар, эшитинг сўзимни,
Шу келган Юсуфа мангзар.
Мен йўқотибман ўзимни,
Шу йигит Юсуфа мангзар.

Келар кун билан чақишиб,
Яхши син этинг боқишиб,
Сийналарга ўт ёқишиб,
Шу келган Юсуфга мангзар.

Ҳақ саноси тилиндадир,
Зар камари белиндадир,

Ишқ оташи дилиндадир,
Шу йигит Юсуфга мангзар.

Овозаси элни тутган,
Кўрганлар ақлини йитган,
Ёши ўттизлардан ўтган,
Шу келган Юсуфга мангзар.

Зулайҳо дер, шукр Ҳақа,
Кўзим тинди боқа-боқа,
Мани мунча ёқа-ёқа,
Шу келган Юсуфга мангзар.

Бу сўзларни айтиб тамом қилганидан кейин Зулайҳо тушида кўрган йигитга кўзи тушиб, ҳушидан кетиб йиқилди. Канизлари беҳуш Зулайҳони уйига олиб келдилар. Энагаси Зулайҳони ҳушига келтириш учун гоҳ дам солар, гоҳ юзига гулоб сувин сепар гоҳ сийлаб-сийпалар эди.

Зулайҳо кўзини очса, ўз уйида ётибди. Энагаси унинг атрофида парвона. Зулайҳо энагасига юзланиб: эй она, қул қилиб сотилаётган одам менинг тушимда кўрган йигит бўлади; -деб яна бир бор дил дардини баён этди:

Гўзаллик мулкининг султони бўлган,
Тушга кирган йигит шу йигит эди.
Ўзини қул қилиб бозорга солган,
Мени мафтун қилган шу йигит эди.

Нигоҳлари жисму-жоним титратди,
Ҳижронлари қалбу дилим ўйнатди,
Ёрни кўриб ҳушим бошимдан кетди,
Ҳушим олган жонон шу йигит эди.

Тушларимда кулиб изимга боққан,
Бедорликда ҳижрон ўтига ёққан,
Юрагимга севги дардини таққан,
Мени севган йигит шу йигит эди.

Ўзин ғулом қилиб сотмоқда ёрим,
Ёрни кўриб ортди оҳ ила зорим,
Уни кўрмагунча бўлмас қарорим,
Кўнглим олган йигит шу йигит эди.

Бир чорасин топинг қўлдан кетмасин,
Ёрим ўзгаларга насиб этмасин,
Дард ва алам билан умрим ўтмасин,
Излаган севгилим шу йигит эди.

Зулайҳо дер энди топдим ёримни,
Яратган эшитди оҳу зоримни,
Анга сарф этайин ҳарна боримни,
Юсуфи Канъоним шу йигит эди.

Энагаси Зулайҳонинг сўзларини тинглагач, унинг чекаётган дарди ва аламларини англаб етди. Зулайҳога панд-насиҳат қилди. Бу сирни бирор киши, ҳеч ким билмасин, чеккан изтиробларингни Яратганнинг ўзи билиб турибди. Тақдир тақозоси билан севганингни сенга дучор қилибди. Сабр –тоқат қилсанг иншолло қайғуларинг барҳам топиб, бахтли –саодатли кунларга етарсан, деди. Энага:

-Эрингни қул бозорига олиб бор, ўша ғуломни сотиб олишга унда, деди. Зулайҳо бу маслаҳатдан сўнг эри Азиз билан Юсуф сотилаётган бозорга борди. Миср шаҳрининг ҳокими кўрдики, паҳлавон жуссали, арслон билакли, ақли доно, ҳусни барно бургут боқишли, одамга юзи ёқишли нурона порлаб турган мафтункор йигит қул бозорида бутун бир оломонни ўзига маҳлиё қилиб турибди.

Миср ҳокими савдогардан айтилган баҳога Юсуфни сотиб олди. Хотини Зулайҳога уни яхшилаб жойлаштиришни, парвариш қилишни, агарда унинг фойдаси тегиб қолса ўзларига фарзанд қилиб олишни топширди. Юсуф бир чоҳдан қутилиб, иккинчи балога дучор бўлди. Энди тутқунлик, қулликка маҳкум бўлди.

Юсуф келгандан кейин Миср шаҳрининг ҳокими Азизнинг ишлари ҳарқачонгидан ҳам яхшиланиб кетди. Юсуф қайси бир ишга қўл урмасин у иш баракали бўлди. Юсуфдан кўнгли тўқ бўлган Азиз оилада уни иш бошқарувчи қилиб тайинлади. Зулайҳо Юсуфнинг иззат-ҳурматини жойига қўяр, унинг билан ширин мулоқатлар қилар, яхши муомалада бўлар эди. Юсуф ҳам айрилиқ азобини ҳисобга олмаганда эркин, озод одамлардан ҳам яхшироқ ҳаёт кечирарди. Зулайҳо севган ёри билан ҳамдам бўлиб жамолини тамоша қилиб ҳижрон азобларини ортда қолдириб, бахтиёр кунларга етиб, Яратганга шукуроналар айтиб бир абёт ўқиди:

Тилакларим етиб етти самога,
Дардлар кетиб жонимга дармон келди.
Гўё шоҳлик етди ғариб гадога,
Ғамли кунлар ўтиб ҳур замон келди.

Кунларим ўтарди оҳу-зор билан,
Дийдорлашдим кўнглим севган ёр билан,
Тушимда учрашган вафодор билан,
Излаган дилбарим соғ-омон келди.

Шукурким ёримни кўрдим саломат,
Бўғзимда турганди жоним омонат,
Ёримга етишдим чекиб риёзат,
Жисмимга жон, дилимга иймон келди.

Пойларига поёндозлар ёзарман,
Бўйларини зар ипакдан безарман,
Дилим очиб, ёр кўнглини ёзарман,
Давлатли давроним, ёр омон келди.
Зулайҳо дер, раҳматим кўп Худоға,
Мурувватлар қилди, мендек гадога,
Ёр йўлида жисму жоним садоға,
Бугун яна, жисмим ичра жон келди.

Зулайҳо Юсуф билан суҳбатлашиб ўтирар экан, унинг эл-юртини, насл – насабини суриштирди. Юсуф Шом мамлакатининг Канъон вилоятидан Ёқуб пайғамбарнинг ўғли эканлигини, ўгай оғалари уни йўқ қилиш учун чоҳга ташлагани каби бошидан ўтган барча воқеаларни тўла гапириб берди. Зулайҳо эса бу воқеаларни эринмасдан тинглади.

Зулайҳонинг кечалари уйқуси қочиб, кундузи ороми йўқолиб ўтириш, туришида ҳаловат қолмади. Номаълум бир дард унинг юрагини эза бошлади. Зулайҳо хисоблаб кўрса бу фароғатсиз кун Юсуфнинг чоҳга ташланган кунига тўғри келади. Зулайҳо буни эслаб ғамгин бўлди. Бироқ Юсуфнинг соғ-омонлигини кўриб ўзини хушҳол сезди. Ишқ, севги тоза, беғубор кўнгилда бўлади. Баднафс одамнинг дилида иймон бўлмаганидек, унинг дилида ишқ ҳам бўлмайди. Ҳақиқий севги эгилади, лекин синмайди. Кўзлар учрашса, кўнгил яйрайди.

Ишқ шундай сеҳрга эгаки, икки дилни кўзга кўринмас ҳавойи кўпирик орқали бир-бирига боғлайди. Шу боисдан маъшуқанинг қайғу ва қувончларини ошиқнинг юраги сезиб туради. Ҳамма дардга даво топилади, лекин севгига даво топилмайди.

Маъшуқ қандай ҳолга тушса, ошиқ ҳам ўзи сезмаган ҳолда ё кўнгли ғаш бўлади, ё шоду-ҳуррам бўлади. Шу боисдан Юсуфнинг ранжу-аламларининг сояси Зулайҳонинг дилига тушган эди. Зулайҳо ҳам бошидан кечирган ишқ азобларини Юсуфга батафсил сўзлаб берди. Кўнглидаги барча изтиробларни бир-бир баён қилди.

Юсуф кўрдики, Зулайҳонинг кўрган ранж-аламлари ўзиникидан ҳам зиёда экан. Ишқ инсонни ҳам ўтга солади, ҳам ўтдан олади. Юсуф ҳасадгўй оғалари дастидан азоб чеккан бўлса, Зулайҳо ишқ азобини чеккан. Ишқ ҳанжари ўлимдан ёмон эканлиги маълум. Тақдир тақозоси билан икки элнинг икки фарзанди Миср мамлакатида дийдор кўришишди.

Зулайҳо Юсуфнинг қўлидан тутиб, ғамзаю ишва нозу карашмалар билан дил розини изҳор қилди; кўрайлик не деди:

Тушда кўриб жамолингни ошиқи девонаман,
Бунчалар бепарводирсан ишқингда сўзонаман.

Пешонингда ой балқийди, чеҳрангда нури жаҳон,
Жон берувчи кўзларингнинг шавқидин мастонаман.

Башар ичра йўқ эрур сен каби барно йигит,
Васлинга етмоқ учун юртаро гирёнаман.

Ақлу ҳуш учди бошимдин сени кўргандан бери,
Бегонага шайдо бўлиб, дўстларга бегонаман.

Сен бўлмасанг умрим хазон, ҳам қоронғу бу жаҳон,
Шам чироғимсан ўзинг ёр мен сенга парвонаман.

Қалб сирини сенга айтар бу ғамгусор Зулайҳо,
Сенга кўзим тушса магар доимо мастонаман.

Зулайҳо ишқ розини изҳор қилиб, Юсуфнинг бўйнига қўл ташламоқчи бўлди. Шунда Юсуф Зулайҳодан тисарилиб: эй Зулайҳо, эринг менга оилада иш юритиш ихтиёрини берди. Сенинг инъомингни бермади. Андиша билан иш қилгин, тағин ё сени, ё мени бошимга хумбузда ёнган хотиннинг куни тушмасин. Зулайҳо деди; баён қил, хотин не сабабдан хумбузда ёнган экан?

Юсуф деди: бир савдогарнинг яккаю ягона ўғли бор экан. Ўғли йигит етганда отасининг ёши анчага бориб, кексайиб қолибди. Ўғлига савдо ҳунарини ўргатмоқ мақсадида қўлига юз тилло бериб, рўзғор харажатини қилиб кел, деб бозорга жўнатибди.

Бозор дарвозасининг олдида бир кекса одам “Бир нақл бор, юз тиллога бераман”-деб ўтирибди. Йигит юз тиллони ҳалиги одамга берибди. У эса “Туз еган жойингга хиёнат қилма”-деган нақлни айтибди.

Савдогарнинг ўғли бозордан қайтиб келибди. Отаси ундан бозор харажатларини сўраса, ўғли юқоридаги воқеани баён қилибди.. Отаси ўғлининг бу ишидан рози бўлиб, сотиб олган нақлга доимо амал қил, дебди. Ўғлига яна юз тилло бериб бозорга жўнатибди. Ҳалиги одам яна дарвоза олдида “Бир нақл бор, юз тиллога сотаман”-деб ўтирибди. Йигит унга, илгариги менга сотган нақлми?-дебди. Ҳалиги одам эса, йўқ бу бошқа нақл, дебди. Йигит юз тилло берибди. Ҳалиги одам “Пишиб турган ошни ташлаб кетма”-дебди. Ўғли отасига бу гал ҳам ҳалиги одамнинг “Пишиб турган ошни ташлаб кетма”-деган нақли учун юз тилло берганлигини айтибди. Отаси ўғлининг бу ишидан ҳам рози бўлиб, сотиб олган нақлга ҳар доимо амал қил, дебди. Вақти етиб йигитнинг отаси вафот этибди. Йигит ёлғиз қолибди. Отасининг бой, бадавлат бир дўсти бор экан. У йигитни уйига олиб бориб, тарбия қила бошлабди, жуда фариштали, келишган йигит экан. Бойнинг эса ёш, чиройли хотини бўлиб, йигитни ёқтириб қолибди. Ёш хотин эри йўқ пайтида йигитни уйига киргизиб, унинг билан қовушишни илтижо қилибди. Йигит “Туз еган жойингга хиёнат қилма”-деган нақлга амал қилиб, хотиннинг илтимосини рад қилибди.

Аламзада бўлган хотин эри келгач, унга йигит устидан шикоят қилиб: сиз олиб келган йигит хиёнат қилди. Йўқлигингизда ётоғимга кириб мени зўрламоқчи бўлди. Дод солган эдим, қочиб кетди. Уни жазоламасангиз бўлмайди, -дебди. Бой хумбузчини чақириб бугун тушда хумбузга борган одамни оташхонага тиқиб юбор-дебди.

Хотин бу гапни эшитиб турган эди. Хумбузчи кетгандан сўнг, бой йигитни чақириб, туш вақтида хумбузчиларнинг ишларини кўриб келишни буюрибди. Йигит туш пайти хумбуз томон бораётган экан, йўлда бир дўсти йўлиқиб чой ичиб кет,-деб йигитни уйига таклиф этибди. Йигит ноннинг

тузини тотиб дарҳол ўрнидан турмоқчи эди, дўсти товоқда ош кўтариб киради ва йигитга таомни бирга ейишни таклиф қилади.

“Пишиб турган ошни ташлаб кетма”-деган ўгит ёдига тушиб, йигит ўтириб овқатланади. Бу пайтда аламзада ёш хотин йигитни хумбузда ёнганини кўраман, деган мақсадда хумбуз томонга борди. Хумбузчи хотинни дод-войига қарамай хумбузнинг оташхонасига тиқиб юборади. Шом пайти бой йигитни кўриб қолиб ҳайрон бўлибди. У хумбузчини чақириб, нега айтганимни бажармадинг,-дебди. Хумбузчи, айтганингизни бажардим, тушда хотинингиз борди, уни оташхонага тиқиб юбордим,-дебди. Бой ҳайрон бўлиб йигитни чақиради ва хотини билан бўлган воқеани айтиб, ўлимдан қандай омон қолганлигини сўрайди. Йигит бошидан кечирган барча воқеани айтиб беради. Мана кўраяпсанми, сенинг харакатинг ҳам бой хотинининг харакатига ўхшайди. Ҳар қандай қабиҳ ишни Худо жазосиз қолдирмайди. Мен Худойимдан қўрқаман-деди, Юсуф. Зулайҳо ниятига етолмай хуноб бўлиб қолди. Юсуф чўпонлардан хабар олиш учун чўлга жўнаб кетди. Чўлда ёлғиз кетаётиб, Худога илтижо қилиб бир муножот айтди:

Туз еган жойимга қандоқ иккилик айлай Худо,
Бу гуноҳдин ўзинг асра, қилма иймондин жудо.

Қўлимда ихтиёрим йўқ қул эрурман қулингга,
Инсоф бергин ул бекамга сенга қилгум илтижо.

Озодликдин маҳрумдурман кетарга ихтиёрим йўқ,
Айтганимни қилурсан, деб зуғум қилур катхудо.
Ўзинг қўлласанг бало йўқ, қўлламасанг чора йўқ,
Барча ишларга қодирсан расво айлама Худо.

Не азобинг бўлса тортай қабиҳ ишдин асрагил,
Жонимни олсанг олу мен бўлай сендин ризо.

Мусофирман ҳам ғуломман, сендин ўзга хўстор йўқ,
Мададкорим ўзингдурсан ишим ўнглаб қўйгил худо.

Сабрдин яхшиси йўқ, бу йўлда сабр айлайин,
Юсуф айтур, ишим ўзинг айлаюб қўйгил жобажо.

Уйдаги гап кўчага чиқмасдан қолмайди. Миср Азизнинг хонадонида Юсуф билан Зулайҳо ўртасида бўлиб ўтаётган савдолар аста-секин элга овоза бўла бошлади. Бу ишқ можароси ҳақида турли миш-мишлар авж олди.

Миср хотинлари Зулайҳо ўз қулига ошиғу беқарор бўлиб қолибди, деб турли ғийбатлар тарқатишди. Зулайҳо қулини ёқтирибди, қули эса Зулайҳони ёқтирмабди; Зулайҳо қулига нозу –карашмалар қилармиш, қули бунга парво қилмасмиш, Зулайҳо эҳтирос билан қулига тикилса, қули кўзларини олиб қочармиш. Зулайҳо қули ишқида ёниб-куйиб оҳу-нолалар чекса, қули унинг устидан кулармиш,-каби таъна-маломатлар Зулайҳонинг қулоғига тез-тез эшитила бошлади. Зулайҳо бу таъна-маломатлардан қутилиш чораларини

излаб, ўтиришма ташкил қилиб, Мисрнинг энг гўзал аёлларини бу йиғилишга таклиф этди. Хонани шундай безатдики, унда ейимлигу, ичимликларни санаб адо қилиб бўлмас эди. Миср аёллар ўзларига оро бериб , ўтиришмага ташриф буюрдилар. Хонанда, раққоса ва нозанинлар нағма соз қилиб, раққосалар товусдек хиром айлаб, мажлис аҳлини хушнуд қилдилар. Зиёфат ниҳоясига яқинлашганда Зулайҳо аёлларга юзланиб деди; эй азизлар, Миср гўзаллари "Зулайҳо қулига ошиғ бўлибди, аёл ҳам шундай паст кетарми", деб менга таъна ва маломат тошларини отдингизлар, ошиқлик бошга тушганда билинади. Агар у сарви қомат, фаришта сифат йигитни кўрганингизда ҳушингиз бошингиздан учиб, йўлингиздан адашиб, ақлингиз чошиб менга қилган таъна-маъломатларингиз кулгили эканлигини англаб пушаймон бўлар эдингиз.

Аёллар бир овоздан: қулингни биз ҳам кўрайлик, сен таърифлаганча бормикан, дедилар. - Зулайҳо деди: Қўлларингизга пичоқ ва лимон олурсиз. Юсуф кириб келганда лимон тўғрашга машғул бўларсиз. Бу менинг шартим.

Аёллар шартга рози бўлдилар. Зулайҳо Юсуфни мажлисга таклиф қилди. Юсуф бунга рози бўлмади. Шунда Зулайҳо Юсуфга илтимос қилиб деди: Эй Юсуф, сенинг ишқингда хотинларнинг маломатига қолдим, улар бошимга туҳмат тошларини отдилар. Бу маломатлардан мени сен қутқарурсан, сендан ялиниб сўрайман. Ўзингга янада оро бериб, шоҳона либосларингни кийиб меҳмонлар ҳузурига киргин. Юсуф ниҳоят рози бўлиб, Зулайҳо айтганидек қиёфада хонага кириб келди. Юсуфнинг ҳусни –жамоли мунаввар хонани янада чарақлатиб юборди. Аёллар одам фарзанди ҳам бу даражада зебо бўлурми, бу малойиклардан ҳам чиройлику, дедилар. Аёллар кўзларини Юсуфдан узолмай унинг ҳусни-жамолига мафтун бўлиб қолдилар.

Зулайҳо аёлларга лимонларни кесинг,-деди. Миср гўзаллари ҳушларини йўқотиб, лимон ўрнига бармоқларини кесиб қўйдилар. Зулайҳо аёллар аҳволига кулиб, бир абёт айтди, қани эшитайлик, не деди:

Ақлу-ҳушингизни олган шу гўзал,
Дилимда ушалмас армоним менинг.
Мени бу куйларга солган шу гўзал,
Қарашлари жонга дармоним менинг.

Муҳаббат дилларга ёлқинин сочса,
Ажабмас кишига сирларин очса,
Не қилай севганим бағримдан қочса,
Севгим сезмас қайсар сарбоним менинг.

Тилингизни менга ханжар қилдингиз,
Азиз бошим маломатга қўйдингиз,
Нега энди тилни тишлаб қолдингиз,
Билсангиз шу дилбар армоним менинг.

Ақлу-ҳушингизни ғуломим олди,
Лимон қолиб бармоғингиз тўғралди,

Дастурхоним қора қонга бўялди,
Мафтункор гўзалдир ғуломим менинг.

Ёрнинг ишқи дилим ром қилиб олди,
Зеболиги мени шу куйга солди,
Тунларим, кунларим беором бўлди,
Оромимни олди ғуломим менинг.

Алғараз бу ҳангомалардан кейин Миср гўзаллари Зулайҳонинг олдида изза бўлиб, Юсуфнинг офтобдек балқиб турган хусну-жамолидан дилларига ўт тушиб уйларига тарқалдилар. Шу баҳонада Зулайҳо Юсуфнинг висолига эришмоқ ниятида қатъий қарорга келиб, Юсуфнинг қўлидан ушлаб ичкари хонага етаклади. Ва кетидан эшикларни бир-бирдан занжирлаб борди.

Еттинчи хонага кирганда тўхтадилар. Хонага юмшоқ каравотлар қўйилган, тувакларда гуллар ўстирилган, тўрт деворига гўзал қизлар ва йигитларнинг жуфт –жуфт бўлиб турган, боққан кишида ҳирсий туғён уйғотадиган жозибали расмлари чизилган, Юсуф қайси томонга боқмасин кўзи жозибали расмларга тушарди. Юсуф эшик томон айланган эди, сиймобдек бадани куйлаги ичидан кўзга ташланиб турган Зулайҳо унинг бўйнидан қучоқлаб олиб тўшагига ўтказди. Титраган овоз билан Юсуфга ялиниб дардини бир-бир баён қилди, эшитинг, не деди:

Ою йиллар ҳижронингда ўртандим,
Сиру-асроримни билсанг не бўлди.
Бугун дийдорингни кўриб шодландим,
Ҳолим сўраб кўнглим олсанг не бўлди.

Ишқинг вужудимга солди ғалаён,
Истиғноларингга фидо бўлсин жон,
Васлингга етишмоқ дилдаги армон,
Ёрга қучоғингни очсанг не бўлди.

Дудоғларинг узра дудоғ қўяйин,
Гулгун яноғингдан бўса олайин,
Қўлларим белингга камар қилайин,
Нозик белларимдан қучсанг не бўлди.

Сен обу-ҳаётсан, мен сувга чанқоқ,
Сувингни чанқоқдан аяма бу чоқ,
Талабимни қондир бўлсангчи тезроқ,
Жонингни жонимга қотсанг не бўлди.

Бу хилватхонадан чиқишни унут,
Баданим оташгоҳ дилда ёнар ўт,
Қучоғингга олиб тўшагимга ўт,
Муродимни ҳосил қилсанг не бўлди.

Дардларимга бугун якун ясарман,
Висолингга шитоб билан етарман,

То қовушмагунча қўйиб юбормам,
Ёрни оғушинга олсанг не бўлди.

Зулайҳо дер, бўлдим ишқингда банда,
Мурувват айлашни қилмағил канда,
Менинг ихтиёрим сандадур санда,
Илтижомни қабул қилсанг не бўлди.

Юсуф сездики, Зулайҳонинг қарори қатъий. Унинг қалбидаги туғённи осойишта ҳолатга қайтариш, жунбишга келган қалб ҳароратини пасайтириш, телбага айланган ишқ девонасини аслий ҳолатига келтириш бир зумлик ишқий ҳирсни жиловлаш, поклик ҳамда орасталикка эришиш ва бу ишратхонадан қандай қутилиб чиқиш чорасини ўйлашни зиммасига олиш ҳамда Зулайҳони бу ниятидан қайтариш мақсадида шундай қарорга келди, қалбидаги фикрларни баён қилди:

Хиёнат айласам эринг Азизга,
Шак-шубҳасиз кишан солар қўлимга.
Тузоғингдин бўшат, берилма ҳисга,
Мени севсанг йўлламагин ўлимга.

Сен билан бўлганнинг йўқдир армони,
Ишқда ёнган дилнинг сенсан дармони,
Бироқ қабиҳ ишга йўллама мени,
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Зино қилганларнинг жазоси ёмон,
Ҳар икки дунёда топмайди омон,
Гуноҳ ишга мени ундама жонон,
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Айтганингни қилсам иффатим кетар,
Беҳаёнинг дилин иймон тарк этар,
Иймонсиз бандалар дўзахга ўтар,
Эшигинг оч, шафқат қилгин қулинга.

Шайтоннинг йўлига юрмагин эркам,
Шаҳвоний ҳирсингга ҳай бергин бекам,
Дардингга малҳамни кутмагин бу дам,
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Бўлурлар бу ишдан бир куни огоҳ,
Ўзингни қўлга ол, сабр қил, эй моҳ,

Олдимизда турар туби йўқ бир чоҳ
Мени десанг, элтма бевақт ўлимга.

Юсуф айтур, сенга эй сарви қомат,
Сабр қилсанг охир топарсан роҳат,
Бесабр бошига ёғади офат,
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Зулайҳо Юсуфнинг бу илтижолари-ю, ўгитларига парво қилмади. Эй севгилим, сенинг висолингга етмоқ учун ою- йиллар ҳижронингда азоб чекдим. Тасаввур қилгин, сен бир оқиб турган дарёсан, мен дарёнинг қирғоғида қолган сувга чанқоқ бандаман. Чанқоқ банданинг сувдан бошқа истаги бўлмас. Сен ёниб турган бир шамсан, мен эса парвонаман. Шам парвонанинг қанотларини куйдирса ҳам, танасини ёқса ҳам доим парвона шамга интилади.

Юсуф,- деди: Эринг ҳўжам, ўзинг бекамсан, ёмон кунларда ҳимоянггизга олдингиз, устимга кийим, ошу-нон бердингиз. Оилада иззат- ҳурматимни жойига қўйиб, мусофир қулга улуғ мартабалар бердингиз. Сенинг билан айшу-ишрат қилсам эринг Азиз ҳам, бизни яратган Худо ҳам бизни кечирмайди. Қиёматда не деб жавоб берурмиз.

Нақадар жозибали мафтункор жонон эканингни кўриб турибман, муҳаббат жисмингда ғалаён қўзғатганини ҳам сезиб турибман лекин не илож. Сен билан қовушсам эринг ҳамда Худонинг ғазабидан қўрқаман.

Ўтган аждодларим ҳалол ва пок инсонлар бўлиб яшаганлар, уларга иснод келтиришдан ор қиламан. Мени қўйиб юбор. Парвардигорим ҳамма нарсани хох махфий, хох ошкора бўлсин кўриб, билиб турувчидир. Илтижоларинг оллоҳ даргоҳида қабул бўлса, бир сабаб билан охир-оқибат висолга етармиз. Худонинг ўзи ишларни чиройли қилиб бажарувчидир. Зулайҳо титроқ товушда деди: сабр-тоқат қилишга мутлақо бардошим етмайди. Мен бир қуруқ танаман, жоним сенинг кўксингда, танам жонингга етмагунча энди бир дақиқа ҳам сабр қило билмасман, деб Юсуфнинг белидан қучоқлаб ўзини тўшакка ташлади. Юмшоқ бадан, ҳароратли тан бир бирига чирмашиб кетди. Юсуф ҳушини йиғиб олиб, Зулайҳонинг қучоғидан отилиб чиқиб, эшик томонга югурди.

Эшикларнинг занжирини бир мушт уруш билан парчалаб ташқари томон интилди. Зулайҳо кўрдики, Юсуф қочиб боряпти. Юсуфнинг изидан қувиб, охирги эшикда орқасидан етиб куйлагидан ушлади. Юсуф куйлагининг бир парчасини Зулайҳонинг қўлида қолдириб, ўзи ташқарига чиқди.

Эшик олдида ногоҳ Азизга учрашди. Азиз қараб кўрдики, Юсуф нимадандир кучли ҳаёжонда, унинг безовталигини суриштирган эди. Юсуф сир бой бермасдан “Тинчлик”деб қўйди. Азиз недандир шубҳаланиб Юсуфнинг қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди. Зулайҳо: Юсуф Азизга бор гапни айтиб қўйган, деб ўйлаб, Юсуфнинг устидан Азизга шикоят қилиб, ўз сирини ўзи ошкора этиб воқеани бошқача баён қилишга киришди:

Уйқуда ётардим оромим бузди,
Нияти ёмондир йўқот, бу қулни.
Нозик баданимга қўлларин чўзди,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Ўғрилардек писиб тўшакка ўтди,
Аста куйлагимнинг этагин тутди,
Ногоҳон баданим сесканиб кетди,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Бедор бўлиб ногоҳ дод-фарёд солдим,
Эшикка югурди изидан бордим,
Етиб куйлагидан бир парча олдим,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Бу қулга ошиқча эътибор қилдинг,
Қалби пок инсонми экан деб билдинг,
Ошиқча ишондинг, бағримни тилдинг,
Нияти ёмондур, йўқот бу қулни.

Банди зиндон айла, жазосин олсин,
Зулайҳо кимлигин зиндонда билсин,
Бу иш ўзгаларга ҳам ибрат бўлсин,
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Азиз Зулайҳодан бу сўзларни эшитиб, йўлбарсдай қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, аждардай ишқириб, филдай пишқириб, ақли учиб, ҳуши қочиб, кўзлари бўзрайиб, ранги сарғайиб, туклари тўнини тешиб, нетарин билмай пешонасини қашиб фиғони фалакка чиқиб кетди. Юсуфни нонкўрликда айблаб бир сўз айта берди:

Қул эмас, болам деб ардоқлар эдим,
Орзуларим бугун барбод айладинг.
Қабиҳ ишларингдан аламда қолдим,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Кўтара билмадинг иззат-ҳурматни,
Ошкор қилдинг дилда ётган иллатни,
Бўйнингга осибсан тавқи лаънатни,
Бадном бўлиб бизни хуноб айладинг.

Сени Зулайҳога топширган эдим,
Хизматингда бўлсин канизлар дедим,
Ўз мулкимни сенга ихтиёр этдим,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Азиз айтур, банди зиндон этурман,
Бошингга юз турли зулм солурман,
Азоблаб-азоблаб қасдим олурман,
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Юсуф бу қадар ноҳақ ҳақоратларни эшитиб, виждон азобида қийналиб, туҳмат ўтида ёниб Азизга айтдики; кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл

билан тутиб ҳукм чиқар. Азиз айтдики; бу нима деганинг? Юсуф деди; Бу шундай деганимки, одамни гуноҳкор қилиш учун уни кўз билан кўрмоғинг, сўзларини қулоқ билан эшитмоғинг, гуноҳ иш устида қўл билан тутмоғинг керак. Сенда бу далиллардан бирортаси ҳам йўқ. Менга исботсиз-далилсиз ҳақорат сўзларини ёғдирмоқдасан.

“Кишининг қўли билан ўт эшарма”, деган гап бор. Зулайҳонинг сўзи билан мени бўҳтон лойига булғадинг, мен бунга лойиқ эмасман. Иймоним пок, Худонинг олдида юзим ёруғ, -деб бу мухаммасни ўқиди:

Оллоҳ ўзи қилмаса, агар қулини расво,
Иймонга соя солмас, хуруж қилса ҳам иғво,
Шайтон сўзига кириб амал қилмадим асло,
Тақдир ёзғитидандир ҳар неки чиқса ғавғо,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулилло

Одам отадан буён тинчиган эмас дунё,
Агар нафсинг тиймасанг бошга ёғилур савдо,
Худо сақласа бало сақламаса йўқ чора,
Бандасини қилмагай икки оламда расво,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулилло.

Бу дунёнинг дардлари Одам отадан қолган,
Ҳаромийлар дастидан ер юзини сув олган,
Ҳақни билмаган Намрўд Ҳалилни ўтга солган,
Иймони пок Иброҳим оловдан омон қолган,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулилло.

Омонатга ҳеч қачон мен хиёнат қилмадим,
Оқлаб едим тузимни тузлиққа туфурмадим,
Иймоним покдир менинг, эгри йўлга юрмадим,
Ёмонларнинг дастидан мудом роҳат кўрмадим,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулилло.

Севган қулига ишқни ато айлади Худо,
Ишқ тушган юракларда бўлди иймон мусаффо,
Ошиғ дардига ёрнинг висоли бўлди даво,
Алмудом Юсуфни деб ишқда ёнди Зулайҳо,
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдулилло.

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларини эшитиб, мардона туришини кўриб айниқса “Севган қулига ишқни ато айлади Худо алмудом Юсуфни, деб ишқда ёнди Зулайҳо” деган сўзларидан тасирланиб беайб Юсуфни айбдор қилаётганидан пушаймон қилиб ўзини ерга ташлаб зор-зор йиғлади, бағрини тиғлади, кўзидаги ёш дилида тош бўлиб тугилди. Ўзини ўзи қийнади, ёнган юраги ўйнади.

Азиз Зулайҳонинг бундай йиғлаганини Юсуфни унга қилган хўрлик ва зўрлигидан деб ўйлаб Юсуфнинг сўзларига ишонмай унга нисбатан ғазаби

янада ошди. Шу пайт қизиқ аҳвол рўй берди. Бешикда ётган чақалоқ Зулайҳонинг амакиваччаси Оллоҳнинг иродаси билан тилга кириб гувоҳлик бериб дедики, “Агар унинг куйлаги олд томондан йиртилган бўлса Зулайҳонинг гапи ростдир ва Юсуф ёлғончилардандир. Агар орқа томонидан йиртилган бўлса у ҳолда Зулайҳонинг гапи ёлғондир ва Юсуф ростгўйлардан бўлур”. Азиз Юсуфнинг кўйлагининг орқа томонидан йиртилганини кўргач: эй Зулайҳо, бу иш сенинг макр-ҳийлаларингдандир. Қилган гуноҳингга тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг, деди.

Бу сўзларни эшитгандан кейин Зулайҳонинг юзидан қони қочди, кўзларини катта-катта очди, пешонаси тиришди, юзлари буришди. Айбдор болалардек кулишини ҳам билмади, йиғлашга эса ҳоли келмади. Судралганча ичкари уйга интилди. Уйга кириб, гандираклаб юриб ўзини ўринга ташлади, яна йиғини бошлади. Узоқ ётди, ўй-хаёлга ботди. Гуноҳкорлигини сезиб, ҳаётдан безиб, бу сўзларни айтди:

Қуёш юзлим, ширин сўзлим,
Бу ишимга пушаймонман.
Қамар юзлим, қаро кўзлим,
Бўлган ишга пушаймонман.

Фидо бўлсин ширин жоним,
Санго эй моҳи Канъоним,
Сенсан дилдаги армоним,
Бу ишимга пушаймонман.

Юрак-бағрим кабоб бўлди,
Ҳолим энди хароб бўлди,
Ичганларим зардоб бўлди,
Бу ишимга пушаймонман.

Зулайҳо дер, Юсуфжоним,
Куяр менинг устихоним,
Сенинг васлингдур армоним,
Бу ишларга пушаймонман.

Тангри таоло ўзининг маъсум пайғамбари Юсуфни маъсум бир гўдак тили билан оқлади. Азиз эса Юсуфга бу гаплар бости-бости бўлиб, унутилиб кетгунча сени зиндонда сақлаб турурман, - деб уни зиндонбанд қилишга буйруқ берди. Юсуф зиндонбанд бўлди.

Юсуф зиндонга тушганига бир томондан суйинса бир томондан куюнар эди. Суюнишига сабаб, Зулайҳонинг гуноҳ ишга ундаб қилаётган зуғумидан қутилиб иймонини саломат сақлаб қолгани бўлса, куюнишига сабаб ота-она, қариндошларининг меҳрига зор бўлиб, озод бошини қул қилиб, дардини айтарга дўст тополмай, ноҳақ айблар оламида зиндонга тушган эди. Яратган Оллоҳдан бошқа ҳимоячиси бўлмаган Юсуф ғамгин бўлиб Яратгандан шафқат сўраб, унга илтижо қилиб зиндонда ўтириб бир муножот айтди:

Йўқдан бор айлаган яратган Эгам,
Бу ғавғодан бошим озод қил, мени.

Азоб берар менга ноҳақлик, ситам,
Шафқат айлаб дарддан озод қил, мени.

Онам дийдорини ҳаргиз билмадим,
Тенг-тушларим билан ўйнаб кулмадим,
Отам хизматини адо қилмадим,
Ҳижрон азобидан озод қил, мени.

Акаларим ёмон ният этдилар,
Уриб, судраб чоҳ тагига отдилар,
Озод бошим банда қилиб сотдилар,
Шафқат айлаб бошим озод қил, мени.

Тўғри ишим ногоҳ хатога дўнди,
Туҳмат азобидан жигарим ёнди,
Ноҳақлик қад ростлаб, ҳақиқат синди,
Шафқат айлаб ҳимоянга ол, мени.

Хато қилсам иймон дилни тарк этар,
Тўғриликдан дилга озорлар етар,
Бирор хўсторим йўқ қўлимдан тутар,
Ёраб ўзинг ҳимоянгга ол, мени.

Яхшилардан асло ёмонлик чиқмас,
Ақли бор ёмондан яхшилик кутмас,
Маломат ғавғоси бошимдан кетмас,
Шафқат айлаб ҳимоянгга ол, мени.

Акалар қўлида хасу хор бўлдим,
Волидам дийдорин кўрмай зор бўлдим,
Юсуф дер, маломат бирла ёр бўлдим,
Ё раб, ўзинг ҳимоянгга ол, мени.

Юсуф зиндонга ташлангандан кейин Зулайҳонинг бир дарди икки бўлди. Аввалари истаган вақтда Юсуф дийдорини кўриб, ўзига тасалли бериб юрарди. Энди бу имкониятдан ҳам жудо бўлиб, айрилиқ дардида ранглари сўлиб, суврати бутун, сийрати тутун бўлиб, ўзини узлатга олиб азобдан ҳориб-толиб зор-зор йиғлаб, бағрини тиғлаб шундай бир мухаммас ўқиди:

Ишқинг дилимга жо бўлди жонажоним ўртадинг,
Ҳижрон азобига ташлаб жисми жоним ўртадинг,
Ғурбатда ғариб эрурман хонумоним ўртадинг,
Ишқинг тиғи тилди бағрим оқди қоним ўртадинг,
Парво қилмай аҳволимга меҳрибоним ўртадинг.

То абад ҳусну -жамолинг кўрмагай эрдим кошки,
Кўрган билан сенга кўнгил қўймагай эрдим кошки,
Куйингда саргардон бўлиб юрмагай эрдим кошки,
Ёрга етмоқ илинжида бўлмайгай эрдим кошки,
Муҳаббатим рад этиб, номеҳрибоним ўртадинг.

Умид билан васлинг сари юриб бошлаган эрдим,
Висолингга етай деб ёр қўлин ушлаган эдим,
Вафодорим дебон сени, кўнглим хушлаган эрдим,
Жамолингга меҳр билан нигоҳ ташлаган эрдим,
Умидларим сароб бўлди, жонажоним ўртадинг.

Мен йиғламай ким йиғласин дилдоримдан айрилдим,
Булбулам нола қилурман гулзоримдан айрилдим,
Суду-савдодан қолибман, бозоримдан айрилдим,
Во дариғ энди бугун дил торимдан айрилдим,
Ҳижрон азобига ташлаб меҳрибоним ўртадинг.

Айласам оҳу фиғон бўлсин Худо ёрим менинг,
То ҳаётман сен эрурсан дилдаги торим менинг,
Мен ғарибга қил назар, васлинга дил зорим менинг
Оташи ишқ ўртади, қалбда ёнар норим менинг
Ўтларга солдинг мени, хону моним ўртадинг.

Мен Зулайҳодек эларо сарсон бўлмагай ҳеч ким,
Севган ёрига етолмай ҳайрон бўлмагай ҳеч ким,
Шафқатсиз ёрнинг ишқида достон бўлмагай ҳеч ким,
Менинг армонларим янглиғ армон қилмагай ҳеч ким,
Дардларимга парво қилмай хону моним ўртадинг.

Бу мухаммасни ўқигандан кейин Зулайҳо канизларидан иккитасини олиб, Юсуфнинг ёдини қалбига солиб, гуноҳини ювиш учун тўғри зиндон томонга юриш этди. Бу мудҳиш масканга келиб, Зулайҳо зиндонбонга эҳсонлар бериб, зиндонда ётган Юсуфни яхши парвариш қилишни топширди. Юсуф ўзининг ишбиларманлиги билан зиндон бошлиғининг ҳам кўнглини топди, унга яқин бўлиб қолди.

Зиндон бошлиғи қамоқдаги барча маҳбусларни Юсуфнинг қарамоғига берди. Энди у ердаги ҳамма ишларни Юсуф бошқарар эди. Юсуф зиндонбоннинг ишончини қозонгани учун зиндонда ташқарига ҳам чиқар, аммо шу ҳудуддан узоқлашмас эди.

Кунлардан бир кун Канъон шаҳридан бир карвон Мисрга дохил бўлди. Карвон йўли зиндон устидан ўтар эди. Шу ерга келганда бир туя ер тепиниб, туриб қолди. Карвон боши ҳарчанд ҳаракат қилди юрмади. Шу пайт уларга Юсуфнинг кўзи тушди. Карвон бошидан хабар сўради. У киши Канъон шаҳридан келаётганини айтиб Юсуфдан сўради:

-Сен мен бир кўргандайман, асли қаердансан?

-Мен Канъонданман, Ёқуб набининг ўғлиман. Икки суҳбатдош бир-бирига анграйганча боқиб қолдилар. Карвонбоши узоқ Миср шаҳрида элдошини кўриб севинса, Юсуф ҳам элдошини кўрганидан севинар эди. Карвонбоши яна сўради:

-Сени ўлган деб эшитган эдик, қандай қилиб бу ерларга келиб қолдинг?

Юсуф ўз элдоши бўлганидан, қолаверса зиндонбанд бўлганидан отасига хабар бериш мақсадида бошидан ўтганларни карвонбошига ҳикоя қилиб берди. Карвонбоши бу хабарни Ёқуб набига етказишни ваъда бериб, туяни ҳайдашга ундади. Туя юриб кетди. Карвонбоши узоқ вақтлар йўл юриб, йўл юрсада мўл юриб Канъон шаҳрига етиб келди. Ёқуб набининг эшиги олдида туриб бир абёт айтди.

Ёқуб наби мендин санго бир турфа хабар бор,
Жононинг эмасму?
Отики Юсуф, жумла-жаҳон анга харидор,
Ул жонинг эмасму?
Юз нола била нома ёзиб сизга юбарди,
Кўрган ситаминдин.
Арз айлади, ёд айласин, ул пири кўҳан зот,
Дартонинг эмасму?
Кўрдим юзининг шуъласидур хуршиди ховар,
Рашкинда фиғондур
Найлай не қилай банда ўзи ишққа гирифтор,
Ҳайронинг эмасму?
Ҳар лаҳза салом отама деб, телмуриб қолди,
Куйди ҳамма олам.
Ёндирмиш ани дарду фироғинг шоҳи дилдор,
Армонинг эмасму?
Гардиши фалак жабридин ул айро тушуб дур,
Дар нолайи афғон,
Шому саҳар ёдинг ила бўлғуси бедор,
Ризвонинг эмасму?
Қосид келтуриб Юсуф учун Ёқубга нома,
Ул шаҳри мисрдин
Ташқарида фиғон этди ким кўрсалар агар,
Вайронинг эмасму?

Ёқуб алайҳиссалом ғамдан букилиб кўзи кўр бўлиб қолган эди. Болаларини чақирди.

-Эй болалар, бу келган кишини тингланглар, Юсуф ҳақида сўз айтаётир. Сизлар уни ўлди, деган эдингизлар, деди.

Юсуфнинг акалари жон ҳавлида келиб у карвонбошини тингладилар ва уни ёлғончи, фирибгарликда айблаб, ура-ура қувиб юбордилар. Ёқуб алайҳиссалом яна ғам-алам гирдобида ўз ёғига ўзи қоврилиб қолаверди.

Энди бу гап ўз жойида тўхтаб турсин. Хабарни яна Юсуфнинг аҳволидан эшитинг.

Кунлардан бир кун Миср подшосининг соқийси ва новвойи ҳам подшоҳга қарши жиноий ишда айбланиб қамоққа тушди. Юсуф қамоқхонада улар билан бирга эди.

Миср подшосининг соқийси билан новвойи бир муддат қамоқда ётганларидан кейин бир кечанинг ўзида иккаласи ҳам туш кўрди. Тушларининг таъбири нима бўлишини билолмай ғамгин бўлиб ўтирдилар. Юсуф уларни бу аҳволда кўриб ғамгинлигининг сабабини сўраган эди. Улар: Биз туш кўрдик, тушни таъбир қиладиган киши тополмадик,-дедилар. Юсуф уларга: тушнинг таъбирлари Худодан эмасми? Менга тушларингизни айтиб берингларчи таъбирлашга бир уриниб кўрай, -деди. Бош соқий тушини Юсуфга ҳикоя қилди: Тушимда бир туп узум кўрдим ундаги учта новдада узум бор эди. Новдаларда шингил-шингил узумлар пишиб турибди. Мен узумлардан шарбат тайёрлаб хожамга соқийлик қилаяпман,-деди.

Юсуф тушнинг таъбирини йўриб деди: Уч новда –уч кун. Уч кундан кейин қамоқдан озод бўларсан. Подшоҳ мартабангни баланд қилур. Аввалгидек яна подшоҳнинг соқийси бўларсан, -деди.

Бош новвой ҳам тушини Юсуфга айтиб таъбирини сўради:

Бошим устида учта сават бор эди. Уларнинг иккитасида нон, юқоридаги учинчи саватда подшоҳга тайёрланган овқат бор эди. Уларни подшоҳга олиб бораётган эдим, учинчи саватдаги овқатни қушлар чўқиб еб кетди-деди.

Юсуф тушнинг таъбирини шундай йўрди: Уч сават-уч кун. Уч кундан кейин подшоҳ сени дорга остиради. Қушлар келиб танангдан гўштингни чўқиб ейдилар,-деди. Уч кундан кейин бош соқий ва бош новвой зиндондан озод бўлдилар. Юсуф бош соқийга қараб, мени эслаб тур, деб илтимос қилиб бир сўз деди:

Озод бўлиб кетар бўлсанг бош соқий,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.
Бизга бу кунларни солмиш илоҳий,
Зиндондаги ҳамкор дўстни унутма.

Ғурбатда ғариблик дарди ўртади,
Мусофирнинг доди кимга етади,
Ноҳақликнинг зулми жоним ўртади,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Ғарибликда кулфат ёғди бошимга,
Ҳеч ким парво қилмас кўзда ёшимга,
Туҳмат тоши заҳар қўшди ошимга,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Шам жисмини ёқиб ёғду сочади,
Ноҳақ дарддан жисм жондан қочади,
Ҳақиқат юзини қачон очади,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Бундан кетиб шоҳ олдига етарсан,
Илгингдан султонга шароб тутарсан,
Пайти келса мени эслаб ўтарсан,
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Юсуф айтар, банди бўлдим бу замон,
Яратганнинг ўзи бергуси омон,
Ноҳақликдан азоб чеккан кўп ёмон,
Ноҳақ азоб чеккан дўстни унутма.

Шундай қилиб, бош соқий ва новвой уч кундан сўнг зиндонни тарк этиб, яна саройда ўз ишларини давом эттирдилар. Орадан уч кун ўтгандан кейин подшоҳ ўзининг туғилган кунини нишонлаш учун барча мулозимларига зиёфат ташкил қилди. Зиёфатга бош соқий билан бош новвойни ҳам таклиф этди.

Подшо бош соқийни ўз мансабига қайтарди. У олдингидан ҳам ҳурматлироқ бўлиб, ўз ишини давом қилдирди.

Бош новвой эса яна айбдор топилиб Юсуф таъбир қилганидек дорга осилди.

Бош соқий ўз мансабига ўтиргандан кейин Юсуфни эсдан чиқарди. У ҳақда подшоҳга сўз очмади. Юсуф эса узоқ йиллар зиндонда қолиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, подшоҳ бир туш кўрди. Нил дарёсининг бўйида ўтлаб юрган еттита семиз сигирга подшоҳнинг кўзи тушди. Шу пайт еттита ориқ, кўримсиз сигир пайдо бўлиб, еттита семиз сигирни еб юборди. Воқеа содир бўлган жойнинг нарироғида еттита яшил, бўлиқ бошоқ ўсиб турарди ва яна шу ерда еттита қовжираган бошоқ ҳам ўсиб турарди.

Подшоҳ уйқудан уйғонгач, кўрган тушини эслаб анча вақт ғамгин бўлиб ўтирди. Кейин аъёнларини чақириб уларга тушини айтиб, туш таъбирини сўради.

Аъёнлар: бу олоқ-чолоқ тушлар экан биз тушингизни таъбир қилаолмаймиз, узуримизни қабул қилинг, -дедилар. Бу аъёнлар орасида бош соқий ҳам бор эди. Бош соқийнинг эсига бирдан зиндондаги ётган Юсуф келди. Бош соқий подшоҳга юзланиб деди: Зиндонда Юсуф исмли бир иброний ётибди. У тушнинг таъбирини тўғри айта олади. Бош новвой билан зиндонда ётганимизда Юсуф биз билан бирга эди. Биз туш кўрдик. Тушимизни Юсуфга айтган эдик, у таъбирлаб берди. Унинг башорат қилганидек мен ўз вазифамга қайтдим, новвой эса дорга осилди. Бу воқеа худди Юсуф таъбирлаганидек бўлди. Буюрсангиз тушингизни Юсуфга таъбирлатиб келаман. Шунда подшоҳ деди: таъбирчининг сўзини ўзганинг оғзидан эшитгандан кўра, ўзининг оғзидан эшитган яхши. Подшоҳ Юсуфни зиндондан олиб келиш учун одам юборди. Бу одамлар Юсуф ҳузурига келганидан кейин Юсуф ўзининг гуноҳсизлигини исботлашга қулай пайт келганини англади. Барча бўлиб ўтган воқеаларни подшога етказиш учун унинг юборган одамларига шундай илтимос қилди: подшоҳнинг олдига қайтиб бориб, унга Зулайҳонинг зиёфатида ўз қўлларини кесган аёллар ҳақида айтинглар. Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчидир. Шояд менинг бегуноҳ эканлигимни, шаҳар ҳокими йўқлигида

унга хиёнат қилмаганлигимни, Оллоҳ ҳеч қачон хоинлар ишини ўнгламаслигини мамлакат шоҳи ҳам билиб олсин.

Элчилар подшоҳга Юсуфнинг илтимосини айтдилар. Подшоҳ Зулайҳо ва унинг зиёфатида бўлган аёлларни ҳузурига чорлади. Улар билан сўзлашиб, дастлаб аёлларга шундай мурожаат қилди:

-Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда у ҳам сизларга мойиллик кўрсатганмиди? Аёллар айтдилар: Оллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз. Подшоҳ сўнг Зулайҳодан тўғри сўзлашни талаб қилди.

Зулайҳо деди: Мана энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У шак –шубҳасиз ростгўй инсондир. Бу суҳбатдан кейин подшоҳ Юсуфни зиндондан чиқаришга буйруқ берди. Юсуфни зиндондан озод қилиб, унга тоза либослар кийгизиб подшоҳнинг ҳузурига олиб келдилар. Подшоҳ Юсуфга ёнидан жой берди. Кўрган тушини баён қилиб шундай деди: Мен тушимда Нил дарёси бўйида турган эканман. Дарёдан еттита семиз сигир чиқиб қиёқзорда ўтлай бошлади. Шундан кейин дарёдан яна еттита орик сигир чиқиб, халиги еттита семиз сигирни еб қўйди. Шундан сўнг уйғониб кетдим. Кўзим яна уйқуга илинган эди. Яна туш кўрдим. Тушимда еттита тўлиқ ва яшил бошоқни кўрдим. Унинг кетидан еттита қовжираган бошоқ чиқиб, ҳалиги етти тўлиқ, яшил бошоқни еб қўйди.

Юсуф тушнинг таъбирини шундай таъбир қиди: икки туш ҳам бир хил маънони билдиради:

Еттита яхши сигир –етти йил.

Етта яшил бошоқ-етти йил.

Бу етти йилда Миср мамлакатида деҳқончиликда ҳосил мўл бўлиб, фаровонлик бўлади. Етти орик сигир-етти йил. Етти қовжираган бошоқ ҳам-етти йил. Етти йил фаровонликдан кейин, етти йил қурғоқчилик ва қаҳатчилик бўлади.

Тушнинг подшоҳга икки марта намоён бўлиши шуни билдирадики, бу ишнинг бўлиши муқаррардир. Худо буни кечиктирмай амалга оширади. Эй олампаноҳ, ақлли, доно, тадбиркор бир одамни Миср юртига раис қилиб қўймоқ лозим. Раис мўл –кўлчилик йилларида олинган донларнинг бир қисмини мамлакат омборларида сақласин, кейинги қаҳатчилик йилларида заҳира қилиб қўйилган озиқ овқат ва ғалладан оқилона фойдалансин.

Шундай қилинса, мамлакат аҳолиси қаҳатчилик йилларидан эсон-омон, тўқ ва фаровон ўтади. Бу гап подшоҳ ва унинг амалдорларига маъқул бўлди. Подшоҳ Юсуфга: Худо буларнинг ҳаммасини сенга маълум қилган экан. Сендан ақллироқ ва донороқ одамни топиш қийин. Бу ишни сенга топширaман. Миср элига раис бўласан мамлакат халқи сенинг амрингга қараб иш тутади, деди ва подшоҳ бармоғидаги узугини Юсуфнинг бармоғига тақди. Шоҳона либослар кийдирди. Юсуфнинг Миср мамлакатига раис бўлиб тайинланганлигини халққа маълум қилиб жар чақиртирди. Юсуф бу пайтда ўттиз ёшга кирган эди. Кечагина ўзида эрки бўлмаган, қуллик азобини, зиндон азоб-укубатини тортган, ғурбатда ғариблик дардини чеккан Юсуф бугун Миср мамлакатининг ҳокими. Дунёнинг бундай қалтис ишларидан ҳайратланган Юсуф шундай бир ғазал ўқиди:

Ҳавонинг хаёлин шайтонга бериб,
Одамни жаннатдан қувган дунёсан.
Қобилнинг нафсини қуйига солиб,
Ҳобилнинг жонини олган дунёсан.

Ернинг кўрки эрур қуёш билан ой,
Жонзотлар бахш этар заминга чирой,
Барча коинотни яратди Худой,
Кечали-кундузли бўлган дунёсан.

Нуҳ қавмини тўфон ичра ўтқазиб,
Иброҳимни ўтдан омон қутқазиб,
Ҳалилни қўлига болта тутқазиб,
Бутларни чил-парчин қилган дунёсан.

Бир ёғингда ҳаёт тантана қилар,
Бир ёғингда ажал соясин солар,
Фарзанд ота-она ҳажрида куяр,
Ҳар кимни ҳар ёна отган дунёсан.

Бўлмайдиган ишни баъзан бўлдириб,
Кимнидир йиғлатиб, кимни кулдириб,
Гадонинг бошига тожни кийдириб,
Султонни девона қилган дунёсан.

Иллат излаганга берасан иллат,
Ҳикмат излаганга берасан ҳикмат,
Ҳақ йўлдан юрганни сақлаб саломат,
Сирли муаммога тўлган дунёсан.

Қора кунлар бугун бошимдан кетди,
Бахт –иқбол тахтига оёғим етди,
Ғанимлар бош эгиб пойимдан ўпди,
Алғов далғовларга макон дунёсан.

Юсуфнинг бошига қўнди бахт қуши,
Бунга сабаб бўлди подшонинг туши,
Барчаси яратган Оллоҳнинг иши,
Бири ҳақу бири ёлғон дунёсан.

Юсуф Миср вилоятига раис бўлгандан сўнг ишбилармонлик ва тадбиркорлик натижасида ўлкада етти фаровонлик йили бошланиб, деҳқончиликдан мўл ҳосил олинди. Юсуф бу даврда кейинги йилларда келадиган қаҳатчилик даври йиллари учун ғалла ва озиқ-овқатларни йиғиб шаҳар омборларида сақлаб қўя бошлади. Сал ўтмай етти фаровонлик йили тугаб, қаҳатчилик йиллари бошланди. Ёмғир ёғмади, сув камчил бўлди,

қурғоқчилик ўз ишини кўргазди. Ҳосилдор ерлар сувсизликдан яхши ҳосил бермади. Ниҳоллар, экин-тикин қовжираб қолди. Барча ўлкаларда очарчилик бошланди. Қаҳатчилик офати сабабли одамлар очликдан нобуд бўла бошлади. Шундай бир даврда Мисрда ғалла, дон сероб бўлиб, озиқ-овқат мўл эди. Юсуфнинг буйруғи билан халққа дон тарқатиларди. Бошқа давлат савдогарлари эса Мисрга келиб дон сотиб олиб кета бошлашди.

Бир куни Мисрда ғалла борлигини эшитган Ёқуб алайҳиссалом болаларини йиғиб шундай деди:

-Мисрда ғалла мўл экан, савдогарлар бориб у ердан ғалла озиқ-овқат келтираяпти. Сизлар ҳам Мисрга бориб дон олиб келинглар. Бўлмаса очликдан нобуд бўламиз.

Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг укаси Беняминни ёнида олиб қолиб, ўнта ўғлини ғалла олиб келиш учун Мисрга юборди. Канъон ўлкасидан чиққан карвон узоқ масофани босиб Мисрга етиб келди. Юсуфнинг акалари Миср вилояти раисининг ҳузурига кириш учун рухсат олишди. Улар Юсуфнинг олдига кириб бошлари ерга теккунча эгилиб таъзим қилдилар. Юсуф акаларини таниди. Бироқ акалари уни танимадилар.

Акалари унинг олдида бош эгиб турар экан, Юсуфнинг ҳаёлидан кўрган туши, отасининг насиҳати, оғаларининг Юсуфни уриб, судраб чоҳга ташлаганлари бир –бир ўтди. Бироқ туғишган акаларининг дийдорларини кўриб барибир ичидан қувонди. Бошга оғир кунлар тушганда мард Худодан, номард йўлдошидан кўради, деганларидек, Юсуф бошидан ўтказган оғир кунларини Худонинг иродаси туфайли рўй берганини англаб етарди. Юсуф акаларини танимасликка олиб, уларни саволга тутди:

-Қаердан келдингизлар?

-Биз Канъон ўлкасидан дон, озиқ-овқат сотиб олгани келдик.

- Сизлар савдогар эмас, балки айғоқчиларга ўхшайсиз мамлакатнинг сирларини билиб олиш учун келгансизлар.

-Биз ҳаммамиз бир кишининг фарзандларимиз, айғоқчи эмасмиз, дон озиқ-овқат сотиб олгани келганмиз. Қаршингизда турган бандалар ўн икки оға-инимиз. Кичик укамиз отамизнинг ёнида қолган. Бошқа бири эса ғойиб бўлган.

-Сўзингизга ишонч ҳосил қилиш учун сизлар синовдан ўтасизлар. Сизлардан бирингизни қамоққа оламиз. Қолганларингиз оилангизга донни олиб борасиз, токи улар очликдан ҳалок бўлмасинлар.

Укангизни олиб келгандан кейин сўзларингизга ошонаман, қамоқдаги биродарингиз ҳам озод бўлади. Шундай қилмасангиз менга рўбарў бўлманглар. Юсуф иш юрутувчисига акаларининг қопларини ғаллага тўлдириб беришни, берган кумуш тангаларини ҳам қоплари ичигша солиб қўйишни топширди.

Юсуфнинг акалари қопларини туяларга юклаб Канъонга жўнаб кетдилар. Ёқуб алайҳиссоломнинг болалари етиб келгач, отасига бўлган воқеани айтиб бердилар. Улар қопларини очиб ичида дон сотиб олиш учун берилган кумуш тангаларини топиб олдилар ва ҳайратга тушдилар.

Бу сирнинг тагига етолмай Миср ҳокими ўта сахий киши экан, деб ўйладилар. Юсуфнинг акалари Юсуфнинг бирга туғишган укаси Беняминни ҳам олиб иккинчи марта дон олиш учун яна Мисрга бордилар. Юсуф туғишган

укасини кўриб, уни қўлидан тутиб ўз хонасига олиб кирди ва ўзини таништирди: Мен аканг Юсуфман, сени кўрганимдан хурсандман, лекин бу сирни ҳозирча оғаларингга айтмай тур, -деди.

Юсуф иш бошқарувчисига Беняминнинг юки орасига ўзининг тилло жомини солиб қўйишни айтди. Бенямин юкларини ортиб йўлга чиққач, подшоҳнинг одамлари карвонни тўхтатиб, подшоҳнинг тилло жоми йўқолганлигини айтиб уларни тинтув қилдилар. Тилло жом Беняминни юкининг орасидан топилди. Мамлакатнинг қонунига асосан Бенямин қул қилиб мисрда олиб қолинди.

Юсуфнинг оғалари унинг олдига келиб: укамиз Беняминни қул қилсангиз бизларни ҳам қул қилиб олиб қолинг. Бизлар Бенямисиз отамизнинг олдига боролмаймиз. Отамизга Беняминни соғ-омон олиб келишга ваъда бериб қасам ичганмиз. Беняминни ташлаб борсак, отамиз бу оғир жудоликка чидолмай ҳалок бўлади. Юсуф оға-иниларининг бундай забун ҳолатда кўргач тоқат қилолмасдан деди:

-Ёш пайтингизда Юсуфнинг бошига қандай кулфат солганларингизни эслайсизларми? Улар бу гапдан кейин бирдан ҳушёр тортдилар ва шубҳаланиб. -Сен Юсуфмисан, -деб сўрадилар

-Ҳа мен Юсуфман, бу эса биродарим. Оллоҳга шукуроналар бўлсинким, шунча йил айрилиқдан кейин биз яна дийдор кўришдик.

Юсуфнинг акалари унинг оёғига бош қўйиб кечирим сўрадилар. Юсуф деди: мен сизларни кечирдим, бу ишларнинг бари Худонинг иродаси билан бўлган. Энди оталаринг олдига қайтинглар ва мана бу кўйлагимни отамга беринглар.

Ёқуб алайҳиссаломнинг болалари дон ва кўп озиқ-овқатлар билан оталарининг олдига етиб келдилар. Юсуфнинг куйлагини бердилар. Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг кўйлагини қўлига олар экан, бу матодан Юсуфнинг бўйи таралаяпти, -деб юз-кўзларига суртган эди, кўр бўлиб қолган кўзларига нур келиб ёруғ оламни кўрди.

Ёқуб алайҳиссалом бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, Юсуфнинг ҳаёт эканлигини қалби сезиб, болаларидан Юсуфни сўраб бир абёт айтди:

Оромбахшдур менга Юсуфнинг бўйи,
Хабар беринг Юсуф болам омонми?
Бошимдан кетмасди хаёли, ўйи,
Хабар беринг нуридийдам омонми?

Бир парча матони юзимга суртдим,
Шу матода Юсуф бўйин ҳис этдим,
Бу на сирдир ёруғ жаҳонга етдим,
Кўзим нури, азиз болам омонми?

Ғаму ҳасратларим бошимдан кетди,
Сўқир кўзларимга равшанлик етди,
Балким болам Юсуф каромат этди,
Хабар беринг нури дийдам омонми?

Нури дийдам жондан азиз кўрардим,
Эркаланиб келса бошин силардим,
Ақл-идрокига қойил қолардим,
Юрак қўрим, меҳрибоним омонми?

Юсуф кетиб забун бўлди аҳволим,
Сабр қилмоқ билан бўлди қарорим,
Сабрли қул мурод топар ҳар доим,
Хабар беринг болам Юсуф омонми?

Биринг кўзим, биринг қошим, керагим,
Юсуф эрур ҳаётимда тирагим,
Ёқуб дер, эрурсиз танда юрагим,
Хабар беринг болам Юсуф омонми?

Ёқуб наби сўзини тамом қилгандан сўнг унинг фарзандлари оталарининг қалб изтиробларини тинглаб ниҳоятда таъсирландилар ва ўзларининг айбдорликларини яна бир бор ҳис этдилар. Улар оталари олдида тиз чўкиб унга шундай дедилар: аввало бизларни кечиринг, қолаверса бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишни Оллоҳдан сўранг. Бизлар хато қилғувчи бандалардан бўлдик. Ўғлингиз, укамиз Юсуф соғу-саломат. Ҳозир у Миср мамлакатининг раиси. Сизнинг омонлигингизни тилаб қўлингиздаги куйлагини бериб юборди. Олиб келган ғалла озиқ-овқатларимизни эса совға қилди. Шунингдек, бутун қавмингиз билан Мисрга келишингизни илтимос қилиб юборди. Ёқуб алайҳиссалом айтди: Сизларга мен Оллоҳнинг меҳрибон, раҳмли эканлиги ҳақида сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим. Албатта Парвардигоримдан сизларни мағфират қилмоғини сўрайман. Шундан кейин Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг ҳаётлиги ҳақидаги хушхабардан беҳад шод бўлиб, Оллоҳ таолога шукуроналар айтди. Ўзининг аҳли-оила, қариндош уруғларини тўплаб, етмиш нафар уруғи билан, чорвасини ҳайдаб Миср томонга йўл олдилар. Юсуф ҳам Миср шаҳрининг четига чодирлар қуриб уларнинг йўлларига интизор бўлиб турди. Бир вақт сарҳадини кўз илғамайдиган чўлда от уловли одамлар тўп-тўп бўлиб кела бошладилар. Уларнинг олдида қўш ўркачли туя устига қурилган кажавада оқ соқолли нуроний чол-Ёқуб алайҳиссалом ўтирар эди. Юсуф отасининг олдига пешвоз чиқиш учун пиёда йўлга тушди. Отаси ҳам туядан ерга тушди. Бир-бирининг дийдорига зор бўлган ота-бола қучоқ очиб –бир-бирини бағирларига босдилар. Юсуф отаси ва биродарларини саройга олиб келди. У отасини ўзининг тахтига чиқарди. Юсуфнинг отаси ва оға-инилари қўлларини кўксига қўйиб унга тавозеъ қилдилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтиб Юсуфнинг кўрган тушининг таъбири Оллоҳнинг иродаси билан рўёбга чиқди.

Энди икки оғиз сўзни Зулайҳонинг аҳволидан эшитинг. Юсуф зиндондан қутилиб чиқиб, Миср подшоҳининг ишончини қозониб, улуғ мартабага эришиб, Миср мамлакатига раислик қилиб, халқ фаровонлиги йўлида ишга берилиб кетиб, Зулайҳони эсга олишга фурсат бўлмади. Бу вақтда Азиз вафот қилиб,

Зулайҳо бева қолди. Зулайҳо бир томондан Азизнинг мотамида ўртанса, иккинчи томонда кўнглининг тубида ҳамиша нур сочиб турган юлдуз ишқи билан хаёл сурарди. Ранги гулдай сўлиб, тириклайин ўлиб, кўрар кўзидан, сўйлар сўзидан адашиб, дарди бошидан ошиб, Юсуф ишқида тўлғониб, мотам либосига чулғаниб, кўзида ёш, бағрида тош, ўзини узлатга олиб ўз дарди билан бўлиб, мунгли бир ғазал ўқиди:

Биродарлар, ажал доми айирди шоҳсуворимни,
Фалак жабри яна бузди, бузилган рўзғоримни.

Қора кун соясин солди, ғурбатда қолган бошимга,
Дилдан пинҳона йиғларман ким тинглар оҳу-зоримни.

Ғурбатда ғариб эрурман, яқин бир дўсти-ёрим йўқ,
Тақдири азал ёзғити, йироқ қилди диёримни.

Қаршимда мавж урар дарё, бироқ сувга ташнадурман,
Фалак меҳрига зор қилди суюкли ул дилдоримни.

Сиртим бутун ичим тутун, ҳолимни сўрамайди ҳеч ким,
Ҳижрон ели хазон қилди, гул фаслида баҳоримни.

Ишқнинг ҳарорати дилни, кабобдек жизғанак қилди,
Пасайтирмас бирор чора дилимда ёнган норимни.

Ўз ёғида ўзи ёнган дарди кўп Зулайҳодурман,
Аё Тангри раҳм айлаюб манго бахш этгил ёримни.

Ой кетидан ойлар, йил кетидан йиллар ўта бошлади. Зулайҳонинг ёшига ёш қўшилди. Азизнинг мотамида Юсуфнинг ҳижронида куйган Зулайҳо олтин тақинчоқларини ҳам ташлади. Ўзини лоҳас сезиб, ҳаётдан безиб, ғам юки қаддини дол, тилини лол қилиб, ҳеч ким билан сўзлашмай ҳам қўйди. Бора-бора атлас либосларини ҳам ечиб, оддий матодан кийиниб олди. Шамол тинч денгизда тўлқин ҳосил қилганидек, ҳижроннинг ҳасратли дарди Зулайҳонинг ойдек юзига соясини солиб ажинлар пайдо қилди.

Юсуф сиймоси кўз олдига келса ширин хотиралардан кўнгли тўлиб, хурсанд бўлиб, ажиб бир хушҳоллик бошланиб, севинчдан кўзлари ёшланиб, дилида эзгу туйғулар уйғониб, ишқ дардида ёниб ўзини йўқотиб қўяр эди. Ушалмаган муқаддас севгининг ўчмас дард-ғами остида аста-секин қора сочига оқ оралади, сарвдек қомати ёйдек эгилди. Қуёш билан чақ-чақлашадиган кўзларида нур камайди. Бироқ қуёш жаҳонни ёритганидек Юсуфнинг ишқи Зулайҳонинг ички дунёсини ёритиб, тобора мусаффолаштириб, уни яшашга даъват қилиб турар эди.

Юсуф ҳақида сўз очган, хуш хабар айтган ҳар бир кишига садақа, совға-салом ато қилар эди. Бутун илтижоларини бут олдига бориб тўкиб-солар эди. Бугун ҳам бир умр сиғиниб келган бут олдига бориб, ундан дардларига даво сўраб илтижо қилди:

Бир умр қаршингда бош эгиб келдим,
Ночор аҳволимга англагил, санам.
Пойингга бош қўйиб ибодат қилдим,
Илтижоларимни тинглагил, санам.

Жондек ардоқлардим жисму-жамолинг,
Бугун кўрсат кучу-қудрат, камолинг,
Муяссар қил менга бахту-иқболинг,
Илтижоларимни тинглагил, санам!

Юсуфнинг ишқида адо бўлдим мен,
Очилган гул эдим, бевақт сўлдим мен,
Боримдан айрилиб тирик ўлдим мен,
Юсуф армонимдур шуни бил, санам!

Юздан чирой кетди, кўздан нур кетди,
Қора сочларимга оқлик ҳам етди,
Орзу-армон билан умр ҳам ўтди,
Орзу-армонларим қабул қил, санам!

Зулайҳонинг сири сенга аёндир,
Юсуф ҳаётимда жону-жаҳондир,
Ул ёрсиз тириклик менга гумондир,
Илтижоларимни қабул қил, санам.

Бу илтижолардан кейин Зулайҳо ҳаракатга тушди. Юсуф билан учрашиш чораларини излади. Ўйлаб-ўйлаб бир куни Зулайҳо Юсуф ўтадиган йўлнинг бўйига қамишдан капа қурдирди. Юсуфнинг дийдорини бир кўриш илинжида капага ўтиб кутиб ўтирди. Мамлакат подшоҳи Юсуф ўрдадаги уйига шу йўлдан ўтар эди. Бир вақт узоқдан отларнинг кишнагани эшитилди. Зулайҳо йўлнинг қирғоғига чиқиб кўриниб турди. Бир **тўпор** отлиқлар кўринди, ҳар томондан “Йўл бер”- “Йўл бер”, деган амрона овозлар эшитиларди. Зулайҳо отлиқлар орасидан Юсуфни излади. Лекин унинг хиралашган кўзлари Юсуфнинг дийдорини англаб ола билмади. Шундай бўлса ҳам у Юсуфнинг бўйини сезгандай бўлди, дилида умидворлик туйғулари мавж урди.

Отларнинг оёғидан кўтарилган чанг –тўзон унга ҳаловот бергандай бўлди. Умиди ушалмай ночор қолган Зулайҳо йўлга бош қўйиб дилдан фарёд чекиб, унсиз йиғлади. Дардлари олдингидан ҳам зиёда бўлиб уйига йўл олди. Ўша куни Зулайҳо ўзини англагандай бўлди. Умр бўйи неки орзу умид қилган бўлса, барчасининг сароб бўлиб чиққанидан хуноб бўлиб, бунинг сабабини ахтара бошлади. Ниҳоят, бу кўргиликларнинг сирини топгандай бўлди. Бир умр ардоқлаб, сиғиниб келган санамнинг олдига бориб барча аламларини тўкди:

-Сенга Худойим деб сиғиндим, пойингга бош қўйиб ибодат қилдим, дардларимни айтиб ёрдам сўрадим. Менга бирон ёрдаминг тегмади. Тошсан тошбағирсан, эшитмайсан шу сабабдан нажот беролмайсан. Сенга ибодат қилиб, яратгувчи, тилагингни берувчи гуноҳларингни мағфират қилгувчи

раҳмонни- сарвари оламни унутдим, Худога гуноҳкор бўлдим, -деб қўлига тўқмоқ олиб тошдан ясалган санамни чил –парчин қилиб ташлади.

Зулайҳонинг дарди сал енгиллашгандай бўлди. Қалбида пайдо бўлган журъатдан кўнгли осойиш топди. У қўлларини осмонга кўтариб, бутун мавжудотни яратган, эй олам сарвари, жонлию жонсиз борлиқ ҳатто бу ҳайкални ясаган бутпарастлар ҳам қаршингда тиз чўкади. Жаҳонни ёритгувчи қуёш билан ой, самодаги юлдузлар сенинг ироданг билан ҳаракат қилади. Мен осий банда хато ишлар қилдим, сени қўйиб санамга ибодат қилдим, сендан мадад сўрамай санамдан нажот кутдим. Оқибатда ўзинг кўриб турган аянчли аҳволга тушдим. Эй бағри кенг, гуноҳларни мағфират қилгувчи раҳмдил Парвардигор гуноҳларимни кечиргил, муродимни бергил, деб Яратганга илтижо қилиб бир муножот ўқиди:

Хато қилмоқ мерос Ҳаво онадан,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.
Одам борки холи эмас хатодан,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Сени қўйиб санамларга сиғиндим,
Мадад сўраб тошбағирга ялиндим,
Ҳар қадамда дард-аламга чалиндим,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Тош билан гавҳарнинг қадрин билмадим,
Ягоналигинггга амал қилмадим,
Орзулар ечимин сендан сўрмадим,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Муҳаббатни дилга Худо солади,
Муҳаббат бор дилда иймон бўлади,
Иймонлилар Ҳаққа яқин туради,
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Аввал, охир хатоларим кечиргил,
Кўзимга нур, кўнглимга иймон солгил,
Ошиққа маъшуқнинг висолин бергил,
Ёраб, қабул айла, тилакларимни.

Бу дунёга ким ҳам келиб кетмади,
Ҳеч бир ошиқ муродига етмади,,
Ишқ йўлида Раббим илгим тутмади,
Ёраб ўзинг кечир, гуноҳларимни.

Қалбга муҳаббатни солган ўзингсан,
Зулайҳони гирён қилган ўзингсан,

Орзуларим армон қилган ўзингсан,
Ёраб, ўзинг кечир, гуноҳларимни.

Зулайҳо Тангри таолога муножот қилиб, бутун борлиғи билан Яратганга дилини очиб илтижо айлагандан кейин ўзида тетиклик сезди. Яратган тангри таоло ҳурматига таҳорат олиб ибодат қилди. Оллоҳга сиғиниб яна Юсуфнинг йўлига чиқди. Узоқдан отларнинг оёқ товуши, посбонларнинг “Йўл бер”, “Йўл бер”, деган овозлари эшитилди. Зулайҳо посбонларнинг гапига парво қилмасдан йўлнинг ўртасида туриб олди. Дарҳол Юсуф отининг жиловидан ушлаб унга деди: Эй олампаноҳ, бугунги мартабали кунингда кечаги кунингни унутма. Шоҳлик ҳам, гадолик ҳам Яратганнинг изми билан бўлади. Қуёш ўз нурини кошонага ҳам, вайронага ҳам тенг сочади. Мамлакат шоҳи фуқаросига тенг карам қилмоғи лозим. Лекин мен сендан жабр кўриб дийдорингга зор бўлиб келмоқдаман, деб бир байт ўқиди:

Бир дам сўзим тингла, эй ҳукмдорим,
Кундан кунга баътар бўлдим, дардингдан.
Юрагимга сарвар бўлган сардорим,
Ишқинг билан ўтар бўлдим, дардингдан.

Севги қозонида жўшдим қайнадим,
Ишқ ўтида азиз жонни қийнадим,
Парвонадек олов билан ўйнадим,
Ёниб, ёниб ўтар бўлдим дардингдан.

Оҳу-нолам етди етти самога,
Сен парво қилмадинг мен мубталога,
Куйингда айландим мунгли гадога,
Армон билан ўтар бўлдим дардингдан.
Дарду ғамдан сарви қаддим ёй бўлди,
Кулар юзим гулдек сарғайиб сўлди,
Ҳижрон азобидан паймонам тўлди,
Фарёд чекиб ўтар бўлдим дардингдан.

Севганимни аввал-охир билмадинг,
Юрак дардим назарингга илмадинг,
Дийдамдан қон оқди парво қилмадинг,
Йиғлаб-йиғлаб ўтар бўлдим, дардингдан.

Мен сенга интилдим сен-чи сайландинг,
Юрагимга бир умрга жойландинг,
Ушалмаган орзуларга айландинг,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим, дардингдан.

Зулайҳо қиладур сўнгги илтижо,
Менинг илинжимни айла жобажо,

Муқаддас севгимни қилгил дилга жо,
Куя-куя ўтар бўлдим, дардингдан.

Бу жафокаш аёл тилидан ўқдек отилаётган аламли, фарёдли ўткир сўзлар Юсуфни саросимага солди. Одамларга доимо яхшилик қилишни шиор қилган, тинчлик, тўкин-сочинлик йўлида тинмай ҳаракат қилаётган мамлакат султонининг қарамоғида бундай аянчли аҳволга тушган фуқаронинг борлиги уни сергаклантириб, ўйлантириб қўйди. Отининг жиловини ушлаб турган аёлнинг арзини батафсил тинглаш мақсадида посбонга юзланиб:

“Бу аёлни қабулхонамга олиб бор”, деди. Юсуф қабулхонага ўтиргач, посбон аёлнинг киришга рухсат сўраётганини айтди. Юсуф унинг киришига рухсат берди. Зулайҳо бу марҳаматдан кўнгли тоғдай кўтарилиб лабларида табассум билан аста-аста қадам босиб Юсуфнинг қаршисига келди. Юсуфнинг бўйидан баҳра олган Зулайҳо Яратганга шукроналар айтиб Юсуфга соғлик-омонлик, хотиржамлик тилаб дуо қилди.

Фарёд чекиб, йиғлаб-йиғлаб армон билан ўтар бўлдим дардингдан, -деб кўзларида ёш билан фиғон айлаб турган ҳорғин аёлнинг, лабларида енгил кулгу, юзида майин табассум пайдо бўлиб соғлик-омонлик тилаб уни дуо қилиши Юсуфда таажжуб уйғотди. Аёлнинг кимлигини, ҳол-аҳволини сўраб бир абёт ўқиди:

Кўринишинг мени ҳайратга солди,
Хабар бергил, насли-насабинг кимдир?
Аччиқ таналаринг ҳушимни олди,
Хабар бергил, насли-насабинг кимдир?

Бир дам фарёд чекиб, бир дам куларсан,
Аввал ранжиб кейин дуо қиларсан,
Не мақсадда мени излаб келарсан,
Хабар бергил, насли насабинг кимдир?
Не савдолар тушди сенинг бошингга?
Кимлар оғу қўшди тотли ошингга?
Ким сабабчи кўздан оққан ёшингга?
Хабар бергил, зулм ўтказган кимдир?

Аянчли қиёфанг паришон этди,
Фарёдингдан дилга аламлар етди,
Овозинг кимнидир эслатиб кетди,
Хабар бергил, насли насабинг кимдир?

Танишдек овозинг, чеҳраи олинг,
Ғамдан букилибдир қадди камолинг,
Негадир паришондур хатти хаёлинг,
Хабар бергил, сиру асроринг недир?

Юсуфга баён эт, истагинг билай,
Қилабилганимча ёрдамим қилай,

Қурбим етмаганин Оллоҳдан тилай,
Хабар бергил мақсад-муродинг недир?

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларини тинглаб билдики, Юсуф уни танимаяпти, нотаниш бир аёл деб муомала қилаяпти. Шундан ҳам билдики, ҳижрон азоби, ёр соғинчи Зулайҳони бевақт қаддини букиб қўйибди. Юсуф эса ҳамон навқирон, офатижон, ўша қадди камол, ўша ҳусни жамол, овози жарангдор, қарашлари ситамкор, хуш талъат, фаришта сифат, икки юзи ойга қиёс қилгудек оппоқ, илгаригидан ҳам тўлишиб, чиройига чирой қўшилиб янада тиниқлашса тиниқлашганки сира хиралашмаган. Бунинг устига подшоҳлик савлати, бошидаги олтин тожи, ипак либослари ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Зулайҳо ўз аҳволига ачинса ҳам бироқ, Юсуфнинг дийдори, “Қилабилганимча ёрдамим қилай, қурбим етмаганин Оллоҳдан тилай”, –деб раҳмдиллик билан ҳол сўраб тургани унинг кўнглига тасалли берди. У Юсуфнинг хаёлига ўтган кунларини эслатиб бир сўз деди, кўрайлик не деди:

Севиб севганини қўлдан **йитирган,**
Ёр ишқида ёнган жонфидодирман.
Ою, йиллар ҳижрон юкин кўтарган,
Бепарво ёр учун мен адодирман.

Ёшликда беозор фаришта эрдим,
Сени тушда кўриб меҳримни бердим,
Муҳаббат боғидан гулларни тердим,
Ишқингда адашган бир гадодирман.

Бўлмаган ишларни гоҳо бўлдирдим,
Ёлғон сўзлаб гулгун юзинг сўлдирдим,
Кажлик айлаб зиндон узра солдирдим,
Қилган ишларимдан пушаймондирман.
Ёр куйида ақлу-ҳушин олдирган,
Хазон ели азиз чеҳрам сўлдирган,
Санамларни **ҳалил** каби синдирган,
Билмам на мусулмон на кофирдирман.

Тушимда кўрдиму бўлдим девона,
Афсус ғайри ёрга бўлдим ҳамхона,
Севги ситамидан тўлди паймона,
Ёрини излаган бир гадодирман.

Ғурбатда юз тутиб ёрни изладим,
Топиб султонимни дардим сўзладим,
Гоҳо хушвақт бўлдим, гоҳо бўзладим,
Ишқ дардини чеккан Зулайҳодирман.

Бу аламли нидоларни тинглаган Юсуф бирдан сергак тортди. У Зулайҳони таниб тахтидан тушиб, унинг олдига бориб: -сен ўша Зулайҳомисан,-деди. Зулайҳо ҳа, мен ўша Зулайҳоман, деди. Юсуф

Зулайҳонинг бу қадар тушкун, ғариб, бенаво ҳолда кўриб унга ич-ичидан ачинди. Шабнам шудрингидек тиниқ кўз ёшлари бежирим юзини ювди.

Зулайҳо Юсуфнинг кўз ёшларини қўллари билан артиб, кўзларига суртган эди. Хира тортган кўзлари аввалгидек нурафшон бўлди.

Юсуф Зулайҳога юзланиб: Салтанат, бойликларинг қани? Ёшлигингни, гўзал жамолингни не сабабдан бевақт сўлдирдинг деб сўради? Бойликларимни сенинг йўлингда садақа қилдим, ёшлигим, гўзал жамолимни сенинг ҳижронинг сўлдирди. Бугун бисотимда мусаффо севги, гардсиз муҳаббат, оташин ишқдан бошқа ҳеч нарса қолмади, деб маъюс тортди, Зулайҳо.

Ниҳоят -Юсуф бугун мендан нима истарсан деб сўради?

Сендан икки нарсани истарман, аввалгиси менинг ёшлигимни, гўзаллигимни бер, иккинчисини кейин айтарман, деди.

Юсуф шоҳона либосларини ечиб, оддий кийимларини кийиб, тахорат олиб, Оллоҳнинг зикрини дилига солиб Зулайҳонинг тилагини Оллоҳдан сўраб дуога қўл очиб бир муножот ўқиди:

Оламни яратган қодир оллоҳим,
Зулайҳога ортиқ жафо айлама.
Даргоҳинга етсин нолаю оҳим,
Зулайҳога ортиқ жафо айлама.

Аввал уни нечун йўқдан бор этиб,
Охирида ишқ йўлида хор этиб,
Хаста дилин ҳар кимга бир зор этиб,
Зулайҳога ортиқ жафо айлама.

Умид билан даргоҳинга урдим бош,
Зулайҳонинг бахтин тилаб кўзда ёш,
Ёшлигига қайтсин ўшал қалам қош,
Зулайҳога ортиқ жафо айлама.

Юсуф деяр, дардим бўлди зиёда,
Зулайҳосиз яшамасман дунёда,
Тилагим қабул қил, арзу самода,
Зулайҳога ортиқ жафо айлама.

Юсуфнинг бу илтижоси Тангри таолонинг даргоҳига бориб етди. Шундан кейин Яратганнинг қудрати билан мўъжиза ҳосил бўлди. Қирқ ёшда бўлган Зулайҳо ўн саккиз ёшига қайтиб, олдинги ёшлигидан ҳам гўзал, мафтункор бир қиёфага кирди. Юсуф илтижоларини қабул қилган Тангри таолога ҳамду санолар айтиб, Зулайҳонинг гўзаллигига, қадди қоматига, садоқатига қойил қолиб бир ғазал айтур бўлди, қани кўрайлик не деди:

Ҳолис ниятларинг мустажоб бўлди,
Ниятингдан кейин ниятинг недир?
Истагинг ушалди, қувончга тўлдинг,
Истагингдан кейин истагинг недир?

Кексалик чекинди ёшликка қайтдинг,
Гўзалликни қайта ихтиёр этдинг,
Орзуинг ушалиб, мақсадга етдинг,
Орзуингдан кейин орзуинг недир?

Аҳволингдан ҳаққа нидо айладим,
Яратгандан сўраб дуо айладим,
Жонимни жонинга фидо айладим,
Тилагингдан кейин тилагинг недир?

Орзу умидларинг ушалсин ҳар дам,
Ниятларинг бўлсин ҳамиша ҳамдам,
Бахт-саодат бўлсин дардингга малҳам,
Умидингдан кейин умидинг недир?

Ҳақни ёд айласанг ҳаққа етарсан,
Эзгулик қўйнида шодон ўтарсан,
Мурод-мақсадингга энди етарсан,
Муродингдан кейин муродинг недир?

Бир дамлар иймондан узоқлаб кетдинг,
Бугун дарду ғаминг ошкоро этдинг,
Юсуф дуо қилди ниятга етдинг,
Ниятингдан сўнгги ниятинг недир?

Бу ҳузурбахш, самимий сўзларни эшитиб Зулайҳо Юсуфнинг “Яратгандан сўраб дуо айладим, жонимни жонинга фидо айладим” -деган сўзларидан кўнгли тоғдек кўтарилиб, товусдек хиром айлаб, Юсуфга нозли қарашлар ато қилди. Юсуф ҳам Зулайҳонинг қўлидан ушлаб тахти-равонга ўтқазиб, ёнидан жой бериб, унинг иккинчи истагини сўради.

Иккинчи истагим умр бўйи орзуим бўлиб келган истак. У ҳам бўлса сени висолингга етишдир, Бу истагимни қабул қилмасанг менга ёшликнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам кераги йўқ, деди. Юсуф бир зум сукут сақлаб андиша қилди. Шу пайтда фаришталардан ваҳий келди: “Эй Юсуф, андишага ўрин йўқ. Зулайҳонинг қалбидаги сўнмас ишқ-иймон гавҳаридир, Яратгувчи ҳар ишга қодир. Қаҳҳори олам Зулайҳонинг истагини бажо келтириб сизларни самода никоҳлаб қўйди. Сен Зулайҳони ўз никоҳингга ол. Шунда Қаҳҳор сизлардан рози бўлади”.

Юсуф фаришталарнинг бу ваҳийсидан шод бўлиб, Зулайҳодан калимаи шаҳодат келтиришни сўради. Зулайҳо калимайи шаҳодатни айтиб дини исломга мушарраф бўлди. Юсуф никоҳ кечасида Зулайҳонинг ёнига кирар экан “Сен бир вақтлар истаган ҳаром-хоҳишдан мана бу ҳалол шаръий никоҳ аъло эмасми?” –деди.

Зулайҳо мамнун бўлиб бош ирғади. Шунда Юсуф шодумон бўлиб бир абёт айтди:

Тутоқди ёнди жонимиз,
Зулайҳожон, жиги-жиги.
Қуриди танда қонимиз,
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Бир қара менга севдигим,
Ўт солма танга севдигим,
Зўрим йўқ сенга севдигим,
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Ул дунёнинг ҳирожини,
Ҳуснинг оладур божини,
Бахш этай тахту тожини,
Зулайҳожон жиги-жиги.

Ёндирмагил, бу жонимн,
Орттирмагил, фиғонимн,
Эшитгил оҳу додимн,
Зулайҳожон жиги-жиги.

Қолди Юсуф жафосина,
Ишқ ўтининг балосина,
Раҳм этгил гадосина,
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Оллоҳнинг иродасини кўрингки, Зулайҳо ҳали-ҳануз бокира экан. Юсуф ва Зулайҳо уч кеча кундуз тўй қилиб, халққа ош бериб, мурод ва мақсадларига етдилар.

Ана энди икки оғиз сўзни Юсуф билан Зулайҳоларнинг сўнгги тақдиридан эшитинг.

Юсуф билан Зулайҳо узоқ йиллар тинч-тотув турмуш кечирдилар. Икки ўғил кўрдилар. Улар вояга етди. Уйли –жойли қилдилар.

Аммо ҳаёт ўткинчи. Ҳамма ҳам бир куни омонат жонини топшириши шарт.

Кунлардан бир кун самодан ваҳий келди: -Эй Юсуф, сенга берилган умр охирлаб қолди, ўлиминг яқинлашди, қиёмат қарзни узиш тадорингни кўр! Юсуф ушбу хабарни эшитиб аъзойи андоми титраб, япроқдай сарғайиб, Зулайҳонинг қошига бориб, аҳли аёли билан хайр-хўшлашиб бир сўз деди, Зулайҳо жавоб қилди:

Юсуф: Хуш қол Зулайҳожон, фоний дунёдан,
Бир замон айланмай ўтмали бўлдим.
Биров келиб, биров кетар дунёдан,
Хўш, омон бўл, жоним, кетмали бўлдим.

Зулайҳо:
Юсуфим, қолмайлик ҳижрон доғина,
Айлан бир неча кун сирдош бўлали.

Сайл этайлик фоний дунё боғина,
Сўнгра боқий элга йўлдош бўлали.

-Ҳар ким ўз кунида кетар Зулайҳо,
Мен кетсам мунғайиб қоларсан танҳо,
Менга иймон йўлдош бўлсин илоҳо,
Хўш, омон бўл, жоним, кетмали бўлдим.

-Сен кетарда хуни гирён йиғларман,
Ҳижрон ўти била бағрим доғларман,
Ёсинг тутиб, белим маҳкам боғларман,
Бирга боқий элга йўлдош бўлали.

-Ҳар кишининг урса гулини хазон,
Ул кетар, айланиб турмас бир замон,
Мен кетарман энди бунга йўқ гумон,
Хўш, омон бўл, жоним кетмали бўлдим.

-Сен бўлмасанг кўрар кўзим найлайин,
Бошда қайғу ширин сўзим найлайин,
Бу фонийда якка ўзим найлайин,
Бирга боқий элга йўлдош бўлали.

-Мен кетган сўнг ўзинг қўйма жафоға,
Содиқ бўлгил қилган аҳду вафога,
Сени топширурман қодир Худога,
Хўш, омон бўл, жоним кетмали бўлдим.

-Сен бўлмасанг бу дунёни нетайин,
Агар ўлсанг мен ҳам бирга кетайин,
Бирга бўлиб оҳу фиғон этайин,
Боқий юртга бирга йўлдош бўлали.

-Бизга энди Ҳақдан фармон келибди,
Умрим гули хазонга юз тутибди,
Менга навбат келиб, ажал етибди,
Омон бўлғил жоним, кетмали бўлдим.

-Энди билдим бул фонийдан ўтарсан,
Танинг бирла тупроққа етарсан,
Мен ғарибни бунда ташлаб кетарсан,
Боқий юртга бирга йўлдош бўлали.

-Ҳақдан ҳукм етса ҳеч бўлмас чора,

Ёзиғим аёндур ул Бирубора,
Аммо сенсиз эрур бағрим садпора,
Омон бўлғил, жоним, кетмали бўлдим.

-Сенсиз қолиб, бу жонимни нетайин,
Мен ҳам охиратнинг йўлин тутайин,
Сабр айлагил ёрим, мен ҳам кетайин,
Боқий юртга бирга йўлдош бўлали.

-Юсуф айтар, хушқол суюкли ёрим,
Сенсиз бўлмас ҳеч бир сабру қарорим,
Омонда сақлисин ҳақ-Бируборим,
Омон бўлғил, жоним, кетмали бўлдим.

-Зулайҳо дер, ёлғончига келмасам,
Бул фонийда не бўларин билмасам,
Ажал етган куни мен ҳам ўлмасам,
Ул дунёга бирга йўлдош бўлами.

-Юсуф ҳақ амрига белин боғлади,
Зулайҳожон Юсуф учун йиғлади,
Сенинг юрагингни ўлим доғлади,
Омон бўлғил, жоним кетмали бўлдим.

-Зулайҳо дер, яхши-ёмон юрмасам,
Бу дунёда завқу сафо сурмасам,
Кетар бўлсанг мен изингдан иярмасам,
Боқий элга бирга йўлдош бўлали.

Аммо ушбу савол жавобдан кейин Юсуф билан Зулайҳо зор-зор йиғлашиб Ҳақ таолонинг ҳукмига иқрор бўлдилар. Бир куни Азройил келиб Юсуфнинг жонини олди. Тамоми Миср халқи мотам тутиб, ўз суюкли ҳукмдорини боқий дунёга узатдилар. Бечора Зулайҳо фарёд қилиб, сочини ёйиб, ҳолидан тойиб, бошини тобутга қўйиб ушбу марсияни баён қилди:

Азиз тандан ширин жони чиқибди,
Сўз бўлмаса бийрон тилим найлайин.
Ажал ўқи иморатин йиқибди,
Боғ бўлмаса қизил гулим найлайин.

Керак эмас, энди қадди камолим,
Қишин-ёзин эсган баҳор шамолим,
Юсуфжон кўрмаса ҳусни жамолим,
Кўзда нурим, юзда холим найлайин.

Бир Оллодан умр сўраб нетайин,
Эл юзига энди қараб нетайин,

Сунбул сочим, зулфим тараб нетайин,
Хазон урди гул-гулзорим нетайин.

Вайрон бўлар боғда боғбон бўлмаса,
Мулки хароб бўлар султон бўлмаса,
Дарёда сув уриб ғалтон бўлмаса,
Ҳидоят бўлмаса, йўлим найлайин.

Зулайҳо ваъдангга қилма хиёнат,
Танда жонни берди беш кун омонат,
Қўшиларсан Ҳақ айласа иноят,
Ёр бўлмаса жони дилим найлайин.

Алғараз, Зулайҳо бу марсияни айтгандан кейин, икки кўзини ўйиб, бир кўзини тобутнинг бош учида, иккинчисини оёқ учида қўйди. Шу тариқа Юсуф жасадини ерга қўйди ва Оллоҳга мурожаат қилди: -Эй поко парвардогоро, менинг ҳам жонимни олсанг бўлмасми?-деди. Шундан кейин ҳеч кимга кўринмай уйда ётиб ибодатга машғул бўлди. Аммо бир куни Азройил келиб Зулайҳонинг ҳам жонини осонгина олди. Уни Юсуфнинг ўнг томонига дафн қилдилар.

Шу билан “Юсуф Зулайҳо” қиссаси тамом бўлди.

МАЛИКАИ ЗАРНИГОР

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Рум шаҳринда Козим отли бир етим бола бор экан. Ул бола бир бефарзанд бойнинг эшигида хизматкор бўлиб ҳаёт кечирар экан.

Бой унинг сидқидилдан этган хизматлари учун: “Сен бир садоқатли, эътиқодли, инсофли, меҳнаткаш йигит экансан”, деб уни уйлантириб қўйибди. Бу воқеадан икки йил ўтгандан кейин бой вафот этиб, унинг ҳамма мол-мулки Козимга қолибди.

Кунлардан бир кун Козимнинг ҳовлисининг дарвозаси очиқ қолиб, шу орада унинг хотини ўтин олиш учун **дешона** чиқади. Йўлдан ўтиб бораётган эшакли қассобнинг унга кўзи тушиб, ошиқ бўлиб, ҳуши бошидан учиб эшакдан йиқилади. Ул қассоб энди ҳушига келганда қошига бир кампир келиб:

-Сен не учун йиқилиб ётибсан, деб сўрайди.

-Шул ерда бир жувонга кўзим тушиб, ақлу ҳушимни йўқотдим, бул жувон инсон фарзандига ўхшамас, ул ё пари, ё ҳурдир, деди қассоб.

-Шу қизни сенга олиб берсам не дейсан, деди кампир.

-Агар шу қизни олиб берсанг сенга юз тилло, яна қўйнинг икки сонини берурман, деди қассоб.

Кампир бу сўзни эшитиб, оёғи олти, енги етти бўлиб Козимнинг уйига борди. Эшикдан кириб қараса, бир маҳваш, мисли париваш, қоши камон, писта даҳон, инжа миён, оромижон, гул юзли, шакар сўзли, кўзлари оҳунинг кўзидай бир оводон қиз турибди.

Кампир ул қиз билан кўришиб:

-Эй қизим, ўғли-қизинг омонми, деганда жувон:

-Эй, она менда ўғил-қиз йўқ, деб жавоб берди.

-Эр-хотин бўлганингизга неча йил бўлди?

-Етти йилдан ошди.

-Эр –хотин бўлганингизга етти йилдан ошган бўлса, ўзинг бир хушсурат, ҳури паризодлардай аёл экансан, бахтингни боғлаб ўтирасанми, бу эрингдан ажралиб, бошқага турмушга чиқ, шояд фарзандинг бўлса.

-Ахир шунча йил эрим билан бирга яшаб энди қандай ажраламан?

-Қизим, бу эринг билан юз йил яшасанг ҳам, фарзанд зотига эга бўлмайсан. Яхшиси эрингга -эй ёстиқдошим, етти йил яшадик, фарзандимиз бўлмади, энди менинг жавобимни бер, сен ҳам бошқа аёлга уйлан, балки иккимизга ҳам Худо фарзанд ато қилар, деб айт.

Кампир бу сўзларни айтгандан сўнг қассобнинг ҳузурига йўл олди. Қассобдан ҳақини ундириб уйига қайтди.

Бироз вақтдан кейин Козим уйига кириб келди.

“Тоғу тошни ел бузар, одамзотни гап бузар” деганларидек, кампирнинг гаплари ҳам Козимнинг аёлига таъсир қилмасдан қолмади.

Бу аёл эри кириб келганда ҳамиша уни кулиб-ўйнаб кутиб олар, атрофида парвона бўлар эди. Бугун унинг шашти пастроқ эди.

-Бугун не мазанг йўқ, -сўради эри.

-Етти йил бўлди турмуш қурганимизга, аммо фарзанд кўрмадик шунга хафаман.

-Шундай экан, не хаёллар бошингга келди?

-Сиз менинг жавобимни беринг, ўзингиз ҳам бир аёлга уйланинг, шояд икковимиз ҳам фарзандли бўлсак.

Ундай бўлса менга 40 кун муҳлат бер.

-Мен розиман.

-Бугундан бошлаб мен бир **жонлиқ** олиб, худойи ош берайин, авлиёларни зиёрат этайин, балки Худо бизга фарзанд бахш этар, агар шунда ҳам фарзанд бўлмаса, сенинг гапингга рози бўлайин, деб Козим уйдан бадар кетди. Йўл юриди, йўл юрсада мўл юриди. Юра-юра бир чўлу биёбондан чиқди. Озиқлари **соп бўлиб**, шу чўлу биёбонда йиқилиб қолди. Шу орада чилтанларнинг қароргоҳи бор эди. Қирқ чилтан бу одамзодни кўриб, атрофини ўраб олдилар. Уларнинг бошлиғи Хидир алайҳисаломга пири Худо айтдики, эй чилтанлар бошлиғи, қара, бир ғўч йигит йиқилиб ётибди, не орзу умиди бор экан?

-Ажаб бўлғай тақсир, ҳозир бир коса шароб берсангиз, олиб борсам, деб бир коса шаробни олиб Козимнинг қошиға борди. Унинг бошини кўтариб, шу шаробни ич, деди. Козим ичди, бир вақт ўзини тетик сезди. Хизир алайҳиссалом уни қирқ чилтанларнинг олдида турғизиб қўйди. Козим уларға сало берди. Шунда пири Худо ундан йўл бўлсин сўради.

Шунда Козим **хўстор-ховондор** топганига суюниб, қайнаб-жўшиб, терлаб-пишиб, бир тизза **ошоқ** тушиб, қирқ чилтанларга қараб бир сўз айтди:

Бу фоний дунёга абас келмишам,
Ғамли кўнглим асло хурсанд бўлмаса,
Оллоҳ даргоҳина бошим қўймишам,
Менда бир ховандор фарзанд бўлмаса.

Ёронлар сиз манго айланглар ҳиммат,
Бир-икки кун жамолингиз ғанимат,
Бефарзанд дунёда кўрмадим роҳат,
Менда бир ховандор фарзанд бўлмаса.

Умр бўйи чекдим ранжу меҳнати,
Ҳақ бермади кўнгил севган давлати,
Кўргузмади манго ҳури-жаннати,
Найлай бир ховандор дилбанд бўлмаса.

Ҳар бир ўтган куним оҳ била кечар,
Бир кун ажал манго кафанин бичар,
Ногоҳон ўларман, чироғим ўчар
Найлай бир ховандор фарзанд бўлмаса.

Фиғоним ошадир кун-кундан батар,
Кеча-кундуз йиғлаб кунларим ўтар,
Манго раҳм айлангиз куйганим етар,
Найлай бир ховандор фарзанд бўлмаса.

Козим айтар, чекдим оҳу фиғонлар,
Йиғласам оқадур дийдамдан қонлар,
Сизнинг олдингизда чиқсин бу жонлар,
Ўрнимда ўт ёқар фарзанд бўлмаса,

Алқисса, Козим сўзини айтиб тамом қилгандин сўнг, пири Худо айтдики, сен бизнинг орамизда юр, Худои таоло албатта сенга фарзанд ато қилур, деди. Козим уч кун бу манзилда турди. Уч кун ўтиб пири Худо:

-Сенга Худои таоло бир ўғил фарзанд ато қилди. Бу ўғилнинг уч хислати бор, биринчидан, унга Юсуфи Канъоннинг ҳуснини, иккинчидан, ҳазрати Довуднинг нағмасини, учинчидан Мажнуннинг ишқ-муҳаббатини берди, деди.

-Қуллуқ тақсир, деб Козим таъзим бажо қилди.

Пири Худо унга катта бир олмани чиқариб берди. Козим:

-Мен бу олмани не қиламан, деб сўради.

-Олмани иккига бўлиб аёлинг билан бирга ейсан, деди пири Худо, Худои таолонинг амри ва бизнинг дуомиз билан сен ўғил фарзандга эга бўласан. Козим:

-Қуллуқ тақсир, деди.

Шундан кейин Козимга фотиҳа бериб, хайрлашдилар.

Козим фотиҳа олгандин сўнг бу дуогўйлар билан хайрлашиб бир ғазал айтди:

Малойик суратли азиз эшонлар,
Мен кетарман, энди жонлар хуш қолинг.
Ҳақнинг жамолига боққан эранлар,

Ҳолим сўрган меҳрибонлар, хуш қолинг.

Чилтан эрмиш авлиёлар сарвари,
Ҳар бириси дардмандларнинг раҳбари,
Раҳмат дарёсининг ганжи-гавҳари,
Қизил юзли жонажонлар, хуш қолинг.

Мен кетарман бугун сиздан айрилиб,
Айрилиқ дардидин қалбим майрилиб,
Менинг учун дуо айланг ёлбориб,
Маърифатли **нуктадонлар**, хуш қолинг.

Саҳро эрмиш чилтанларнинг йўллари,
Субҳи шомда кезар эрмиш чўллари,
Ҳақнинг даргоҳининг севар гуллари,
Кўзи ёшли қадрдонлар, хуш қолинг.

Шикаста кўнглима шифо айлаган,
Қўл кўтариб Ҳақға сано айлаган,
Козимнинг дардига даво айлаган,
Ҳақ йўлида бағри қонлар, хуш қолинг.

Алқисса, бобо Козим чилтанлар билан хайр-хўшлашиб, уйига равона бўлди. Йўлда кетаётирса Рум тарафдан бир **тўпор** турна учиб келаётирган экан, Бобо Козимнинг маҳбуби ёдига тушиб, турналарга қараб бир **варсоқи** айтди:

Кўкдан учган тўп жиғали турналар,
Хабар беринг, хону монлар омонми?
Бизинг элдан парвоз этган турналар,
Тар очилган гулистонлар омонми?

Жафо чекиб, бир қизил гул истадим,
Ҳасратингдин симоб каби титрадим,
Юзинг кўрмай минг балоға учрадим,
Қалам қошли навжувонлар омонми?

Бир ажиб паридур кўнглими олган,
Бу ғариб жонима жафолар солган,
Келмади деб йўлим қараб йиғлаган,
Кўзи ёшли меҳрибонлар омонми?

Чаманда очилган рангбаранг гуллар,
Қирмизи бўялган хиноли қўллар,
Қамар юз, ширин сўз, сочи сунбуллар,
Афлотундай нуктадонлар омонми?

Козим айтар, энди етдим мурода,
Ҳеч армоним йўқдур фоний дунёда,
Ёр йўлига тушдим пойи пиёда,
Бизни кутган аҳли жонлар омонми?

Алқисса, бобо Козим уч кеча-кундуз йўл юриб Рум шаҳрига **дохил бўлди**. Йигирма олти кун деганда уйига кириб келди. “Эрса хотини қайда бординг, не иш бошинга тушди, деб сўради. Бобо Козим кўрганини баён қилиб, хотинига қараб бу варсоқини айтди:

Бундин кетиб эдим, умидим узиб,
Ўз-ўзимдин бу **афғона** етишдим.
Йигирма кун чўлда сувсайиб кезиб,
Ёқутли, гавҳарли кона етишдим.

Сувсайиб ётардим мажолим кетиб,
Кўз юмиб, фиғоним ҳажридин ўтиб,
Бир коса сув берди биров уйғониб,
Қайта бошдан чиққан жона етишдим.

Ўшанда бир роҳат-етишди жона,
Ҳар бир кўрганимни айтайин санга,
Мени бошлаб олиб борди чилтана,
Кўзим очиб қирқ эрана етишдим.

Аларнинг барчасин айладим тавоб,
Бири соқий бўлиб ичирди шароб,
Шароб ичиб ўзим бўлдим **масту хоб**,
Назар этдим **ломакона** етишдим.

Уч кечаю кундз айладим суҳбат,
Козимга чилтанлар қилди муҳаббат,
Ҳақ муяссар қилди манго бу давлат,
Шукур энди **дурафшона** етишдим.

Бобо Козим камбағал одам эди. Чилтанлар дуосини олгандин сўнг хотинига яхши **қарашиғ** этиш учун одамлардан ул-бул қарз этдиган бўлди аммо ҳеч ким ҳеч нарса бермади. Шунда ул бечора ғамгин бўлиб, ғурбат ханжари бағрини пора қилиб, кўнгли бузилиб, фалакдин шикоят қилиб бир абёт айтди:

Эй ёронлар, ўз жойимда,
Кўрган дўсти ёрим қолди.
Менинг учун жафо чеккан,
Ганжи ихтиёрим қолди.

Якка бўлди ғариб бошим,
Тинмай оқар кўздан ёшим,

Элим-халқим ҳам қардошим,
Найлайин ғамхорим қолди.

Бунда ҳеч овқатим кечмас,
Ҳеч кас додима етишмас,
Яккаликдан ишим битмас,
Неча дилафкорим қолди.

Топилмади бир ҳамдамим,
Кундан-кунга ортар дардим,
Чаманли боғи масканим,
Гулшанли гулзорим қолди.

Кўп ҳасратлар бу танимда,
Турли қайғу-ғам саримда,
Козим айтар, ўз еримда,
Шундай эътиборим қолди.

Аёлига болани маҳкам топширгандин сўнг кўнгли хуш бўлиб бул абётни айтди:

Бир **оғочдин** якка ўзим бош чеккан,
Сабз ўлди ҳар тараф бутоғим менинг
Менинг учун кўзларидин ёш тўккан,
Мен ўлсам топилар сўроғим менинг.

Қайғу-меҳнат букмиш қадди долимни,
Қаҳбо фалак ёқмиш мулку молимни,
Оллодан истадим бул муродимни,
Кўтарилди дарди фироғим менинг.

Кўзимнинг равшани, кўнглим суюнчи,
Ўғил бўлар ота-она таянчи,
Раҳмон эгам берди манго бу ганжи,
Яқин бўлди душвор узоғим менинг.

Етиргай ўғлимни Тангри мурода,
Кўп жафолар чекдим, дўстлар, орада,
Дамбадам жамолин айлаб зиёда,
Юзи гулдай бодом қабоғим, менинг.

Козим айтар, Ҳақдин топдим муродим,
Бир ўғил истадим Тангридин доим,
Энди ўлсам йўқдир менинг парвойим,

Шукур Ҳақ ёндирар чироғим менинг.

Ул йигирма кун йўл юриб келган манзилини чилтанлар дуоси билан бир кунда босиб ўтди. Ҳамма кўрган-кечирганларини аёлига бир-бир баён қилди. Олмани иккига бўлиб ярмини ўзи еди, ярмини аёли еди. Шу кеча аёлининг бўйида қолиб, ҳомиладор бўлди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўтиб ўғил фарзанд дунёга келди. Ўғил ой юзли, шаҳло кўзли, оқ оппоқ, юпқа дудоқ, юзлари қаймоқ, сочлари тор-тор, боқишлари шаҳриёр, шер юракли, йўлбарс билакли, хуш талъат, Рустам сифат паҳлавон гавдали бир бола бўлиб, кўрганнинг ақлини бемор қилур эрди. Козим уни кўриб, аёлига:

-Бу болани бирор одамга кўрсатма, кўздан-суқдан сақла, деди.

-Ажаб бўлғай, деди аёли.

Рум шаҳри қоидаси бўйича туғилган болага бир ёшигача ном қўйилмас эрди. Козим ҳам фарзандини ой ювиб, ой тараб бир йил ном қўйишга тайёрлади. Бир йил тўлганда фарзандини эл олдига чиқариб, боламга ном қўйинглар, деб ўтинч этди. Аммо бирор киши унга муносиб ном топа олмади. Шунда Козим энди боламга ўзим ном қўймасам бўлмас, деб қўлига созини олиб, турли номаларни чалиб бир ғазал айтди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Ўғлим оти Қосим бўлсин.
Қутлуғ айланг, азиз жонлар,
Бул ном анга лозим бўлсин.

Етса фарзандим камола,
Мен чекмасман оҳу нола,
Очилибдур гулу лола,
Гулшанимга қойим бўлсин.

Бошинда давлат нишони,
Юзи жаннат гулистони,
Бир ўлканинг беги, хони,
Келажаги озим бўлсин.

Мен қилмишам Ҳаққа зори,
Йиғилди улканинг бори,
Эшитинглар дўсти-ёри,
Ўғлим баҳор-ёзим бўлсин.

Даргоҳина тутмишам юз,
Ўғлим учун дедим бир сўз,
Фарзандимга тегмасин кўз,
Дуогўйи Козим бўлсин.

Козим сўзини тамом қилди. Халойиқ: боракалло Козим бизни тўплади, нон-туз берди. Лекин биз қарздор бўлдик. Фарзандига бир қойим от қўё билмадик, деб **доғишиб кетдилар**.

Козим эса ўғлини хотинига топшириб, ма, от қўйдим, энди болани ҳеч кимга кўрсатма, деб топширди.

Қосим улғайиб етти ёшига кирди. Отаси уни мактабга олиб борди. Йўлда Қосимни кўрганлар унинг ҳусни малоҳатидан ҳайрону саросима бўлиб, инсон фарзанди ҳам бу қадар фаришта сифат бўлар экан, деб ёқаларини ушлашар эрдилар.

Кунлардан бир кун Қосимнинг таърифи Рум шаҳри подшосининг қулоғига етиб борди. Подшо:

-Бориб ул ўғлонни ҳузуримга келтиринглар, деди. Маҳрамлар дарҳол Козимнинг уйига келиб подшо амрини унга етказдилар. Козим: -Менинг ўғлим подшо ҳузурига пиёда бора олмайди, деб жавоб берди. Маҳрамлардан бири дарҳол отини унга тутди. Қосимни отга миндирдилар. Козим эса: Шукур Худога боламнинг отга минганини ҳам кўрдим, деб шукрона айтди. Ўзи эса болам отдан йиқилмасин, деб жиловидан тутиб равона бўлар экан бул ғазални айтди:

Шукур Ҳақнинг даргоҳина,
Ўғлим Рума амир ўлди.
Худо етишди оҳима,
Пирлар бунда ҳозир ўлди.

Кўринг барча тенги туши,
Қувонинг қавм-қардоши,
Анқо ила Семурғ қуши,
Бош устида чодир ўлди.

Чиқди давлатнинг ахтари,
Ёзилди бахтнинг дафтари,
Ёр бўлди уммат сарвари
Ғам-аламлар **ботил** ўлди.

Кимса ҳайрон, кимса кулар,
Юзин кўрган хижил бўлар,
Душманлар сарғайиб сўлар,
Аҳли пирлар ҳозир ўлди.

Отга минди сарвинозим,
Рум эли бўлди мулозим,
Шу орада бобо Козим,
Белин боғлаб **шотир** ўлди.

Маҳрамлар ота-болани подшонинг ҳузурига олиб бордилар. Козим ўғлини отдан тушириб, биргаликда бориб подшога таъзим бажо келтирдилар. Подшо:

-Эй бобо, бундай париваш ўғлонга қандай қилиб эга бўлдингиз, деб савол қилди. Козим:

-Худойи таолонинг амри, қирқ чилтанларнинг дуоси билан бул фарзандга эга бўлдим, деди. Подшо:

-Бу ўғлоннинг пешонасида бахт-иқбол балқиб турибди, сиз менинг қиёматлик қардошим, ўғлон эса менинг қиёматлик ўғлим бўлсин, деди. Козим:

-Розиман, деди. Подшо:

-Сиз ўғлонни менга топширинг, ўзингиз эса оилангиз билан подшолик саройида ҳаёт кечиринг, деди. Козим рози бўлди. Подшо Қосимни мактабга бериб 40 ўғлонга бош қилди. Етти йил ўқиди, 14 ёшина кирди. Подшо шикорга кетганда ўрнида ўтириб арз сўради.

Кунлардан бир кун Қосим подшонинг ўрнида арз сўраб ўтирар эди. Шу пайт бир қаландар келиб қўлтиғидаги китобни очиб бир қаради ва кулди, кейин эса йиғлаб бошлади. Қосим бунга ҳайрон бўлиб ўйладики, аммо шу китобда бир гап бўлса керак. Ул дарҳол қаландарнинг ёнига тушди. Қаландар эса китобни қўлтиғига қисиб жўнаб қолди. Қосим эса ундан китобни сотишни сўради. Аммо қаландар бир тўхтаб олди-ю, яна ғирра орқасига айланиб юришда давом этди. Қосим уч марта ўтинч қилди, қаландар қулоқ солмади. Бундан қаҳрланган Қосим бўйнидаги қилични олиб қаландарнинг бўйнига солди. Унинг калласи **пизловуқ кадидай** юмаланиб кетди. Қосим эса китобни олиб ичини очди. Қараса бир паризоднинг сурати бор. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Сув ичса томоғиннан, сабзи еса биқинидан кўринади. Инжа бел, бодом қабоқ, юпқа дудоқ, мўрча миён, писта даҳон, қоши камон, дориламон, фаришта сифат бир оводон қиз. Қосим буни кўриб, ҳушидан кетиб йиқилди. **Бир пора** вақтдан кейин ўзига келиб, китобни очиб:-Эй нозанин, мен сени **ҳўкмон** топарман, элу юртингни изларман, топмасдан қўймайман, деб китобни қўлтиғига уриб, шаҳардан чиқиб **бадар кетди**. Унинг изидан 40 муллавачча ҳам **эяриб** йўлга тушдилар. Улар Қосимга қараб:

-Эй дўстимиз сиз нера йўл олдингиз, деб сўрадилар. Қосим: -Эй жўралар, мен ишқ савдосига ғарқ бўлдим. Энди шу йўлдан ҳеч ҳам қайтмайман, деб бир ғазал айтар бўлди. Ғазали Қосим:

Эшитинг жўралар, жигарпоралар,
Фалак манго нечук жафо айлади.
Хуш қолинг, ёронлар, яхши зодалар,
Менинг кўнглим **ғайри ҳаво** айлади.

Етти йилдир сизнинг била ёр эдим,
Жамолингиз бир кўрсам деб зор эдим,
Яхши-ёмон орангизда бор эдим,
Найлай манго қисмат жафо айлади.

Кўзима кўринди ногоҳ қаландар,
Қўлинда бир китоб мисли самандар,
Очиб они кулар ё ёйиб йиғлар,
Булбул каби ўзин шайдо айлади.

Юриб қаландарнинг қошина бордим,
Навозишлар айлаб ҳолини сўрдим,
Сўзимга боқмади, урдим ўлдирдим,
Кўз юмиб дунёдан қазо айлади.

Ахтардим китобдан чиқди бир сурат,
Шамси қамар юзли ғамзаси офат,
Кўриб юзин менда қолмади тоқат,
Куйдириб бағримни кабоб айлади.

Мен юзина боқсам, ул манго боқар,
Ҳар боқиши ширин жонимни ёқар,
Руҳим парвоз этиб жисмимдан чиқар,
Ақлимдан, ҳушимдан жудо айлади.

Қосим айтар, бўлдим дали-девона,
Энди бормай бўлмас ўшал макона,
Парининг **ҳасари** етишди жона,
Ишқи юрагимда **маъво** айлади.

Алқисса Қосим бу сўзни айтиб тамом қилгандин сўнг унинг 40 муллавачча дўстлари: “Бу иш Худои таолодан етишибди. Йўлингиз оқ, йўлдошингиз Ҳақ бўлсин, тупроқ тутсангиз олтин бўлсин, қалбингиз қувончга тўлсин”, деб фотиҳа бериб, хайрлашиб изига қайтдилар.

Қосим шу юришига йўл юриб, йўл юрсада мўл юриб, чўлдан чўлга, кўлдан кўлга ўтиб, бир манзилга етиб ётиб дам-тинчини олди. Туриб қараса оёқлари қабарган, ҳолдан тойган, юрмакка ҳоли йўқ. Шунда Қосим қўлтиғидан суратни чиқариб анга боқиб: “Сенинг билан сўзлашиб, кўзим билан кўзлашиб, элим билан эллашиб, лабим билан ўпишиб, қўлим билан чўлашиб, бир-бировга дўлашиб ётган кунлар бўлармикан”, деб, ушбу мухаммасни ўқиди:

Эй менинг кўнглимни олган гулузорим қандасан,
Нахли шамшодим, паризодим, нигорим қандасан,
Гулшани боғимда гулбарги баҳорим, қандасан,
Ҳасратингдин зор бўлдим, шаҳсуворим, қандасан,
Эй менинг кўнглимни олган навбаҳорим, қандасан!

Жону жаҳоним сендадур, руҳи равоним сендадур,
Ақлу ҳушим ихтиёрим, балки жоним сендадур,
Нахли умримсан, хаёти жовидоним сендадур,
Шамъи жавлоним, шабистон, балки жоним сендадур,

Эй менинг кўнглимни олган навбаҳорим, қандасан?
Дарди ишқдин сийна чок, мен яна кўнгли хорош,
Раҳм қил, ҳолим кўруб эй сен менинг бағри тош,
Шамъи рухсорингга ошиқдур қамар бирла қуёш,

Не балодур хаста жонимға солан **пайванди кош**,
Ҳасратингдин йиғлаюб, балки афғоним жарас,
Сенки фарёдим эшитгил, мендадур **фарёди рас**,
Оҳ чексам ҳасратимдин туташурлар **хору хас**,

Раҳм қил ҳолим кўруб, қошимға келгил бир нафас,
Эй менинг кўнглимни олған навбаҳорим қандасан?
Ҳарки зулфат, ҳарки шаб, кўкка етишмиш нолишим,
Сендин ўзга йўқ менинг арзим айтарға бир кишим,

Минг балоларға гирифтордур менинг мунгли бошим,
Абри найсондек жаҳонни тўлдирадур кўз ёшим,
Қосимнинг ғамхорисан, ғамгусорим, қандасан?

Алқисса, Қосим бу сўзларни айтгандин сўнг яна ёрининг йўлиға равона бўлди. Бир неча манзил йўл ошиб бир чашма бўйидин чиқди. Қараса иккита чинор ўсиб турибди. Шу ерда оз-моз бир нарса еб олайин, деб ўтирди. **Сар солиб** кўрса ҳар чинорнинг бошида бир тўти ўтирибди. Улар ўзаро сўзлашиб ўтирибдурлар. Қосим қулоқ солди:

1-тўти:-Бу одам анқов, қишлоқи тоифасидан экан.

2-тўти: Не учун бундай дейсан?

-Агар ақлли киши бўлганда мен ўтирган чинор япроғидан уч донасини олиб, чайнаб оёғининг остига суйкаса, қирқ кун йўл юрсада чарчамас, очиқмас ва сувсамас эди.

-Тўғри айтасан. Агар мен ўтирган чинор япроғидан уч донасини олиб чайнаб ютса, минг кунлик йўлни бир кунда босар, чарчамас, очиқмас, сувсамас, кўлга, дарёга кирса сув тўпиғидан ошмас эди. Қосим бу сўзларни эшитиб, эй жониворлар, хосиятли сўзларингиз бўлса яна айтаверинг, деб уларга қараб бир абёт айтди:

Ширин тилли, ширин сўзли тўтилар,
Фалак нечун мунча жафо айлади.
Афлотундек бир нуктадон тўтилар,
Менинг кўнглим ғайри ҳаво айлади.

Бу дунёға ҳаргиз умид этмангиз,
Алам чекиб, хунобалар ютмангиз,
Ўлимни бир фурсат ғофил тутмангиз,
Барчанинг хонасин хароб айлади.

Бир нечалар бу дунёдан қон ютиб,
Кетдилар яхшилар оламдан ўтиб,
Қора ер аларнинг барини ютиб,
Нозик танни охир **туроб** айлади.

Ҳар ким мунда тутар жафо меҳнати,
Анда сурар сафо бирла ишрати,
Ҳақ муяссар айлар ҳуру жаннати,
Бу дунёда ҳар ким савоб айлади.

Айтиб адо бўлмас бу дарди ҳижрон,
Мени қилди бу ерларда саргардон,
Йиқилсин, юмрулсин бу **чархи гардон**,
Куйдириб жонимни кабоб айлади.

Бу суратга боқиб бўлдим девона,
Ишқидин бош олиб кетдим ҳар ёна,
Истаб топмам ул девлардан нишона,
Хаста жоним кўп изтироб айлади.

Отам эрди Рум элининг меҳтари,
Ёхти жаҳон айвонининг сарвари,
Мен найлайин ишқ дардининг ханжари,
Бағрим тилиб, жоним хароб айлади.

Бош олиб чиқибман отам юртидин,
Ахтариб топмадим пойи гардидин,
Қосим айтур, бир парининг дардидин,
Арзи ҳолим ёзиб китоб айлади.

Қосим бу сўзларни тамом қилгандин сўнг тўтиларнинг айтган гапларининг тўғрилигини синаш учун биринчи чинордан уч япроқ олиб, чайнаб оёғи остига суйкади. Сўнг иккинчи чинордан ҳам уч япроқ олиб, оғзига тишлади. Сўнг кетиш тараддудига тушиб равона бўлди. Қараса шамол янглиғ учиб бораётир. Бир вақт бир дарёнинг қаршисидин чиқди. Синаш учун ўзини тўғри дарёга ташлади. Кўзини юмиб икки қадам юрди. Кўзини очса дарёнинг нариги қирғоғида турибди. Сув тиззасига ҳам етган йўқ. Қосим бу ҳикматдан шоду хуррам бўлиб, Тангри таоло менинг мушкулларимни осон этди. Энди насиб бўлса ёримнинг висолига етурман деб бир ғазал айтди:

Шукур Ҳақнинг даргоҳина,
Йўқдан мени бор айлади.
Карам айлаб қулларина,
Раҳмати изҳор айлади.

Ишим эрди кунда мотам,
Юрагимдан чиқди алам,
Ёвуз кунинг бўлди хуррам,
Раҳматин изҳор айлади.

Тўтидин эшитур чоғи,
Чинордин олди япроғи,

Равшан ўлди кўнглим боғи,
Бахтимни баҳор айлади.

Девона қилди суврати,
Ғамгин кўнглимнинг қуввати,
Қосим айтур, бу давлати,
Ҳақ манго тайёр айлади.

Алқисса, Қосим бу сўзни айтиб ўз йўлига кетаберсин. Энди хабарни шаҳри Зарнигорнинг подшосидин эшитинг.

Шаҳри Зарнигор подшоси етти йилдан бери касал эди. Ул бир куни табиблар, мунажжимлар, қуррандозларни йиғиб, дардига даво топишни сўради. Аммо улар подшонинг дардига малҳам топа олмадилар. Охири подшо уларга дардимга даво топмасангиз сизларни ўлимга маҳкум этурман, деб дашном берди.

Табибу мунажжимлар андин 40 кун муҳлат тиладилар. Аммо 40 кунда подшога **идирли** бир гап айта олмай ўзаро келишдиларки, бунга бир иложсиз шартни қўйсак-да, қутулсак деб,-эй подшоҳим сизнинг танингизга семурғ қушнинг қонини суркаш лозим, бундан бошқа даво йўқ, дедилар.

Ана энди подшо жон ширин эмасми, менга ким семурғ қушни келтириб берса, бўйи баробар зар берурман, юртимнинг ярмисини сўратурман, яна ўн саккиз яшар қизимни бериб куёв қилурман деб жар устина жар чектира берди. Буни эшитиб, отли отига, эшакли эшагига миниб семурғ қушни излаб кетдилар. Аммо подшонинг бир **мешкоби** бор эрди. Унинг кори сарҳовуздан сув келтирмак, нонвойдан нон келтирмак, чўлу биёбондин ўтин келтирмак эрди. Ул бир кам етмишда бўлиб, тўққиз йилдин бери подшонинг қизига ошиқ эркан. Ул бобо ҳам эшагина миниб, мешкобини олиб, халтасини хуржуна солиб, турли хаёлларга берилиб, куёв бўлгандек керилиб, қайнаб-тошиб, ақли шошиб, чўлу биёбон ошиб, йўл юра-юра бир тоғнинг қаршисидин чиқди. Қараса, тоғнинг бошида семурғ қушнинг ини бор эркан. “Яхши ният ёрти мол” деганидай бобо семурғ қушнинг сув ичадиган жойини топсам, ўзини ҳам топарман, деган ният бирла тоғ тепасига чиқди. Юра-юра бир чашмага дуч келди. Семурғ учун тузоқ қуришга **чўп-чор** йиғиб энди ўтираётганида қаршисида бир хушсурат йигит пайдо бўлди. Бу йигит Қосим эрди.

-Ассалому алайкум бобо, деди. Қосим. Бобо ҳам алик олди.

-Бу тоғ устида не ишлар билан юрибсан, коринг не, қайси юртдин бўларсан, деб Қосим бобоға қараб савол қилди, бобо жавоб берди.

Қосим:
Оқ соқолли, малла тўнли жон бобом,
Қайси ошиқ дилафкордин бўлурсан?
Малойик суратли, меҳрибон бобом,
Қайси ошиқ беқарордин бўлурсан?

Бобо:
Кичик ёшли ҳусн элининг султони,
Мени сўрсанг шул макондин бўлурман.

Жаннатнинг боғидур манзил-маконим,
Фаҳм айлагил, шул макондин бўлурман.

-Недан букилмушдур қадди ниҳолинг,
Нечук оқармишдур сочу соқолинг,
Нечук сўнмиш сенинг шамъи жамолинг,
Қайси булбул-беқарордин бўлурсан?

-Мени сўрсанг, бир дилбара ошиғам,
Етишар жонима юз турли алам,
Ишқнинг дарди қоматларим қилди ҳам,
Шул булбули беқарордин бўлурман.

-Мен ҳам сендай бир дилбари жонона,
Ҳамнафас бўлмишам тоза гулшана,
Келмишам олисдан ишқида ёна,
Не манзилдин, не макондин бўлурсан?

-Шу ўлканинг султонининг **духтари**,
Жамоли фалакнинг **моҳи анвари**,
Ақлимни олибди шу гўзал пари,
Шул булбули беқарордин бўлурман.

-Не ошиқсан баён этгил сен шуни,
Нечун **йитмиш** бобом, кўзинг равшани,
Недин хазон урмиш кўнглинг гулшани,
Не гулзордин, не чамандин бўлурсан?

-Мени сўрсанг мешкоб эрдим бенаво,
Ўрдасига сув таширдим ҳар сабо,
Шул дилбари кўриб бўлдим мубтало,
Шул ошиқи мубталодин бўлурман.

-Қосим айтар, бўлғил меним ҳамроҳим,
Муродингни берсин Худо илоҳим,
Бир ошиқман, **дигар** йўқдир гуноҳим,
Шарҳ айлагил қайси элдин бўлурсан?

Эшит, ошиқ бобонг оҳ ила зорин,
Ишқ ўти ёқибдур **жони афгорин**,
Ҳар киши истаюр ўзин диёрин,
Мен бу шаҳри Зарнигордин бўлурман.
Бу айтишувдин сўнг Қосим деди:
-Эй бобо, мен сендан **коринг не, манзилу маъвонг не** деб сўрадим.
-Мен бари саволинга жавоб бердим, тушунмадингми, деди бобо.

-Тушунмадим.
-Тушунмаган бўлсанг тушун. Бу элнинг отини Зарнигор дерлар. Подшоси етти йилдин бери касал. Унинг тузалиши учун семурғ қушнинг қони даркор эрмиш. Агар кимда ким шу ишни бажарса, қизини, бўйи баробар зарини, подшоликнинг тўртдин бирини инъом этурман деб жар чектирди. Мен ҳам шу семурғ қуш дардида кезиб юрибман. Унинг қизиға ошиқ эрурман. Агар сен ҳам ул қизни кўрсанг ақлу ҳушингдин жудо бўлурсан. Ул қизнинг таърифини айтсам ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, сув ичса томоғидан, сабзи еса халқуминдан кўринур. Юзларининг оқи оқ, қораси қора. Мўрча миён, писта даҳон, бодом қапоқ, юпқа дудоқ. Қоши ҳилол, лаблари бол, ўзи оҳу, боқишлари жоду. Қадди шамшод, бир гўзал паризод.

Мен шу қизни олиш **угринда** юрибман. Ҳозир семурғ қушға тузоқ қўйиб кутиб ўтирибман. Қосим бу сўзларни эшитиб ўйланиб қолди. Ичида: бу қиз шаҳри Зарнигор подшосининг қизи бўлса, мен излаётган паривашнинг **хут ўзику**, деган хаёлга кетди. Сўнгра –эй бобо мен ҳам ўз дардим билан юрибман. Бир қизга ошиқ бўлиб Рум элидин чиқдим, деб бобоға қараб бир ғазал айтар бўлди:

Мени сўрсанг Рум элиндин,
Чиқиб бу ёна келмишам.
Жафокаш ёрнинг алиндин,
Куйиб афғона келмишам.

Чиқмишам бу жондин кечиб,
Кўзларимдин қонлар сочиб,
Ошиқлик майидин ичиб,
Масту ҳайрона келишам.

Ошиқ бўлдим бир нигора,
Юрагим бўлди юз пора,
Булбул бўлиб бир гул зора,
Учиб мастона келмишам.

Кишим йўқ ҳолим сўрмоға,
Мажолим йўқдир юрмага,
Парвонадек бош урмоға,
Шамъи сўзона келмишам.

Мен келмишам ёрим учун,
Ишқим қилди мени Мажнун,
Қосим айтур, давлат қушин,
Излаб бу ёна келмишам.

Алқисса, Қосим сўзини тамомлагандан кейин бобо деди:

-Баракалло, ўғлим сен ҳам ошиқ экансан. Кел бўлмаса, семурғни икковимиз биргалашиб тутайлик кейин подшонинг қизини ҳам биргалашиб олайлик. Шунда Қосим деди:

-Аммо бобо етмиш ёшга кирсанг ҳам каллангда игнанинг учидек ақл йўқ экан. Ҳеч бир шариатда бир қизни икки киши биргалашиб олгани ёзилмаган. Шериклик ошни ит ичмас, деганлар.

-Унда не маслаҳат берасан, қараб турсам сен мулла бола экансан, қани, маслаҳат бер, деди бобо.

-Агар мендан сўрасанг, бўйинг баробар зар, юртнинг тўртдан бири тарозининг бир ёнини, қизнинг ўзи бир ёнини босади. Шу иккаласининг бировини танлаб ол, деди Қосим.

-Баракалла ўғлим, тўғри айтдинг. Магарам семурғ қушни тутсак, подшо менинг ёшимни кўриб қизини ё берар, ё бермас. Қиз ҳам ё борар, ё бормас. Ўрдак ўрдак билан, ғоз-ғоз билан учади, бундай айтганда тенг тенги билан, тезак қопи билан. Яхшиси қизни сен олақол. Қолган шартлар менга бўлақолсин, деди бобо.

Шундай қилиб икки ошиқ подшонинг ҳадяларини тақсимлаб олиб, семурғ қушни тутиш шайига тушдилар. Бобо чўп-чор ташиди, Қосим уни тузоқ қилиб берди.

Қосим бобога деди:

-Эй бобо, умрингда семурғни кўрганмисан? Бобо деди:

-Эшитганман, лекин кўрган эмасман.

-Мен кўрганман, деди Қосим.

Бизнинг Рум элинда Семурғ қуш кўп бўлар, тоғнинг **ошоқларида** ҳам ўтлаб юришади. Қосим бу гапларни бобони ҳайратлантириш учун айтди. Аслида семурғ қушни умрида кўрмаган эди.

Бобо унинг гапига ишониб, сўради: -Болам, бу қушни қандай қилиб тутиш йўлини ҳам билсанг керак.

-Биламан, деди Қосим. Ҳозир тузоқнинг ипини белингизга боғлайсиз. Бўлмаса, у қўлдан чиқиб кетади. –Майли болам, деб бобо ипни белига **сириб** боғлади. Шундан сўнг ҳар бири бир **чуқолоққа** тушиб **буқиб** ёта бердилар.

Бир вақт замин-замонни бир қилиб бир балойи азимдай қуш учиб келаберди. Қанотлари қуёшни қоплади. У қўниб аввало болаларига бир нарсаларни ташлади. Кейин сувга келди. Қосим қараса, қушнинг ҳар оёғи мачитнинг **ўрасидай** гавдаси қора уй билан баробар, тумшуғи чўқморга мангзаш, кўзлари чироғдай. Семурғ сув ичиб, тузоқнинг арқонига **илишди**. Сўнг осмонга парвоз қилди. Ип билан бирга бобо ҳам учиб ўта кетди. Қосим изидан қувмоқ билан бўлди. Бора бора бобо бир дарахтнинг устидан келиб, ип дарахтга **чўлашди**. Бобо ҳам, қуш ҳам ёта берди.

Алқисса, Қосим бобони излаб бора бериб, унга қараб бир ғазал айтар бўлди:

Мундин учиб кетар бўлсанг ҳавога,
Энди қандай бўлар туроринг сенинг,
Мен дардимни айтсам боди сабога,
Қаердан топарсан сўроғинг сенинг.

Қарилик чоғида бу не ҳавасдур,
Қарига ошиқлик лойиқ эмасдур,

Агар юз йил жафо чекса **абасдур**,
Яқин бўлди энди узоғинг сенинг.

Осон эмас бу дунёнинг ташвиши,
Жафо чекмай ёра етмас ҳеч киши,
Ўз-ўзинга сотин олдинг **койиши**,
Бошинга балодур тузоғинг сенинг.

Баланд учмоқ била ёра етмассан,
Менинг билан ваъдалашиб кетмассан,
Бобо деб чақирсам бари боқмассан,
Магар кар бўлғондур қулоғинг сенинг.

Мундин қутилмассан соғу саломат,
Жонинга тушгандур ваҳми қиёмат,
Ёш ўғлондек оёқ чалмоқ не ҳожат,
Энди ерга тегмас оёғинг сенинг.

Кўкка боқсанг, кўк юқори, ер думон,
Ўларман деб ғам ютарсан ҳар замон,
Ичганинг заҳардур, кийганинг кафан,
Дунёда шул эрур сўроғинг сенинг.

Ошиқ Қосим сенинг учун чекар ғам,
Яккалик чоғимда сен эдинг ҳамдам,
Энди қайдан топай сени жон бобом,
Қай мозорда ёнар чироғинг сенинг.

Қосим бу сўзларни айтиб, яна бобонинг изидан бадар кетди. Бир вақт қараса, қуш бобо билан бирга дарахтга чўлашиб ётибди.

Подшонинг шартини бажариш учун қушбеги билан қозининг ўғиллари ҳам семурғ қушни излаб чиққан эдилар. Ногоҳонда улар ҳам шу дарахтнинг устидан чиқдилар. Қарасалар, семурғ қуш тузоғи билан дарахтга илиниб ётибди. “Югурганники эмас, буюрганники” деганларидек икки йигит чинорга чиқиб ипни ёздириб қушнинг икки қанотини боғлаб, пастга туширдилар. Бобо: -Эй йигитлар, менинг қушимни нера олиб борасизлар, уни менга бериб кетинглар, деб қичқирди. Йигитлар мана сенга қуш, деб унинг бошига икки юмруқни уриб, ўзини чинорга маҳкамроқ қилиб боғлаб, қушни олиб ўта кетдилар.

Алғараз, Қосим бобони излаб уни топиб келганда бобо чинорга танғилган, қушдан эса дом-дарак йўқ.

-Қуш қани, сўради Қосим.

-Қушни қушибегининг ўғли билан қози калоннинг ўғли олиб, мени танғиб кетдилар. Мени бўшат, бу ҳақда подшога арз этарман, деди бобо.

-Етмишга кирсанг ҳам сенда ақлдан нишон йўқ экан.

-Не учун?

-Сабаби шуки, қушни подшога ким олдин олиб борса, шуники ҳисоб. Сен не десанг ҳам гапингга ҳеч ким ишонмас.

-Унда менинг барча меҳнатларим бир пул бўлиб кетаверадими? -деб бобо йиғлашга тушди.

-Уйинг қаерда?

-Уйим шаҳарнинг ташқарисида.

-Ундай бўлса, аввал уйингга борайлик, кейин маслаҳатлашармиз, деб Қосим белидан пичоғини олиб, бобонинг боғланган ипларини кесиб ташлаб уни озод қилди. Иккови йўлга равона бўлдилар. Уйга келганларидин сўнг Қосим деди:

-Бобо, сен шаҳарга бориб 40 дона қоғоз келтир, деди.

-Мирзойи қоғозми ёки нос ўрайдиганиданми?

-Нос ўрайдиганидан бўлса, яна яхши.

Бобо дарҳол бориб 40 қоғоз олиб келди. Қосим уларни олиб қирқа бошлади ва бобога ун, тупроқ, қум, кул келтиришни буюрди. Бобо келтирди. Қосим улардан бир чимдимдан олиб қоғозга ихчам қилиб ўрай бошлади. Бобо сўради: - Сен буларни не иш этажаксан?

-Булар дори-дармон бўлади?

-Ун, тупроқ, қум, кулдан ҳам дори бўладими?

-Бобо сен қизиқ экансан, бозорда ўтирган азайимхон ҳам оғзига келганини валдирайди. Унинг ёнида эса “бале”, “бале”, деб турадиган дуогўйи бўлади. Сен ҳам мен дориларни мақтаганимда “Бале”, “бале” деб турсанг бўлди. Бошқаси билан не ишинг бор. Бобо хўп бўлади деб тураверди. Қосим уларни ўраб бўлиб: -Бобо бир халта келтир, деди. Менда халта не қилади, мешкобимдан бошқа ҳеч зот йўқ, деди. Бор, мешкобингни келтир, деди Қосим. Бобо мешкобни келтиргандин кейин Қосим “дори-дармон”ларни мешкобни кесиб ичига авайлаб жойлаштирди. Қосим деди:

-Эй бобо, сени бозорда танирларми?

-Танирлар.

-Ундай бўлса, бир йўл топамиз. Соч-соқолингни қорага бўяймиз.

-Хўп бўлади.

Қосим бобонинг соч-соқолларини бўяб, юзига қизил суркади. Дори – дармонларни олиб, ўзи ҳам табиб қиёфасига кириб, қўлига бир хасса ҳам олиб, шаҳарга қараб йўл олдилар. Улар шаҳар дарвозасига етдилар. Қоровуллар уларни ичкари ўтказмадилар.

-Сизлар кимсизлар, бу ернинг одамина магзаш эмассизлар, деди қоровуллар, агар кимлигингизни айтиб, хабарингизни бермасангиз шаҳарга киритмаймиз.

-**Ол унда** биз ўзимиздан хабар берадиган бўлсак, биз Рум элидан келаётирмиз. Бизнинг элга борган карвонлар: “Шаҳри Зарнигорнинг подшоси етти йилдин бери касал, ҳеч табиб даво топа билмабди, деб бордилар. Рум элининг от-овозали табиби Луқмони ҳаким дунёдан ўтгандан кейин табибларнинг олди мен бўлиб қолдим. Ўзим ҳам Луқмони ҳакимнинг охтиқлариданман. Подшонгизнинг касалигини эшитиб, унга дори-дармонлар келтирдим. Подшонгизни уч кунда энадин тоза туғилгандек этиб, **байроғина** от

миниб, тўн кийиб, зар берса олиб, хуржунима солиб кетмакка келдим, деди Қосим.

-Ундай бўлса сизлар подшомиз излаб юрган одамларнинг **топ ўзи** экансизлар, деб қоровуллар уларни тўғри подшонинг ҳузурига олиб келдилар.

Қосим билан бобо салом бериб, таъзим билан подшонинг олдида турдилар. Подшонинг рухсати билан Қосим ўзининг ким эканини бир-бир баён қилди. Унинг гапларини эшитиб, подшо мумдай эриб кетди, уларга ёнидан жой кўрсатди.

Энди хабарни кимдан ол, қушбеги билан қози калоннинг ўғилларидан ол. Улар экканда йўқ, тикканда йўқ тайёр ўлжага эга бўлиб семурғ қушни уйларига келтиргандин кейин ол энди подшонинг қизини олдик, деб шу кеча заёфатни бошлаб юбардилар. Едилар –ичдилар, турли режаларни бичдилар, бири подшонинг қизини олди, бири бўйи баробар зарни хуржунига солди. Эрта туриб, семурғни олиб, подшонинг саройига келиб, югуриб елиб, салом бериб, таъзим қилдилар. Бобо билан Қосим ҳам уларни кўриб, подшонинг амрини кутдилар. Подшо семурғни кўриб, ўрнидан туриб, кўнгли тўлиб, гўё соғайгандек бўлиб, суюниб-қувониб, кўзлари ёниб, қушни сўйишга амр қилди, жаллодлар ўрнидан турди. Қосим бирдан ўрнидан туриб, қўл қовшириб:

-Подшоҳим арзим бор, деди.

-Айт, арзингни, деди подшо.

-Арзим шулки, бу беозор қушни нега ўлдирмоқчисиз, уни сўйдиришдан не наф, деди Қосим.

-Мен етти йилдан бери касалман, ҳеч бир дори кор қилмади. Табиблар, мунажжимлар, қуррандозлар менга семурғ қонини буюрдилар. Шул сабаб мен уни сўйдиржакман, деди подшо. Қосим деди:

-Улар сизни алдаб, ўлимдан қутилиш йўлини топибдилар. Магарам сиз семурғнинг қонини танингизга суркасангиз ҳам, ичсангиз ҳам бир тийинлик фойдаси йўқ.

-Не учун, деди подшо.

--Мен ҳам созанда, ҳам гўяндаман, алимга дутор беринг, сабабини соз билан, сўз билан айтаман, деди Қосим. Дарҳол унга дутор келтирдилар. Қосим подшога қараб бир ғазал ўқиди:

Қулоқ солиб арзим эшит султоним,
Бир сўзим бор айтсам ёлғони бўлмас,
Табиблик ишиндин бордир нишоним,
Айтажак сўзимнинг нуқсони бўлмас.

Бу дунё деганинг ҳою ҳавасдур,
Саломат бўлмасанг мисли қафасдур,
Ҳар ким қадрин билмас одам эмасдур,
Бу дунёнинг ҳаргиз поёни бўлмас.

Табиблар дориси бўлар дармонинг,
Танингдин чиқадур дарди ниҳонинг,

Билсангиз ёронлар ушбу дунёнинг,
Соатликча ганжи равони бўлмас.

Ҳар киши бир пирга хизмат этмаса,
Яхшиларнинг этагидин тутмаса,
Ҳакимлар сўзига амал этмаса,
Кўкрагида дини-имони бўлмас.

Жафо чекмагунча ёра етмассан,
Жафо чекмагунча мола етмассан,
Оби ҳаёт ичмай сиҳат топмассан,
Мундин қутилмоқнинг имкони бўлмас.

Беҳуда нарсани қилмагил ҳавас,
Ажал етмай ўлмас, билгил, бир магас,
Ғанимат бил, сендан ўтар бу нафас,
Бу дунёнинг охир поёни бўлмас.

Қосимнинг пиридур ҳазрати Луқмон,
Ўтдилар дунёдан кўзлари гирён,
Топилар истасанг дардинга дармон,
Ажал етса ҳеч бир дармони бўлмас.

Қосим бу сўзларни айтиб тамом қилгандин сўнг подшо айтди:
-Баракалла ўғлим, сен бари гапни рост айтдинг. Аммо бир гапинг **ғалат** бўлди.
-Қайси гапни ғалат айтдим, тақсир?
-“Оби ҳаёт ичмай сиҳат топмассан” дединг. Оби-ҳаёт нерда, мен уни қандай топаман? Шу гапинг ғалат бўлиб турибди. Агар уни топиб бир коса ичсам сиҳат топар эрдим.
-Эй тақсир оби ҳаёт Қўҳи Қоф тоғидан **орида,** дев-парининг маконидадур.
-Кўҳи Қофдан орида, дев-парининг маконида бўлса уни менга ким келтириб беради.
-Тақсир, семурғ қушни бўшатиб юборсангиз шу қуш оби ҳаётни топиб келади.
-Бу қушни бўшатиб юбарсак, у ҳам қайтиб келмаса не бўлади?
-Қайтиб келади. Келишина мен кафил.
-Парранда-даррандага инсон зоти кафил бўла оладими?
-Бўлади, тақсир. Мен инсоннинг ҳайвонга кафил бўлганини бир ривоят бирлан сизга баён этаман, деб Қосим алина дуторини олиб подшога қараб бир абёт ўқиди.

Ҳамд айтайин ул яратган Худоға,
Етти қат ер, етти осмон айлади.
Раҳматин ёғдириб ушбу дунёға,
Кеча-кундуз моҳи тобон айлади.

Сунгиндин яратди **шамъи анвари**,
Тўққиз фалак бўлди анинг **манзари**,

Ўз нуриндин равшан этди **ахтари**,
Қудратин олама аён айлади.

Шамси қамар андин олар равшани,
Мунда тоза бўлмиш жаҳон гулшани,
Гул чаманда сабза айлаб тиканни,
Ҳамроҳини гули хандон айлади.

Сарнигун айлади чархи гардонни,
Бесутун сақлади етти осмонни,
Одам учун ясаб ушбу дунёни,
Яхши манзил, яхши макон айлади.

Чаманда очилмиш рангбаранг гуллар,
Теграсинда сайрар шайдо булбуллар,
Очилмишдур атрофинда сунбуллар,
Шабон билан ҳам **арғувон** яратди.

Сунгундан одамни айлади пайдо,
Бу дунёга шуни айлад раво,
Бир инсон яратди ҳаммадан аъло,
Қудратини моҳи аён айлади.

Ул Муҳаммад икки дунё сарвари,
Гул юзлари шамси қамар анвари,
Раҳмат дарёсининг ганжи гавҳари,
Ҳақ шуни барчага султон айлади.

Ногоҳонда бир жуҳуднинг муҳтори,
Бир кийикни тутди бериб озори,
Қулоқ солиб эшит қиссанинг борин,
Бегуноҳ жонзотга зиён айлади.

Кеча-кундуз банди қилиб сақлади,
Турли емиш бериб уни **эглади**,
Ўт-сув қўйди ҳаргиз анга боқмади,
Шому саҳар кийик афғон айлади.

Ердин кўтармайин ҳаргиз бошини,
Кўзидин оқизиб қонли ёшини,
Сийнасина қўйиб ҳасрат тошини,
Мотам тутиб оҳу фиғон айлади.

Ногоҳ бир кун кийик бандини ечиб,

Ташқарига чиқди жонидин кечиб,
Пайғамбарга борди ул кийик қочиб,
Ўшал дам дардина дармон айлади.

Ичкарига кирди саломин бериб,
Тавозе айлади бўйнини буриб,
Пайғамбарнинг жамолиға термулиб,
Кўз ёшини мисли Жайҳун айлади.

Расул ул кийикнинг ёшин кўрдилар,
Шафқат билан аҳволини сўрдилар,
Эй жонивор, не арзинг бор дедилар,
Бошин ерга қўйиб фиғон айлади.

Шикасталик билан ўзини чоғлаб,
Айрилиқ дардидин бағрини доғлаб,
Забони ҳар билан ул кийик йиғлаб,
Пайғамбарга арзин баён айлади.

Деди: менинг икки қўзим бор эрди,
Кеча-кундуз менинг бирла ёр эрди,
Ёш ўғлондек йиғлаб иши зор эрди,
Шул сабабдан хуни гирён айлади.

Икки қўзим қолди чўлда йиғлашиб,
Мен бунда айрилиқ ўтина пишиб,
Ногоҳ бир сайёднинг тўрина тушиб,
Яхши куним бўйла ёмон айлади.

Мени сотди ул кун бозора солиб,
Савдо қилмоқ учун бир жуҳуд олиб,
Оёғимни боғлаб бир уйга солиб,
Ёхти жаҳонимни зиндон айлади.

Бугун сизнинг олдингиза келмишам,
Гуноҳкорман ўз гуноҳим билмишам,
Мен бир мушкул, ёвуз дарда қолмишам,
Куйди жоним доғи ҳижрон айлади.

Сизсиз ғарибларнинг пушти паноҳи,
Сизга арзон эрмиш **фазли илоҳи**,
Кўтаринг бошимдин **рўйи сиёҳи**,
Ғам ўти бағримни **бирён** айлади.

Буни айтиб ул дам кийик йиқилди,

Тупроққа булғаниб бағри сўкилди,
Расул ани кўриб марҳамат қилди,
Ўшал дам дардина дармон айлади.

Расул айтди: “Эй жонивор йиғлама”,
Нола қилиб юрак-бағринг доғлама,
Бу дардингдин қутуларсан ғам ема,
Буни айтиб кўнглин шодон айлади.

Расул ул кийикни ёнина олиб,
Равон бўлди парвонадек қўзғалиб,
Қочган қуллар каби олдиға солиб,
Жуҳудлар элига равон айлади.

Расул жуҳудларнинг қошина борди,
Жуҳуднинг бариси йиғилиб келди,
Жуҳудлар кийикнинг ҳолини сўрди,
Шунда бу қиссани баён айлади.

Пайғамбар насиҳат айлади бунёд,
Келинг, шу ғарибни айлангиз озод,
Боласи қолибди чўл аро ношод,
Шул сабабдин кўзин гирён айлади.

Жуҳудлар айтдилар: ё Расул Оллоҳ,
Молимиз-жонимиз айлаймиз фидо,
Кийик учун кўп қилмангиз тавалло,
Барча яхшиликка ёмон айлади.

Яхшилик қилсангиз қадрини билмас,
Ҳаргиз қулоғина насиҳат олмас,
Мундин кетса агар ҳеч қайтиб келмас,
Буни айтиб барча туғён айлади.

Бул сўзларни тинглаб ул шоҳи сарвар,
Икки юзи мисли моҳи мунаввар,
Кийик учун охир кафил бўлдилар,
Ул кун муҳлат бериб равон айлади.

Болаларин кўрмак учун қувониб,
Пайғамбардан рухсат олди қистаниб,
Айрилиқ ўтида ўртаниб-ёниб,
Чўл сарига **азми равон** айлади.

Кийик чўлга келиб неча ахтариб,
Охири қувонди боласин топиб,
Парвонадек бўлди бағрина босиб,
Хаста жонин шул кун қурбон айлади.

Уч кун ўтгандин кейин жонивор,
Вилоят сариға айлади сафар,
Болалари йиғлайишиб қолдилар,
Нола қилиб оҳу фиғон айлади.

Қилған ваъдасиға етишди соат,
Расулнинг жамолин айлаб зиёрат,
Кўнгли тўлиб, шунда топди фароғат,
Қалби тинчиб шоду хандон айлади.

Жуҳудлар бариси офарин қолиб,
Пайғамбар динини шул кун ҳақ билиб,
Калима қайтариб, мусулмон бўлиб,
Бари келиб арзу иймон айлади.

Алқисса, ул кийик **кушойиш** топиб,
Роҳатга етишди заҳматин тортиб,
Боласига сийнасиндин жой бериб,
Аввалги жойинда сайрон айлади.

Мен ҳам пайғамбарнинг осий уммати,
Ғарибликда неча чекдим меҳнати,
Жафо чекса ҳарким кўрар роҳати,
Дунё иши бўйла нишон айлади.

Қосим айтар, менинг сўзим олмасанг,
Семурғ учун мени кафил қилмасанг,
Ҳакимлар сўзига амал этмасанг,
Ўз феълинг ўзинга нуқсон айлади.

Алқисса, подшо бу сўзларни эшитгандин сўнг мумдек эриб, қошини кериб, қаҳри қочиб, чеҳрасини очиб, Қосимга:

-Бу қушга неча кунга кафил бўларсан, деди.

-Қирқ кунга.

-Агарда қирқ кунга келмаса не қиларсан?

-Агар 40 кунга келмаса, мен биринчидан тан кафил, иккинчидан зар кафил, учинчидан қон кафил бўлурман. 40 кунда қуш қайтмаса, менинг бошимни кесиб, қонимни андомингизга суркайсиз, шу билан касалдан фориғ бўласиз, деди Қосим.

Бу сўздин кейин подшо қушни Қосимга инъом этди. Қосим уни олиб ташқари чиқди ва унга деди:

-Мен сени тан кафил, зар кафил, қон кафил бўлиб ўлимдин олиб қолдим. Агар 40 кунда келмасанг қирқ биринчи куни подшо меннинг бошимни кесар. Рўзи маҳшарда менинг гуноҳим бўйнингга тушар. Шунинг учун етти қат осмон, етти қат ернинг устинда бўлсанг ҳўкмон қайтиб кел!

-Ундай бўлса 40 кунда оби замзамни олиб қайтаман, деб қуш ваъда берди. Қосим:

-Эй семурғ қуш сенинг боражак еринг узоқ. Бу йўлга соғу саломат бориб кел, деб қушга қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Сулаймоннинг семурғ қуши,
Маст бўлиб, майдона юзлан.
Бошинга солиб койиши,
Азм этиб, жавлона юзлан.

Бугун ширин жондин кечиб,
Зулматга кир, йўллар очиб,
Хидир каби сувлар ичиб,
Маст бўлиб, майдона юзлан.

Нелар чекдим ранжу меҳнат,
Умримда кўрмадим роҳат,
Сенга қирқ кун бердим муҳлат,
Азм этиб, жавлона юзлан.

Сенсан менинг семурғ қушим,
Сендин ўзга йўқдир кишим,
Кўздин оқар қонли ёшим,
Азм этиб, жавлона юзлан.

Қосимнинг ғамхўри сенсан,
Кўзим сендин топар равшан,
Юсуф каби **нури афшон**,
Лутф этиб Канъона юзлан.

Алқисса, Қосим бу сўзларни айтиб тамом қилгандин сўнг, семурғни йўлга солди. Подшо эса вазир-вакилларини йиғиб:

-Бу ишни нечук кўрурсизлар, деб сўради.

-Тақсир маслаҳатни энди сўрайсизми, қуш алингиздан кетди. Одамзод ҳам ҳайвонга кафил бўлурми. Энди Қосим қочиб ўз юртига кетади. Сиз эса ҳамма нарсадан қуруқ қолурсиз, дедилар. Подшо:

-Боринг Қосимга тўрт қоровул қўйинг, иккиси ухласа, иккиси турсин, агар уни қочирсалар тўртисини ҳам дорга чекурман, деди.

Қосимнинг атрофига дарҳол тўрт қоровул қўйдилар. Қосимнинг эса бу ишдан хабари ҳам йўқ эрди.

Орадан бир кам қирқ кун ўтди. Подшо қоровулларга:-Қирқ кун бўлди, бориб Қосимни келтиринг, деб буюрди. Улар Қосимни олиб келдилар. Подшо:

-Эй ўғлим, қирқ кун тўлдими, қушинг келдими, деди.

-Йўқ тақсир, бугун бир кам қирқ кун бўлди.

-Не учун бир кам бўлар экан?

-Сиз жума ҳисобини қилдингизми ёки абжад ҳисобиними. Агар қайсини ҳисобласангиз ҳам бир кам қирқ чиқади. Мен ўз элимда етти йил ўқиб ҳамма ҳисоб йўлларини ўрганганман. Қушларнинг тилини ҳам жуда ўрганганман. Бўлмаса анга кафил бўлмас эрдим. Менинг қушим етти қат осмон-ошоғинда, етти қат ернинг юзинда соғ бўлса 40 кунда келар, деди. Қосим. Подшо не дерини билмай **ложарам** бўлиб қолди. Қараб турди-да, Қосимга яна бир кун рухсат берди. Қоровулларга бу ўғлоннинг қўл-оёғини боғлаб қўйинг, деб буйруқ берди.

Бу кеча ҳамма хотиржам ухладилар. Эртага эрталаб подшонинг вазир-вакиллари, катхудо, амалдорлари подшога салом бериб, бир-бирдан кириб келабердилар.

-Қуш келдими, тақсир, деб сўрадилар.

-Йўқ. Ҳали келмади.

-Эй подшоҳим, бу қуш қирқ эмас, эллик кунда ҳам келмайди. Энди сиз қушдан умид қилманг, деб уларнинг ҳар бири бир гап айтдилар. Подшо:

-Боринг, қоровулларга айтинг, Қосимни олиб келсинлар, деб буюрди. Тўрт қоровул уни тезда олиб келди. Подшо:

-Қани ўғлим, қирқ кун тўлдими, деб савол қилди.

-Йўқ тақсир.

-Семурғ қуш келдими?

-Йўқ тақсир!

-Нима учун 40 кун тўлмади?

-Тақсир уч чорак кам 40 кун бўлди.

-Бу не деганинг?

-Кун машриқ заминда туғади.

Кун ўртада 12 соат бўлади.

Ўн икки соатда мағриб заминида ботади. Ҳали кун туққанига энди 9 соат бўлди. Қирқ кун тўлишига уч чорак бор. Вазирлар:

-Бу бола дунёда йўқ гапларни айтиб сизни алдаб турибди, деб подшонинг жаҳлини чиқардилар. Подшо:

-Боринг, Қосимни дорга осинг, деб буюрди. Жаллодлар дарҳол Қосимни тутиб, унинг олдида жарчилар эшак бозори, кўшак бозори, от бозори, зот бозори, туя бозори, бия бозори, сигир бозори курра бозори бўйлаб “Қушга кафил бўлганнинг жазоси шу, деб жар қичқира бердилар. Шаҳарда оломон йиғила берди. Қосимни ётириб, қўл-оёғини боғлаб, ханжарни томоғига қўйганда ул:

-Эй жаллод, бир фасл сабр айла, рўзи қиёматда сендан хунимни оларман. Қушимни чақиришга рухсат қил. Агар келса иқболим, келмаса пешонамдагидан кўрайин, келмаса бўғзимни чалавер, шунда ҳам кеч қолмассан, деди. Жаллод бу гапдан довдираб қолди.

-Худо амри фарз, пайғамбар амри суннат, подшо амри вожиб. Чақир қушингни, армонинг қолмасин, деди жаллод. Қосим қўл-оёғи боғлиқ жаллоднинг олдида ётгани еринда қушни чақириб бир ғазал айтди:

Сулаймоннинг семурғ қуши,
Кел энди, жоним, кел энди.
Бошима солдинг койиши,
Кел энди, жоним, кел энди.

Кўзда ёшим бўлди Жайҳун,
Бадтар бўлди ҳолим шукун,

Қирқ кун ҳам ўтмасдан бурун,
Кел энди, жоним, кел энди.

Юрагимда дардим тугун,
Айбим оғир ҳолим забун,
Жаллод ўлдирмасдин бурун,
Кел энди, жоним, кел энди.

Мени бугун чекар дора,
Юрагим бўлди минг пора,
Мени қўйма интизора,
Кел энди, жоним, кел энди.

Равон келгил, сен қўзғолиб,
Рақиб жонига ўт солиб,
Оби ҳаёт сувин олиб,
Кел энди, жоним, кел энди.

Қосим айтар, меҳрибоним,
Эшит менинг оҳу зорим,
Кетди қўлдан ихтиёрим,
Кел энди, жоним, кел энди.

Алқисса, Қосим сўзини тамом қилди. Шу вақт осмону фалакда бир шовқин пайдо бўлди. Қосимнинг дорга чекилишини кўриш учун икки минг-учминг оломон йиғилган эди. Улар бу шовқинни эшитиб: -Эй жаллод, ўғлонни бўшат, осмондан бунинг қуши келаётир, деб қичқирдилар. Шул вақт семурғ осмондан пастлаб келаберди. Ул ерга қараса, дор остида оломон йиғилган. Семурғ:-Бе, мен кечга қолган ўхшайман, деб осмонда чарх уриб айлана берди. Одамлар Қосимнинг бу кароматидан ҳайрон қолдилар. Уни бўшатиб, ўрнидан турғиздилар. Қосимни кўриб қуш унинг олдига келиб қўнди. Қўтоннинг халқумига ўхшаган оғзида бир ботмонга яқин сув бор эрди.

Подшонинг навкарлари Қосимни подшо олдига олиб бордилар. Қосим:

-Мана подшоҳим, бунга семурғ қуш дерлар. Оғзидаги сувга оби ҳаёт дерлар. Қани сувга бир идиш топинглар, деди.

Бир мис тоғора келтирдилар. Қосим сувни солганда тоғора улли ярим бўлди. Ундан бир косани тўлдириб Қосим подшога берди. Подшо ичди, бир замонда ёш йигит қиёфасига кирди, дардидан фориғ бўлди. Қосим:

-Бу сувдан бизнинг бобомиз ҳам ичсин, деб мешкобчи бобога ҳам бир коса сув берди. Ул ҳам ичиб ёш йигитга айланди.

Подшо етти йилги дардидан қутилгани учун 40 кеча-кундуз тўй бошлади, одамларни **тархон** қилди.

Тўйда созанда бозандалар, масхарабозу қўчқорбозлар, сурнайчию карнайчилар 40 кун соз этди, кўнгилларни ёз этди. Ҳар ким завқинда шавқинда бўлди, косалар шаробга тўлди. Еган еди, ичган ичди.

Қосим бу **ола-қийғосдан** четга чиқиб бобога деди:

-Эй бобо, ҳозир ит икасини, пишик бикасини танимайди. Бизлар бу ерда не қиламиз. Сиз подшонинг қизини танийсизми, деб сўради Қосим. Бобо деди:

-Ўғлим Қосимжон, мен 9 йилдан бери унинг хизматидаман, чўлдан ўтин, элдан сув, нонвойдан нон келтириб юрибман, **дим** яхши танийман.

-Танисангиз юринг менга кўрсатинг, ўзи яхши қизми?

-Ўғлим ҳозир кундуз куни подшонинг ўрдасига борсак иккимизнида ўлдирадилар.

-Унда не қиламиз, ахир биз шунча заҳмат чекдик, подшонинг шартини бажардик, энди икки бармоғимизни бурнимизга тиқиб ўтираверамизми?

-Ўғлим, кун ботсин, қоронғи тушсин, эл оёғи тинсин, шунда борамиз, бизларни ҳеч ким танимайди. Шунда подшонинг қизини кўрарсан.

Қосим бобо билан келишиб, кечаси ўрдага йўл олдилар. Бобо Қосимни сал ўтмай подшонинг ўрдасига олиб борди. Улар бир жойга бекиниб, гизланиб ўлтирдилар. Қарасалар бир тўпор қиз қўшиқ айтиб, соз қилиб, ўйнаб-кулиб ўтирибдилар. Бобо сар этиб қараб: -Бу ерда подшонинг қизи йўқ деди.

-Шу қизлар орасида бўлмай нера боради, сиз танимадингиз ўхшайди.

-Йўқ ўғлим, мен танийман, бу қизларнинг орасида подшонинг қизи йўқ. Бир вақт ичкаридан бир қиз чиқиб келаверди. Бобо:-Қара-қара, ана подшонинг қизи чиқиб келаётир, яхшироқ сар этиб қара, деди. Қосим бир суратга, бир қизга боқди. Аммо қиз суратдагига ҳеч ўхшамади. Қосимнинг **лофи каж** бўлди. Халтасини йўқотган девонадай ўтириб қолди.

-Бобо, яхши қиз экан, аммо бу мен излаган қиз эмас. Юринг бобо, кетайлик деб, **қумулиб** ўтирган жойларидан чиқиб, тўй маракасига аралашиб кетдилар. Подшонинг 40 кунлик тўйи ҳам **қуторди**. Подшонинг ёдига бирдан Қосим келди. Дарҳол уни келтиришга буюрди. Қосим бобони ҳам олиб бирга подшо ҳузурига келди.

-Ҳа ўғлим келдингми?

-Ҳова тақсир келдим.

-Эй ўғлим, мен етти йил дард чекдим. Ҳеч ким даво топа билмади.

Табибларим семурғ қуш қонини буюрдилар. Мен уни топиб келганларга бўйи баробар зар, юртимнинг тўртдан бирини, беглар беги амалини, ўн саккиз яшар қизимни бераман, деб жар ектирдим. Бир куни семурғ қушни тутиб келдилар. Шунда сен пайдо бўлиб, ул қушга кафил бўлдинг. Оби-ҳаёт сувини келтиришга ваъда бердинг, ваъдангнинг устидан чиқдинг. Мен дарддан халос бўлдим. 40 кеча-кундуз тўй бердим. Тўй ҳам тамом бўлди. Шул сабаб сен семурғни келтирмасанг ҳам сенга тахтимни-бахтимни ва қизимни инъом этаман. Қосим деди: -Аммо тақсир, агар семурғни тутганга қизингизни

берсангиз уни мана бу мешкобчи бобога берасиз. Қушга тузоқ қўйган, белига ип боғлаб семурғни тутган иккимиз. Семурғ бобони олиб учиб кетди. Бир чинорга чўлашиб ётган вақтида қушбегингиз ва қози калонингизнинг болалари қушни бободан зўравонлик қилиб олиб кетдилар. Агар ёлғон бўлса ўша икки йигитни чақиринг. Магарам ёлғондан қушни биз тутдик десалар, қизингизни шуларга беринг. Рост гапни айтсалар қизингизни бобога беринг. Подшо маҳрамларига: -Боринг ўшал икки ўғлонни тутиб келтиринг, деб буйруқ берди. Маҳрамлар **бўкчиб** туриб икки йигитни излаб кетдилар. Тўғри бориб қушбеги билан қози калоннинг уйини топдилар. Улар:

-Омонликми, не гап деб сўрадилар. Маҳрамлар:

-Сизларни Худо урди. Сизлар бир бобони уриб-уриб, алиндин қушни олган экансизлар. Сир очилди, сизлар подшонинг ғазабига учрадингиз ҳозир Қосим билан бобо подшо ҳузурида сизлар билан юзлашади, дедилар.

Бу хабарни эшитиб, икки йигит **онг-тонг** бўлиб бир-бирига қарашди. Қушбегининг ўғли қози калоннинг ўғлина деди:

-Энди не қиламиз?

-Икковимиз ҳам аслзодаларданмиз подшонинг қизидан ҳам яхши хотинимиз бор. Подшонинг қизини бошимизга урамизми, ростини айтаверамиз, деди қозикалоннинг ўғли.

Буларни маҳрамлар подшонинг ҳузурига олиб борди. Боргунча бу икки йигит юрагини ҳовучлаб бордилар, ҳаётдан умидини узиб ҳукмни кутдилар. Подшо деди:

-Мен семурғ тутиб келганга фалонча зар берурман, қизимни никоҳлаб берурман деб жар чектирдим.

-Тўғри тақсир.

-Сизлар семурғ қушни тутиб келдингизлар. Шуни ўзингиз заҳмат чекиб тутдингизми ёки бировдан тортиб олдингизми?

-Сиз жар чектиргандин сўнг биз қуш излашга чиқдик. Бораётирсак олдимиздан бир чинор чиқди. Қарасак бир қуш бир бобо билан унга чўлашиб ётибди. Бу қуш барибир бобони олиб қочиб ўлдириб қўяр. Шу сабабли уни олиб подшоҳимизнинг дардига дармон қилайлик, деб қушни сизга олиб келдик. Бобони шу чинорга танғиб қайтдик.

-Энди шодликка чиққанимда яна бир **ғалмағал** бўлмасин, боринг, бундан кейин бундай ишни қилманглар, деди подшо.

Йигитлар таъзим қилиб: -“Тавба қилдик, тавба қилдик”, деб орқалари билан чиқиб қочиб кетдилар.

Қосим:-Подшоҳим, энди бу гапнинг рост-ёлғонини англадингизми, деди. Подшо деди:

-Мен сени кўп синадим, бари сўзинга инонаман. Энди сен не десанг шунга розиман.

-Тақсир семурғни тутганга қизимни бераман, деб ваъда этган эдингиз. Энди қизни менинг бобомга берасиз.

Подшо рози бўлиб, мулла чақиртириб қизини бобога никоҳлаб берди Қосим: -Эй бобо, юринг мен сизни подшонинг қизи ҳузурига олиб бориб келай,

деб бобо билан йўлга тушди. Йўл-йўлакай Қосим бобога деди: Эй бобо, мен сизга озми-кўпми яхшиликлар қилдим, мендан розимисиз?

-Мен сендан ул дунёда ҳам бул дунёда ҳам розиман, деди, бобо.

Шу боришда улар подшо қизининг ёнина бордилар. Қосим қизга бобони топширди. Бобо қизни қучоғига олиб лабина лаб, холина хол, болина бол қўйиб, **ҳазатиб** ёта берди. Қосим бу кеча ётиб, эрта туриб, подшонинг олдига кирди, салом берди.

-Не хабарлар ўғлим, деб сўради подшо,

-Подшоҳим, хабар шуки, мана етти йиллик касалдан қутилдингиз. Мен бу йўлда озми-кўпми ёрдам бердим. Энди менга рухсат берасиз, семурғ қушимни ҳам ўзимга топширасиз.

-Ўғлим, сенга рухсат йўқ.

Тахт берайин, бахт берайин. Қизимни олмадинг, элдаги хоҳлаган қизингни ўнта бўлса ҳам олиб берайин.

-Тақсир менга тахтингиз ҳам бахтингиз ҳам керак эмас. Менга оқ фотиҳа билан жавоб берасиз. Подшо Қосимнинг қарори қатъий эканига ишонди.

-Эй ўғлим энди жавоб берсам ҳам бермасам ҳам кетар бўлдинг, боринг Қосимжонга от асбоб, тилла жиға, заррин камар, яхши либослар келтиринг, деб буюрди. Дарҳол буйруқ адо этилди. Қосимни бош-оёқ ясантирдилар. Подшо деди:

-Шунча тавалло айтсам ҳам қолмадинг энди сенга оқ йўқ, манглайинг оқ, ховандоринг Ҳақ, кайфинг ҳамиша чоқ бўлсин. Тупроқ тутсанг олтин бўлсин, муродингни ўн саккиз минг олам сарвари ҳамиша қўлласин! Қушнинг ҳам ўзингга буюрсин.

Алқисса, Қосим подшо билан хўшлашиб, семурғни ҳам олиб, ўрдадан чиқиб, шаҳар ташқарисига келди. Қўлтиғидан китобни олиб, ичидаги расмни семурғга кўрсатиб; Шу менинг ёрим, сен мени ёримга етир. Сендин бошқа ғамхўрим, хўстор-ховандорим, сирдошим йўқ, деб бир ғазал айтар бўлди:

Сулаймоннинг қуши, эй шоҳи Мурғон,
Сендан бошқа ховандорим йўқ менинг.
Менинг бул ишимни қилмасанг осон,
Шул диёрда ҳеч турорим йўқ менинг.

Туганмас савдога соташди бошим,
Ул арши аълога етар нолишим,
Бунда юрсам адо бўлмас койишим,
Ақли ҳушим ховандорим йўқ менинг.

Эгам раҳм этмас кўзда ёшима,
Оғулар қўшилди ичган ошима,
Ҳар кечалар ёрим кирар тушима,
Сендин бошқа меҳрибоним йўқ менинг.

Қосим айтар, чекдим ёрим фироғи,
Ёрим қўйди менинг сийнамда доғи,

Истасам топилмас анинг сўроғи,
Бугун бунда ёри жоним йўқ менинг.

Қосим сўзини тамомлаб семурғга деди: -Мен шу суратдаги қизга ошиқ бўлиб Рум шаҳридин келдим. Сен менинг ёримнинг қаердалигини билмайсанми? Семурғ:

-Бу сурат Яман подшосининг қизи. Бу манзил ўта узоқ, унга етиб бориш имкони йўқ.

Бу сўзни эшитиб Қосим йиғлай берди. Семурғ ўзининг сўйилиб, қонининг суркалиши олдидан уни Қосим қутқариб қолганини эслади. Қосимнинг аҳволига ачинди ва деди: –"Бўлмаса сен йўл учун озиқ, сув тайёрла бирга олиб учаман, бора олсам борарман, бора олмасам йўлда ўларман.

Қосим дарҳол бир хўкизни олиб, терисидан меш ясатди. Ичига озиқ-овқат, сув, нонни жойлади.

Семурғ устига юклаб ўзи ҳам минди. Семурғ деди: соғ ёнимга қарасам сув, сўл ёнимга қарасам эт бер!

Қосим семурғнинг айтганини бажариб, шу тахлитда 36 кеча-кундуз учдилар. Охири семурғнинг куч-мадори тугаб, бир чўлистонга йиқилди ва **торпа** жон берди.

Қосим не қиларини билмай энг охирги хўстор-ховандорлимдан ҳам айрилдим, деб семурғнинг бошини тиззаси устига қўйиб йиғлай бошлади. Бу семурғнинг онаси ҳали ҳаёт экан. Ул қуш ўлган семурғни излаб чиққан экан. Она семурғ боласини излай –излай охири Қосимнинг устидан чиқади. Қараса боласи ўлиб ётибди, ёнида бир одамзод ўтирибди. Она семурғ боламни шу одамзод ўлдирган бўлса керак, деб унинг устида чарх ура берди. Охири тоғдан бир тошни кўтариб унинг устига олиб келди. Тош ўн туянинг оғирлигидан устам эди. Она қуш яқинлаб, пастлаб назар солса одамзод ўлган семурғнинг бошини тиззасига олиб йиғлаб ўтирибди. Она семурғ дарҳол тошни узоққа отиб, ўзи Қосимнинг **қоптолина** қўнди. Она семурғ ҳам Қосимга қўшилиб йиғлашга тушди.

Қосим буни кўриб, бу келган қуш менинг қушимнинг ё онаси ё отаси бўлса керак, деган фикрга келди ва эй жонивор боланг ўлди, деб она семурғга қараб бир ғазал ўқиди:

Дунёдан ўтибдур кўнглингнинг шоди,
Ғунчаликда боғин хазон айлади.
Ногоҳонда эсди ажалнинг боди,
Сарви қаддин ер ва яксон айлади.

Манго бўлди шугун охир замона,
Ғам уйинда қолди бошим думона,
Армон билан келиб ёхти жаҳона,
Бир-икки кун ўзим меҳмон айлади.

Кеча кундуз оқар кўзимнинг ёши,
Истасанг топилмас ёз била қиши,

Фироғимда йиғлаб чўлдаги вахший,
Ҳар қайси минг турли фиғон айлади.

Ўтди ул дунёдан ўртаниб-куйиб,
Ажалнинг риштаси жонини қийиб,
Отамни-онамни кўрмадим дейиб,
Кўнглида минг йўла армон айлади.

Бу дунёга келиб жондан тўйғон йўқ,
Ҳақ йўлида ўлсанг зарра армон йўқ,
Ҳар кишига Ҳақдан ўзга поён йўқ,
Найлайин қисматни мавлон айлади.

Бу дунёдан кетган айланиб келмас,
Қазо етмай умринг гулшани сўлмас,
Қосим айтар, ўлмай ҳеч киши қолмас,
Барчанинг хонасин хазон айлади.

Қосим сўзини тамом қилгандин сўнг она семурғ деди: “Бу дунёда ажали етиб ўлмайдиган жонзот йўқ. Агар ёринга етмоқчи бўлсанг устимга мин болам ўрнига мен олиб борайин”. Қосим деди: “Сенинг боланг мени олиб 40 кун учди. Билмадим не сабабдин ўлиб қолди. Энди бунинг жавобини охиратда бера олсам яхши эди. Энди мен сенинг устинга минмайман, ўзим кетаман. Майли, йўлда сенинг боланга ўхшаб ўлиб қолсам ҳам розима”.

Она семурғ деди: “Ундай бўлса ихтиёр ўзингда”.

Алғараз, Қосим чўлу биёбонда якка ўзи ёрини ахтариб йўлга равона бўлди.

Қосим неча кун йўл юриб, неча кун чўл юриб тоғу тузлардан ошди, ўт-ўланларни териб еди, ёввойи меваларни териб еди. Қосимнинг сочлари ўсиб белига тушди. Бир куни ҳисоблаб кўрса йўлга чиққанига етти йил бўлибди. Етти йил ичида кийимлари тўзиб, чўпонлардан чекмон, телпак яна **онгри-бариларни** олиб кийди.

Қосим: Менинг етти йилдан бери этган ишим йўқ, тутган қушим йўқ, эй Худо мени не учун бундай хўрладинг, энди мен чўлу биёбонда ўлиб қоладиган бўлдимми, деб Худойи таълога бир муножот ўқиди:

Оламни яратган қодир зулжалол,
Қудратингдин орзу само айладинг.
Сен Каримсан, менда қолмади мажол,
Нечун мени бахти сиё айладинг.

Алқисса ҳар кимни бир қисмат қилиб,
Келтирдинг дунёнинг неъматин бериб,
Барча одамларни охир ўлдириб,
Бу дунёни мотам саро айладинг.

Нечага берибсан ризқ била рўзи,
Нечага берибсан дард била сўзи,
Нечага берибсан ийди наврўзи,
Лутф этиб ҳожатин раво айладинг.

Аввал мени нечун йўқдан бор этиб,
Охирида бу ғамларга ёр этиб,
Аввали гул этиб, кейин хор этиб,
Хаста кўнглим нечун адо айладинг.

Умид билан даргоҳинга келибман,
Ноумид айлама Қодирим сенсан,
Дунёни айладинг неча **аржуманд**,
Шуни кўриб кўнглим адо айладинг.

Кунба кундин бўлди дардим зиёда,
Не юз билан мен кезарман дунёда,
Қосим келди ушбу жойга пиёда,
Менга ортиқ жабру жафо айладинг.

Қосим бул муножотни ўқигандин сўнг енгил тортди. Энди орзум жобажо бўлур, Худо нолишимни эшитиб менга мурувват айлар, деб яна бир ғазал айтди:

Шукур Ҳақнинг даргоҳина,
Яхшилар каромат айлар.
Эранлар кирди тушима,
Турғил, деб ишорат айлар.

Кездим неча тоғу чўллар,
Азоб чекдим неча йиллар,
Маккага борган ҳожилар,
Йилда бир зиёрат айлар.

Сўфиларда бордур одат,
Кечалари қилар тоат,
Ҳар ким чекса ранжу меҳнат,
Ҳақ шуни саломат айлар.

Бугун келди давлат чоғи,
Ёнди бахтимнинг чироғи,
Юрагимнинг дарди доғи,
Кўргил нечук ҳолат айлар.

Қосим айтар, бўлма маълул,
Кеча-кундуз ёдинда бўл,

Даргоҳинда бўлса қабул,
Ҳожатин кифот айлар.

Қосим бу ғазални ўқиб шодланиб йўлга равона бўлди. Яна бир кун йўл юрди, эртаси кун чиқди. Қибла тарафдан ҳам бир кун чиққандай бўлди. Қосим: “Бу кун қайдан пайдо бўлди, кун машриқдан туғиб, мағрибга ботар эрди, қибладан чиққан кун не кун бўлди”, деб хаёл суриб кета берди. Машриқдан чиққан кун юқорилади. Қибладагиси ўрнидан қўзғалмади. Сар этиб қараса ул кўринган ялтироқ зот тилла кўшк экан. Бу Яман подшоси қизининг кўшки эрди. Қосим: “Худога шукр, энди ёримнинг маконига етдим ўхшайди, деб бўкиб-бўкиб, йўртиб-йўртиб юра бошлади. Қосимнинг келган бу гўшаси Яман подшоси Хуршидшоҳнинг қароргоҳи эрди. Унинг яккаю ягона бир қизи бор эрди, отиға Маликаи Зарнигор дер эрдилар. Унинг қирқ кўшки, қирқ боғи, қирқ канизи, қирқ ғуломи бор эрди. Қосим келган куни маликаи Зарнигор тушида Қосимни кўриб ошиқи беқарор бўлиб қолди. Ул қиз мен кўшкда ўтирмай боғсайлиға чиқсам, балки ёримни топарман деган илинжда отасидан рухсат олиш учун унинг олдиға икки канизини жўнатди. Бу хабарни эшитиб, подшо:

-Қизим боғ сайлиға чиқса, дарвозаларни бекитинг, бирор ёт киши кирмасин, менинг бахтим ҳам, тахтим ҳам шул қизимдир, деб буйруқ берди. Канизлар бул хабарни маликага етказдилар.

Малика аввало 40 канизи бирлан ҳаммомға бориб чўмилди. Ювиниб – тараниб, ойнага қараниб, қирмизи либосларини кийиб, қошга ўсма, кўзга сурма қўйиб, бошига тилло тумоғасини кийиб, устига тилла жиғасини санчиб, отларини зар асбоблар билан безаб, шаҳарга чиқдилар. Булар шаҳарда кезиб юраберсин, эндиги сўзни Қосимдан эшитинг. Қосимнинг кўзига ялтиллаб кўшк кўринаберди. Бу не кўшк эркан деб чошгоҳ пайти шаҳар дарвозасига борди. Аммо дарвозаларнинг барчаси **илик** экан. Қосим ўзига ўзи: -Бу шаҳарнинг ёғилари кўп бўлса керак бўлмас кундуз куни ҳамма дарвозани илиб ўтирадиларми, деб ўйлади. Аммо бир жойдан йўл топиб кириш керак, деб айланиб-айланиб бир **қопиға** дуч келди. У шу ердан шаҳарга кириб кетаберди. Бир жойга борса **тахё**, телпак, папоқ, **сулги** сотиб турган эканлар. Қосим бу жой шаҳарнинг чорсуси бўлса керак, деб яна юра берди. Сал юргандан кейин қараса, қирқ қиз, уларнинг ўртасида отнинг устида бир қиз турибди қошида ўсма, кўзида сурма, бошида тилла тумоға, устида тилла жиға. Оҳу боқишли, одамни ёқишли, юзлари ой, ғамзага бой, кўзлари жаллод, қомати шамшод, лаблари чўқ, киприклари ўқ, сочлари тол-тол, лаблари бол, ўзи навниҳол, кўкраги тоғ, вақти чоғ отнинг устида виқор билан боқиб ўтирибди. Қосим ҳайрону лол бўлиб уларга қараб турганда кўзи шу париваш қизнинг кўзи билан тўқнашди. Қиз бир сесканди ва канизларига буюрди: -Мен сайрга чиққанда шаҳарда ёт киши не қилиб юрибди, тутиб олиб ўлдиринг, деди. Канизлар югуришиб Қосимга **тўпилдилар**. Аммо Қосим қўлидаги чўпон таёғи билан уларни қувиб юборди. Қизлар бибисининг олдига йиғлаб бордилар. Малика бирдан қаҳри келиб йигитга разм солса, тушида кўрган йигитнинг **хут** ўзи. Қосим ҳам қизга қараб, мен ахтариб юрган қиз шу эмасмикан, деб қўйнидаги суратни олиб қаради. Кўрса ўзи қидириб юрган қизнинг **топ** ўзи. Шунда Қосим унга қараб.

-Мен сизга бир арз айтмоққа келган эдим, аммо қизларингиз ўлдирмоқчи бўлдилар, мен сўзимни соз билан айтайин, сиз қулоқ солинг, деб бир мухаммас ўқиди:

Мени бир қизгинайи офатижон ўлдирадур,
Қоши ёй, киприги ўқ, писта даҳон ўлдирадур,
Жавҳари ойинайи, руҳи равон ўлдирадур,
Яна бир қизлар аро мўрчамиён ўлдирадур,
Қовушиб кўнглина ёр ўқи нишон ўлдирадур.

Не ажаб тоза гулу ёри ситамгаргинайи,
Сочи сунбул, юзи гул зулфи **муанбаргинайи**,
Сўзлари қанду новот, лаблари шаккаргинайи,
Ғамзаси жонима ўқ, рўзи маҳшаргинайи,
Қўймайин олдинда ёр арзим баён ўлдирадур.

Кийгани қирмизидур, бошинда бор тилло кулоҳ,
Кўрсалар рухсорасин, парвонадур меҳр ила моҳ,
Донайи холи хати ўзгинаси меҳри гиёҳ,
Оҳким солди бошимға ул гўзал зулфи сиёҳ,
Яна хўблар аро ул мўрча миён ўлдирадур.

Айламиш булбулга гул ошуфталигин тоза тар,
Ғунчадай қилса табассум тўкилар шаҳду шакар,
Тўни зар, **оризи тар**, ёқасида тугмаи зар,
Ўзи бир мулки латофат ичида тоза гавҳар,
Зийнати салтанати шоҳи жаҳон ўлдирадур.

Маст кезармиш санамим бошида зар, юзда гулоб,
Қатра-қатра оқизиб, гул юзидин **дурри хушоб**,
Куйдирар оламни ул гул юзидин олса ниқоб,
Раҳм қилмай манго ёр, лаҳза қилиб **нозу итоб**,
Боқмайин бир сония меҳри ёмон ўлдирадур.

Кўрдиму ёндим ўшал руҳи мусаффогинасин,
Очибон кўргузди ёр, ҳусни томошагинасин,
Кўз-кўз айлаб ул ўшал қомати зебогинасин,
Дор қилиб бўйнига солса зулфи **муштагинасин**,
Лолагун қизлар аро мўрча миён ўлдирадур.
Юзида барқ урадир гулгун ёниб нури илоҳ
Кўрсалар даргоҳида банда бўлар шоҳу гадо,
Ғамзаси қоним ичар, икки кўзи икки гувоҳ,
Ханжари зулми била найлай ўшал зулфи сиёҳ,
Қосими –дилхастаки қоши камон ўлдирадур.

Қосим бу сўзларни айтиб бўлғандин сўнг қизлар бу одам **далироқ** ўхшайди, юринг кетдик, деб чорбоғ томонга **дўниб** ўта кетдилар. Қосим:

-Мен аввало ғарибман, иккинчидан ошиқман, учинчидан меҳмонман, деб қизларга қараб яна бир абёт айтди:

Бир арзим бор айтгум сиза,
Жонимнинг жонони қизлар,
Мусофирман юртингиза,
Инжитманг меҳмонни қизлар.

Кўрмишам **боғи раҳонинг**,
Ушалсин орзу армонинг,
Ёлғончи фоний дунёнинг,
Шод ила шодмони қизлар.

Бошиндадур давлат тожи,
Ҳуснинг ойдан олар божи,
Барчалар ҳуснинг муҳтожи,
Ўлканинг султони қизлар.

Ғариб тушдим юртингиза,
Қулоқ солинг ушбу сўза,
Бир мурувват айланг биза,
Кўнглимнинг армони қизлар.

Ошиқ бўлмишам бир гула,
Ўхшатдим шайдо булбула,
Карам айланг ғамли қула,
Дардимнинг дармони қизлар.

Мен ошиқман қадрим билинг,
Кўзларимнинг ёшин **сиринг**,
Ушбу жаннатдан гул беринг,
Ғунчаи хандон қизлар.

Қосим деяр, меҳрибоним,
Ҳасратидин чиқди жоним,
Садқа бўлсин хону моним,
Хўбларнинг султони қизлар.

Қосим сўзини тамом этди. Қизлар кетабердилар. Ул ҳам уларнинг изидан бораберди. Қизлар чорбоққа кирдилар. Қосим бу қизлар билан боғ ичига кирсам осмондан тушган пўстиндай бу ким, деб ўлдириб қўярлар, деган ўй билан ичкарига кирмай боғдан оқиб чиққан сув бўйида ўтираберди. Чорбоғнинг ичида сарҳовуз бор эрди. Сув унинг бир ёғидин кириб, бир ёғидин чиқар эрди. Қосим шу сув бўйида ал-юзини ювиб ўтираберди.

Энди хабарни кимдан эшитинг, Маликадан эшитинг.

Малика бориб отдан тушди. Отини боғлади. Кўнгли хижил бўлди. Ёнимда ёрим бўлмаса бу боғни не қилай, деб ишқи мавж уриб бир ғазал айтар бўлди:

Ёрсиз найлайин бу жонни,
Севар жонони бўлмаса.
Хазон урсин бу чорбоғни,
Унинг боғбони бўлмаса.

Хаёли ёдимдан кетмас,
Чеккан оҳим ёра етмас,

Ошиқлар мурода етмас,
Чашми гирёни бўлмаса.

Кўнглим истар ёра борсам,
Боқиб юзина термулсам,
Лабининг болини сўрсам,
Ғайри инсони бўлмаса.

Вақтимиз ёр била хушнуд,
Ёрсиз хотирим нохушдур,
Кўнглимнинг боғчаси қишдур,
Сарви равони бўлмаса.

Булбулнинг ўрнига зоғи,
Титрар дилимнинг япроғи,
Ҳаргиз кетмас кўнгил доғи,
Ёрнинг нишони бўлмаса.

Маликанинг будур зори,
Йўқолмиш сабру қарори,
Чертилмайди дилнинг тори,
Боғнинг боғбони бўлмаса.

Алқисса, малика сўзини тамом қилди. Бирдан юраги безовта бўла бошлади. Ўз-ўзига деди: Менга не бўлаётир ё касал бўлдимми, юрагим гурсиллаб ураётир, сув бўйига бориб юзларимни бир ювайин, балки тузаларман.

Малика сарҳовуз бўйига бориб, юзларини ювиб, рўмолчасига юз-қўлларини артиб, рўмолни ҳовузга **зингиб юбарди**. Канизлар рўмолни шамол учирдимикан, деб ҳовуздан уни тутиб олмоқчи бўлдилар. Аммо сув рўмолни оқизиб, боғдан ташқарига олиб кетди. Қизлар югуришиб кетдилар. Рўмол оқиб бориб, Қосимнинг олдидан чиқди. Югурганники эмас, буюрганники, дегандай рўмолни Қосим чўпон таёғи билан илиб олди.

-Бибимизнинг рўмолини бер, эй дали, деди қизлар.

-Бермайман, ёрим менга бу рўмолни совға қилиб юборди.

-Бер рўмолни!

-Бермайман, яхшиси сизларга бир ғазал айтиб берайин, шуни эшитиб, ўз йўлингизга кетаберинглар, деб Қосим қизларга қараб бир ғазал айтди:

Зулфларини тузатмакка,
Қўлларида шона қизлар.
Йигитлар кўнглин олмоққа,
Топарлар баҳона қизлар.

Ғулпоқ киярлар **ол билан**,
Юзни безарлар хол билан.

Лаби учинда бол билан,
Ўйнарлар ҳар ёна қизлар.

Тоғлар бошинда арчалар,
Кийдиги турли парчалар,
Томоша қилинг барчалар,
Ўжашар боғбона қизлар.

Оқ юзда хол-хол нуқталар,
Мисли китоб каби хатлар,
Чорбоғдаги паризодлар,
Ўйнарлар мастона қизлар.

Йигитлар кезар соз билан,
Сўналар кезар ғоз билан,
Солланиб кезар ноз билан,
Йигитларнинг жони қизлар.

Қосим айтар, хуш келдингиз,
Май ичиб сархуш келдингиз,
Бизинг сари дуч келдингиз,
Жонимнинг жонони қизлар.

Қизлар Қосимдан бу ғазални эшитиб, туришиб бибисининг ёнига бориб: -Ул дали рўмолингизни таёғига илдириб олиб бизга уни бермади. Бу рўмолни ёрим менга юборибди, деб қайта бизга қўшиқ айтиб бериб қайтариб юбарди. Ўзингиз бормасангиз бўлмас, дедилар.

-Ундай бўлса менга отимни келтиринглар, деди малика. Дарров отни келтирдилар. Малика тилла жабдуқли отга миниб бораберди. Энди бу отда бораберсин, гапни Қосимдан эшитинг. Ул рўмолнинг эгаси барибир келади, деб чорбоғ томонга қараб тураберди.

Бир вақт сар солса ёри от устида атрофида қирқ каниз билан **солдам** ташлаб келаётир. Қосим ёримнинг келганига бир ғазал айтайин, менинг етти йилги чеккан азобим бедарак кетмас, деб ёрини таъриф этиб, чўпон таёғини

дутор этиб, тилинда сўзи, алинда сози бир ғазал айта берди, кўрайлик не ғазал айтган экан:

Боғ ичида қизил гулдек туташиб,
Мастона –мастона келган қоракўз.
Қирмизи сочбоғи бирла чўлошиб,
Соллона-соллона келган қоракўз.

Бошида мурассаъ тилло жиғали,
Юзи қамар, икки қоши ҳилоли,
Ўн бармоғи қўша-қўша хиноли,
Ғамза бирла жоним олған қоракўз.

Ақлимни олибди мастон кўзларинг,
Бағримни эзибди ширин сўзларинг,
Шабнам тушган қизил гулдек юзларинг,
Ўлдириб қонима қолған қоракўз.

Гулгун кийиб, қизлар била соз этиб,
Шикаста кўнглимни бугун ёз этиб,
Қошин қоқиб, минг ишваи ноз этиб,
Ғамза билан жоним олған қоракўз.

Қосимжон сўзлади йиғлаб Худоға,
Ёрга бўлсин ширин жоним садоға,
Бошинда тўп жиға, тилло тумоға,
Соллана-соллона келган қоракўз.

Қосим бу ғазални айтгандан кейин **бўкчиб** боғнинг ичига кирди. Ёрининг олдига келиб рўмолни икки қўли бирла таъзим бирлан ёрига узатди. Шу вақтда қўл-қўлга, бармоқ-бармоққа тегиб кетди. Шул замони йигитнинг ҳам қизнинг ҳам танасига бир **жумбурди** кирди. Иккиси ҳам бўшашиб, бу жумбирди таналарига ёғдай ёқиб кетди. Айниқса умринда эркакнинг қўли тегмаган подшонинг қизига бул воқеа жуда хуш ёқиб кетди. Аъзои андоми яйради. Шунда Қосим илтижо ҳам илтимос бирла ёрига қараб яна бир ғазал айтди:

Садаганг бўлайин гул юзли ёрим,
Шикаста ҳолимни сўрсанг не бўлди?
Сарви гуландомим, моҳи анварим,
Дарди пинҳонимни билсанг не бўлди?

Сен кетарсан қизил гулдек туташиб,
Сиё зулфинг нозик белга чўлошиб,
Мен қоларман ўз қонима булашиб,
Итларинга қурбон қилсанг не бўлди?

Ошиқлар қувонмас дунё зарина,
Кўнглим боғламишам зулфинг сирина,

Қўч қўзидай мени қурбон ерина,
Бисмилло деб ўзинг чалсанг не бўлди?

Жамолинг гулшандир, зулфларинг анбар,
Ҳуснига ошиқдур Шамс ила Қамар,
Манго бир қайрилиб боқсанг не бўлар,
Ханжар олиб бағрим тилсанг не бўлди?

Оҳим ўти тоғдан тошга **бурокди**,
Нолишим арш билан аълога чиқди,
Қайрилиб боққанинг кўнглима ёқди,
Гулим, гул ғунчадек келсанг не бўлди?
Ажаб савдоларни солдинг бошима,
Раҳминг келсин кўздан оққан ёшима,
Рўмол олиб келдинг менинг қошима,
Кўзларимнинг ёшин сирсанг не бўлди?

Қосим деяр, йиқдинг хону монимни,
Жафо тиғи бирла тўкма қонимни,
Ёр йўлида бердим хаста жонимни,
Парвонадек ўта солсанг не бўлди?
Қосимнинг бу ғазалини эшитгандин сўнг малика:

-Эй канизлар, бу йигитнинг ўзи дали бўлса ҳам ғазалхон эркан. Шундай ғазалларни билган киши ўйнаб ҳам билса керак, буни кўшкимга олиб боринг, деди. Канизлар:

-Эй бибим, бу дали бизнинг юр деганимиз билан бормас, дедилар.

-Бормаса менда ип бор, бўйнидин боғлаб, отимга тирканг, деб Малика соч боғидан тўрт донасини юлиб берди. Канизлар Қосимнинг бўйнидин боғлаб, сочбоғнинг бир учини Маликага бердилар. Ип орқасида бораётган Қосим ичида: кундузи ёримнинг соч боғи бўйнимда бўлса, кечаси ўзи қўйнимда бўлмасмикан, деб ўйлаб, севиниб, сакраб-тушиб ўйнаб борар эрди.

-Маймунчининг маймуни бўлса Қосимча ўйнар, жувонбознинг жувони бўлса Қосим каби ўйнар, деб канизлар ҳайрон бўлиб бордилар. Маликанинг кўшкига бориб Қосимни **гунортагача** ўйнатдилар. Етти йил жафо чекиб келган одам, бугун ёрига етди. Қосим бу кувончдан яйраб ўзича деди: “Ёрим, менинг етти йилги чеккан азобим бир ўзимга, бир Худога аён. Бу азоб мен учун ҳам дард, ҳам ҳамдард. Бу ғам бирлан мен ўзимни овутдим. Энди ёр ёнига келдим. Бу мени **бўкчитиб** ўйнатавергунча ё лабидан ё чеккасидан бир бўса берса бели қайишармикан? Қани шунга ишора этиб бир мухаммас айтиб кўрайин, балки ишим ўнгидан келар деб ёрига қараб бир мухаммас ўқиди:

Ул шўхи паризодим қасдимга итоб айлар,
Шамшири жафо бирла бағримни кабоб айлар,
Раҳм этмаса ул дилбар ҳар лаҳза азоб айлар,
Жонимни ёқиб ҳардам дийдамни **пуроб** айлар,
Занжири сиё зулфин бўйнимга таноб айлар.

Гулгун кийиб ул дилбар ўтларга тутошибдур,
Ул холи-хатти юзда ҳай-ҳай не ярошибдур,
Ул қирмизи либоси қаддиға ярашибдур,
Хунхори кўзи, ё раб қасдимға талошибдур,
Бошимни кесиб ҳар дам қонимни **шароб айлар**.

Боғ ичра хиром айлаб, ул кўзлари мастоним,
Қошимға кулиб келди, гул ғунчаи хандоним,
Куйдирди бу жонимни ул шамъи шабистоним,
Найлай, не илож этай ул дилбари жононим,
Маъшуқи жафо пеша ҳар лаҳза **атоб** айлар.
Бир бўса магар берса, ул қоши қабоғидин,
Ўлгунча кўтармасман бошимни оёғидин,
Бедоди ғаминг зулфин раб қилса томоғидин,
Бир бўса магар берса гулғунча яноғидин,
Бир бўса бериб дилбар минг муча ҳисоб айлар.

Мастона кулиб келди, қатлимға чекиб ханжар,
Юз нози адо бирла солди бошимға маҳшар,
Йўлинда **сужуд** эмиш хуршиди **мири анвар**,
Бечора бу Қосимни куйдирмак учун дилбар,
Занжири сиё зулфин бўйнимга **таноб айлар**.

Қосим бу мухаммасни ўқигандин сўнг малика канизларига деди:

-Бунинг сўзига тушундингизми?

-Тушундик.

-Нима деди?

-Ўзининг дили поклигини, сизга иззат-ҳурматини изҳор қилди, дедилар канизлар истагини тушуниб.

-Сиз жуда тўғри тушунибсиз, бориб бир тилло занжир келтириб буни кўшкнинг **ўрасига** танғиб қўйинглар, бўлмаса яна даличилиги қўзийди, деди малика. Канизлар бу буйруқни бажо келтирдилар. Малик деди:

-Бу йигит жуда ўйинчи экан, чарчабди, сал дами-тинчини олсин. Сизлар жойли-жойингизга бориб дам олинг, фақат маҳрам каниз қолсин, сизлар билан эртага учрашамиз. Бу йигит эртага сизларга яна ўйнаб беради. Алғараз, канизлар кетдилар. Малика маҳрам канизни чақириб деди:

-Дарров бир қозон палов пишир, бул йигит бирлан тановул қилурмиз.

-Ажаб бўлғай, деб маҳрам каниз ишга киришиб кетди.

Малика кун ботгандин сўнг фонусларни ёқди. Биттасини олиб Қосимнинг ёнига борди, уни синаб кўриш учун:

-Эй йигит, сиз ошиққа ўхшар экансиз, агар ошиқ бўлсангиз ошиқлигингизни баён этинг, қирқ қизим бор, шуларнинг барини берайин, деди:

-Менга бир қизнинг ҳам кераги йўқ, мен сизнинг канизларингизга ўхшаган қизлардан ҳар шаҳарда юзтасини ташлаб келаётирман, тўғрисини айтсам, мен сизни излаб келдим, деди Қосим.

Қосим ўзининг ошиқлигини баён этиш учун созини созлаб, қизариб-бўлиб, ширин сўзлардан сўзлаб яна бир ғазал ўқиди:

Садағанг бўлайин гул юзли ёрим,
Ширин тилли севар ёрим сен менинг.
Сарви гуландомим моҳи анварим,
Ширин тилли севар ёрим сен менинг.

Жоним фидо бўлсин, қалам қошинга,
Гул ғунчасин кичик дерлар ёшинга,
Сен ўлтирғил мен айланай бошинга,
Ёри жоним, вафодорим сен менинг.

Мен ошиқман қадримни бил мени,
Ҳамроҳ қилиб ўз ёнинга ол мени,
Раҳм айлаб дард-ғамимни сўр мени,
Сунбул сочли, зулфи торим сен менинг.

Суратингни кўриб бўлдим девона,
Ишқингдин бош олиб чиқдим ҳар ёна,
Жамолинг шамъиға бўлдим парвона,
Гулгун алвон чархи норим сен менинг.

Қирмизи сочбоғинг солиб бўйнима,
Маймун қилиб алданарсиз ўйинима,
Ажал йўқдур кирсанг менинг қўйнима,
Ақли ҳушу ихтиёрим сен менинг.

Девона деб мени писанд этмасанг,
Бугун менинг муродимға етмасанг,
Мен ўларман қучоқлашиб етмасанг,
Ширин тилли вафодоримсен менинг.

Қосим айтар, сенсан севар жононим,
Бир хастаман, бугун бўлинг дармоним,
Қулоқ солиб арзим эшит султоним,
Ғарибликда ёри жоним сен менинг.

Қосим бу ғазални айтгандин сўнг малика: -Сен менинг қирқ канизимни олмай, мени сўраб турибмисан, деди.

-Мен **янго** айтдим. Бундай қизлардан ҳар шаҳарда мингини ташлаб келдим. Мен фақат сени излаб келдим, деди Қосим.

-Агар шундай бўлса, тўғри сўзингни айтиб турган бўлсанг сен менинг тахтима, бахтима, тилла кўшкима, ҳусни жамолима қараб бир ғазал айт, агар айтиб билмасанг, ўлдирурман, деди Малика. Қосим:

-Энди, сени кўрдим, ўлсам ҳам армоним йўқ, деб бир ғазал айтди:

Қулоқ солиб эшит, менинг арзимни,

Ўтлар солдинг ширин жона, нигорим.
Ёлғон билмам, тайин билинг сўзимни,
Мени қўйманг бу армона, нигорим.

Бир сўзим бор дерам, гул юзли ёрим,
Сенсан менинг гулгун ошиғи зорим,
Сенга садқа бўлсин, ҳар неки борим,
Қулоқ солғил бу афғона, нигорим.

Тоқатим қолмади сенинг дардингдин,
Изладим топмадим пойи гардингдин,
Чидаб бўлмай охир сенинг ҳажрингдин,
Талон солдинг хону мона, нигорим,

Суратингни кўриб ўтдай туташдим,
Парвонадек шамъинг **норина** пишдим,
Неча вақт ошиқлик шаробин ичдим,
Етолмасдан бу макона, нигорим.

Мен ётибман эшигингда ястаниб,
Сен чиқмасанг, чиқар жоним қистаниб,
Мен рози ўлдирсанг ўранга танғиб,
Кул бўлибман ёна-ёна, нигорим.

Боғбон бўлиб, гулшанингда кезмадим,
Қўл узатиб олма-норинг узмадим,
Ошиқ бўлиб ширин лабинг сўрмадим,
Мени қўйдинг шу армона, нигорим.

Оқ юзингда жўра-жўра холинги,
Берсалар бермасман дунё молини,
Умидим бор лабларининг болини,
Тўйиб ичсам қона-қона, нигорим.

Ошиқ Қосим арзин айтар бир неча,
Адо бўлмас шарҳ айласам ўлгунча,
Меҳрибоним раҳминг келсин шу кеча,
Мени солсанг шабистона, нигорим.

Қосим сўзини тамом этди. Малика бу хушомад сўзларни эшитиб дили яйраб, юрга ўйнаб, қалби жўшиб, кайфияти ошиб, ойдай тўлиб, бир мисқолдай бўлиб севинчга севинч қўшилди, бироқ яна подшо қизи эканлиги учун буни сездирмай яна Қосимнинг сўзларидан камчилик топди: -йигит, мен сенга боғимга, чорбоғимга, бахтимга, тахтимга, хусни жамолимга қўшиқ айт, дедим. Аммо қўшиғингда бу зотлар йўқ.

-Эй севгилим, боғинга кўзим тушиб, чорбоғинга кўзим тушиб, ҳусни жамолинга боқиб, бахтинга-тахтинга кўзим тушиб ақлим чошиб кетди. Меҳмонлиғим ҳурмати бир **газик** кечир, деди. Қосим. Малика:

-Майли кечирдим, деди.

Шунда Қосим севгилисини таъриф этиб алинда сози, тилинда сўзи, ёрина боқиб икки кўзи, қайнаб-тошиб, ақли шошиб, севинчи бошидан ошиб, хушомадни бир пахса баланддан олиб, ёрининг кўнглига ғулғула солиб, таърифни озарбайжон номаларина ўхшатиб бир ғазал айтар бўлди:

Таъриф этсам нози жонни ёндирар,
Ожиз танда ширин жонни ёндирар,
Ишқинг ўти бир кун чиқса ҳавога,
Қайтиб тушса бу жаҳҳонни ёндирар,

Ҳар сабо айлансам ёрнинг ўзидан,
Баҳоси йўқ қоши билан кўзидан,
Бир қатра шуъласи томса юзидан,
Балхни қўйиб Бадахшонни ёндирар.

Ошиқ бўлган маъсум бўлиб билдирар,
Зулфлари барқ уриб ҳарён бўлинар,
Шул сурати шаҳри Румдан кўринар,
Румни қўйиб Исфаҳонни ёндирар.

Ошиқ маъшуқина қиё боққанда,
Шиддалар кийилиб ҳайкал таққанда,
Сўл қошини қўйиб соғин қоққанда,
Ерни қўйиб шул осммонни ёндирар.

Нозли ёрнинг қаҳ-қаҳ уриб кулиши,
Беҳуш бўлар уни кўрган ҳар киши,
Қосимжоннинг қиё-қиё боқиши,
Ожиз танда ширин жонни ёндирар.

Қосим таърифини тамом этгандин сўнг малика қувониб-қувониб, ишқ ўтида ёниб, ёр меҳридан қониб, энди тушида кўрган ёрни таниб, юраги уриб кетди, ўзи ўрнидин туриб кетди, соч боғини орқага ташлаб, Қосимнинг қўлидин ушлаб, кўшк сари тортди, унга меҳри ортди.

-Бу айтган қўшиғингнинг камиси йўқ, деб маҳрам канизни чақирди.

-Лаббай, бибим, деб маҳрам каниз югуриб келиб таъзим қилди.

-Сен ёримни ҳаммомга олиб бориб, **ароқ совун** билан ювиб орасталаб, шоҳона кийимлар кийдириб кўшкка олиб кел, деб буюрди малика.

-Паловнинг сал камчилиги бор.

-Паловга ўзим қарайман, деб Малика қозоннинг остига ўзи ўтин қалаб бошлади.

Каниз Қосимни ҳаммомга олиб кетди.

Маликанинг ўзи ошни дамга қўйди. Паловни маромига етказиб, кўшкка бориб ўтирди.

Кўрпачани саккиздан, ёстиқни тўққиздан, шамни ўттиздан қилиб кўшкни тайёрлади. Сал ўтмай маҳрам каниз Қосимни ювинтириб, шоҳона либослар билан кийинтириб, унинг ҳузурига етказди.

Малика уни кўриб, бўкиб ўрнидан туриб, унинг сари юриб, қўлидин ушлаб, лабидин тишлаб, саккиз қат кўрпачага ўтқазди. Маҳрам каниз овқат келтирди. Малика билан Қосим овқатни иштаҳа билан еб бўлдилар. Каниз **сочоқ** билан товоқни олиб кетди. Кўшкда икки ошиқ ёлғиз қолди. Сўнг иккаласи ҳам ипак куйлакдан бошқа кийимларни ечиб, қучоқ қучоққа, дудод дудоққа туташди, айшу ишрат ҳаддидан ошли. Тонгда туриб, иккаласи ҳаммомга чиқдилар. Кийимларни ечгандин сўнг Қосимнинг кўзи ёрининг симин танасига, кулар юзига, инжа белига, товусдай, қадди қоматига тушиб, ёрини таъриф этиб, бир мухаммас ўқиди:

Бу сарви қадду жилваи Канъона тасаддуқ,
Сочи сиёҳ, мушки дурафшона тасаддуқ,
Оҳу кўзли ул киприги **пайкона** тасаддуқ,
Дурдона тишли лаъли Бадахшона тасаддуқ,
Симин тану ганжина даҳона тасаддуқ.

Сенсан бу жаҳон гулшанида бир гули якто,
Зулфи сиёҳинг гул юзинга анбари саро,
Бошдин оёғинг турфа гўзал дилбари зебо,
Ҳажрингда куйиб ўртанадур ошиқи Лайло,
Шамшод қаду бул мўрча миёна тасаддуқ.

Ул холи хатинг гул юзинга хўб ярашибдур,
Нозик белинга ул сиё зулфинг чўлошибдур,
Жон олмоқа мастона нигоринг қарашибдур,
Машъал каби жамъи жамолинг туташибдур,
Бошимға солғон ул шўри фиғона тасаддуқ.

Қошинг қалами сенинг гўё дийдаи ислом,
Олди нигоҳингдин жонли зот кўнглига ором,
Сунбул сочларинг моҳи тотор мисли гуландом,
Шуъла таратар тан-баданинг гўшаи ҳаммом,
Сунбули сиёҳу мушикию афшона тасаддуқ.

Ҳақ қудратидин устихонинг айлади мавжуд,
Гул юзинг кўргач туташар оташи Намруд,
Ҳасрат била ҳаммом ичидин ёниб чиқар дуд,
Гул жисминг бағрим эзилиб бўлибдур нобуд,
Тўти такаллум, шаҳду забона тасаддуқ.

Ҳаммома кириб икки кўзим бўлди ғуломмаш,
Шабнамзади гулдек баданингдин тўкилур **раш**,
Сенсан бу жаҳон гулшанида ғунчаи **навхаш**,
Қаддингни кўриб, садқа бўлур султони маҳваш,
Нозик бадану обию равона тасаддуқ.

Гул бўлди қамар даргоҳина ул **бути тарсо**,
Хуршиди юзинг шуъласидин топди **мужалло**,
Сенсан бу жаҳон гулшанида бир гули якто,
Қаддингни кўриб садқа бўлар ҳар гули раъно,
Гул-гул очилғон гўшаи бўстона тасаддуқ.

Кўз ёши била ойинадек жисминги пок эт,
Гул-гул очилиб лола сифат бағрини чок эт,
Гул ориғи бирла рухсоринг дурраи пок эт,
Шамшири иноят била Қосимни ҳалок эт,
Бошдин оёғи севгили жонона тасаддуқ.

Қосим сўзини эшитиб Малика яна бир пахса ўсди. Ҳаммомдан чиқиб, кийиниб кўшкка келдилар. Малика канизлар келишдан олдин яна Қосимни занжирбанд қилиб қўйди. Канизлар келганидин сўнг Малика канизларга:

-Бу далини тутганимизни отамга айтиб маълум қилинглар, деди.

-Не деб айтамиз?

-Бир далини тутдик, ҳам ўйинчи, ҳам созанда, бахши, ўзи хушсурат йигит экан, деб айтинг.

-Ажаб бўлғай, деб икки каниз саройга югуриб кетди.

Улар тўғри подшонинг даргоҳиға бориб, подшога салом бердилар.

-Не хабар келтирдингиз, деб сўради подшо. Канизлар:

-Биз бир дали йигитни тутиб олдик, ўзи ўйинчи, соз билан сўзда **ўкта**, хушсуратгина йигит.

-Ундай бўлса, бориб уни бир кўриш керак экан, деб подшо ўз вазир-вузаролари билан отланиб Маликанинг боғига келдилар.

Малика унгача Қосимнинг ёнига келиб: -“Эй ёрим, бугун отам сизни кўришга келади, унга на хили ўйинингиз, ҳунарингиз бўлса кўрсатинг, деб тайинлади. Қосим рози бўлди.

Ҳуршид шоҳ вазир-вузаролари билан кириб келиб, Қосимнинг олдида тўхтади. Қосим унга одоб билан салом берди.

Подшо ундан ҳол-аҳвол сўради, аммо Қосим ўзини гунгликка солиб, жавоб бермади. Уни ўйнатиб кўрдилар. Қосим шундай ўйнадики, кўрганлар лол бўлиб қолдилар. Подшо:

-Аммо кўп яхши йигит экан, ҳам хушсурат, ҳам ўйинчи. Бир ками гунг экан, деб Қосимни даволатиш учун дуохонга олиб боришни буюрди. Одамлар уни олиб кетдилар. Шу кетишда Қосим подшонинг шаънига бир ғазал ўқиди:

Оҳим ўтидин шоҳим, **гумбази ахзаринг** куяр,
Ҳол ила молинг ўртаниб, тахт ила **кишваринг** куяр.

Тиғи жафо бирла мени, эй шаҳриёр ўлдирмагил,
Ёндирма, оҳимдин шарор тахтли айвонинг куяр.

Бу Қосими девонани ёндирма ҳижрон ўтиға,
Гар қўпса оҳим ўтидин, тахт ила кишваринг куяр.

Одамлар кўпчилик бўлганидан бу ғазални ким айтганини билмай қолдилар. Қосимни элтиб дуохонга бердилар. Дуохон хуфтон намозидан кечгача Қосимга дам солди. Кечаси иккаласи ҳам дам олди.

Энди Қосим шу ерда ётаберсин, хабарни кимдан эшит, Маликадан эшит. Малика кечаси тун бўйи ухлай олмай чиқди.

Эртаси эрта туриб, мен Қосимнинг ёнига бориб, отам не сўраса булбулдай сайраб жавоб бер, деб топширайин деган ўй билан тўғри мадрасадаги дуохоннинг ҳузурига борди. Кириши билан Қосимнинг кўзи, Маликага, Маликанинг кўзи Қосимга тушди. Малика Қосимга таъзим билан салом берди. Қосим ёрим бир кеча ундан ажралганим учун менга саломга келибди, деб ёрини таъриф этиб, алинда сози, тилинда сўзи, дили яйраб булбулдай сайраб бир ғазал айтар бўлди:

Шул нозли пари дилбарим,
Келди салома солланиб,
Чеҳраси моҳи анварим,
Келди салома солланиб.

Жадал юриб итоб этиб,
Ишваси жонимни ёқиб,
Қоши қабоғини қоқиб,
Келди салома солланиб

Зулфи сиё мисли **саман**,
Кўзлари бор жоду Хўтан,
Нозик ниҳолу гул бадан,
Келди салома солланиб.

Юсуфдай ҳусни талъати,
Кўрганнинг ошар ҳайрати,
Бошида тожи давлати,
Келди салома солланиб.
Кўзлари жодули бало,
Тишлари дурри бебаҳо,
Ғамзаси шўхи дилрабо,
Келди салома солланиб.

Қосими хастани кўриб,
Ноз била ҳолини сўриб,
Қоши қабоғини сузиб,
Келди салома солланиб.

Қосим сўзида тамом қилди. Маликанинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Хушомад тошни эритади, дегандай унинг дили мумдай юмшади. Қосимга бўлган муҳаббати янада жўш урди.

Энди бу икки ошиқ бу ерда туриб тураверсин, гапни Қосимга дам солган дуохондан эшитинг. Дуохон мулла Қосимнинг қўшиқ айтиб турганини кўриб, унинг тилини очдим, деб суюнчи олишга подшо олдига қараб икки оёғини қўлига олиб чопди.

Мадрасада Қосим билан малика қолди. Малика деди:

-Эй ёрим, энди отам хабар сўраса булбулдай қилиб жавоб бер. Мени бир кечада сенсиз жоним чиқди.

-Ажаб бўлғай, деди Қосим.

Шу билан Малика кўшкига кетди. Дуохон эса бу вақтда подшо олдига келиб, салом берди:

-Ассалому алайкум, подшои олам, менга берилган далини бир кеча ўқиб, тилини очдим. Энди булбулдай сайрайди.

-Бундай бўлса, уни олиб кел, бир ғазал эшитайлик, деди подшо. Мулла келиб Қосимни етаклаб подшонинг олдига олиб кирди. Қосим салом берди, подшо алик олди.

Қосим шунда қандай лол бўлганини баён қилиб, подшога қараб, қалбидагиларини бир-бир баён қилди:

Қулоқ солиб, арзим эшит, султоним,
Чархи фалак кўр, не жафо айлади.
Бир аҳволот кўрдим масжидда ухлаб,
Ҳолатимни турфа тавбо айлади.

Ул замон бир пари кириб тушима,
Гул ғунчадай кулиб келди қошима,
Ошиқлик савдосин солиб бошима,
Мени кўриб ажиб нигоҳ айлади.

Санобарга ўхшар қадди ниҳоли,
Минг туман юзининг бир жўра холи,
Оғзимни сужитди лабининг боли,
Ақлимдан-хушимдин бежо айлади.

Шакардан ширидур ҳар айтган сўзи,
Жаллод каби кийган тўни қирмизи,
Аслини сўрасам подшонинг қизи,
Ошиқликдин мени шайдо айлади.

Аввали Рум эди манзил маконим,
Мусофир эллара солди Худойим.
Қосим айтар, йўқдур Ҳақдин парвойим,
Шукур, Ҳақ тилимни гўё айлади.

Қосим сўзини адо этди. Подшо:

-Тилинг очилган бўлса, бор бибинг ёнида ўйнаб-кулиб юрабер, деди. Қосим шу замон оёғи ерга тегмай кўшкка қараб чопди. Мулла ҳам подшодан инъом олиб уйига жўнади.

Қосим ҳаллослаб боққа кириб келди. Борса Сарҳовуз бўйида 40 каниз тилла созларини олиб соз қилиб ўтирган эканлар. Канизлар уни кўриб:- Қаранглар, бу дали подшодан ҳам қутилиб чиқиб, яна бибимизнинг олдига келибди. Буни эшитиб Қосим ўзини ановликка солиб, канизларга қараб, бир ғазал айтди:

Жам бўлибон маҳилиқо, ял-яли,
Бўлди қизиқ **базми шаро**, ял-яли.

Қўлларини белга тутиб, ноз этиб,
Ўйнашурлар қоши қаро ял-яли.
Кўкка чиқар танбурининг жаранги,
Бўлди қизиқ базми шаро, ял-яли.

Қосими девонани мажнун этиб,
Қўлларина қўйди хино ял-яли.

Қосим бу ғазални айтиб, ўзини анқовликка солиб “ял-яли-пал-пали” деб ўтиб кетаберди. Ёрининг ёнига борди. Булар канизлар билан ҳазм-базм қилиб ўтираберсинлар. Эндиги сўзни Қатрон шоҳдан эшитинг.

Қатрон шоҳ Хуршидшоҳнинг қизи Маликаи Зарнигорнинг таърифини эшитиб, уни хотинликка олиш учун хат ёзиб Хуршидшоҳга элчи юборади. Элчи хатни подшога келтириб беради. Подшо ўқиб кўрса: “Малика отли қизингни менга берасан, бўлмаса, уруш майдонига чиқасан”, деб ёзилган. Бундан Хуршидшоҳнинг қаҳри келиб, элчининг қулоқ-бурнини кесдириб, изига қайтариб юборади.

Элчи бориб воқеани Қатроншоҳга баён этади. Бундан ғазабга минган Қатрон шоҳ минг-минг лашкар билан Зарнигорга йўл олади. Кеча кундуз йўл юриб шаҳар четига келиб, ўзларини билдириш учун тўплардан ўқ отабошлайди.

Хуршидшоҳ тўп овозини эшитиб, Қатроншоҳнинг келганини билиб, ўзининг умароси-фуқароси, вазири-вакили, катхудо-қози калонлари, лашкарбоши –аскарбошилари, саркардаю амалдорларини йиғиб, барча воқеадан уларни огоҳ этади.

-Агар кимда –ким лашкарбоши бўлиб, шу душманни енгса, мен хазинамнинг ярмиси ва қизимни шунга бераман, дейди. Аммо машваратда лашкарбоши бўламан, деб бир одам ўрнидан турмади. Булар бу ерда ўтира берсин, эндиги гапни Қосимдан эшитинг. Қосим подшонинг шартини эшитиб, ўйлади. Мен лашкарбоши бўлиб жангга кирсам, Қатрон шоҳни енгсам ишим ўз-ўзидан ҳал бўлар экан, деб подшонинг олдига келиб деди:

-Бу иш менинг ишим экан, Худо ёр бўлса, пирим ҳиммат қилса Қатрон шоҳни енгарман.

-Баракалло, йигит, шунча саркардаю лашкарбошидан бириси ҳам ўрнидан ғилт этиб турмаганда сен менинг жонимга оро кирдинг, деб подшо шу замони Қосимни лашкарбоши қилиб тайинлади.

-Неча қўшин керак бўлса, сўрагил, деди подшо.

Қосим лашкару навкар, асбобу анжом, от-яроғ сўраб подшога қараб бир ғазал айтди:

Арзимни эшитинг, бугун султоним,
Бизга давлат **чўх** сафоли керакдур.
Оғир қўшин йиғиб, шоҳлик айласам,
Ёхти жаҳон дунё моли керакдур.

Беш минг йигит керак Рустам сифатли,
Майдонга кирганда йўлбарс юракли,
Беш минг совутли, арслон тилакли,
Зарнигорнинг Рустам Золи керакдур.

Беш минг йигит керак қўллари созли,
Майдонга кирганда ҳам **бахру бозли**,
Беш минг йигит керак **тири камонли**,
Беш минг отли тўп, жизоли керакдур.

Беш минг эшон керак **бўйни ридоли**,
Эгни малла тўнли, тили саноли,
Қосим айтар, мурувватли-вафоли,
Яна беш минг кўк асоли керакдур.

Қосим не айтса мирзабоши ёза берди. Қосим лак-лак лашкарга бош бўлиб, подшодан оқ фотиҳа олиб, уруш майдонига йўл олди. Йўлда сал **айланиб** ёрининг ёнига бориб, уни бу ишдан огоҳ этди.

-Азиз Маликам, отангизнинг машваратида иштирок этдим. Қатрон шоҳга қарши отангизнинг бир саркардаси ҳам юрак ютиб чиқа олгани йўқ. Мен бу қийин вазифани сиз учун бўйнимга олдим. Худо қўлласа, пирлар ёр бўлса, душманни енгиб келсам, отангиз сизни менга беради. Мен отангиздан фотиҳа олдим. Энди сиз рухсат берсангиз, мен уруш майдонига борайин, деб Қосим ёри билан хўшлашиб бир ғазал айтди:

Эшиги айвонли, боғу боқчали,
Мен кетарман, ширин жоним хўш энди.
Хазинаси зарли лутфу эҳсонли,
Ширин тилли, ёрим жоним хўш энди.

Мен анда кетарман оҳ билан войда,
Сен бунда қиларсан тилло саройда,
Соғ бўлсам келарман, икки-уч ойда,
Қарқараси зарафшоним, хўш энди.

Ўлди деб эшитсанг мени ёд айла,
Дуо бирлан арвоҳимни шод айла,
Кеча-кундуз ёрим оҳу дод айла,
Вафодорим, дилармоним, хўш энди.

Қирмизи сочбоғлим, мушку анбарлим,
Қўлу тархиноли, кокили зарлим,
Боши тўп жиғали, бўйи анварлим,
Қосим айтар, лаъли коним, хўш энди.

Малика бу сўзни эшитиб йиғлай берди. Мен сенсиз бахтни не қилай, тахтни не қилай, тилло кўшкни не қилай, деб йиғлаб ёрига қараб бир ғазал айтди:

Жудолик ҳасрати бошима тушди,
Сенсиз қолган ширин жонни найлайин.
Ажал келиб ўлар вақтим етишди,
Сенсиз келган хону монни найлайин.

Бугун қурдинг айрилиқнинг маҳшарин,
Йиқиб торож этдинг кўнгил кишварин,
Ўтларга солайин дунёмнинг зарин,
Олтин-кумуш баҳри конни найлайин?

Сенсиз қоронғудир яхти жаҳоним,
Ҳажрингдин ўртанур бу жисму жоним,
Сенсан тириклигим, руҳи равоним,
Сендин ғайри умри жонни найлайин.

Сен кетгансўнг ёрим, уйдан чиқманам,
Қирмизи тўн кийиб, ҳайкал тақманам,
Жиғаларим санчиб ҳар ён боқманам,
Сен келгунча бул давронни найлайин.

Маликанинг иши оҳу зор бўлсин,
Душманларга ёхти жаҳон тор бўлсин,
Қайда борсанг шоҳимардон ёр бўлсин,
Сен келгунча бул давронни найлайин.

Алқисса, Малика сўзини тамом этди. Қосим уни юпатиш учун яна бир ғазал айтар бўлди:

Қора кўзли, гул юзлининг,
Қошиға қурбон бўлайин,
Шакардан ширин сўзлининг
Бошиға қурбон бўлайин.

Қора кўз, қалам қошлининг,
Мужгони тар савашлининг,
Кўзлари тўла ёшлининг,
Қошиға қурбон бўлайин.

Боши тилло жиғолининг,
Қўллари тар хинолининг,
Қўшанорли сийналининг,
Ёшига қурбон бўлайин.

Сунбулдек сиё сочлининг,
Дасти тилло кумушлининг,
Гул юзли ҳинжу тишлининг,
Қошиға қурбон бўлайин.

Қосим айтар, оҳу зорин,
Тарк айлама, вафодоринг,
Ғамзали, вафоли ёрим,
Бошига қурбон бўлайин.

Алғараз, Қосим ёри билан хайр-хўш қилиб, қўшиннинг изидан етиб, уларга мадад бериб, уруш майдониға кириб “Олло”, деб Қатроннинг қўшини устига от қўйдилар. Уруш қизиб, қон-қона, сув-сувга кетди. Аммо Қатрон лашкарларининг қўли баланд келаверди. Шунда Қосим яна 50 минг қўшин келсин деб Хуршид шоҳга хабар юборди. Бу хабарни подшога етказдилар ул шу замони 50 минг қўшинни жўнатди. Қосим душман олдида бор имконият билан ўзини бардошли тутиб жанг қилди. Аммо орқасига қараб-қараб кўяр эди. Ниҳоят 50 минг лашкарнинг туғлари кўрина бошлади. Шунда севинчи ичига сиғмай Қосим шод бўлиб бир ғазал ўқиди:

Шукур Ҳақнинг даргоҳина,
Туғлар кўринди, кўринди.
Сиғиндим қодир Худоға,
Лашкар кўринди, кўринди.

Келарлар жонидин кечиб,
Оғзидин кўпиклар сочиб,
Бугун ширин жондин кечиб,
Беглар кўринди, кўринди.

Рустами достон бўлмоққа,
Ғанимнинг жонин олмоққа,
Қосимга мадат бермоққа,
Пирлар кўринди, кўринди.

Қосим бу ғазални айтиб, қўшиннинг олдига чиқиб, уни тўртга бўлиб Қатроннинг қўшинига қарши жангга йўллади.

Лашкарлар тўплардан тош, шамхоллардан ўқ отдилар. Қилич қалқонлар ишга тушди, ҳаво имир-думон бўлди, ўлган шаҳид, ўлдирган ғозий деб бир уруш қўпдики, бундай уруш Жамшид давридин бери бўлмаган экан. Душманлар тўп-тўпхонаси, асбоб-анжомини ташлаб қоча бошлади. Қосим шодлик ноғораларини чалдирди. Буни эшитган Хуршидшоҳ ўғлимиз Қосимжон

ғанимни енгганга ўхшайди, олдига чиқайлик, деб вазир-вузаролари бирлан қўшин олдига пешвоз чиқдилар. Подшо:

-Ҳорманг ўғлим, деди. Қосим:

-Бор бўлинг, подшоҳим деди.

Подшо Қосимнинг устидан тилло сочинглар, деб буюрди. Шу боришда саройга кирдилар. Подшо:

-Мен қизимни Қосимжонга никоҳлаб берурман, 40 кеча-кундуз тўй бошлансин, деб жар қичқиртирди.

Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилиб Маликаи Зарнигорни Қосимга никоҳлаб бердилар. Тўйдан кейин подшо Қосимга тилло тахтини ҳам инъом этди.

Қосим ҳам тахтга, ҳам бахтга эга бўлиб, Малика билан мурод-мақсадига етди.

ГАВҲАРОЙ

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда, Табриз томонда, элу халқи омонда Олимшоҳ деган бир подшо бор эркан. Унинг уч ўғли бўлиб, улуғининг оти Нурали, ўртанчисининг оти Пирали, кенжасининг оти Шерали эркан. Нурали ўн тўрт, Пирали ўн бир ва Шерали тўққиз ёшда экан. Шул вақтда Олим шоҳ бир касалга учрайди. **Ёғдойи** ёмонлашавергандан кейин уч ўғлини чақириб, уларга насиҳат бериб бир сўз айтиб турган эркан:

Бу ёлғончи дунё менга тор бўлди,
Отанинг сўзига қулоқ сол энди.
Ғунча гул очилиб сўларга келди,
Ўғлим Нуралибек, пандим ол энди.

Саксон ёшга етиб букилди белим,
Бугун сўлар бўлди очилган гулим,
Насиҳатим олиб, Пирали ўғлим,
Сен отангдан рози бўлиб қол энди.

Кўзимга кўринди пулсирот йўли,
Оғирдан оғирдур отангнинг ҳоли,
Кўз қувончим сенсан, ўғлим Шерали,
Тожи тахтга эга бўлиб қол энди.

Вазир-вакилларим, эшитинг сўзим,
Олим шоҳ дер, энди юмилур кўзим,
Ўғлим Шералига топширдим изим,
Улуғ-кичик халойиқлар қол энди.

Алқисса, Олимшоҳ сўзини тамом қилгандин сўнг, кичик ўғли Шералига юзланиб: -Эй ўғлим, сенинг бошинг ёш бўлса ҳам, оғаларингга кўра ақлинг, фикринг баландроқ, шул сабабдин тожу тахтни сенга топширaман, деб ўғилларига кўп-кўп насиҳатлар қилди.

-Ўғилларим, деди ул, мен ўлганимдин сўнг қабримнинг бошига 40 кун ҳар жума куни **газиклашиб** бориб турингглар.

Алғараз, Олимшоҳ ул дунёга қадам қўйди. Ундин сўнг Табризнинг улуғ-кичиклари, бари халқи **ёс тутиб**, шаҳарнинг қибла тарафида бир гумбаз бино қилиб, подшони шу ерга жойладилар. Видолашув даврида Шералибек отасининг тобутини қучоқлаб бир марсия ўқиди:

Фоний дунё узра давронлар суриб,
Бугун умринг гули сўлди, жон отам.
Ҳукм сурдинг элга моҳирлик қилиб,
Эл-халқингнинг зорин қилдинг, жон отам.

Бугун адо бўлди қиш, баҳор-ёзинг,
Энди кўрмоқ бўлмас гул каби юзинг,
Ёддан чиқмас берган насиҳат сўзинг,
Берган насиҳатинг олдим, жон отам.

Биздан қўш айирдинг ойнинг учида,
Оғир юкинг йўқдур сенинг кўчингда,
Бизни ташлаб тор мозорнинг ичинда,
Уйғонмас уйқуга ботдинг, жон отам.

Кўпдир биздек фоний дунёга келган,
Келган йиғлаб кетар, ҳеч бўлмас кулган,
Нурали, Пирали оғалар билан,
Изингда йиғлашиб қолдик, жон отам.

Азроил харидор бўлди жонинга,
Энди иймон ҳамроҳ бўлсин ёнинга,
Шерали дер, қора аждар қўйнина,
Ҳақ дебон ўқладинг ўзинг, жон отам.

Алқисса, Шералибек сўзини тамом қилгандин сўнг эл-халқ билан уйига қайтиб келиб, отасининг ош-обини берди, хайродлар қилди. Шул вақтда маракага келган одамлар орасидан бир оқсоқол киши чиқиб:

-Эй халойиқ, Олим шоҳ дунёдин ўтди, ўрнига бир ўғлини тахтга чиқариш керак, деди. Яна бир оқсоқол киши чиқиб:

-Эй халойиқ, Олим шоҳнинг тахтига улуғ ўғли Нуралини чиқармоқ дуруст бўлар, деди.

Яна бир мулла киши чиқиб:

-Эй халойиқ, давлат қуши учирмоқ керак, ул кимнинг бошига қўнса, шуни подшоҳ қилмоқ керак, деди.

Мулланинг бу сўзи ҳаммага маъқул келиб, давлат қуши учирдилар. Қуш келиб Шералининг бошига қўнди.

Шу билан Шерали элга подшо бўлди. Кунлардин бир кун Шералининг эсига отасининг васияти тушиб, унинг қабридан хабар олиш учун акаси Нуралини қабристонга юборди. Эртаси акасини чақириб деди:

-Эй оға, кеча отамнинг мозорига бориб не кўрдингиз, ёғдой дурустми?

-Ҳова иним, дуруст, деди оғаси. Аслида у кечаси мозор ёнида тунашга қўрқиб, **дойисининг** уйида кечани ўтказиб қайтган эди. Эртаси куни Шерали ўртанча акасини отаси қабри устига жўнатди. Ул акаси ҳам қўрқиб, мозорга бормасдан кечани бошқа бир жойда, ўтказиб қайтди. Энди бу кеча ўзим борайин, деб Шерали отасининг қабрига кетмоқчи бўлди. Шунда унинг устоз домласи Дономулла деди:

-Ўғлим Шерали, отанг қабрига кетсанг мени ҳам олиб кет, бир **сочоқ** қатлама ҳам пишириб олишни унутма, деди.

Шерали Дономулланинг таклифини қабул қилиб у билан биргаликда отаси қабрига бориб бир неча оятлар тиловот қилиб ётдилар. Шерали тунда бир туш кўрди. Унинг тушига малла тўнли, яшил хосали, оқсоқол киши кириб, ўғлим, алингни бер, дебди. Шерали алини берса, уни етаклаб бир боғга киритиб, шу ерда туриб тур, деб бир замонда бир қизни етаклаб келибди. Уларнинг ҳар бирига бир коса шароб бериб:

-Эй ўғлим Шерали, бу қиз сенинг бўлажак жуфти ҳалолингдур, ўзи Суюн шоҳнинг қизи, оти Гавҳаройдур, яшаш жойи Исфаҳондур, унинг йўли узоқ ва машаққатлидир. Аммо ҳеч қўрқма, не қийинчилик бўлса, ёнингда бўлурман, деб оқ фотиҳа берибди. Кейин қандай келган бўлса, шундай тез кўздан ғойиб бўлибди. Шерали не қиларини билмай турганда қиз йигитнинг юзига боқиб:

-Эй ғўч йигит, сен қайси боғнинг гули, қайси боғчанинг булбулисан, қайси элдансан, кимнинг фарзандисан, деб сўради.

-Мен Табриз шаҳридан Олимшоҳнинг ўғлиман, отима Шералибек дерлар. Сени кўриб жони-дилим билан севиб қолдим, йўлингда бошимни қурбон қилишга тайёрман, деди, Шерали. Қиз:

-Эй йигит, мен сендек ажойиб йигитни ҳеч кўрмаганман. Мен сенга, сен менга лойиқ эрканмиз. Аммо сен менга етишмоқчи бўлсанг отамнинг оғир шартлари бор, шуни битиришинг керак, деди.

-Агар отангнинг не шарти бўлса ҳам охирги қоним қолгунча ғайрат қилурман, сен бундан **орқайин** бўлавер, деди Шерали.

Иккиси анча вақт суҳбат қурдилар. Охири Шерали ўзини тутолмай қизга талпинди. Шу вақт **тискиниб** уйғонди, кўрса тонг отибди, ёнида қиз-да йўқ, зот-да йўқ. Доно мулла эса хурракни беш пахсадан қўйиб ётибди.

Шерали уни уйғотди. Доно мулла ўрнидин туриб Шералига боқди. Қараса, унинг юзи ҳаёжондан бўртиб турибди. Мулла деди:

-Ўғлим Шерали, сенга не бўлди?

Шерали шунда дилидаги сўзларни баён этиб бир сўз деди:

Бобом сизга арзим баён айлайин,
Дардима бир дармон кўрдим тушимда.
Кўрган тушим сенга аён айлайин,
Бир ажойиб жонон кўрдим тушимда.

Эли Исфаҳонмиш, отаси шоҳдур,
Ўзи бир париваш кўкдаги моҳдур,
Унинг ишқи тушиб, тортганим оҳдур,
Инжа белли жонон кўрдим тушимда.

Оти Гавҳар жоним анга фидодур,
Мени дуч айлаган анга Худодур,
Ғариб кўнглим ёр йўлида гадодур,
Дардима бир дармон кўрдим тушимда.

Исфаҳондур анинг туғилган ери,
Қора сочи юзга тўккан бир пари,
Анга талпинадур кўнглим каптари,
Бир париваш армон кўрдим тушимда.

Отамнинг битирмас шарти бор, деди,
Манга ошиқ бўлсанг дарди бор, деди,
Мен бир гавҳар бўлғил харидор, деди,
Икки қоши камон кўрдим тушимда.

Пирлар никоҳ қийиб берди тушимда,
Аҳтариб кетурман энди ҳушимда,
Не савдолар чарх урадур бошимда,
Инжа белли жонон кўрдим тушимда.

Муллам тушим йўрғил, етмак бўлурми?
Лочин қушга етиб тутмоқ бўлурму?
Ёра кетмай бунда ётмоқ бўлурму?
Адо бўлмас достон кўрдим тушимда.

Эй ёронлар, Ҳақ шаробин ичмишам,
Мен ҳам ишқнинг **қописини** очмишам,
Шерали дер, мол-мулкимдин кечмишам,
Ёр ахтариб чиқдим ўн тўрт ёшимда.

Алқисса, Шералибек сўзини тамом этди. Доно мулла унинг бу сўзини эшитиб бошини чайқийверди, ўйга чўмди. Сўнг деди:

-Эй ўғлим, Шералибек сенинг бу ишинг **димодим** қийин масала. Яхшиси бу фикрни бошингдан чиқариб ташла. Исфаҳон шаҳрига етиш кўп оғир иш.

-Эй муллам, мен бу ишни тўхтата олмайман. Чунки, севги-муҳаббатни жиловлаб бўлмас. Мен қўл узарман, лекин кўнглим қўл уза олмас. Юрагимда ишқ ўти ёниб, туташиб бораётир. Не қийинчилик бўлса кўрарман, кишининг боши, Оллоҳнинг тоши деганлар. Энди шу қизни излаб кетмасам бўлмас, деди Шерали. Мулла деди:

-Ўғлим Шерали, азобли йўл, ғазабли йўлдир. Сен шу ерда истаган подшонинг қизини олишинг мумкин. Роҳатли бошингни азобга қўйма.

-Мен бу йўлда ҳазрати Жиржиснинг азобини кўрсамда, шу азоб менга беҳиштдур. Бу йўлдин энди ҳеч **дўнсам** бўлмас, деб Шерали отининг жиловидин тутиб, устига сакраб минди ва деди:

-Эй муллам, сиз шаҳарга бориб, элни бошқаришни Нуралига топширинг.

Мулла бир вақт қараса, Шерали ростдан ҳам кетиб бораётир. Югуриб бориб отнинг жиловидин тутиб, ахир болам, сал тўхтаб тур, сенга айтадиган икки –уч оғиз сўз бор, деб уни тўхтатди ва деди:

-Эй қўзим, аввало шаҳарга борайлик озиқ-овқат, сув ол, бу туришда кетсанг йўл узоқ, от ориқ, йўлда ҳалок бўларсан.

-Мени тўхтатманг, агар тўхтатсангиз ўзимни ҳалок қилурман, менинг бир дақиқа туришга ҳам сабр-тоқатим йўқ, деди Шелари. Аммо мулла ялиниб-ёлбориб уни саройга олиб келди. Сўнг мулла бу ҳақда Шералининг акалари, қариндошларини огоҳ қилди. Уларнинг ҳаммалари қанча тавалло этсаларда Шерали сўзидан қайтмади. Ноилож унга жавоб бердилар. Шерали яхши отлардан бирини танлади. Озиқ-овқат, сув ва бир қилич олиб йўлга ҳозирланди. Улуғдан кичик унинг атрофига йиғилдилар. Шул вақтда Шерали туғишганлари, эли билан хайрлашиб, элни акасига топшириб бир ғазал айтар бўлди:

Мен бугун тушмишам ишқнинг йўлина,
Меҳрибоним элу куним, қол энди.
Тожу тахтни бердим акам қўлина,
Нуралибек, оға-иним, қол энди.

Қақнус каби куйиб, ўтларга тушиб,
Ишқнинг савдосига бошимни қўйиб,
Куну тунлар чўлу тоғлардин ошиб,
Мен кетарман тепгим-тушим, қол энди.

Азалда қисматим ёзилди бўйла,
Гумондур келарим-келмасим эла,
Ёшуллимсан, муллам, Пирим била,
Оқ фотиҳа бериб муллам, қол энди.

Жабру жафо чекиб ул ера борсам,
Севгилим Гавҳарнинг гул юзин кўрсам,
Худо қувват бериб шартни битирсам,
Муродим-мақсадим, халқим, қол энди.

Шерали дер, мунда йўқ дардга дармон,
То боргунча йўлда бир замон турмон,
Ёримни кўрмасам, бўлади армон,
Улуғ-кичик, азиз элим, қол энди.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, йўлга равона бўлди. Доно мулла ҳам мен узатиб қолайин, деб унинг изидин кетди.

Эл-юрт кишилари бу воқеадан хафа бўлдилар. Аммо ноилож тарқалишдилар. Шерали билан Доно мулла йўлда давом этдилар. Шу кетишда уч кеча-кундуз йўл юрдилар. Тўртинчи куни бир баҳаво жойга дуч келдилар. Шунда Шерали:

-Эй мулла узатгандин йўлдош бўлмас. Сиз энди шаҳарга қайтинг ва элга маслаҳатгўй бўлинг. Мен эсам якка ўзим бир иложимни кўраман, деди.

-Мен ҳам сен билан бирга кетаман, деб мулла туриб олди. Аммо Шерали уни кўп таваллолар билан қолишга кўндирди ва бир фотиҳа беришни илтимос қилди. Мулла охири бирор илож топа олмасдан Шералига оқ фотиҳа бериб, бир ғазал айтар бўлди. Унга Шерали жавоб берди. Савол-жавоб ғазали бул турур:

Мулла: Кетар бўлсанг, қўзим, узоқ йўлларга,
Борғил, сени бир Оллоға топширдим.
Оқ фотиҳа бериб, қолурман бунда,
Болам, сени бир Оллоға топширдим.

Шерали: Бошимни қўймишам ишқнинг йўлина,
Бобожон, қайғурманг, ёзилғон бордур.
Мен келгунча ақлгўй бўл элима,
Мен учун ғам чекма, ёзилғон бордур.

- Юзим тутиб арз этайин Худоға,
Ёшликда дуч келдинг бундай балоға,
Омон қайтиб келгил, эла-ўтоға,
Борғил, болам бир Оллоға топширдим.

- Ёшликда қувониб, меҳримни бердим,
Қоматинга боқиб, гул юзинг кўрдим,
Ўқитдим, ўргатдим, тарбия бердим,
Борғил, болам бир Оллоға топширдим.

- Муллам қулоқ қўйиб тинглагил сўзи,
Отамнинг ўрнида кўрарман сизи,
Нурали акамни топширдим сиза,
Ғам емагил муллам, ёзилғон бордур.

- Доно мулла деяр, **қутордим** сўзим,
Ўз юкингни ўйла, қайғурма изинг,
То келгунчанг йўлга тикарман кўзим,
Борғил, сени бир Оллоға топширдим.

- Худоға арз этай доди-фарёди,
Суюн шоҳнинг қизи Гавҳардур оти,
Шерали дер, ўшал кўнглим муроди,
Муллам, фотиҳа бер, ёзилғон бордур.

Алқисса, булар сўзларини тамом этдилар. Доно мулла оқ фотиҳа бериб изига қайтиб кетди. Шерали эса йўлга равона бўлди. Шу кетишда чўлдан-кўлдан, боғдан-тоғдан, **отиздан-челдан**, юртдан-элдан ўтиб уч кеча-кундуз йўл юрди, йўл юрсада мўл юрди. Бир куни унинг оти, ҳолдан тойиб **лоқатоқ** тўхтаб қолди. Не иш қилса-да, юрмади. Шерали отни ташлаб, кўзини ёшлаб, кўксини доғлаб, белини боғлаб, пою пиёда, чўлда-қиёда, гоҳ югуриб, гоҳ йўртиб, гоҳ қизариб, гоҳ бўртиб юра берди. Етти кеча-кундуз юрди, ичи пишди, оёқлари чишди, ҳориди-толди, юролмай қолди. Халтасида нон, танасида жон қолмади. Энди чўлда ўлар бўлдим, Гавҳаройим сенга етолмай армонда қолдим, деб қон йиғлаб Худога нола қилиб, пирлардан кўмак тилаб бир мухаммас ўқиди:

Эй яратган Худойим, бу ғамдин қутқар мени,
Кеча-кундуз қон йиғлаб, мудом ёд этам сени,
Ишқ ўтина куйдириб, мунча хор этма мени,
Излаб чиқдим ватандин севгилим Ғавҳаримни,
Қолар бўлдим бу чўлда бу ғамдин қутқар мени.

Аввал-азалдан Худо ёзди бизга бу ишни,
Пирим ғойиб эранлар қайғудин қутқар бошни,
Ёр-ёр, дейиб ўртаниб кезам ёз била қишни,
Чўлда, кўлда, қояда барча ожиз йўлдошни,
Ё пирим, Хидир Илёс, қайғудин қутқар мени.

Ёшликдан ошиқ бўлиб, бош қўймишам бу йўла,
Кўнгил қушим-булбулим қўнмоқ истар бу гула,
Йиғлайиб муллам қолди, оғам Нурали била,
Пирим Али қувват бер, солғил бир тўғри йўла,
Севгилим Гавҳаройга сен тездан етир мени.

Ҳижрон чўлинда қолди, отим йўлда беомон,
Пиёда йўл юрарга йўқ менда **исқин** дармон,
Гавҳар қизга етмасам кўнглимда қолар армон,
Шу қизга талпинурман токи ҳаётда борман,
Шерали дер, шул ёра, сен тездан етир мени.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, ғам-алам оғушида эзилиб, ҳорғинлиги сезилиб. Кўзида ёш, қалбида тош, зор-зор йиғлаб, бағрини тиғлаб, ҳижрон азобини тотиб, кўнгли ғамга ботиб, ўтириб қолди. Шул вақт қибла тарафдан бир қора отли, яшил асоли киши келаверди. У Шералининг ёнига келиб, унинг бошини кўтариб, -Эй ўғлим Шерали, сен не учун ғамга ботурсан, эр кишига йиғламоқ айбдур”, -деди. Шерали бирдан ўрнидин туриб, салом берди.

-Эй бобо, мени сиз қандай топдингиз, деб сўради.

-Эй ўғлим, мен сенинг ўшал тушингда кўрган бобонгман, сен ҳеч қайғу чекма. Мен сени Исфаҳон шаҳрига етказиш йўлларини топарман, иншоолло, деди бобо.

Шул вақтда Шералининг ёдига тушида бўлган воқеалар, қасрда қийналсанг, мен ёнингда ҳозир бўламан, деган одамни таниди. Шул вақтда бобо қўлтиғидин икки дона узук чиқариб, Шералининг бармоқларига тақди. Шул вақт жиловлари олтиндин, игаклари кумушдин, жуллари ипакдин бўлган бир от пайдо бўлди. От кун билан чақилишиб турар эди. Шунда бобо деди:

-Эй ўғлим, отинг йўлда қолган бўлса, мен сенга шу отни берайин. Бу от сени ернинг юзини керак бўлса уч айлантиради. Отнинг оти Қушқанотдур, мана бу қилични ҳам ол, қиличнинг оти олмос қиличдур. Бу қилич тоғни урсанг ҳам икки бўлак қилур. Ошиқлик оғир ишдур, ғам чекма, мени Ҳазрат Али дерлар, иншоолло муродингга етарсан.

Ҳазрат Али шу сўзларни айтиб, Шералига фотиҳа берди ва кўздин ғойиб бўлди. Шерали бу аҳволдан шодмон бўлиб, отга миниб, қилични тақиб, масту мастона туриб бир ғазал айтур бўлди::

Шукур айлайин Яратганнинг ўзина,
Мени ғамдин озод айлади бугун.
Пирим Али мадад берди ўзима,
Ботил йўлни обод айлади бугун.

Айрилиқнинг ўти ўлимдин аччи,
Пирим ато қилди букилмас кучи,
Берди Қушқанотни, олмос қиличи,
От билан қиличли бўлдим мен бугун.

Элимдин чиқмишам ишқ билан жўшиб,
Қисмат билан баланд тоғлардин ошиб,
Пирим Али келди олдимга тушиб,
Хаста кўриб, шафқат айлади бугун.

Қушқанот отимни минсам жиловлаб,
Мурод-мақсадимни Худодан тилаб,
Юзга қалқон тутиб, қиличим булғаб,
Шоҳнинг шартларини бажаргум бугун.

Ғайратга мин отим, йўлларим дошдур,
Гавҳарга етгунчам кўзларим ёшдур,
Билмам шоҳнинг шарти нахили ишдур,
Тақдирга тан бериб борурман бугун.

Шерали дер, жоним қурбон шул қиза,
Эранларнинг бари мададкор биза,
Жоним чиқса қайтмам, **дўланмам** иза,
Меҳнатнинг роҳатин кўрарман бугун.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, вақти хуш бўлиб, Қушқанот отни миниб, олмос қилични осиб йўлга равона бўлди.

Шерали йўл юраверсин, энди гапни Суюн шоҳнинг қизи Гавҳаройдин эшитинг. Исфахон шаҳрининг подшоси Суюншоҳнинг Гавҳарой деган қизи бор эрди. Бу қиз подшонинг яккаю ягона фарзанди бўлиб, шоҳнинг умрининг охирида туғилган эди. Бу қиз 9 ёшдан ўтиб 10 ёшга қадам қўйган эрди. Қизнинг ақл-фаросатда, гўзалликда тенги-тойи йўқ эрди. Подшоҳ қизи туғилганда унга атаб бир боғ барпо қилдирган эрдики, бу боғ жаннату беҳиштнинг ердаги кўриниши эрди. Бу боққа кирган одамнинг чиққиси келмас эрди. Шу сабабли бу боғни “Боғи ҳавас” деб атар эрдилар. Чунки боғни кўришни ҳавас қилгувчиларнинг сони-саноғи йўқ эрди.

Подшо қизи учун боғ ичида тиллодан кўшк солдирган эрди. Унда 40 каниз бўлиб, ҳар 10 канизга бир қиз бош қилиб қўйилган эрди. Биринчисининг исми Гулжамол, иккинчисиники Зайнаб, учинчисиники Марям, тўртинчисиники эса Гўзал эрди. Гулжамол отли қиз жуда ақлли, фаросатли қиз эрди. Гавҳарой бу қизни ўзига жуда яқин тутар эрди. Гавҳарой шул қизлар бошчилигида 40 каниз бирла боғдаги кўшкка чиқди. Шул вақтда Гулжамол бибиси Гавҳаройга қараб бир ғазал ўқиди:

Сен била тенгдошдур бул “Боғу ҳавас”,
Бибижон, бу боғинг муборак бўлсин!
Боғингда сайрашур булбулларинг маст,
Гавҳарой, бу боғинг муборак бўлсин!

Бул боғингни эллар қўймас тилиндин,
Исқаса ёш бўлур, кекса гулиндин,
Гул оракаб юрсанг унинг йўлиндин,
Солланиб юришинг муборак бўлсин!

Қирқ қизларнинг бари сенга хизматкор,
Юзингда Ширинниинг ҳусни –кўрки бор,
Боғ ичра солдирдинг олтиндин минор,
Тилла кўшк, айвонинг муборак бўлсин!

Ҳавас билан бугун кўшкинга чиқиб,
Қора сочинг оппоқ юзинга тўкиб,
Юқоридан бошлаб, **ошоқа** чекиб,
Зулфларинг тарашинг муборак бўлсин!

Гулжамол қиз деяр, этмагин гина,
Хизматга буюриб изимдин сина,
Бу олтин кўшкингга зинама зина,
Солланиб чиқишинг муборак бўлсин!

Алқисса, Гулжамол сўзини тамомлади. Гавҳарой, 40 каниз боғда сайру томоша қилиб яшай бошладилар. Гавҳарой беш юз зинали кўшки устига чиқиб боғни томоша қилди. Қизлар билан мажлис қуриб, соз-суҳбат бирлан машғул бўлди. Баногоҳ бир куни кечаси ётар экан, туш кўрди. Тушида малла тўнли, яшил асоли бир оқсоқол киши келиб деди:

-Эй қизим Гавҳарой, тур ерингдин, пастга “Боғи ҳавасга туш, ул ерда бир гулнинг тубида **ғўч ўғлон** ўлтирибдур.

Гавҳарой ўғлонга боқди, қалби ларзон уриб, эс-ҳушини йўқотди. Оқсоқол киши уларни бир-бирига кўрсатиб:

-Эй қўзичоқларим, мен иккингизни бир-бирингизга муносиб кўрдим, иншоолло муродингизга етарсиз, деб уларнинг ҳар бирига бир коса шароб ичириб, кўздин ғойиб бўлди.

Гавҳарой бул фариштасифат йигитни кўриб ошиқу беқарор бўлиб, унга деди:

-Эй йигит, сен қайси гулзорнинг гулисан, қайси боғнинг булбулисан, элу юртинг, асли зотингни баён эт. Шерали деди:

-Мен Табриз шаҳридин Олимшоҳнинг ўғлиман, отимни Шерали дерлар. Эй пари пайкарим, мен сени қайси элдин бўлсанг ҳам излаб топарман. Гавҳарой деди:

-Бу йўлда кўп азоб чекарсан, менинг отамнинг қийин шартлари бор. Шундай сўзларни айтиб турганда Гавҳарой бирдан устига йигитнинг талпинганидин тискиниб уйғонди. Қараса туши эркан. Шунда Гавҳарой қалби жўшиб, шул йигитга ишқи тушиб, ул йигит боғимдаги гуллардан бирининг тубида ўлтирмаганмикан, деб бир ғазал ўқиди:

Не савдо тушди бошима,
Эй севгилим, не ердасан?
Пир бирла кирдинг тушима,
Ёндим ишқинг ўтина мен.

Бир гулнинг тубига тушдинг,
Билмам энди қайга қочдинг,
Ё бўлмаса мендан кечдинг,
Куйдим ишқинг ўтина мен.

Бир-бировга кўнгил **дўлаб**,
Пир қўлидин ичдик шароб,
Саҳар туриб сени сўраб,
Бунда саргардон бўлдим мен.

Ишқинг ўти тандин ўтди,
Бориб ширин жона етди,
Ёрим қайда маскан тутди,
Билмай қолдим ҳайрона мен.

Гавҳар деяр, ёндим бунда,
Кўнгил ихтиёрим сенда,
Сабр-тоқат йўқдур менда,
Куйдим ишқинг ўтина мен.

Алқисса, Гавҳарой бул сўзни тамом қилгандин сўнг, эй йигит қайдинсан, деб йиғлаб боғ оралаб кетди.

Гулжамол бир нимани сезгандек бўлиб, Гавҳаройнинг етган ерига келди. Кўрса Гавҳарой йўқ, унинг юрагига ўт тушиб, қизлар ёнига келди. –Зайнаб, Марям, Гўзал, туринг Гавҳарой ўрнида йўқ. Боғ ичидин бир сас келиб турибди, юринг тез излаб топайлик, деб тўрт қиз қўл тутишиб боғ ичига кетдилар. Боғда катта бир туп гул бор эрди. Гавҳарой жуда яхши кўриб, ёнида ўлтирур эрди. Уни шу ердадир, деб борсалар, ул ерда ҳам йўқ. Кейин 40 қиз **тўпор-тўпор** бўлиб боғни бир четдин ахтариб бошладилар. Аммо, Гавҳарой қуйига тушган игнадай йўқ эди. Тонг отди, аммо қиз топилмади. Ноилож қайтиб келаётирсалар, бир оғочнинг тубида Гавҳарой ўликдай жонсиз ётибди. Қизлар бунга не бўлди, жин-арвох урдими, деб уни кўтариб кўшкка олиб келдилар. Юзига гулоб сепиб ҳушига келтирдилар. Ул шу вақтда “Оҳ, Шерали” деб йиғлаб ўрнидин **қўпди**. Шул вақт ўн қизнинг бошчиси Гўзал ундан аҳвол сўраб бир ғазал айтди:

Қулоқ солиб эшит, менинг бу сўзим,
Бошингга не савдо тушди, Гавҳаржон?
Ростин дегил, мендин сиринг **гизлама**,
Бошинга не савдо тушди, Гавҳарой?

Тонг саҳарда туриб кетдинг ерингдин,
Билмам не воқеа кечди **сарингдин**,
Кўшки айвон ларзон урар зорингдин,
Ростин дегил, бу қизларга Гавҳаржон!

Қирқ канизинг тик турибди дошингда,
Айтгил, не воқеа кўрдинг тушингда,
Ғунча гулсан, ўн-ўн икки ёшингда,
Бошинга не савдо тушди Гавҳаржон?

Ой бирла кун ҳижоб чекар юзингдин,
Қонли ёшлар селдай оқар кўзингдин,
Гўзал айтар, маъно англа сўзимдин,
Ростин дегил, бу қизларга Гавҳаржон!

Алқисса, Гўзал сўзини тамомлаб деди:

-Эй Гавҳарой, сенга не бўлди, кимдин кўнглинг қолди, тушингда не воқеа кўрдинг, тўғрисини айт: Унда Гавҳарой кўрган тушини баён этиб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал ўқиди:

Қизлар қулоқ қўйинг ушбу сўзима,
Ақл-ҳуш бошимдин учди, ёронлар.
Худо раҳм айласин ёшли кўзима,
Менинг дардим ҳаддин ошди, ёронлар.

Бир оқсоқол келди “Қўзим тур”, деди,
Менинг билан бирга-бирга юр, деди,

Бир зебо йигитдур, буни кўр, деди,
Кўриб ақлу ҳушим **чошди,** ёронлар.

Юракка туташди бу ишқнинг ўти,
Қалбимни чулғади доду фарёди,
Олимшоҳнинг ўғли Шерали оти,
Гул тубидин туриб қочди, ёронлар.

Бугун бош қўймишам ишқнинг йўлина,
Зарафшон кокили тушар белина,
Назар этмам бу дунёнинг молина,
Кўрмагунчам кўзим ёшди ёронлар.

Бу дунёга келган кечар қон йиғлаб,
Тушдим ишқ ўтина белимни боғлаб,
То келгунча ёрим мени сўроғлаб,
Кўзим ёшди, бағрим тошди, ёронлар.

Гавҳар деяр, йўқдур сабру қарорим,
Ишқ йўлида йўқдур номусу орим,
Эшитгил додимни ё Али пирим,
Кўрган тушим, ушбу тушди, ёронлар.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамом қилгандин сўнг, канизлар бу воқеани эшитиб лолу ҳайрон бўлдилар ва не қиларини билмадилар. Улар ўтириб ўзлари маслаҳат қилдилар.

-Гулжамол, маслаҳат бер, не қиламиз, дедилар.

Гулжамол айтдики, мендин сўрасангиз бу гап шу ерда **тимтирс** қолсин, уйдаги гапни кўчага чиқармайлик. Шу тариқа бу гап гаплигича қолди. Канизлар тинч кириб-чиқиб юрабердилар.

Гавҳарой эса кун-кундин сўлиб бораверди. Бир куни унинг онаси Бодом биби қизини кўриш учун “Боғи ҳавас”га келди. Қараса, қизи чўпдай озиб бораётир. Буни кўриб юраги орқасига тортиб кетди. Дарҳол сўради:

-Қизим, юрагим таянчи, кўнглим қувончи, осмондаги ойим, ердаги эркатойим, боғимнинг боғбони, кўнглимнинг султони, сенга не бўлди?

Бу саволга не Гавҳардин, не қизлардин жавоб бўлмади. Шунда Бодом биби қон йиғлаб, бағрини тиғлаб, кўзида ёш, қалбида тош билан савол-жавобли қилиб бир ғазал айтди, Гавҳарой жавоб берди:

Она: Бошинга дўнайин, азиз фарзандим,
Азиз болам, Гавҳаройим не бўлди?
Аҳволинг кўрдиму ёндим, ўртандим,
Меҳрибоним, кўрар кўзим, не бўлди?

Қиз: Эна хабар олсанг менинг ҳолимдин,
Кўрганимни баён айлайин сиза,
Сиримни эшитар бўлсанг тилимдин,
Кўрган аҳволимни айтайин сиза,

Меҳрибон энангдин гизлама сиринг,
Не учун сарғайиб-сўлди гул юзинг,
Турли ўйга ботиб қийнама ўзинг,
Кўрар кўзим Гавҳаройим, не бўлди?

-Ётар эрдим кўшк ичида ўйланиб,
Тушимда бир йигит келди шайланиб,
Отин етиб, боғ ичинда айланиб,
Келди, бор шаҳзода кўрдим тушимда.

-Э воҳ қизим, не сўзларни деярсан,
Тушда кўриб ҳушда нечук севарсан,
Отанг сиринг билса унга не дерсан,
Ёлғиз болам Гавҳаройим, не бўлди?

-Энажон хабарни сўрасанг мендин,
Ишқ юракка етди, ўтибдур тандин,

Отам дуйса кўмак тиларман сендин,
Кулиб сизга сирим баён айладим.

-Маҳкам бўл, сирингни дуйдирма эла,
Мақсад-муродингни Оллоҳдин тила,
Бодом айтар, болам кирма, бу йўла,
Меҳрибоним, Гавҳаройим, не бўлди?

Ор-номус қолмади, эшитгил сўзим,
Бу йўлдан дўнманам юмилса кўзим,
То келгунча йўлга қарарман ўзим,
Гавҳар деяр, менинг сўзим шул сиза.

Алқисса, булар сўзларини тамом қилдилар. Бодом бибининг кўнгли ғаш бўлди. Қизига деди:

-Эй қизим, сенинг бу ишинг **дим оғир**, яхшиси сен бу йўлдин қайт. Гавҳарой деди:

-Эй жон энам, мен бу йўлдин ал узиб билмайман. Чунки бу ишни бошимга Худой талонинг ўзи солди, ўзи олиши керак. Мен пирга қўл бердим, аҳд-паймон этдим. Энди бу йўлдин ҳеч вақт дўнмасман.

Бодом биби қизига кўп таваллолар этди. Аммо бўлмади. Охири деди:

-Ундай бўлса ихтиёринг.

Хабарни энди Суюншоҳдан эшитинг. Суюншоҳнинг олдига “Қизингни бизга бер”, деб уёқдин-буёқдин совчи келабошлади. Охири Суюншоҳ:-Менинг уч шартим бор, шу шартларни ким битказса, қизимни шунга бераман, битира олмаса ўлимга ҳукм қиламан, деб жар чектирди. Шундан кейин совчиларнинг оёғи узилди. Подшонинг бу шарти аслида ақлли, жасур йигитлардан танлаб

куёв қилиш эрди. Энди подшо ҳам бу ерда тураверсин, сўзни Шералидин эшитинг.

Шерали юра-юра охири бир қора чашманинг устидин чиқди. Бу ерда отини суғориб, ўзи ҳам чой-чилим қилиб, яна йўлига равона бўлди. Остидаги отининг тоғу тош, чўлу биёбонни писанд этмай юришидин завқ олиб бир ғазал айтди:

Бугун сенинг таърифингни,
Келтирдим тилга Қушқанот.
Айтиб берайин васфингни,
Қулоқ қўй, тилга Қушқанот.

Пирим сени берди манго,
Олтин эгар солиб санго,
Етир мени Исфахона,
Арзим шул санго Қушқанот.

Гўзал қиз каби туришинг,
Йилдиримдай тез юришинг,

Тоғдин-тошга юз уришинг,
Дулдулга мангзар Қушқанот.

Сувсиз чўл узра тушганда,
Қайғу-ғам ҳаддин ошганда,
Оёқ қабариб шишганда,
Етишдинг манго Қушқанот.

Сенсан менинг кўнгил хушим,
Саваш куни ёр, йўлдошим,
Гавҳар дея кўзда ёшим,
Сел каби оқар Қушқанот.

Бугун чашмалардин кечсак,
Сенинг бирлан тоғдин ошсак,
Бирга Исфаҳон етишсак,
Умидим шулдур Қушқанот.

Шерали дер, мундин кетсак,
Бейик-бейик тоғдин ўтсак,
Гавҳаройга бориб етсак,
Мақсадим шулдур Қушқанот.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилиб, ўз йўлида давом этди. Ул олти ой йўл юриб, Табриздин чиққанига етти ой бўлганда бир тоғнинг этагидин чиқди. Отни ниқтаб тоғнинг устига чиқди. Тепадан сар этиб қараса, тоғ **қоптолида** бир шаҳар кўринди. Шерали отни шу томонга бурди. Бориб қараса, бу жойни

Ҳамадон шаҳри дер эрканлар. Подшосининг оти Мўмин шоҳ эркан. Подшонинг 40 ясовули шу ердин ўтганлардин бож олиш учун ҳар куни йўлга икки-уч марта чиқиб турар эрканлар. Улар шу куни Шералига дуч келдилар. Уларнинг сардори Шералининг олдидин чиқиб сўради:

-Эй йигит нердин келиб, нерга борасан, отинг ким, не мақсадда йўлга чиқдинг?

Шерали ясовулларга ўз дардини баён этиб бир ғазал айтар бўлди:

Хабар олсанг қирқ йигитнинг сардори,
Шаҳри Табриз элдин чиқиб келурман,
Асли зотим баён айласам борин,
Ўзим Олим шоҳнинг ўғли бўлурман.

Тўққиз ёшда тушдим ишқнинг йўлина,
Назар этмам бу дунёнинг молина,
Жафо чикиб Исфахоннинг элина,
Гавҳаройга ошиқ бўлиб келурман.

Қушқанотим неча чўлдин кечгандур,
Пирим Али ишқ **қописин** очгандур,
Бу дунёдин ўн тўрт ошиқ ўтгандур,
Ўн бешинчи ошиқ бўлиб келурман.

Тақдир-қисматимни Олллоҳдин кўриб,
Етти ойлаб кеча-кундуз йўл юриб,
Суюн шоҳнинг қизин тушимда кўриб,
Ишқнинг савдосига тушиб келурман.

Булбул бўлиб учиб чиқдим элимдин,
Олмос қиличимни тақиб белимдин,
Шералидур, хабар олсанг ҳолимдин,
Пирдин дуо олиб ёрга келурман.

Алқисса, Шерали бу сўзини айтиб бўлгандин сўнг, сардор бу сўзни эшитиб мисқириб кулди, сўнг деди: -Ё Худоё, бу ўғлон Гавҳаройга ошиқ бўлиб келган бўлса, ахир бизнинг подшоҳимиз ҳам шу қизга ошиқ бўлиб юрибди. Кел, бу ўғлонни яхшиси тутиб, подшоҳимиз олдига олиб борайлик ёки изига қайтарайлик. Шерали деди:

-Агар подшоҳинг тугул ҳар ким ошиқ бўлсада, Гавҳаройни мен оларман, ёки бошимдин кечарман. Аммо изимга қайтмасман. Шунда ясовулларнинг **қизмароқларидин** бири:

-Бунинг бошидин кечиш мақсади бўлса, ҳозирнинг ўзида бир ёқлик қилайлик, деб қиличини суғуриб, Шералига **тўпилди.** Шерали ҳам олмос қилични олиб, бўйнингнинг чиққан жойи шуми, деб солди қилични, ясовулнинг калласи **зомчадай тумолониб** кетди. Кейин ясовулларнинг бариси Шералига қараб ҳужумга ўтдилар, қилич қиличга қоқилишди. Қирқ йигитдин олтитаси калласидин айрилди. Қолганлари қочиб ўта кетдилар. Булар қочаверсин, энди

сўзни сардордин эшитинг. Сардор йигитларнинг олдида қочиб бориб, тўғри подшонинг олдига кирди. Подшо унинг йўлбарсдан қочган тулкидай ҳаллослаб туришига қараб деди:

-Эй сардор, не бало изингдин шер қувладими, рангингда қон қолмабди-ку. Унда сардор:

-Мен кўрган зот шердин зиёд, деб кўрганларини подшога бир-бир баён қилди:

Арзимни эшитгил, эй Мўмин шоҳим,
Аждарни, шерни ҳам кўрганча бўлдим.
Ўлжа излаб ов қиларга кетгандим,
Ов билан ўлжамни бергунча бўлдим.

Кунчиқардин эниб келди бир йигит,
Эгнига кийибдур олтиндин совут,
Биз дедик: тўхтатиб тезда бундин кет,
Қиличин остинда ўлганча бўлдим.

Айтди аслин, Табриз экан макони,
Олмоққа борурмиш ул Гавҳаржонни,
Дошдин қамаб тутжак бўлдим мен они,
Отининг остида қолганча бўлдим.

Ул йигитнинг “Пирим!” деган палласи,
Кетди олти йигитимнинг калласи,
Мен қочдим кўзламай баланди-пасти,
Азройилдин қочиб келганча бўлдим.

“Пирим Али”, дейиб отини минди,
Аждардин ҳам ул ҳайбатли кўринди,
Бек ўғли сардор дер, юрак ёрилди,
Қўлимни орқама танғанча бўлдим.

Алқисса, бек ўғли сардор сўзини тамомлади. Буни эшитиб Мўминшоҳ деди:

-Эй сардор, бир йигит Гавҳарни излаб борар эркан, сен уни тутиб олажак бўлиб, бир йигитга олти йигитни олдириб қайтдим, десанга!

Қирқ йигит бўлиб, бир йигитдин **босқи топиб** келгунча ўлсангиз бўлмайдими, эй сизларнинг отингизга тош, тупроқ!

Шундан кейин подшо бир лак қўшинни олиб Шералининг олдидин чиқди. Энди хабарни Шералидин эшитинг. Шерали ўз ичида ўйлади. Бу ясовуллар қочиб кетишгаку кетдилар. Аммо булар тек ётмайди. Сал ўтмай бир қўшин билан келиб мендин **хусурини** олишлари ҳеч гапмас. Шу сабабли ҳарқандай балога тайёр турай, деб шундай орқасига қайрилиб қараса, бир чанглов кўринди. Шерали айтганимдай бўлди, ўйлаганинг олдингдин чиқади, деб қилич-қалқонларини шайлаб турди. Сал ўтмай бир лак лашкар бирлан Мўмин шоҳ пайдо бўлди. Узоқдан буни кўрган Шерали ҳийлага ўтди. Тоғни

айланиб ўтиб қўшиннинг изидин келди ва туйқусдан орқадан ҳужум қилиб ур-йиқни бошлаб юборди. Бир замонда қўйга **бўри доригандай** бўлди. Мўминшоҳ олағовурдан ҳайрон бўлиб, орқасига сар солса, қўшиннинг ярмиси йўқ, ярмиси орқага қараб қочиб бора ётир. Шерали шу замони келиб подшони отдин уриб йиқди ва қўлини танғиб ташлади. Бундан эсини йўқотган Мўминшоҳ:

-Эй ўғлим, мени бўшат, этагимдаги тошни тўкдим, ота-ўғил бўлишали, деди. Бу сўзни эшитиб Шерали подшонинг қўлини ёздирди. Ундин сўнг улар ота-ўғил бўлишиб, Шерали саройда дам олди, ҳазмда-базмда бўлди. Қирқ кундин кейин Шерали:

-Эй шоҳим йўл эгаси йўлда яхши, менга рухсат беринг, кетайин, деди. Мўминшоҳ деди:

-Эй Шерали, тожи-тахтга эга бўлиб бу ерда қолавер, хоҳлаган қизингни олиб берайин.

-Эй шоҳим, мен Табриз шаҳридин етти ой йўл юриб, Гавҳаройни топаман, деб келаётирман. Менинг кўзимга тожи-тахт, дунё-мол кўринмас, деб шоҳга қараб бир ғазал ўқиди:

Санго арзим шулдур, шоҳим,
Менинг мунда турорим йўқ,
Юрагимда кўпдир оҳим,
Менинг ҳеч номус-орим йўқ.

Чиқмишам шаҳри Табриздин,
Мен рухсат сўрарман сиздин,
Излаганим Гавҳар қиздин,
Ўзгага қўл берарим йўқ.

Арзи ҳолим айтсам сиза,
Мен ошиқман Гавҳар қиза,
Шундин бошқа ҳеч бир қиза,
Бу кўнглимни очарим йўқ.

Кўздин тўкарман ёшимни,
Суюн шоҳ олса бошимни,
Ўтга куйдирса лошимни,
Кетмасам ҳеч қарорим йўқ.

Баланд тоғлардин ўтгунчам,
Лочин қушимни тутгунчам,
Гавҳаройимга етгунчам,
Ҳеч манзилда турорим йўқ.

Сайратсанг Шерали тилин,
Мен терарман Гавҳар гулин,
Мунда бошга қизлар билан
Бир кун умр сурарим йўқ.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлагандин сўнг:

-Эй подшоҳим. Мен ўз тожи тахтимни ҳам ташлаб келаётирман. Мен Гавҳарой ёримни кўрмагунча ҳеч жойда тура билмайман, деди.

-Эй Шерали, кетсанг ихтиёр сенда, рухсат бермай иложим йўқ. Суюн шоҳнинг уч шарти бор. Сен ёнингда лашкар олиб кет. Мен уч марта қўшин билан бориб, енгилиб қайтдим, деди подшо.

-Эй подшоҳим, қўшин билан бориб қиз олиш инсонийликка кирмайди. Якка бориб, бахтимдагини кўрайин, деди Шерали.

Шундин сўнг йўлнинг шайини тутиб Шерали йўлга равона бўлди. У билан 500 йигитни олиб Мўминшоҳ ҳам йўлга тушди. Улар уч кун бирга йўл юрдилар. Бир жойга бориб дами-тинчини олгандин сўнг Шерали:

Эй подшоҳим узатгандин йўлдош бўлмас, сиз энди изингизга қайтинг, деб бир ғазал айтди:

Узатгандин йўлдош бўлмас,
Дуо қилиб қолинг энди.
Ёзғитда бори бузилмас,
Шоҳим, сиз соғ бўлинг энди.

Юрагимда доғи тугун,
Кундуз ёхти, кечаси тун,
Исфаҳон кетарман бугун,
Қадрдонлар хуш қол энди.

Мен кетарман элдин эла,
Кўнгил қуши учар гула,
Мени солинг тўғри йўла,
Сизлар мунда қолинг энди.

Шоҳим қулоқ қўйинг манго,
Арзимни айтайин санго,
Оқ фотиҳа бериб манго,
Хушвақт бўлиб қолинг энди.

Тақдир бўлди азал бошдин,
Дийдам тўлди қонли ёшдин,
Шерали дер, кечиб бошдин,
Мен кетарман, қолинг энди.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Улуғ-кичик барча халойиқ бирлан хайр-хўшлашди. Мўмин шоҳ ўз элига қайтиб ҳукм суришда давом этди. Шерали бўлса йўлга равона бўлди. Оз юрди, кўп юрди, сувсиз чўл юрди, сувли кўл юрди, неча манзилларни ошиб, тўққиз ой, тўққиз кун деганда олдидин бир тепа чиқди. У ёқ, бу ёғига қараса, тепанинг пастида икки киши туя билан қудуқдин сув чиқариб турибди.

Шерали уларнинг ёнига бориб салом берди. Улар алик олиб: -Эй йигит, нердан бориб, нердан келарсан, қайси элдинсан, отинг ким, деб сўрадилар. Шерали деди: Мен Табриздин чиқиб Исфахонга борурман, Суюн шоҳнинг қизига ошиқман, отим Шерали.

-Ул қиз учун Ҳамадон подшоси Мўмин шоҳ қанча уруш қилиб ола билмади, сенинг қўлингдан не келар, эрди, дедилар туякашлар. Шерали:

-Эй дўстлар, сизлар аввало менинг қорнимни тўйдиринг, кейин, йўлнинг солиғини беринг, деди. Туякашлар унинг олдига бир чўрак билан қоврилган эт қўйдилар. Шерали томоқни еб йўл солиғини олиб, от сураберди. Туякашлар ўйладилар: -Биз бунга қизнинг манзилини аниқ айтдик. Ул тўғри Гавҳаройнинг боғидин чиқса, подшоҳ бизнинг йўл кўрсатганимизни билса, бошимиз ўлимда, молимиз талонда бўлар, деб дарҳол туриб подшоҳнинг ҳузурига келдилар. Унга йигитнинг хабарини бердилар. Подшо:

-Ул **не кора йигит** эркан, тўппа –тўғри қизимнинг ёнига келса, деб вазирига 40 отлиқ бериб, Шералининг олдига юборди. Вазир Шералининг олдидин чиқиб сар солса, бу йигит уларга бош берадиган тоифадан эмас. Шунда вазир Шералига таъзим билан салом бериб, деди:-Эй ўғлон, сени бизнинг подшомиз олдига чақираётир. Шерали деди:

-Подшонгизнинг оти ким?

-Суюн шоҳ.

Шунда Шерали подшонинг сўзини йиқмайин, деб уларга қўшилиб шоҳ ҳузурига келди ва таъзим билан салом берди. Подшо:

-Эй ўғлон, сен нердан бўласан, отинг ким, деди.

-Мен Табриз шаҳридин Олимшоҳнинг ўғлиман, деб Шерали ҳамма гапни тўғри, очиқ айтди.

-Эй ўғлон, сен менинг шартларимдин қўрқмадингми, агар уларни битира олмасанг, мен сени дор остида ўйнатаман, деб Суюн шоҳ бир ғазал айтди, Шерали жавоб берди:

Суюн шоҳ: Нердин келдинг, ақлинг чошиб,
Қайтгил, тезроқ элинга сен,
Қўлдин келмас ишга жўшиб,
Бугун келдинг ўлима сен.

Шерали: Табриз шаҳридин чиқиб,
Келдим қизинг олмоққа мен.
Гавҳар билан ўйнаб-кулиб,
Беш кун даврон сурмоққа мен.

Суюн шоҳ: Уч шартим битмаса сендин,
Яхшиликни кутма мендин,
Бошинг қутилмас зиндондин,
Энди тушдинг қўлима сен.

Шерали: Келдим Ҳамадондин ошиб,
Мўминшоҳ била савашиб,
Айтабер шартингни жўшиб,
Битирмакка келмишам мен.

Суюн шоҳ: Аждарни бориб ўлдирмоқ,

Араблар сардорин тутмоқ,
Минг зинага отли чиқмоқ,
Шартларини битирурсен.
Шерали: Манго Худо раҳм этса,
Гавҳаройим насиб этса,
Пирим Али мадад берса,
Бу шартларинг битирурман.
Суюн шоҳ: Суюн шоҳ дер, эшит сўзим,
Шартлар битса берай қизим,
Битирмасанг ўйиб кўзинг,
Тим зиндона ташланур сен.
Шерали: Шерали чорлар пирини,
Ҳақдин кўрар тақдирини,
Маъшуқам Гавҳар парини,
Олмоқ учун курашурман.

Алқисса, сўзларини тамом қилдилар. Подшо:
-Эй ўғлим Шерали, узоқ йўлдин, яхши ният билан келибсан, меҳмон ҳурмати учун бирдан сени ўлдирмайин. Аммо шартларимни бажармасанг, **ҳўкмон** дорга осурман, деди.
Шерали ўрнидан туриб таъзим қилди. Булар бу ерда тураберсин, эндиги сўзни Гавҳаройдин эшитинг.

Гавҳарой Шералининг келганини эшитиб, энасининг ёнига келиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал ўқиди:

Бугун ёрим келмиш Табриз шаҳриндин,
Энажон, кўришмак чорасин изла.
Мен қониб ўлайин ёрим меҳриндин,
Энажон, кўришмаклик чорасин изла.

Золим отам унга шартларин айтса,
Аждар билан савашмака узатса,
Аждарҳо зўр келиб ёримни ютса,
Кўрмайин қолмайин, чорасин изла.

Энажон, гар кўрмай қолсам мен ани,
Тирик деб сўнг гумон этмагил мени,
Ўз-ўзим ўлдириб тарк этгум танни,
Энажон, кўришмак чорасин изла.

Ҳақни ёдлаб мен сиғиндим ўзинга,
Эна раҳм айлагил, якка қизинга,
Гавҳарой дер, ёрим кўрсат кўзимга,
Энажон, кўришмак чорасин изла.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамом қилгандин сўнг Бодом биби қизининг фарёдига дош беролмади. Подшони ётоқхонасига киритиб бир коса шаробга беҳуш дори қуйиб ичирди. Ул ётиб ухлаб қолди. Шундин сўнг ул Шералини

олиб келиш учун Гулжамилани юборди. Ўзи қизини олиб, “Боғи –ҳавас”даги кўшкка кетди. Гулжамила Шералининг ёнига келди. Кўрса, шундай бир йигит ўтирибдурки, бундай зот олам-жаҳонга келган эмас. Унга кўзи тушиб, илон оғзига яқин келган қурбақадай бўлиб қолди. Зўрға ўзини тутиб салом берди. Шерали уни кўриб деди:

-Эй гўзал қиз, сен кимсан, кимни изларсан?

-Мен Гавҳарой бибимнинг канизи бўламан. Ул сизни ҳузурига таклиф этди. Мен элчи бўлиб келдим, деб беш калима сўз айтди:

Узоқ йўлдин ошиб келган ғўч йигит,
Қулоқ қўйинг, Гавҳарой чорлар сизни.
Сабр-тоқат билан йўлга кўз тикиб,
Элчи этиб сизга юборди бизни.

Сиз келибсиз жабру жафолар чекиб,
Юринг энди қайғу уйини йиқиб,
Гавҳарой шод бўлсин мулойим боқиб,
“Боғи ҳавас” томон чорлайди сизни.

Хабар топиб, ўтлар тушди жонина,
Йиғлаб борди энасининг ёнина,
Мушку анбар сепиб Гавҳар тўнина,
Бугун гул тубига чорлайди сизни.

Бодом биби беҳуш этгандур шоҳни,
Уч кунгача йўқ уйғониш гумони,
Бугун барча инжа қизларнинг хони,
Орзу этиб боғга чорлайди сизни.

Гулжамолам, бугун элчиман мунда,
Гавҳарой йиғлаюб кутади анда,
Қирқ канизи ҳам энаси ёнинда,
Бари бирга боғга чорлайди сизни.

Алқисса, Гулжамол сўзини тамомлагандин сўнг Шерали шод бўлиб “Боғи ҳавас”га қараб йўлга равона бўлди. Тез орада Гулжамила билан боғ эшигидин кирдилар. Гулжамол Шералини бир гулнинг тубига олиб борди. Шерали эътибор билан қараса, Гавҳарой билан тушида учрашган жойининг **хут ўзи эркан**. Гулжамол уни шу ерда қўйиб, Гавҳаройдан суюнчи олмоқ учун туриб кетди. Энди бу сўз бу ерда турсин хабарни Гавҳаройдин эшитинг Гавҳарой Гулжамолни Шералининг изидин юбаргандин сўнг ювиниб –тараниб, зарбоф кийимларини кийиб канизлари билан Шералини кутиб олишга чиқди. Сабру қарори бўлмай боғни икки айланди. Бир вақт Гулжамол кўринди. Гавҳаройнинг юраги беданадай потирлаб, Гулжамолдин Шералини сўраб бир сўз айтди. Гулжамол жавоб берди:

Гавҳарой: Хабар бергил, манго Гулжамол жоним,

Севар ёрим Шералини кўрдингми?
Юракда армоним, дардга дармоним,
Меҳрибоним Шералини кўрдингми?

Гулжамол: Гавҳар бибим, мендин хабар сўрасанг,
Мен сенинг ёрингни келтирдим боға.
Юр, бирга кетайлик, ёрга учрашсанг,
Мен сенинг ёрингни келтирдим боға.

Гавҳарой: Ёлғон сўзлар бирла келма ёнима,
Ўтлар солма, менинг ёнган жонима,
Ёр йўқса қолурсан менинг қонима,
Кўз қувончим, Шералини кўрдингми?
Гулжамол: Сенингдек паризод онадин туғмас,
Шералидек йигит дунёга келмас?
Сўзим тўғри, ҳеч бир ёлғони бўлмас,
Севар ёринг бугун келтирдим боға.
Гавҳарой: Айланайин ёрни кўрган кўзингдин,
Шакардин, шарбатдин **сужи** сўзингдин,
Хабар бер, Гулжамол, баҳор-ёзимдин,
Кўнгил хушим, севар ёрим кўрдингми?
Галжамол: Сўзлаганда дур сочилур тилиндин,
Ўн тўрт ёшда чиқиб қайтмиш элиндин,
Олмос қиличини тақиб белиндин,
Рустам сифатлингни келтирдим боға.
Гавҳарой: Гавҳар деяр, юринг боға борали,
Шералибек била бирга юрали,
Унинг била кайфу сафо сурали,
Кўз қувончим Шералини кўрдингми?
Гулжамол: Гулжамол дер, эшит менинг зоримни,
Боға олиб келдим севар ёрингни,
Сарф этасан бугун ҳар не борингни,
Севар ёринг бугун келтирдим боға.

Алқисса, булар сўзларини тамом қилдилар. Гавҳаройнинг сабру қарори тугаб, канизлари бирлан Шералининг ёнига юриш қилди. Шерали ҳам Гавҳаройга интиқ бўлиб, нега **айланди** экан, деб икки кўзи йўлда бўлди. Шул вақт бир тўпор қизлар келаберди. Шерали: буларнинг қайси бири Гавҳарой эркан, деб қараб турди. Бир вақт уларнинг орасидин бир қиз олдинга ўтиб, Шералига қараб келаберди. Бу қизни кўриб, Шерали онг-тонг бўлди. Бундай ҳуснни ул ҳеч қачон кўрмаган эрди. Унинг таърифини айтиб адо қиладиган эмас эди. Узун бўйли, инжа белли, қора кўзли, сужи сўзли, юпқа дудоқ, бодом қабоқ, писта даҳон, мўрча миён, қоши камон, ўзи оводон бир қиз. Шерали буни кўриб тушиндаги қиз эрканини таниди. Гавҳарой ҳам Шералини таниди. Йигитга кўзи тушиб ақли ҳайрон бўлди. Улар бир-бирининг қучоғига ташлашиб, оқ ипакдай чўлашиб, тол чивиқдай дўлашиб беҳуш йиқилдилар.

Қизлар бу воқеани кўриб бармоқларини тишлаб қолдилар. Бодом биби эса булар ўлиб қолдими, деб юраги ёрилишига сал қолди. Қизлар келиб буларнинг устини ёпиб қўйди. Бироз вақт ўтиб улар ҳушига келдилар Бир-бирининг меҳрига тўймай, вақтлари хуш бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бошидан ўтганларини баён қилиб, савол-жавоб қилдилар. Бошини Гавҳарой бошлади, кейнини Шерали давом эттирди. Савол-жавоб бул турур:

Гавҳарой: Бошинга дўнайин Шерали жоним,
Гул юзинг кўрмакка интизор эрдим.
Сен бирла айлагум аҳду паймоним,
Дийдоринг кўрмакка мен хумор эрдим.

Шерали: Қурбонинг бўлайин нозли дилдорим,
Энди ўлсам ҳеч армоним йўқ менинг.
Ўн тўрт ёшда тушда кўриб дийдоринг,
Ошиқ бўлиб тушдим йўлинга сенинг.

Гавҳарой: Эшит сен Шерали, менинг сўзимни,
Айрилиқ сарғайтди гулдек юзимни,
Қиш айлаюб баҳор ила ёзимни,
Ишқингда ўртаниб беқарор эрдим.

Шерали: Ишқинг шаробидин маст бўлиб ичиб,
Элимдин чиқмишам жонимдин кечиб,
Чўли биёбондин қуш каби учиб,
Қарорим бўлмади ҳеч ерда менинг.

Гавҳарой: Мен кўшки айвонда сен сувсиз чўлда,
Хабаринг эшитдим ой бирла йилда,
Қора сочим ёйиб, кўзларим йўлда,
Йўлларинга боқиб мисли хор эрдим.

Шерали: Отим адо бўлди ҳижрон чўлида,
Ғарқ бўлдим ҳамиша ғамнинг кўлида,
Қирқ кун бўлдим Ҳамадоннинг элида,
Ҳақни ёдлаб чиқдим йўлинга сенинг.

Гавҳарой: Тонг саҳарда кирдинг менинг тушима,
Гавҳар дер, айтмадим тенгу тушима,
Худо раҳм айлади кўзда ёшима,
Ишқингда тўлғаниб гўё **мор эрдим**.

Шерали: Сени деб, Худога қилдим илтижо,
Ҳамадон подшосин айладим адо,
Шерали дер, жоним сенгадур фидо,
Гулинг терсам дилбар, гулзоринг сенинг.

Алқисса, булар савол-жавобларини адо қилдилар. Кейин айшу ишратга машғул бўлдилар. Буларнинг ўтиришларига син солиб Бодом биби ўзича деди: Ё Худоё, ўзинг сақла, бу аҳволни шоҳ билиб қолса, не бўлади, дунёда яккаю ягона бир қизим бор, бу ҳам ишқ йўлига гирифтор бўлган. Илоё Худо подшога инсоф, Шералига ғайрат, Гавҳаройимга сабр, тоқат бергайсан!

Бодом биби тилакларининг жобажо бўлишини Худодин тилаб бир ғазал айтди:

Сиғинмишам санго қодир Оллоҳим,
Орзу Қамбар каби эшитинг додим.

Икки дунё якка ёлғиз фарзандим,
Ул шўх кезса, менинг кўнглимда шодим.

Ишқ йўлига тушди бу ёлғиз қизим,
Унинг дарди билан сарғайди юзим.

Гавҳар куяр Шералининг ўтина,
Яратганим, етиш менинг додима.

Шералибек ишқнинг кўлида сузиб,
Келибдур неча йил чўлларни кезиб.

Подшо шартларни истайди ундан,
Қутулмоқ бўларми бу қайғу-ғамдан.

Кўп жафолар чекиб келган Шерали,
Бу йўлда мадад бер ё ҳазрат Али.

Буларнинг мақсадин бергил ёронлар,
Мадад беринг уч юз олтмиш эранлар.

Барчаларни йўқдан бор этган Худо,
Ошиқу маъшуқни қилмагил гадо.

Бодом деяр сўзим қутордим энди,
Ошиқларнинг дарди бўйнима минди.

Алқисса, Бодом биби сўзини тамомлади. Гавҳарой билан Шерали иккиси ўз дардлари билан бўлиб, оналарининг нолиш, илтижоларига кулоқ ҳам солмадилар. Ошиқ-маъшуқалар кўл тутишиб, боғни сайр этдилар, сўнг беш юз зинали тилло тахтнинг устида ўтириб, тилло **чоноқда** тўққиз турли таом едилар. Шерали билан Гавҳарой бир-бирларининг ҳусни жамолина боқиб ором олдилар. Бир вақт Гавҳаройнинг ёдига отасининг шартлари тушиб: “Бу йигит отамнинг шартларини битиришга кетса, менинг куним қандай кечар, деб хафа бўлиб, кўнгли бузилиб, кўз ёшлари сузилиб, ўпкаси тўлиб, ғамгин бўлиб, сарғайиб-сўлиб ерга боқди, дийдасидин ёшлар оқди. Буни кўриб Шерали сўради:

-Эй Гавҳарой, сен не учун **маълул** бўлурсан, не ёмон фикрларга ботдинг?

-Эй Шералибек, менинг маълул бўлганим отамнинг шартлари ёдимга тушди. Сендин айрилишдин қўрқиб, ўйга ботдим.

-Эй севгилим, сен унинг учун маълул бўлма, отангнинг неча шарти бўлса, бажараман, ҳеч ғам ема, деб Шерали бир ғазал айтди, Гавҳарой жавоб берди:

Шерали: Арзим эшит, дилдорим,
Не учун маълул бўлурсан?
Жаннат ҳури, хиромоним,
Не учун маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Қўрқарам мен, Шералибек,
Айрилиқ келса деб бир кун.
Рақиблар мисли аждардек,
Ғавғолар солар деб бир кун.

Шерали: Қўрқмағил ёзилғон бордур,
Пирим Али мададкордур,
Қодир Олло **ховондордир**,
Не учун маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Сен хабар сўрсанг мендин,
Дардим ортар кунба кундин,
Шоҳ шартин истаса сендин,
Айрилиқ келадур бир кун.

Шерали: Фойда бермас ғам-койишинг,
Йиғлаб кўздин тўкма ёшинг,
Соғ бўлса нозлим, йўлдошинг,
Сен нега маълул бўлурсан?

Гавҳарой: **Дўзмарам** айрилиқ ўта,
Қачон етарман мурода,
Адолат йўқдур подшода,
Мен шунга маълул бўлурман.

Шерали: Ошиқ бўлдим тўққиз ёшдин,
Қўрқмарам, ҳеч бир савашдин,
Сени деб кечарман бошдин,
Сен нега маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Дийдорингни кўрдим тушда,
Йиғлаб кездим ёзу қишда,
Аждар зўр келса савашда,
Мен ҳам сени деб ўлурман.

Шерали: Шерали дер, севар ёрим,
Сенсан дардим ҳар дармоним,
Ўлсам сен деб, йўқ армоним,
Не учун маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Бугун гул юзингни кўрдим,
Йиғлаб қисмата бел бердим,
Гавҳарой дер, азиз мардим,
Сен учун маълул бўлурман.

Алқисса, булар сўзларини тамомладилар. Кейин бир-бирларига кўнгил бериб, суҳбатлашиб, вақтларини хушлаб ўтирдилар. Шу тариқа уч кун ҳам ўтди.

Учинчи куни Бодом биби энди подшонинг уйғонар вақти бўлди, деб айтишга қизининг ёнига борди. Борганда бориб, уларга не деярни билмай, ҳайрон бўлиб ўлтирди. Уни ғамгин кўриб Шерали сўради:
-Эй момо, не ўйга ботдингиз, не хизматлар бор? Унда Бодом биби деди:
-Эй қўзим, сенинг илтижоларинга чидаш бераолмай шоҳни уч кун беҳуш қилдим. Бугун уч кун тўлади, уйғонса, унга не деб жавоб берурмиз. Энди сен яхшиси Гавҳаройдин узоқлаш. Шоҳ бу ерга келганингни билмасин. Гавҳарой энасидин бу гапни эшитиб, юрагига ўт тушиб, қон йиғлади. Шерали эса она - қизга кўнгиллик бериб, еридин қўпди. Гавҳарой ҳам ноилож унга жавоб берди. Бир канизига қўшиб, уни узатди. Ўзи қон йиғлаб қолди. Сўнг Шерали подшо боргоҳи ёнига борди. Бодом биби кириб подшонинг ёнига борди. Подшо уйғонди. У нега мен шунча ухладим, нечун уйғотмадингизлар, деб бироз **воғурди** қилди. Шералининг келганини кўриб, сарой аёнларини маслаҳатга чорлади. Уларни йиғиб, подшо деди:

-Бир ўғлон келибдур, уни не иш қилурмиз? Аёнлар айтдилар:

-Ўғлонни бу ерга чақириб, шартларни баён қилурмиз, рози бўлса бажаришга кетсин. Вазирни Шералини чақиришга юбардилар. Шерали тезда вазир бирлан шоҳнинг ҳузурига келиб қўл қовшириб салом берди. Аёнлар унинг одобига ҳайрон қолиб, ўтиришга буюрдилар. Шоҳ деди:
-Эй ўғлон, агар шартларни бажаришга рози бўлсанг, менинг элимда бир улкан аждарҳо бор. Ул менинг элимнинг ярмини сўраб турибди. Ҳар кун одамларимни, молларимни тутиб еб турибди. Мен уни йўқотиш учун турли чора кўрдим, неча лашкарларимни қирди, аммо енга билмадим. Биринчи шартим шу. Шоҳ ичида: “Бу ўғлон барибир аждарҳо комида ўлиб кетади, қизимни эса вазиримнинг ўғлига узатаман”, деб ўйлаб ўлтирур эрди.
Шерали бўлса, шартни эшитиб хотиржам жавоб берди:

-Иншооллоҳ шартни битирурман. Эрта билан аждарҳонинг ёнига кетарман.

Шерали ўрнидин туриб, ўзининг маконига келиб: -Ё пирим, Али бу балони даф этишда мадад бер, деб ғам-андух ичида уйқуга ётди. Шу замони Ҳазрат Али унинг тушига кириб:

-Эй ўғлим, сен ҳеч қайғу этма, бу аждарҳонинг ажали етиб турибди, бориб бир ҳамла этсанг, ўзи –ўзидан гумдон бўлади, деб кўнгил берди, Шерали шунда тискиниб уйғонди, қараса, туш эркан. Ул пирининг ёнида эканидин хушвақт бўлиб, бир ғазал ўқиди:

Ўн тўрт ёшда ошиқ бўлдим,
Бир гўзал паризод қиза.
Бел боғлаб йўлина тушдим,
Бошим қурбон қора кўза.

Элимдин чиқдим сайланиб,
Неча чўлларни айланиб,
Юз фикр этиб, ўйланиб,
Етсам деб юзи қирмиза.

Кечдим қанчалик йўллардин,
Тоғ, денгиз, сувсиз чўллардин,
Очилган қизил гуллардин,
Сайр этиб баҳор ҳам ёза.

Келдим жабру жафо чекиб,
Карбало чўлидин ўтиб,
Шоҳ манго **бадланиб** боқиб,
Шартин солғи берди биза.

Шерали дерлар отима,
Пирим етишди додима,
Бундин ўз кўнгил шодима,
Боргум қалқон тутиб юза.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, вақти хуш бўлиб, отининг ёнига келиб, сийлаб-сийпалаб, эгарлаб-юганлаб, олмос қиличини белига тақиб йўлга ҳозирланди. Шу орада тонг ҳам отди. Шерали подшодин рухсат олайин, деб унинг қошиға борди. Подшо ҳам Шералининг кетар вақти бўлди, деб кутиб ўтирган эркан. Шул замони Шерали салом бериб кириб келди:-Тақсир, хизматга келдим, деди Шерали. Подшо унга рухсат бериб аждар- ҳонинг **солиғини** берди. Шерали аждарҳо манзилига қараб йўлга равона бўлди.

Энди хабарни кимдин ол, Гавҳаройдин ол. Гавҳарой Шералидин умидини узиб қора кийиб ёс тутиб ўтирди. Аммо у отасининг ҳузурида бўлганлигини билиб келиш учун бир канизини айғоқчи қилиб юборган эди. Шу каниз подшо билан Шерали ўртасида бўлган воқеаларни унга келиб айтгандин сўнг Гавҳарой қора кийиб канизлари бирлан отасининг боргоҳига йўл олди.

Шерали энди йўлга чиқиб олган эрдики, бир тўпор қизлар кўринди. Қараса, Гавҳарой қора кийиниб, сочларини тўзғитиб канизлари бирлан келаётир. Шерали буларни кутиб турди. Шунда Гавҳарой унга салом бериб, маъюс **мискин** бир ғазал ўқиди. Шерали ҳам жавоб берди:

Гавҳарой: Узоқ йўлдин жабру жафолар чекиб,
Мени дейиб бунда келдинг, Шерали.
Келиб мени ёнар ўтларга солиб,
Бугун яна кетар бўлдинг, Шерали.

Шерали: Бу дунёга келган чекар жафони,
Ёзилганни бузмоқ бўлмас, Гавҳарой.
Шартларни битириб меҳру вафони,
Сурармиз сабр айла, жоним, Гавҳарой.

Гавҳарой: Отамда инсоф йўқ, оғирдир шарти,
Сенсиз манго ҳаром Исфаҳон юрти,
Сен келгунча ёлғиз чекарман дарди,
Бу боғлар кўзима зиндон, Шерали.

Шерали: Сени дейиб чиқиб қайтдим элимдин,
Кечиб молу мулкдин, қўрқмай ўлимдин,
Мадад тилаб ҳазрат Али пиримдин,

Ғам ема, битиргум шартни Гавҳарой.
Гавҳарой: Юр иккимиз бирга кетайлик йўлга,
Мен ҳам йўлга чиқиб борайин бирга,
Шарт битмаса, мен ҳам келмайман элга,
Ўлсак бирга бир ўлайлик, Шерали.
Шерали: Ошиқ бўлсанг чида айрилиқ ўта,
Сабр айласанг, сен етарсан мурода,
Узоқ йўллар, сувсиз чўл, бор орада,
Жафо чекиб ғамгин бўлма, Гавҳарой.
Гавҳарой: Сенсиз бу ерларда йўқдур қарорим,
Етишмас Худога нолишу зорим,
Гавҳар деяр, эй севгили дилдорим,
Кўнглим тоқат топмас, жоним Шерали.
Шерали: Отни миниб, саваш истаб кетурман,
Ул майдонни қирмизи қон этурман,
Ё ўлдириб, ё-да ўлиб кетурман,
Йўлларингда жоним қурбон, Гавҳарой.

Алқисса, булар сўзларини айтиб тамом қилдилар. Гавҳаройнинг сўзлашга ҳам мадори қолмади. Шунда Шерали бунинг сал бўлса-да, кўнглини кўтарайин. Ҳар ҳолда аёл киши, деб бир ғазал ўқиди:

Шерали: Насиҳатим олғил, эй севар ёрим,
Йиғламағил, нечун ғамгин бўлурсан?
Ёлғончи дунёда соғ бўлса жоним,
Нечун кўз ёш тўкиб маълул бўлурсан?
Гавҳарой: Мен йиғламай ким йиғласин дунёда,
Айриликдин куйиб, маълул бўлурман,
Отам сени солмиш бир ёнар ўта,
Сенинг учун йиғлаб маълул бўлурман.
Шерали: Рухсат берсанг кетам аждар ёнина,
Харидорман шул аждарнинг жонина,
Пирим мадад бериб келур ёнима,
Нечун севар ёрим маълул бўлурсан?
Гавҳарой: Мен йигит жонинга дўза билманам,
Ўлгунчам ҳеч кўнгил узо билманам,
Сендин қолиб ёлғиз кезо билманам,
Айриликдин куйиб маълул бўлурман.
Шерали: Сочинг ёйиб, юзинг йиртиб йиғлама,
Юрак-бағрим пора қилиб доғлама,
Кетсам келам, келмас дейиб чоғлама,
Нечун кўз ёш тўкиб маълул бўлурсан?
Гавҳарой: Рухсат олиб от-яроғинг шайласанг,
Аждарнинг бошига қилич жойласанг,
Мени деб жонингни қурбон айласанг,
Мен ҳам бирга жоним қурбон қилурман.
Шерали: Ҳақнинг оти мудом бордур дилимда,

Олтин камар, олмос қилич белимда,
Ширин жоним қурбон бўлсин йўлингда
Рухсат бергил, нечун маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Тоғ-тош ларзон урар менинг бодимдан,
Ҳақнинг отин чиқармагил ёдингдан,
Шералибек, айрилиқнинг ўтидан,
Кўзда ёшим, йиғлаб маълул бўлурман.

Шерали: Нозли дилбар, шукур дежагим санго,
Вақти хушлик билан рухсат бер манго,
Аждардан қўрқмайман, айтдимку **янго**,
Нечун кўз ёш тўкиб маълул бўлурсан?

Гавҳарой: Гавҳарой дер, рухсат берайин санго,
Сиғингил пиринга, қодир Худоға,
Меҳрибоним, кетар бўлсанг йўлинга,
Соғ бориб, омон кел, рухсат берурман.

Алқисса, булар савол-жавобни тамом қилдилар. Подшонинг бунга қаҳри келиб ичидан: “Сен бола шартни битириб келсанг ҳам менинг қизимга эга бўлиб бўлибсан” деб ўйлаб турди, аммо фикрини ташқарига чиқармади. Шундай қилиб, Шерали аждарҳо маконига қараб йўлга равона бўлди. Подшо ва унинг аёнлари, халойиқ йиғилиб унинг аждарҳо билан курашини томошо этиш учун бирга юриш этдилар.

Булар йўлда бораверсин, энди сўзни Гавҳаройдан эшитинг. Гавҳарой Шералига рухсат бериб, йўлга узатганда узатди.

Аммо, бу ишнинг охирини ўйлаб ғам-алам юкидин бели букилиб, кўз ёши тўкилиб, бағри қон, юраги минг алвон бўлиб Гўзал деган канизга дардини баён этиб бир ғазал ўқиди. Кўрайлик не деди:

Арзимни эшитгил, эй Гўзал бону,
Ёримнинг изидин кетмасам бўлмас.
Сен менинг сирдошим, қизларнинг хони,
Ёримнинг изидин етмасам бўлмас.

Ўз жонимни аяб номард бўлманам,
Ёримдин айрилиб бунда қолманам,
Ёрим ўлса мен ҳам қайтиб келманам,
Лошим қора ерга қотмасам бўлмас.

Келиб тутди ошиқликнинг бунёдин,
Тилимдин қўйманам ёримнинг отин,
Мени деб ёр кечар бўлса дунёдин,
Мен ҳам бу дунёдин кетмасам бўлмас.

Юрагимга ишқнинг ўтини солиб,
Ёнима қизларнинг хонини олиб,
Не қилгум ёримдин айрилиб қолиб,
Шерали изидин етмасам бўлмас.

Гавҳар айтар, қизлар юрагим ёнди,
Айрилиқ ғуссаси устимга минди,
Ҳамроҳ бўлсанг Гўзал пари юр энди,
Ёримнинг изидин кетмасам бўлмас.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлаб, ёнига қирқ канизини, онасини ҳам олиб, жам бўлиб, Шералининг изидин йўлга равона бўлдилар. Энди Гавҳарой йўл юраверсин, хабарни кимдан ол, Шералидан ол.

Аждарҳо яшайдиган бир тоғ бор эрди. Ул тоғнинг бир томони кенг, **ёлозо** бир жой бўлиб, анда томоша қиладиган халойиқ йиғилди. Гавҳаройлар ҳам ул майдонда турдилар. Бул тоғни Сафар тоғи деб айтур эрдилар.

Шерали тоғ ёнига бориб, халойиққа юзланиб бир ғазал айтди:

Бугун келдим аждар билан саваша,
Оллоҳ, манго мадад берар кунингдур.
Саваш куни нелар келса, бу боша,
Пирим, манго мадад берар кунингдур.

Бугун савашмакка этарман ҳавас,
Тоғларнинг эгаси сиз Ғовсул Ғиёс,
Чўл эгаси пирим ё Хидир-Илёс,
Шу кун манго мадад берар кунингдур.

Эранларнинг ўзи ховандор бўлиб,
Уч юз олтмиш авлиёлар ёр бўлиб,
Али пирим ўзинг мададкор бўлиб,
Шу кун манго мадад берар кунингдур.

Майдон узра саваш йўлини очиб,
Оғзидин кўпикни фаввордай сочиб,
Қушқанотим шу кун жонидин кечиб,
Аждарнинг жонини олар кунингдур.

Юсуф-Зулайҳодур ошиқлар пири,
Шерали сен чақир ул Али шери,
Аждарни ўлдирмай кетмасман тири,
Али пирим мадад берар кунингдур.

Алғараз, Шерали сўзини тамомлади. Унинг овози аждарҳонинг қулоғига етиб, ётган кавагидин чиқиб, Шералига қараб турди. Шерали олмос қиличини суғуриб, аждарҳо устига от қўйди. Қушқанотнинг қўлтиғидин икки қанот чиқиб, учиб, аждарҳонинг устида айланди, Шерали аждарҳонинг бошига қилич солди. Калласининг туядай келадиган бир қисми тоғ остига юмаланиб кетди. Аждарҳо бу оғриққа чидай олмай, осмонга бир **бўкчиди**. Шерали от-поти билан осмону фалакка кўтарилиб, пастга келиб тушди. Буни кўрган халойиқ оҳ тортиб юборди. Гавҳарой эса беҳуш бўлиб йиқилди. Шерали бўлса, **ёнгадан** аждарҳога от қўйди. Бу сафар тик белидин уриб, уни икки пора қилди. Сўнг қиличини қинига солиб, Гавҳаройнинг ёнига борди. Кўрса ул беҳуш бўлиб ётибди.

Дарҳол киссасидин бир дори чиқариб унга сепди. Гавҳарой тискиниб ўрнидин турди. Вох, Шерали, деб қичқириб унга ўзини ташлади. Шерали: -Гавҳарим, мен соғ-омонман, деб уни хотиржам қилишга уринди, Гавҳаройнинг бошини қучоғига олди. Халойиқ:-Эй поко парвардигоро, икки ошиқнинг мақсадини бер, деб дуо қилдилар. Суюн шоҳ бўлса, қизини қучоқлаган Шералининг адабини бериш учун қаҳрга миниб, унинг олдига келди. Шералига бадланиб қараб, бир сўз айтди:

Бадасл, ҳароми, қайдин келдинг сен,
Қўрқмадингми, ҳайбатимдин, отимдин?
Ё қалтамон, ё бўлмаса ўғрисан,
Қўрқмадингми, шоҳлигимдин, отимдин?

Қизима ал чўздинг, **мисқирдинг** мани,
Энди дор остида ўлдиргум сани,
Никоҳ қийиб олибмидинг сен ани,
Қўрқмадингми ҳайбатимдин, отимдин?

Мен билманам сен қай элнинг қулисан,
Девонасан сен ёки бадтар **далисан,**
Ё ажали етган қулнинг бирисан,
Лошинг чиқар Исфаҳоннинг элидин.

Суюн шоҳ дер, энди оқар кўз ёшинг,
Ё зиндона солгум, ё кесгум бошинг,
Тилка-пора этиб кўмарман лошинг,
Ё ўлжагинг чиқибмиди ёдингдин?

Алқисса, Суюн шоҳ сўзини тамом қилди. Шерали бўлса, бунинг сўзларини алаштирмайин, ҳар ҳолда элнинг шоҳидур, деб бош эгиб турди. Сўнг подшоҳ “Жаллод”, деб қичқирди. Жаллод деган билан жаллодга ҳам жон керак. Қайси жаллод юрак ютиб баҳайбат аждарҳони ўлдирган Шералининг ёнига келиб билур эрди? Жаллодлар тараддудга тушиб турганда подшонинг ақлли бир вазири деди:-Эй шоҳим, бир қошиқ қонимдин кечсангиз бир сўзим бор. – Айт, деди подшоҳ.

-Эй подшоҳим, деди вазир, сиз бу йигитга уч шарт буюрдингиз. Ҳали биринчисини бажарди. Қолганларини ҳам битирсин, битирмаса, ўлдирмак қочмас. Қолаверса, бу йигитни бир ҳийла билан ўлдирмасангиз., ёнига одам йўлатмас. Бу гап подшога маъқул тушди. Шу тахлитда аждарҳони ўлдириб қайтдилар.

Шаҳарга қайтгандин сўнг Гавҳарой отасининг ёнига келиб, Шералини ўз боғига олиб кетиш учун зор йиғлаб рухсат сўради.

Суюн шоҳнинг қаҳри юмшаб, бир томондан Шералининг мардлигига тан бериб, қизининг илтимосини қондирди.

Гавҳарой Шерали бирлан, қирқ канизни ҳам изига солиб “Боғи ҳавас”га келди. Боғда етти кеча-кундуз базмда бўлдилар. Саккизинчи куни подшоҳ Шералини олиб келишга одам юбарди. Шерали у одамга сен боравер, ҳозир

изингдин етарман, деб Гавҳарой билан хайрлашадиган бўлди. Шунда Гавҳарой яна ҳижрон азобини тортишга маҳкум эканидин шикоят қилиб бир ғазал ўқиди:

Йигит, мен қўрқарман золим отамдин,
Сени мендин айирмаса яхшиди.
Шартлари битмаса айирур сендин.
Сени мендин айирмаса яхшиди.

Фалак бизга анча ишлар қайирур,
Бу айрилиқ иккимизни майирур,
Бири битса яна бирин буюрур,
Сени мендин айирмаса яхшиди.

Бошқа бир юртларга қочайлик мундин,
Мен қўрқарам, отам айирур сендин,
Битирсангда отам **дўнар** сўзиндин,
Мени сендин айирмаса яхшиди.

Сен бўлмасанг мен ҳам мунда турманам,
Сендин ўзгаларга кўнгил берманам,

Мунда ёрсиз ёлғиз умр сурманам,
Сени мендин айирмаса яхшиди.

Гавҳар дер, қолманам энди изингдин,
Бу ерда қолдирма, дўнманам сендин,
Сен-ла бирга жоним чиқсин бу тандин,
Бегим сендин айирмаса яхшиди.

Алғараз, Гавҳарой сўзини тамомига етказди. Шерали унга айтдики, эй Гавҳарой, мен ўлимдин қўрқмайман. Сенинг йўлингда қурбон бўлиш мен учун бахт. Сен мендин дўнмасанг бўлгани. Ўлимдин қочиб қутилиб бўлмас. Ишқ йўлида ўлсак не армонимиз бор. Ошиқ бўлган ўлимдин, зулмдин қўрқмас.

Шерали шундай деб Гавҳаройга қараб алина созини олиб беш калима сўз айтар бўлди:

Ишқ йўлинда ўлсам менда йўқ армон,
Гавҳарой, ажалдин қутилиб бўлмас,
Ажал етса, қочсак топар беомон,
Севдигим, ажалдин қутилиб бўлмас.

Гавҳаройим, насибамиз кўрайлик,
Мағрур туриб тақдирга тан берайлик,
Бугун шоҳнинг шартин истаб борайлик,
Ажал етса қочиб қутилиб бўлмас.

Сени пирим тушда дуч этди манго,
Чўлу қирлар ошиб етишдим санго,

Мен қўрқмарам, ташвиш этмагил анго,
Дилбарим ажалдин қутилиб бўлмас.

Ё шартин битирай, ёки ўлайин,
Бу сўзимдин қайтсам номард бўлайин,
Шерали дер, шоҳга қарши юрайин,
Ажалдин қочиб ҳеч қутилиб бўлмас.

Алқисса, Шерали сўзини тамом этди. Кейин ул Гавҳарой ва қирқ каниз бирла йўлга равона бўлди. Шу юришда булар Суюн шоҳнинг олдига бордилар. Шерали шоҳнинг олдига бориб саккиз букилиб, тўққиз таъзим бажо қилди. Шоҳ Шералига алик олиб деди: -Эй Шерали, энди сен қандай шарт олдингда турганини билурмисан? Эндиги шарт бундин бир ярим ойлик йўлда жойлашган Хоросот деган тоғда бўлади. Шул тоғда беш юзта қалтамон араблар бор. Уларнинг сардорини Пирназар алп деярлар. Бу киши бирор подшодан енгилган эрмас. Талаган шаҳарларининг сони-саноғи йўқ. Шу одамни менинг олдимга тириклайин тутиб келасан. Шу шартни бажаргудай ёғдойинг борми? Унда Шерали шоҳнинг юзига боқиб, алина созини олиб бир ғазал айтди:

Шоҳим, очиқ билмам, кўрайин бориб,
Олло обрў берса тутиб келтирай,
Хоросот тоғига отимни солиб,
Пирлар мадад берса тутиб келтирай.

Бугун шартинг айтиб жўнатсанг бизни,
Пирназар сардорга тикайин кўзни,
Шоҳим, бахш айласанг сен Гавҳар қизни,
Араблар сардорин тутиб келтирай.

Ҳақни ёдлаб кетсам бундин **бодланиб**,
Пирим ёдлаб, Қушқанотим отланиб,
Эранлар қўлласа, кўнгил шодланиб,
Мен шул алпни сизга тутиб келтирай.

Менинг борганимни шул сардор туйса,
Мадад берса манго ул Хидир, Исо,
Шерали дер, шоҳим шартини деса,
Насиб бўлса шу шартини битирай.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Гавҳарой унинг юзига боқиб зор-зор йиғлаб:

-Мен ҳам сен билан кетаман, ўлсам бирга ўламан. Сендин қолиб бу ерда бир кун ҳам умр кўрмайман. Сенсиз менга бу ҳаёт ҳаром, деб Шералидин илтимос қилаверди.

Шунда Шерали ўйладики, аммо Гавҳаройни бирга олиб кетсам, ҳеч тўғри келмас, йўл узоқ, от ориқ, тақдирни олдиндин билиб бўлмас, деган гаплар бор. Шу сабабли буни алдаб-сулдаб қолдириб кетайин, деб унга қараб бир ғазал айтди:

Бугун отга миниб кетгум саваша,
Манго рухсат бериб қолсанга, дилбар.
Севар ёринг кетар тоғлардин оша,
Қошингни қиймириб кулсанга, дилбар.

Сендин ўзга бўлмас кўнгилда хушим,
Йўқдин бор айлаган **ўнғарса** ишим,
Ўлимдин қўрқмарам, кетсада бошим,
Ғам чекмай рухсатинг берсанга, дилбар.

Йиғлайиб дийдангдин ёш тўкма кўза,
Йиғлаш билан отанг раҳм этмас биза,
Сиримизни сира чиқарма юза,
Кулиб –ўйнаб рухсат берсанга, дилбар,

Шартларни битириб қайтгум бу ёна,
Хавф-хатар йўқ кейин бу ширин жона,
Йиғлаб сир бермагил яхши-ёмона,
Кулиб-ўйнаб рухсат берсанга, дилбар.

То келгунчам кутгил мени ёд этиб,
Кўз ёш тўкма, ғариб кўнглинг мот этиб,
Дўстни қийнаб, душманларни шод этиб,
Йиғламоқ ишингни қўйсанга, дилбар.

Манго йўл қутлуғдур, санго ўз элинг,
Оллони ёд этиб сайрасин тилинг,
Гавҳаройим, қирқ қиз ўнг билан сўлинг,
Шерали дер, рухсат берсанга, дилбар.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Гавҳарой ҳам не илож этарини билмай қолди. Ўз-ўзига деди: кел эй кўнглим, биз ўз эркимизга ошиқ-маъшуқ бўлмадикку, Худо тақдиримизни қўшди, бахтимизни ҳам берар.

Гавҳарой шу ўй-хаёл билан Шерали билан хайр-хўшлашиб бир ғазал ўқиди:

Рухсатинг берайин жоним, Шерали,
Борғил бегим, соғлик била келгайсан.
Соғлигингни Ҳақдин тилаб турали,
Борғил бегим, соғлик била келгайсан.

Отамнинг дардидин қолдинг озора,
Ширин жонинг солдинг қизиқ бозора,
Яратганнинг ўзи топсин бир чора,
Борғил бегим, соғлик била келгайсан.

Мен ночорам сенинг била кетмоққа,
Қирорим йўқ бунда якка ётмоққа,
Оғаларинг келмас изинг тутмоққа,
Борғил бегим, соғлик била келгайсан.

От ўйнатиб, ғаним устига борғил,
Тақдир ва қисматни Худодин кўргил,
Шартларни битириб давронлар сургил,
Ёлғиз мардим, соғлик била келгайсан.

Мард йигитсан ҳеич қўрқмайсан ўлимдин,
Бугун айро тушиб кетсанг гулингдин,
Гавҳарой дер, рухсат бергум дилимдин,
Бор Шерали, соғлик била келгайсан.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлагандин сўнг халойиққа қараб:-Эй халойиқ қўл кўтаринг, Шералига бир оқ фотиҳа беринг, деди. Сўнг улуғ-кичик барча халойиқ Шералига оқ йўл тилаб фотиҳа бердилар. Шерали отига миниб йўлга равона бўлди. Гавҳарой ёрининг изидин то қораси кўринмай қолгунча қараб турди. Сўнг не қиларин билмай, ҳар қайси канизига бир-бир боқиб, кўзидин дув-дув ёш тўкиб, кўнгли чўкиб, зор-зор йиғлаб, бағрини тиғлаб, канизларни оралаб, юрагини яралаб, бағрида тош, кўзида ёш, дилида оташ билан беш калима сўз айтар бўлди:

Менинг дардим тўлиб-тошди,
Найлайин ёрим кўринмас.
От ўйнатиб тоғдин ошди,
Найлайин ёрим кўринмас.

Мени деб Табриздин келиб,
Мен бахтсизга ошиқ бўлиб,
Бошимга минг-минг дард солиб,
Тоғлардин ошди кўринмас.

Билмам бул нечук замона,
Отам келтирди омона,
Энди қайтиши гумона,
Найлайин бегим кўринмас.

Кетди ул Хоросот тоға,
Жонимни этдим садоға,
Яна келурми бу боға,
Учди булбулим кўринмас.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамом этди. Сўнг қизлар анинг қўлидин тутиб:-Жон биби, энди боғ томонга борайлик, бундай ёмон ният қилиб йиғламанг, кулиб-ўйнаб ёрингизнинг соғ-омон келишини Ҳақдин тиланг, деб ҳаммаси жам бўлишиб, бир ғазал айтдилар:

Гавҳаройим, йиғлаб кўздин ёш тўкма,
Отанг шартин Шералибек битказур.
Айрилиққа куйиб бундай оҳ чекма,
Бу шартни ҳам Шералибек битказур.

Эр йигитдур зўрлигини билдирди,
Қилич уриб аждарҳони ўлдирди,
Бугун кетиб кўзинг ёша тўлдирди,
Сардорни ҳам тезда тутиб келтирур.

Бибим, яхши ният қилгил Худоя,
Омон қайтар иншоолло бу жоя,
Маслаҳат этайлик бўлажак тўя,
Пирназар сардорни тутиб келтирур.

Қизлар айтар, юргил боға борали,
Насиба-тақдирнинг борин кўрали,
То келгунча йўлин кўзлаб турали,
Иншоолло, бошинга даврон келтирур.

Алғараз, қизлар сўзини тамом қилиб, Гавҳаройнинг қўлидин тутиб боғ томон бордилар.

Булар боғ томонга бораверсин, эндиги сўзни Шералидин эшитинг. Шерали от устида тўққиз кун йўл юрди. Ўнинчи куни эрта билан бораётирса, олдидан бир тўпор қиз чиқди.

Шу ерда катта бир боғ, ҳовуз, тўрт туп гужум бор эркан. Қизлар шу ҳовуздин чиқиб кийиниб турибдилар эркан. Шерали тўғри отни гужум тагига ҳайдаб қизларнинг қаршисига чиқди. Қизлар орасида инжа бел, қадди зебо бир қиз бор эркан, Шерали унга қараб, йўл сўраб бир ғазал ўқиди:

Қадди зебо инжа белли навжувон,
Хабар бергил, бу ерга не ер дерлар?
От устида юрдим тўққиз кун ишон,
Хабар бергил, бу ерга не ер дерлар?

Юзларинг шуъласи бож олар кундин,
Ниқобинг кўтаргил, уялма мендин,
От устида туриб сўрарман сендин,
Хабар бергил, бу ерга не ер дерлар?

Ўн кун бўлди бугун келдим мен сиза,
Бунда дуч келибман бир тўпор қиза,
Пирназар ҳақида хабар бер биза,
Нозанин, айт, бу ерга не ер дерлар?

Шерали дер, бугун алпга борурмен,
Қиличим қўлимда барин қирурмен,

Сардорнинг йўлини сўраб турурмен,
Хабар бергил, бу ерга не ер дерлар?

Алқисса, Шерали сўзини тугатди. Бу гўзал қиз Пирназар сардорнинг қизи эркан, отига сулгун деб от берар эрканлар. Сулгунга Хоразмин деган бир йигит ошиқ бўлиб, унга сардор қизини бермай қайтарган экан. Хоразмин эса қўшин тўплаб келиб ҳам мақсадига етолмаган экан.

Қиз Шералининг андомини кўриб, унинг мард йигит эканини сезди. Ўзича бир томондин қўрқди, бир томондин севинди. Қўрққани шул бўлдики, бу йигит отамни гап-сўзсиз ўлдиради, деган хаёл калласига келди. Севингани шул бўлдики, агар бу йигит отамни бир ёқли қилса, мен ҳам севгилимга етарман, деган хаёл фикрини банд этди. Қиз бу йигитни бир сўзлатиб кўрайин, деб савол сўраб бир ғазал айтар бўлди. Унга Шерали жавоб берди. Савол-жавоб ғазали бул турур:

Сулгун: От ўйнатиб келган йигит,
Хабар бер нердин келурсан?
Йилдиримдай елган йигит,
Сўзлагил, қайдин бўлурсан?

Шерали: Хабар сўрсанг Сулгун пари,
Элим Табриз эрур менинг,
Келдигим Исфаҳон шаҳри,
Маъшуқам Гавҳардур менинг.

Сулгун: Бу манзил Хоросот тоғи,
Юрагингда ишқнинг доғи,
Гулим, деб чекарсан оҳи,
Қайси боғнинг булбулисан?

Шерали: Гавҳардур маъшуқам айтсам,
Ошиқлигим баён этсам,
Алпни боғлаб олиб кетсам,
Мақсад-муродим шул менинг.

Сулгун: Менинг ёрим Хоразминдур,
Ул ёрга етмоқ қийиндур,
Буни деган қиз Сулгундур,
Бек йигит нера борурсан?

Шерали: Мен келдим шоҳнинг шартина,
Борурмен Сардор юртина,
Қўлини танғиб сиртина,
Шерали дер, опкетарман.

Алқисса, булар сўзларини тугатдилар. Ундан сўнг Шерали:

-Сен кимнинг қизисан, деб сўради.

-Мен Пирназар Сардорнинг қизи бўламан, мен ҳам ошиқман, бир булбулнинг гулиман. Менинг севган йигитимнинг оти Хоразмин, ўзи Рисолиқ деган шаҳардан. Ул йигит отамнинг олдига келиб кўп илтижо қилди, кейин қўшин тўплаб уруш қилди. Аммо отамни енга олмади. Мен эса унга етиша олмай бағри бирён бўлиб юрибман.

Отамнинг юз йигити бор, уларни бирор подшолик енга олмади, деб жавоб берди қиз.

Буни эшитиб Шерали деди:

-Эй париваш қиз, Пирназар отанг бўладиган бўлса, сен менга унинг солиғини бер, агар ишим ўнгидин келиб, битса, сени ҳам муродингга етказайин. Қиз деди:

-Эй йигит қанча подшолар тўп-тўпхонаси билан келиб енгилиб кетди. Сен бир ўзинг урушиб нобуд бўлма.

-Оллоҳ қўлласа, иншооло унинг ёғдойидин келарман.

-Эй йигит, отамнинг макони тоғнинг этагида. Йигитлари чоповулга кетди. Ўзи ҳозир уйда.

Шерали Пирназарнинг дарагини топганидан қувониб, тўғри унинг уйига борди. Сардор ҳам отини эгарлаб турган экан. Шерали унга деди;

-Эй оға, Пирназар алп сен бўласанми?

-Ҳова, топ ўзи, хон ўғил, не хизмат?

-Сен Пирназар алп бўлсанг, мени Суюн шоҳ сени тутиб келиш учун юбарди. Пирназар алпнинг бу гапдан бирдан қаҳри келиб, илондек заҳри келиб, деди:

-Эй ажалининг изидин қувиб юрган аҳмоқ, Суюн шоҳнинг юртига бориб дабдала қилиб келганимда бир одам олдимдин чиқмади. Энди изимдин сен келиб не иш қилар эдинг, ҳозир сени ҳам ўлдираман.

Пирназар сардор бу сўздин сўнг қурол-яроғини тақиниб, отига миниб уруш майдонига чиқиш учун Шералини таклиф этди. Шерали деди:

-Эй Сардор, мен сен билан қиличлашиб урушишга келмадим, сени тирик олиб кетишим керак, шунинг учун қуролсиз курашга чиқ. Пирназар деди:

-Хоҳлаганингча курашаман, чиқ майдонга, сўнг икки **ири пиёда, даёв** йигит курашга тушди, чанг-чанга қоришиб, уч кун **диралишма** этдилар. Охирида Шерали Пирназарнинг жуфт ёқасидин тутиб, бошидин ошириб ерга урди, **ер сорсиб** ларзон берди. Пирназар не қиларини билмай ёта берди. Шерали унинг қўлларини орқасига танғиб турганда бир отлиқ йигит қаршидан келаберди. Орғумоқ отнинг устидаги йигит кенг елкали, кўзлари ёниб турган, муртлари товланган, бошида баланд папоқ, эгнида совут, қўлида қалпоқ, ёнбошида қилич осилган. Бемалол бир ҳўкизни кўтарадиган ёғдойи бор. Ул йигит Шералига яқинлашиб савол билан бир ғазал ўқиди, Шерали жавоб берди:

Хоразмин: Хабар бергил, қайдин келдинг бу ёна,
Қардош, қайдин келиб қайга борурсен?
Ё сен ҳам ошиқми бул Сулгунжона,
Сўзла, қайдин келиб, қайга борурсен?

Шерали: Сардор учун мен келмишам бу ерга,
Мени сўрсанг, Исфахона борурмен.
Қардош гумон келтирмагил саринга,
Ўз маъшуқам бордур шунга борурмен.

Хоразмин: Баён этгил, қардош, кимнинг ўғлисан,
Қайси гулнинг будоғига боғлисан,
Ё ёринг ишқида бағри доғлисан,

Қардош қайдин келиб, қайга борурсен?
Шерали: Қардошим, хабарни сўрасанг мендин,
Ўн тўрт ёшда чиқиб қайтдим Табриздин,
Кечдим қанча кўлдин-чўлдин, тоғ-туздин,
Ишқ йўлида сарсон бўлиб келурмен.
Хоразмин: Хабар бергил, қардош менинг сўзима,
Ошиқ бўлдинг қайси шоҳнинг қизина,
Сиғинавер Яратганнинг ўзина,
Йигит, қайдин келиб, қайга борурсен?
Шерали: Сиғинармен Яратганнинг ўзина,
Ошиқ бўлдим Суюн шоҳнинг қизина,
Шартини битказиб қайтиб изима,
Пирназарни олиб кетиб борурмен.
Хоразмин: Хоразмин дер, ошиқман Сулгун қиза,
Жоним қурбон бўлсин ул гулгун юза,
Унутилмас кўмак этдинг сен биза,
Энди бизинг била қардош бўлурсен.
Шерали: Ёрни тушда кўриб отим елдирдим,
Баланд тоғда аждарҳони ўлдирдим,
Алп сардорга зўрлигимни билдирдим.
Шерали дер, келгил, қардош бўлурмен.

Алқисса, булар сўзларини тамом этдилар Хоразмин сўради:

-Эй Шерали, сен қандай қилиб сардорни енгиб, қўлини танғидинг?

Шерали бошидин кечганларини Хоразминга бир-бир баён этди. Шундан сўнг Хоразмин деди:

-Эй дўстим Шерали, мен Сулгун қизга ошиқман, ўзим Рисолиқ шаҳридинман. Отамга Пардахон деб от берурлар. Мен қанча марта келиб, бул сардор билан урушиб кўп-кўп лашкарларимни йўқотдим. Аммо бир куни Шерали деган бир йигит келиб сардорни енгиб қўлини танғиб, қизини ҳам олиб кетаётирмиш, деб эшитдим. Бу хабарни эшитиб, сабрим тугаб, энди ўлсам шу йўлда ўлайин, деб бу ерга келдим. Худога шукур воқеа бошқача бўлиб чиқди. Кел энди умрлик дўст-қардош бўлайлик. Шул Сулгун қизни менга бахш эт. Этган хизматларингни қиёматда ҳам унутмайман. Энди юр, менинг ёримнинг боғига бориб дам олайлик, нон-туз еяйлик. Шерали деди:

-Эй Хоразмин, мен ҳам сендай бир мард йигитни тополмай юрган эдим. Сенинг сўзларинг менинг кўнглимга ўрнашди. Кел, дўст бўлсак, дўст бўлайлик!

Шундан сўнг улар қучоқлашиб дўст бўлдилар. Иккови отларига миниб боғ томонга кетдилар. Боғ дарвозаси олдига бориб, энди отдан тушаётган эдилар бирдан тоғ тарафдин бир тўпор отлиқлар келаверди. Йигитлар қайтадин отга миндилар. Шерали деди: -Хоразмин дўстим, булар Пирназарнинг йигитларидур. Сен сал нари бориб гизланиб тур, мен уларнинг олдига чиқайин, Хоразмин деди:

-Мен сен не десанг қиламан, ўлсам бирга ўламан.

Шундан кейин улар саваш олдидин савол-жавобли бир ғазал ўқидилар. Ғазал бул турур:

Шерали: Ётдан яқин қиёматлик қардошим,
Сен тўхтаб тур мен бир бориб келайин.
Саваш куни Қушқанотдир йўлдошим,
Оёқ сақла, мен бир бориб келайин.
Хоразмин: Мен сендин қолманам Шерали **дўған**,
Не бўлса иккимиз бирга бўлайлик.
Тақдири қисматим не бўлса Ҳақдин,
Не бўлса иккимиз бирга бўлайлик.
Шерали: Сен тўхтаб тур мен чиқайин олдидин,
Сардорин ўлдирмак керак ўнгидин,
“Олло” дейиб от қўярмиз сўнгидин,
Оёқ сақла, мен бир бориб келайин.
Хоразмин: Мен ҳам шул сардорга кўзим тикарман,
От ўйнатиб ёвни уриб йиқарман,
Не буюрсанг уддасидин чиқарман,
Не бўлса иккимиз бирга бўлайлик.
Шерали: Қиёматлик қардош, пандимни олғил,
Сен менинг фикру хаёлим билғил,
Мен ўзим борайин, сен мунда турғил,
Дўстим, сен тур, мен бир бориб келайин.
Хоразмин: Томошагўй номардлардин бўлмайин,
Ўлсам ўлай, аммо сендин қолмайин,
Сен ғам чекиб, мен шод бўлиб кулмайин,
Не бўлса иккимиз бирга бўлайлик.
Шерали: Эранлар жам бўлиб мадад берсалар,
Саваш куни пирим ҳозир бўлсалар,
Ундин кейин қанча ғаним келсалар,
Сардорин бошиға қилич урайин.
Хоразмин: Оғажон, менинг ҳам пиримдур Хидир,
Қилич урсам душман йиқилар бир-бир,
Худо ҳақи, мени бирга олиб юр,
Не бўлса иккимиз бирга бўлайлик.
Шерали: Оллони ёдладинг, бирга борайлик,
Аввал бошда сардорини урайлик,
Ғаним билан тиш қайрашиб кўрайлик,
Мен сенга инондим, бирга борайин.
Хоразмин: Душман сари юзинг тутиб **бодлангил**,
Хоразмин дер, юр қардошим отлангил,
Енгиб ғанимларни сўнгра шодлангил,
Шод бўлсак иккимиз бирга бўлайлик.
Шерали: Шерали дер, юр қирайлик душманни,
Душман қочиб, кейин этар пушмонни,
Хоразмин савашгил, аямай жонни,
Оллони ёд этиб қилич урайин.

Алқисса, булар сўзларини тамом қилиб, иккови келаётган қўшинга қараб равона бўлдилар. Қўшинга яқин қолганда Шерали деди:-Мен олдиндан борайин. Мен савашга киргандин сўнг сен ҳам от қўй. Хоразмин бу гапни эшитиб, қўшинга кўринмай тоғ этагига кетди. Қўшин тўғри Шералининг олдига келиб, уларнинг орасидин бир йигит чиқиб Шералига деди:

-Эй йигит, шу ерда бир одамнинг қўлини орқасига танғиб ўтган отлиқ кўриндими? Шерали деди:

-Ўзларингизни танитинг, кимнинг йигитларисиз, қўли танғилган ким, уни олиб кетган ким?

-Биз Пирназар сардорнинг йигитларимиз, сардоримизни Шерали деган бир ўғлон Суюн шоҳ томонидан келиб қўлини танғиб олиб кетибди. Биз овга кетиб, **ахмол** қолибмиз.

-Агар билсанг шу сардорни тутган Шерали деган йигит мен бўламан.

Шерали сўзини тугатар-тугатмас ул йигит унинг устига қилич ҳавола қилди. Шерали сал тисланиб, унинг **топ энгсасидин** қилич урди, калла зомчадай юмаланиб кетди. Буни кўриб бир тўпор йигитнинг бари Шералининг устига ёприлдилар. Шерали ҳам Гўрўғлининг қизилбошларни қирганидек келганнинг бошини олаверди. Бир вақт Хоразмин ҳам мададга етишди. Бир замон қўйларга бўри доригандай бўлди. Шерали бир ёндан, Хоразмин бир ёндан йигитларни жўхори ўргандай ерга **ёлпоштирдилар**. Мослиқ мосликка қоқилишди. Беш юз отлиқдин юзга яқини қочиб қутилди. Шерали билан Хоразмин буни кўриб қўл олишдилар, қиличларини артиб қир устига чиқдилар. Шунда Шералининг вақти хуш бўлиб, бир ғазал айтар бўлди:

Баракалло, дўстим санго Хоразмин,
Бўри доригандай этдинг қўшина.
Савашга кирганда этдим санго син,
Талон солдинг ғанимларнинг бошина.

Қиличингни сермаб чекарсан тездин,
Урганда йиқарсан эллидин-юздин,
Савашга кирганда, ошириб биздин,
Қилич урдинг ғанимларнинг бошина.

Бод билан титратиб етти қат ери,
Изимиздин етди ғаним лашкари,
Эй қардошим, бугу ёд этдик пири,
Тузоқ қурдинг душманларнинг дошина.

Қўллади эранлар мададкор бўлиб,
Ҳазрат Али, Хидир Илёс ёр бўлиб,
Қиёматлик икки қардош бир бўлиб,
Талон солдик бугун оғир қўшина,

Яратганнинг ўзи бизга ёр бўлди,
Душман чидаб билмай тору мор бўлди,

Шералининг кўнгли беғубор бўлди,
Рақиблар келмасдек бўлди ҳушина.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилиб, Хоразмин иккиси Сулгуннинг боғи томонга юриш қилдилар. Отларини сейисхонага боғладилар. Ўзлари боғ сайрига чиқдилар. Боғда алвон гуллар очилган, ислари ҳар томонга сочилган, қумрилар қу-қулаб, пахтаклар дам тортиб, булбуллар маст бўлиб сайраб турган, булоқлардан сув оқиб-шилдираши кўнгилга ёқиб турган, хулласи унинг таърифини келтиришга калима топиш қийин эрди.

Бу манзарадин кўнгли кўтарилган Шерали Хоразминга деди:

-Эй дўстим, сен ёринг васлига етдинг, шукр қил. Аммо мен ҳам ёримга етармиканман.

-Албатта етарсан, деди Хоразмин. Шунда Шерали Гавҳаройни соғиниб бир ғазал айтди:

Беш йил бўлди айро тушдим элимдин,
Мен ҳам эл-юртима қовушарманму?
Муродим-мақсадим битса Оллоҳдин?
Мен ҳам Гавҳаройга қовушарманму?

Айриликда кўздин қонли ёш тўкиб,
Ишқ йўлида юрак-бағримни ёқиб,
Ёр-ёр дейиб, ёр учун жафо чекиб,
Мен ҳам Гавҳаройга қовушарманму?

Мард йигитсан ғаним билан савашдинг,
Жонингни қайғурмай кўп қиличлашдинг,
Шукр қилғил, Сулгун қизга қовушдинг,
Мен ҳам Гавҳаройга қовушарманму?

Мажнун Лайли дейиб оламдин ўтди,
Ғариб етти йилда Санамга етди,
Булбул ҳам Гулининг илгидин тутди,
Мен ҳам Гавҳаройга қовушарманму?

Қақнус бечора ҳам ёр деб қоқ бўлди,
Ғанимлар биз билан қир-пичоқ бўлди,
Шералининг ошиқлиги ҳақ бўлди.
Мурод-мақсадимга етишарманму?

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди, икки дўст боғни сайр қилиб, Сулгун парининг маконига бордилар. Сулгун пари уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Икки йигит хотиржам дам олганларидин сўнг Шерали деди:

-Дўстим Хоразмин, рухсат берсанг, мен энди қайтайин, йўл эгаси йўлда яхши деганлар. Унда Хоразмин деди:

-Қиёматлик дўстим, сен мендин керак не ёрдам бўлса, тортинмай сўра, сенинг менга қилган яхшиликларингни Оллоҳ қайтарсин.

-Менинг сендин сўрайдиган ҳеч зотим йўқ, деди Шерали. Шунда Сулгун пари деди:

-Эй Шерали оға, бирга сен кўп яхшиликлар этдинг. Ҳеч бўлмаса мендан бир ёдгорлик олиб кет.

Сулгун пари шундан кейин бир вақтлар Пирназар алп чоповулдин олиб келган олтин камарни Шералига совға қилди ва бош-оёқ сарпо кийгизди. Шерали олтин камарни олиб миннатдорчилик билдирди, бошқа совғаларни шу ердаги ғариб-бечораларга тақсимлаб берди. Сўнг Хоразмин ва Сулгун пари билан хайрлашиб, Пирназар алпни бир отга миндириб, қўлини танғиб, ўзи отига миниб, йўлга равона бўлди. Энди Шерали йўлда бораверсин, гапни Суюн шоҳдин эшитинг. Унинг бир **дойиси** бор эрди. Ул Фироқ шаҳрининг подшоси бўлиб отини Кеймир шоҳ дер эрдилар. Унинг бир ўғли бор бўлиб отини Қийшиқ Сори дер эрдилар. Кеймир шоҳ шу ўғлига Гавҳаройни сўраб Суюн шоҳга совчи юборди. Кеймир шоҳ совчиларга шундай деди:

-Жиянимга бориб айтинг, қизини ёт эллардин келган бир дарбадар девонага бериб, элнинг киноясига қолмасин. Менинг ўғлим, ўн лак лашкарнинг сардори, подшоҳнинг ўғли, ғоз-ғоз билан, қарға-қарға билан учади, деган гап бор. Шунинг учун қизини менинг ўғлимга берсин!

Совчилар шоҳнинг сўзини ўзиникидин ҳам зиёд қилиб Суюн шоҳга етказдилар.

Суюн шоҳга бу гап маъқул бўлди. Сўнг ўйланди: Шерали шартни битириб келса, не қиламан. Энг яхшиси бир йўл билан уни ўлдириш керак.

Суюн шоҳ ўйини ўйлайверсин, энди сўзни яна Шералидин эшитинг. Шерали Гавҳарой ҳузурига тез орада етиб келиш учун отини қистайверди. Энди сўзни Гавҳаройдин эшитинг. Гавҳаройнинг Шералини кутавериб, ўтириб-туриб қарори бўлмади. Тақдирим не бўлар эркан, Шералининг келаман деганига бир кун қолди, йўлга чиқдимикан, деб унинг олдига чиқиш учун қирқ канизига эркак либоси кийдирди, ўзи ҳам эркак либосини кийиб қурол-яроғлар билан отларга миниб, Шералининг олдига чиқиш учун йўлга равона бўлдилар. Шаҳарнинг қибла чети тоғ эрди. Гавҳарой қизлари бирлан от чоптириб шу тоғнинг устига чиқдилар. Қарасалар, кун ботар томонда икки отлиқ келаётир. Биттасининг устида тутнинг тўнкасига ўхшаган, икки қўли танғилган бир зот чўнқайиб ўтирибдур. Иккинчисининг Шерали эканини Гавҳарой дарҳол таниб юзига табассум ёйилди. Юраги гупиллаб уриб, от устида туриб, юзини канизларига буриб, пешонасидин ҳижобини суриб, қувониб-шодланиб, эр йигитдай бодланиб бир ғазал айтди:

Қизлар эшитинглар сўзим,
Шу келган ёрима мангзар.
Ёниндаги алпнинг ўзи,
Келган дил зорима мангзар.

Келаётир икки отли,
Бири ғамгин, бири шодли,
Олмос қилич, Қушқанотли,
Шерали бегима мангзар.

Келар кун билан чақишиб,
Яхши син этинг боқишиб,
Иши битиб тўлиб-тошиб,
Шул менинг ёрима мангзар.

Дунёга донғин етирган,
Шоҳнинг шартини битирган,
Сардорни тутиб келтирган,
Шул менинг ёрима мангзар.

Ҳақ саноси тилиндадур,
От жилови алиндадур,
Олмос қилич белиндадур,
Келиши ёрима мангзар.

Гавҳарой дер, шукр Ҳақа,
Кўзим дўнди боқа-боқа,
Кўп азоблар чека-чека,
Келиши ёрима мангзар.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлаб, қирқ канизи бирла Шералининг олдидин чиқиб, отининг жиловини тортиб тураверди. Шерали буларга қараб кимнинг йигитлари эркан деб ҳайрон бўлди. Бирортасини танимади. Сўнг Гавҳарой ўзини танитмай Шералига боқиб бир ғазал айтди, саволига Шерали жавоб берди:

Гавҳарой: Туриб бунда шугун хабаринг бергил,
Қайдин келётирсан, йўл бўлсин, йигит.
Мундин кечиб қайга юришинг айтгил,
Хабаринг бериб кет, йўл бўлсин, йигит.

Шерали: Ҳақнинг ўзи очса менинг йўлимни,
Мақсадим шул Гавҳаройга борурмен.
Йигит, туриб сўрсанг менинг ҳолимни,
Умидим шул Гавҳаройга борурмен.

Гавҳарой: Юришингни қай манзилга чоғладинг,
Нечун бу ғарибнинг бағрин доғладинг,
Дарров бўшат, қўлин нега боғладинг,
Озод қилғил, ишинг ўнг бўлсин, йигит.

Шерали: Буни келтир, деди Исфаҳон шоҳи,
Бу алпнинг бўйнида кўпдир гуноҳи,
Буни бўшат, дема йигитлар моҳи,
Қўлин танғиб шоҳ ёнига борурмен.

Гавҳарой: Ўзингдин хабар бер, сен кимнинг насли,
Танғилган йигитинг ким турур асли,
Кўзлари ёнадур қалтамон мисли,
Олиб бор, бахтингни Ҳақ берган йигит.

Шерали: Кўзини кўзласанг, аждарҳо кўзи,
Уч кунлаб курашди енголмай бизи,
Аввал-охир битди Суюн шоҳ сўзи,
Пирназарни танғиб олиб борурмен.
Гавҳарой: Қараши ҳайбатли бу алп кишини,
Сен қандай битирдинг шоҳнинг ишини,
Бошинга қўндириб давлат қушини,
Мурод-мақсадини Ҳақ берган йигит.
Шерали: Бориб алпнинг қизи Сулгунга тушдим,
Алпнинг ўзи билан уч кун курашдим,
Хоразмин-ла қиёматлик киришдим,
Буни шу ёғдойда тутиб келурмен.
Гавҳарой: Ўзим бир ночорам, сўрасанг мендин,
Ёғдойинг билай деб сўрадим сендин,
Гавҳарой чиқдим дер сенинг олдингдин,
“Боғи ҳавас” томон юр борсанг, йигит.
Шерали: Ўзинг йигит, нечук Гавҳарой отинг,
Бу отни айтдингу дилга ўт ёқдинг,
Шерали дер, энди очилгай бахтим,
“Боғи ҳавас” сари ёр деб борурмен.

Алғараз, булар сўзларини тамом қилдилар. Шерали Гавҳаройни таниди, аммо ўзини танимаганга солди. Лекин унинг ёнидаги қизларни танимай, уларни эркак деб гумонсиради. Шул сабабдин ўйлади: Гавҳарой менинг олдимга чиққанда нега 40 йигит қуршовида чиқар экан. Қиз болага шу иш дурустми. Мен бу қиз учун жаҳаннам азобларини тортиб юрсам, бул эса 40 йигит билан майдонда от миниб юрса. Шунинг учун буни танимасликка олиб бир синаб кўрайин, деб бир мухаммас ўқиди:

Хабар бергил, шаҳзода, Гавҳар боғда бормикан,
Вафоли ёрин истаб, дил шикаста хормикан,
Ёки йўлимга қараб кўзи менга зормикан,
Ёки мени унутиб ўзга билан ёрмикан,
Ёки боғда зор чекиб, жаҳон унга тормикан.

Хоразмин дўстим бирла бир лак лашкарни қирдим,
Гавҳарнинг йўлида не-не жафолар кўрдим,
Гавҳаройдин умид этиб аждарҳони ўлдирдим,
Шоҳ шартини уддалаб Пирназарни келтирдим,
Борсам муродим истаб Гавҳар боғда бормикан.

Эркак бирла бош қўшмоқ ночорларга айбдур,
Бу йигитлар қароқчи ё қалтамон соҳибдур,
Ё Гавҳар мендин совуб ўзга бир ёр суюбдур,
Агарда шундай бўлса меҳнатларим куйибдур,
Дошина йигит йиғнаб бизга душман ёр микан.

Гавҳардин бад иш чиқса соат бунда турманам,
Дўған-қардош эл-кундин кечиб бунда юрманам,
Бас, чеккан азобларим, энди азоб кўрманам,
Бу алпни озод айлаб, Исфахонга борманам,
Шунча қилган ишларим мен учун озормикан.

Зуҳра-Тоҳир, Гул-булбул, ошиқликни берк тутди,
Гавҳар бўлиб бевафо садоқатни унутди,
Мен ҳеч кимдин кўрмайман, бари Оллодин етди,
Гавҳар қирқ йигит йиғиб, менинг олдимдин ўтди,
Ғариб кўнглим Гавҳардин ҳали умидвормикан.

Кўп жафога бош қўшдим, мадад олиб эр-пирдин,
Гавҳар мендин кечганда, мен кечмайму Гавҳардин,
Шерали, айланмагил, кетгил турмай бул ердин,
Юз ўгириб ал чекди Гавҳар ҳаёдин-шардин,
Қисмат санго Оллоҳдин кўнглим истаюрмикан.

Алқисса, Шералибек сўзини тамом этди. Гавҳарой эса бу мухаммасни тинглагандин сўнг юзидаги чашбандини туширди, канизларга ҳам юзини очишни буюрди. Улар ҳам чашбандларини туширдилар. Шерали уларнинг 40 қиз эканини кўриб, айтган сўзларига ўкинди. Сўнг Гавҳарой Шералининг юзига боқиб:

-Эй Шерали мен ваъдага мувофиқ сенинг келиш олдингда кутиб олишга чиқдим. Бошқа гумонларингни қўй. Мен сенга ўз эрким билан ошиқ бўлган эрмасман. Мен қиёмат охиргача Жиржиснинг азобларини кўрсам-да, отам этимни тўғрам-тўғрам этса-да, сендин ал чекмасман, деди. Шерали ҳам сал қаттиқ кетганини англаб деди:

-Эй Гавҳарой, мен сал янглишдим, кўнглингга олма. Шундин сўнг улар ўпка-гинани тарк этиб, бариси “Боғи ҳавас”га қараб равона бўлдилар. Боғда шу кечаси ҳазмда-базмда бўлдилар. Икки ошиқ-маъшуқ тол чивиқдай дўланишиб гоҳ ҳушидин кетиб, гоҳ ҳушиға келдилар.

Эртаси туриб, Шерали Пирназарни изига тиркаб, шоҳ боргоҳига бориб, Суюн шоҳга одоб билан салом берди. Шоҳ деди:

-Шерали, сенга яна бир шарт қолди. Эртага Гавҳарнинг боғига бор, унда беш юз зинали кўшк бор. Шунинг устидин отингни сакратиб ўтсанг, Гавҳар сеники. Ҳозир Пирназар қолсин, сен кетабер.

Суюн шоҳ Шерали кетгандин сўнг Пирназар сардор билан гурунг бошлади. Унга деди:

-Эй сардор, менинг асл мақсадим бу келгиндига қиз бермаслик. Сени олиб келишга юборганимнинг сабаби ҳам шу ёқда сенинг қўлингда ўлиб кетар деган ўйда қилинган шарт эди. Энди буни не йўл билан зиндонбанд қилса бўлур?

-Бу йигит оёқ устида юрса ҳеч кимга бошқартмайди. Ухлаб ётганда бир йўл билан ўлдириб кутилиш керак, деди сардор. Унда шоҳ деди:

-Бўлмаса, мен сени озод қиламан, неча ёрдамчи керак бўлса ол, шу ишни бажар. Пирназар қуллуқ қилди. Кейин шоҳ сардорни иззат-ҳурмат қилиб, дам олишга узатди. Шерали бўлса Гавҳаройнинг боғида хушвақт бўлиб кечани ўтказди. Эртасига эрталаб Гавҳаройнинг боғи атрофи ола-ғовур шовқин бўлиб, оломонга тўлиб кетди.

Табриз деган шаҳардин Шерали деган бир ўғлон Гавҳаройга ошиқ бўлиб келиб, Суюн шоҳнинг икки шартини бажарибди. Бугун охирги шартини бажарармиш. Беш юз зинали кўш устидин отини сакратиб ўтармиш, деган гаплар овоза бўлиб кетди. Элнинг улуғидан кичиги йиғилди. Фироқ шаҳридин Кеймир хон билан ўғли Қийшиқ Сори ҳам катта қўшин билан етиб келди. Суюн шоҳ дойисини кутиб олиб деди:-Эй дойи, мен бу келгиндига қиз бермайман. Биз бу ўғлонни бир ҳийла билан тутиб танғимасак **бош бермажак**. Шунда Қийшиқ Сори деди:

-Менинг Шералидин кам жойим борми, рухсат берсангиз мен уни Рустам Зол бўлса ҳам алини танғиб келтирайин, деб бодланиб бир калима сўз айтди:

Манго рухсат берсанг карамли шоҳим,
Шерали устига отланиб кетгум.
Шу кун бораману кесаман бошин,
Лошини судраб чоҳларга отгум.

Мен ҳам баҳодирман қўрқмарам ундин,
Жонини қиличлаб олсам танидин,
Бугун Шералининг ажал ҳангидин,
Қиличим соз этиб бирнома айтгум.

Кураш майдонига кириб савашсам,
Шералибек билан қилич уришсам,
Андин устун келиб калласин кессам,
Шунда булбул бўлиб Гавҳарга етгум.

Қийшиқ деяр, менинг қувватим зўрдур,
Қирқ олти лак ботир қўшиним бордур,
Кучинг етмас дейсан, **абас** хабардур,
Лашкаримни жамлаб устига кетгум.

Алқисса Қийшиқ Сори сўзини тамом қилиб дойисига кўнглидаги гапларни айтди. Аммо Кеймирхон уни юбормади. Ҳийла ишлатадиган бўлдилар. Ҳаммаси Шерали билан дўст бўлиб, отни сакратиш томошосига бордилар. Суюн шоҳ отни кўшкнинг беш юз зинаси устидан сакратишга буйруқ берди. Гавҳарой ҳам 40 канизи бирла кўшк панжарасидин боқиб ўтирди. Шерали Қушқанот отини эгарлаб-юганлаб кўшкнинг қоптолиға келди. Отга бир жуфт қамчи урди, Қушқанот кўшкдин ҳам йигирма газ юқорига **бўкчиди**. Қайтадан отни кейнига қайтариб, яна бир қамчи урди, от **зингиб** бориб кўшк устига чиқиб тура берди. Ҳамма халойиқ шод бўлиб, Шералига омад тиладилар. Суюн шоҳ уч кеча-кундуз тўй этиб қизини Шералига беражак, деб жар чекдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Шералини **орқайин** қилиш, алдаш ва уни

айёрлик, ҳийла билан тутиб олиш эрди. Шу билан халойиқ тарқади. Суюн шоҳ дойиси билан боргоҳга кетди. Шерали ҳам дам олишга ётди. Суюн шоҳ Пирназар билан Қийшиқ Сори ёнига 4-5 қалтамонни қўшиб, боғ томонга юбарди. Қарасалар Шерали ширин уйқуда ётибди. Булар бирдан бориб уйқудаги Шералини босиб, қўлини танғидилар. Гавҳарой буни кўриб, дод-фарёд қилиб, қон йиғлаб ўзини Шералининг устига ташлади. Шерали не қиларини билмай Гавҳаройга қараб, қўли танғилган ҳолда бир сўз айтди:

Рақиблар бузди орамиз,
Гавҳаройим, хуш қол, энди.
Ортди айрилиқ ярамиз,
Севар ёрим, хуш қол энди.

Жафо чекдим роҳат кўрмон,
Юракларда қолди армон,
Ширин жоним санго қурбон,
Гавҳаройим, хуш қол, энди.

Ғафлатда босдилар мени,
Мендин айирдилар сени,
Отанг қилдиргандур буни,
Нозаниним, хуш қол энди.

Ёвуз кунда сирдошлари,
Гавҳаройнинг йўлдошлари,
Ёримнинг ҳасратдошлари,
Қиз-келинлар, хуш қол энди.

Босдилар ғафлатда қолдим,
Пирим Али эшит, додим,
Кўлагангда сояладим,
“Боғи ҳавас” хуш қол энди.

Шерали дер, бахтим ётди,
Рақиблар ғафлатда тутди,
Зулм манго шоҳдин етди,
Зулфи торим, хуш қол энди.

Алқисса, Шералибек сўзини тамом қилди. Гавҳарой ўзини Шералининг устига отди. –Шерали, мард бўл, отам сени ўлдирса, мен ҳам ўзимни ўлдираман. Биз жаннатда висол кўришамиз, деди. Шундай қилиб, Шералини Гавҳаройдин ажратиб олиб кетдилар. Суюн шоҳнинг олдига келтирдилар. Шоҳ деди:

-Эй Шерали, мендай шоҳнинг қизига сендай қалтамонлар эгалик қила олмас. Мен сени зиндонга солсам ёки ўлдирсам қизимга ета билмассан.

Шунда Шерали Суюн шоҳнинг бетига қараб бир сўз айтди:

Бир мардни йиғлатган аҳмоқ Суюн шоҳ,

Гавҳарой йўлида ўлсам ўлайин.
Хийла бирла қўлим танғидинг ногоҳ,
Қизинг учун жоним қурбон айлайин.

Мен кечдим Гавҳарнинг чексиз азобин,
Бугун сен бошладинг номардлик **дабин**,
Мен олдим Гавҳарнинг кўнгил матлабин,
Гавҳарни деб энди ўлсам ўлайин.

Шартингни битирдим, сўзинг бир бўлса,
Мард ошиқ оҳ чекмас маъшуқ деб ўлса,
Азалда ёзилган паймона тўлса,
Ўзимни зиндонга солсам солайин.

Ҳақдир ҳакам, сенинг деганинг бўлмас,
Мен ўлсам Гавҳарой шод бўлиб кулмас,
Тақдирда бўлмаса одамзот ўлмас,
Ўлимдин қўрқмайман ўлсам ўлайин.

Мени излаб дўстим Хоразмин келар,
Тишингни суғурар бўйнингни юлар,
Ўзим ўлсам, руҳим шод бўлиб кулар,
Ёр йўлида нима бўлсам бўлайин.

Ошиқлигим ҳақдур ёр дейиб ўлсам,
Бўлайин ёр учун қўй, нима бўлсам,
Шерали дер, хазон сўлгандай сўлсам,
Ёрим учун нима бўлсам бўлайин.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, Суюн шоҳга деди: -Эй Суюн шоҳ, менинг жоним сенинг қўлингда бўлса, мени аяма, не қилсанг мана турибман. Суюн шоҳ шу замони зиндонбонларга буюрди, дарров зиндон боши етиб, келди. Унинг отига Қосим зиндонбоши дер эрканлар. Ул киши Олимшоҳнинг ўғли Шералини зиндонбанд қилармишлар, деб эшитиб, ичи куйиб кетди. Сабаби Қосим Табриз томонга бориб қароқчиларга дуч келганда Олим шоҳ уни қутқариб юборган эди. Бирдан ушбу воқеа эсига келди. Аммо сир бермади. Шералини зиндонга олиб кетди. Олиб бориб қамади. Шерали зиндонда ўтириб фалакдин шикоят қилиб бир ғазал ўқиди:

Кўплар келиб кечди сенинг устингдин,
Эй ёлғончи, кимнинг кўнглин шод этдинг.
Эрта шодмон бўлиб кулган дастингдин,
Пешинга чекканда кўнглин мот этдинг.

Лайли-Мажнун муродига етмади,
Жафо чекди, завқу сафо этмади,

Келиб сенда ҳеч ким боқий қолмади,
Эё ёлғончи, кимнинг кўнглин шод этдинг.

Азал мени эл кунимдин айирдинг,
Ошиқлар бошига **койиш** қайирдинг,
Гавҳардин айириб мени майирдинг,
Фоний дунё кимнинг кўнглин шод этдинг.

Қанчалар етмади падар ёшина,
Қанчанинг айрилиқ солдинг бошина,
Қанчани йиғлатдинг ёзу қишина,
Фоний дунё кимнинг кўнглин шод этдинг.

Аввал ўзинг ишқнинг йўлина солдинг,
Фарҳоднинг қўлидин Ширинни олдинг,
Шерали зиндона тушиб сарғалди,
Кўҳна фалак, кимнинг кўнглини шод этдинг.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб зиндонда ётаберсин. Эндиги сўзни Гавҳаройдин эшитинг. Гавҳарой Шералини олиб кетганларидин сўнг қон йиғлаб, бағрини тиғлаб, кўзида ёш, бағрида тош, канизларини олиб боғ томон келди. Сўнг канизларига боқиб бир ғазал айтди:

Ҳасратдошим, эй канизлар,
Найлайин ёрдин айрилдим.
Эшитинг зоримни қизлар,
Оҳ чекиб ёрдин айрилдим.

Энди ёр келмас ёнима,
Отам қолгуси қонима,
Рақиб ўт ёқди жонима,
Мен шугун ёрдин айрилдим.

Ёримнинг оти Шерали,
Юр Жамол, ёра борали,
Бир **сочоқ кулча** берали,
Мардона ёрдин айрилдим.

Рақиблар отамни бузди,
Ишқнинг танобини узди,
Бу қисматни Оллоҳ ёзди,
Найлайин ёрдин айрилдим.

Гавҳар деяр, отам ўлсун,
Шералибек озод бўлсун,

Душман йиғлаб, дўстлар кулсун,
Найлайин ёрдин айрилдим.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлади. Шундай қилиб Гавҳарой Шералининг изидин бир сочоқ кулча, чўрак, турли ейимликларни олиб зиндонга бориб зиндонбонга топширди. Аммо Шералини кўрсатмадилар. Кейин канизлари бирла боғига келди. Гавҳарой боғда ўтираберсин, энди сўзни Қийшиқ Соридин эшитинг.

Қийшиқ Сори Шералини бир ёқли қилдим, энди бемалол Гавҳар бирлан гурунглашсам бўлади, деб унинг ёнига келди. Гавҳарой:

-Эй йигит, не иш билан келдинг, хабар бер, деди. Қийшиқ Сори Гавҳаройга қараб ошиқлигини баён этиб, бир сўз айтди:

Арзимни эшитинг, қизларнинг хони,
Менинг ошиқлигим билсанг не бўлди.
Мен йўлингда қурбон этай бу жони,
Сен ҳам мени қабул қилсанг не бўлди.

Мендек йигит туриб ёр севма ётдин,
Мен ҳам юз ўгирмам сен аслзотдин,
Энди Шералини чиқариб ёддин,
Менинг билан ўйнаб-кулсанг не бўлди.

Ҳақ ошиқман оху нолам бил, Гавҳар,
Менинг бирла беш кун ўйнаб-кул, Гавҳар,
Бугун менинг айтганимни қил, Гавҳар,
Бу ғариб кўнглимни олсанг не бўлди.

Қийшиқ сардор деяр, қолибман зора,
Шафқат қилғил мендайин харидора,
Бориб Шералини остирсак дора,
Шунда шукр қилиб кулсанг не бўлди.

Алқисса, Гавҳарой Қийшиқнинг бу сўзига чидай олмай дод-фарёд кўтарди, сочини юлиб, юзини йиртиб Қийшиққа қараб бир ғазал айтди:

Бундай хаёлларга кетмагил, Қийшиқ,
Бу айтган сўзларинг бўлмаса керак.
Сенинг каби ҳаром бўлмас ҳақ ошиқ,
Бу фикр-хаёлинг бўлмаса керак.

Шерали ёр дейиб зиндонда ётса,
Мен найлайин Оллоҳ бахтимни ёпса,
Сен каби ҳароми бундай сўз қотса,
Қизларнинг хони ҳеч кулмаса керак.

Қийшиқ сардор, йўқол, кўринма кўза,
Ноҳақ ошиқ бўлиб сўз айтма биза,

Менга жафо қилдинг, қулоқ сол сўза,
Сенинг айтганларинг келмаса керак.

Бориб Шералини осдирсанг дора,
Рақиблар юракка солсангиз яра,
Гавҳар дер, азалдин мен бахтиқора,
Сенинг билан ўйнаб-кулмаса керак.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамом қилди. Аммо Қийшиқ Сори унга қўл узатиб, деди:

-Эй Гавҳар, мен сенга ҳақ ошиқман. Отанг не йўл билан бўлса-да, сени менга беради. Гавҳарой Қийшиққа қараб деди:

-Йўқол бу ердин, эй занғар. Отам менга ҳазрати Жиржис чеккан азобларни берса-да, сен билан бир соат ҳам суҳбатдош бўлмасман.

Сўнг Қийшиқ Сори изига қайтиб шоҳ ёнига келди. Гавҳарой бирлан бўлган бари гапларни айтди. Охирида: Шералини ўлдирмагунча бу ишни ҳал қилиб бўлмас, деб қўйди.

Шоҳ ҳам дарғазаб бўлиб:-Шералини дорга чекинг, деб ҳукм қилди.

Бу гаплар шу ерда турсин, энди сўзни Пирназар сардордин эшитайлик. Пирназар бу воқеаларга аралашганда шоҳ қизини менга берса керак, деб ўйлаган эди. Аммо масала бошқа томонга айлангандин сўнг қизнинг унга аталмаганига иқрор бўлди. Ўзича ўйлади: Мен бир чеккага чиқиб қолдим. Охирида шоҳ мени ҳам бир ёқли қилади. Шу сабабли яккаланиб қолсам бўлмас. Якка отнинг чанги чиқмас, деганлар. Шерали мард йигит. Мен уни ҳимоя қилайин. У мени ўлдирмади, мен ҳам уни ўлимдин сақлаб қолайин. Ана энди Пирназар ўйланиб тура берсин, сўзни яна Шералидин эшитинг.

Ясовуллар Шералини зиндондин чиқариб, дор остига келтирдилар. Бутун халойиқ йиғилди. Суюн шоҳ Шералига ғазаб билан боқиб бир сўз деди:

Қайдин келдинг, сен эй аҳмоқ Шерали,
Сендек қалтомонга қизим берманам.
Қани ботирлигинг кўрсат, кўрали,
Сендек ҳаромига қизим берманам.

Бу ерларга қайдин келдинг адашиб,
Аҳдингдин қайтмадинг зиндона тушиб,
Қўлингни орқанга танғибдур Қийшиқ,
Сендек ҳаромига қизим берманам.

Сени ул зиндонга яна босдириб,
Ёки жаллодларга бошинг кесдириб,
Ҳукмим зўрдир, сени дордин осдириб,
Сендек девонага қизим берманам.

Ҳукм қилиб бугун кесганда бошинг,
Сени қутқаролмас қавму қардошинг,
Суюн шоҳ дер, бугун йиқарман лошинг,

Сендек ҳаромига қизим берманам,

Алқисса, Суюн шоҳнинг бу сўзига Шерали тоқат қилиб тура олмади. Бирор иш қилайин деса қўли танғилган. Сўнг ул Худога илтижо қилиб, Ҳазрат Али пирини ёд қилиб бир ғазал айтди:

Йўқдин бор айлаган Олло,
Мадад истарман мен сендин.
Бу не сирдир, бу не ғавғо,
Аҳволим баттар кун-кундин,

Орқамда боғлидур қўлим,
Ясовулдур ўнгу сўлим,
Рақиблар банд этди йўлим,
Мадад тиларман Ҳақ сендин.

Кетмас кўнглимдин ғуборим,
Йўқдур менинг ховондорим,
Шери дарға Али пирим,
Мен мадад истарман сендин.

Жафо чекдим роҳат кўрмон,
Юрагимда кўпдур армон,
Оҳ чекиб шоҳи Сулаймон,
Мадад тиларман мен сендин.

Душманлар дошимда қатор,
Шоҳнинг сўзи бағрим йиртар,
Шерали, ғам-ғуссам ортар,
Ҳақ, мадад тиларман сендин.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Энди хабарни Гавҳаройдин эшитинг.

Гавҳарой Шералининг дорга осилишини эшитиб, зор-зор йиғлаб, қора кийиниб югуриб келаверди у:-халойиқ, дод, йўлимни очинг, Шералининг дийдорини кўриб, розилашиб ўлайин, деб фарёд қилаверди. Халойиқ йўл берди. Гавҳарой ўзини Шералининг устига ташлади. Унга деди.

-Дод Шерали жоним, мардона бўлғил, номардлик этиб, сўзингдин дўнма:

-Эй Гавҳарой мен сенинг ишқинг йўлида ўлсам армоним йўқ, деб Шерали Гавҳарой ёрига қараб бир ғазал ўқиди:

Бугун кетар бўлдим сендин айрилиб,
Кулар юзли Гавҳаройим, хўш энди,
Бугун ўлдирармиш шоҳ ғазаб қилиб,
Моҳи тобон қуёш-ойим, хўш энди.

Жафо чекиб ето билмадим ёра,
Рақиблар юракка солдилар яра,

Отанг-ғазаб этиб остирар дора,
Рози бўлғил мендин ёрим, хўш энди.

Жонима харидор бугун жаллодлар,
Айрилиқ-ҳижрондин келмишдур хабар
Дор тагида бугун қурилар **маҳшар**,
Кетарман дунёдин ёрим, хўш энди.
Ёрим, йиғлаб кўзинг ёша тўлдирма,
Мени дейиб қизил юзинг сўлдирма,
Мен кетган сўнг Қийшиқа сир билдирма,
Пандим тутғил севар ёрим, хўш энди.

Рақибларга ёрим сирларинг чешсанг,
Шерали дер, ўзга ёрга учрашсанг,
Мен кетган сўнг Қийшиқ билан бош қўшсанг,
Қабримда мен қарор топмам, хўш энди.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Халойиқ йиғилишиб шоҳга арзга бориб:

-Шералини муродини ҳосил қилинг, буни ўлдирманг, барибир қизингиз Қийшиқ билан бош қўшмас. Булар ҳақ ошиқдурлар, деб тавалло қилдилар. Аммо Суюн шоҳ дарғазаб бўлиб деди:

-Бундин сўнг ким Шералини озод этмоқ ҳақида сўз юритса, боши ўлимда, моли талонда! Бу сўзни эшитиб Гавҳарой зор-зор йиғлаб отасининг оёғига йиқилиб бир ғазал айтди:

Арзим эшит, жоним отам,
Ёримни озод айлагил!
Раво қилма, манго мотам,
Ёримни озод айлагил!

Ёшлар тўкилур кўзимдин,
Қайтгил шоҳ айтган сўзингдин,
Умидинг бўлса қизингдин,
Ёримни озод айлагил!

Аввал шартларни буюрдинг,
Энди Қийшиққа юз бурдинг,
Ёрдан не ёмонлик кўрдинг,
Кел, шугун озод айлагил!

Юрагимга солма яра,
Бағрим айламагил пора,
Бугун ёрим осма дора,
Ёримни озод айлагил!

Ёрим кетса бунда турмам,

Мен Қийшиққа кўнгил бермам,
Шералисиз даврон сурмам,
Ёримни озод айлагил!

Кечиб бари олтин-зардин,
Рухсат олиб эрдан, пирдин,

Мени излаб узоқ ердин,
Келибдур озод айлагил!

Ёлғон экан берган сўзинг,
Эл олдида қаро юзинг,
Арз айлаюр Гавҳар қизинг,
Ёримни озод айлагил!

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлаб отасининг оёғига йиқилиб минг тавалло этса ҳам шоҳнинг дили эримади.

Шунда Шерали дор тагида туриб, қўли боғли, юраги доғли, кўзида нам, дилида алам, бағри бирён, кўнгли гирён, ғазаби селдай оқиб, Гавҳаройга боқиб бир ғазал айтди:

Гавҳаройим, йиғлаб бўйнинг бурмағил,
Қўй отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.
Мени сўраб отанг ёна бормағил,
Қўй, отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Азалда ёзуғим ёзғандур Олло,
Пирдин дуо олиб тушдим бу йўла,
Мардона бўл, қилма ҳеч бир тавалло,
Қўй, отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Отангнинг дилида йўқдур иймони,
Ҳисобин қилармиз қиёмат они,
Йўлингда қўярман бу ширин жонни,
Қўй, отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Йўқдин бор айлаган бизларни Ҳақдур,
Бу дунёга келгиб, ўлмаган йўқдур,
Сенинг учун ўлсам бу кўнглим тўқдур,
Қўй, отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Менинг учун Гавҳаройим, ғам ема,
Йиғлаб рақибларга сирингни дема,
Бу дунёнинг ўзи чайқалган кема,
Қўй, отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Ўн тўрт ёшда чиқиб қайтдим элимдин,
Исфахонда хабар топдим гулимдин,
Шерали дер, ошиқ қайтмас ўлимдин,
Қўй отанг ўлдирса, ўлдирсин мени.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Гавҳарой қон йиғлаб унинг ёнига борди. Унга тасалли бериб:

-Оҳ Шерали бегим, мард бўл, мардона бўл, айтган сўзингдин тонма, мени бевафоликда айблама, деди. Шунда Шерали унинг гўзал, аммо сўлғин юзига боқиб бир мухаммас ўқиди:

Гавҳаройим, йиғлаб ёшлар тўкма кўзингдин,
Сен ваъдангда берк турғил, хотиржам бўл бизимдин,
Сендин юз ўгирмайман жоним чиқса оғзимдин,
Ваъдамнинг вафосин бил, ёрим, айтган сўзимдин,
Юрак ёниб кул бўлди, шоҳнинг ёлғон сўзиндин.

Изимдин келмас ҳечким, йўқдур қавму қардошим,
Исфаҳоннинг элида йўқдур менинг тенг-тушим,
Ҳам ул дунё, бул дунё сенсан менинг йўлдошим,
Дор тагида зор йиғлаб, оқар селдай кўз ёшим,
Отланиб оғаларим келмас менинг изимдин.

Рақиблар ҳийла билан оғу-заҳар едирса,
Беш юз лашкар жам бўлиб, бошима қилич урса,
Жаллод! дейиб қийқириб, отанг терим сўйдирса,

Мен ғарибни қақнусдек ёқиб ўтга куйдирса,
Ёринг дўнмас Гавҳарой, азал айтган сўзиндин.

Бобохондай зулм этиб, отанг бошим кесдирса,
Мансурнинг шогирдиман, бугун дорга осдирса,
Рақиб орага тушиб хазон елин эсдирса,
Хоразмин қутқаради мени Худо етирса,
Шерали дер, шул дўстим келур менинг изимдин.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлаб, деди:

-Эй Гавҳарой, менинг Хоразмин деган бир дўстим бор, хабар етса шу йигит мени озод қилиши мумкин.

Бу сўзни Пирназар алп эшитиб турган эди. Унинг юрагида Шералига нисбатан уйғонган дўстлик туйғуси, кучайди. Мен Шералини қутқариб, Хоразминни ҳам чақириб уч ботир йигит бир бўлсак, олмаган қалъамиз қолмас эрди, деган ўй билан Шералига мадад бериб, уни қутқаришга бел боғлаб, унинг орқасида туриб бир сўз айтди:

Сўзимни эшитгил, эй мард Шерали,
Ўпка гина барин ташлагум энди.
Ҳар нечук бўлса ҳам кечиб гинани,
Мен сенинг кўнглингни хушлагум энди.

Қўлдин келса, дорнинг тагидин олам,
Ғам билан кулфатдин мен озод қилам,
Ё мен ҳам сен бирла бирликда ўлам,
Ошиқлар бахтига ишлагум энди.

Ёдинга солайин этган ишларинг,
Юмруқлаб ушатсам шоҳнинг тишларин,
Қийшиқ Сори лашкарининг лошларин,
Суйраб **хандакларга** ташлагум энди.

Шералибек, қулоқ қўйгил бу сўза,
Мен боқмайман эллик-олтмиш ё юза,
Қўлдан келса агар ул Гавҳар қиза,
Етириб кўнглингни хушлагум энди.

Азал менинг қўлим тангдинг алданиб,
Шоҳ қизини бермас аҳдидин тониб,
Пирназар ҳам бу номардликдин ёниб,
Оға-иниликни бошлагум энди.

Алқисса, Пирназар алп сўзини тамом этди. Унинг бу сўзини Суюн шоҳга етказдилар. Шоҳ дарғазаб бўлиб, уни зиндонбанд қилишни буюрди. Дарҳол Пирназарнинг қўлини орқасига боғлаб зиндонга солдилар. Шоҳ Шералини ҳам дарҳол дорга осинглар, деб буюрди.

Ясовуллар шу замони Шералининг бўйнига дорнинг танобини солдилар. Гавҳарой Шералининг устига қараб талпинди. Аммо қизлар уни тутиб қолдилар. Шерали унга деди:- Гавҳарой, энди мендин рози бўл, мен бугун отанг ғазабидин, тақдир тақозосидин жаннатда восил бўлурман. Сенинг ишқингда ўлсам армоним йўқ. Аммо, мен ўлгандин сўнг Қийшиқ билан қўшилсанг, мен қабримда тинч ёта билмасман. Гавҳар деди:

-Эй Шерали, марду мардона бўл, мен сендин айрилиб Қийшиққа қўлимни ҳам тутқазмасман, бундин хотиржам бўл!

Шундан кейин Гавҳарой Шералига қараб бир ғазал ўқиди:

Бугун бегим, кетсанг мендин айрилиб,
Гавҳар бугун яшаб қолар демагил.
Мен кетган сўнг Гавҳар аҳдидин дўниб,
Қийшиқ билан даврон сурар демагил.

Гумон этма бегим Шерали, мендин,
У дунё, бу дунё кечманам сендин,
Отам бугун сени айирса мендин,
Сенсиз Гавҳар ўйнаб-кулар демагил.

Гар аҳдимдин қайтсам куйсин имоним,
Сен кетган сўнг мен ҳам топширгум жоним.

Зуҳрадек пичоқлаб тўкарман қоним,
Дунёнинг шамолин кўрар демагил.

Сен кетган сўнг мунда турарим бўлмас,
Ғайрига ҳеч кўнгил берарим бўлмас,
Бу ёлғон дунёда қарорим бўлмас,
Менсиз Гавҳар мунда қолар демагил.

Сенсиз мен найлайин ёлғон дунёни,
Бу дунёда сенсиз тўкарман қони,
Гавҳар учун қурбон этсанг сен жони,
Мени бугун мунда қолар демагил.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлади. Шерали Гавҳаройдин бу сўзни эшитиб вақти хуш бўлиб, Гавҳаройдин кўнгли хотиржам бўлиб бир ғазал ўқиди:

Эшит сўзим, Гавҳар жоним,
Рози бўлдим сендин бугун.
Йўлингда фидодур жоним,
Рози бўлдим сендин бугун.

Жаллодлар олса бу жоним,
Майдонда тўкилса қоним,
Сен деб ўлсам йўқ армоним,
Ёрим, рози бўлдим бугун.
Дўнманам ишқим йўлиндин,
Юзим дўндармам зулмдин,
Қўрқмарам Гавҳар, ўлимдин,
Отанг жоним олса бугун.

Ошиқ маъшуқни суйганда,
Қийналмас ёниб куйганда,
Дорнинг остида ўлганда,
Сендин рози бўлдим бугун.

Отанг қўйди ёнар ўтда,
Юрагимга тушди модда,
Даврон сурармиз жаннатда,
Сендин рози бўлдим бугун.

Шерали чекадур зори,
Сенсан юрагим мадори,
Қадам қўйдим жаннат сари,
Сен ҳам рози бўлғил бугун.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Суюн шоҳ дарғазаб бўлиб қийқирди: Шералини ҳали дорга осмадингизми?

Шоҳнинг бу сўзидин сўнг жаллодлар тезда ҳозир бўлдилар. Шунда Гавҳарой:

-Халойиқ, ошиқларга бир-икки соат рухсат сўранг, деб мурожаат этди.

Халойиқ арз этиб сўради. Гавҳаройнинг онаси Бодом биби ҳам шоҳ олдига бориб:

-Эй шоҳим, ошиқларга жабр қилма, булар ҳақиқий ошиқдирлар. Шералини ўлдирганинг билан Гавҳар Қийшиқ билан умр кечирмас, бу аниқ, деди. Бодом биби Шералини озод қил, деб шоҳга қараб бир ғазал ўқиди:

Сўзим эшит, улуғ элнинг подшоси,
Шералини бугун озод айлагил.
Сени тутар ошиқларнинг ноласи,
Бугун Шералини озод айлагил.

Ғам билан кулфатни қўйдинг бошина,
Нечун раҳминг келмас кўзда ёшина,
Оғу қўшма ошиқларнинг ошина,
Бугун Шералини озод айлагил.

Эҳтиёт бўл ҳар бир айтган сўзинга,
Ғофил бўлма, зиён келар ўзинга,
Раҳминг келсин сенинг Гавҳар қизинга,
Бугун Шералини озод айлагил.

Номардлик айлама, сўзингдин тониб,
Алданарсан рақибларга инониб,
Армонда кетмасин бир банда ёниб,
Бугун Шералини озод айлагил.

Шоҳим, назарга ол менинг бул сўзим,
Бодом айтар, Гавҳар менинг ҳам қизим,
Ошиқлар ҳолига раҳм айла ўзинг,
Бугун Шералини озод айлагил.

Алқисса, Бодом биби сўзини тамомлаб, бу ерда туриб турсин. Энди хабарни Хоразминдин эшитинг. Хоразмин Шералининг ёрдамидин сўнг Сулгунни ўз элига олиб кетиб, никоҳлаб тўй-томоша қилиб уйланди. Кунлардин бир кун унинг ёдига Шерали тушди. Ўтириб ўйланди: Эй Хоразмин, Шерали билан дўст тутиндинг, сенга отанг қилмаган яхшиликларни қилди. Сен унинг тақдиридин бехабар **орқайин** ётаверасанми. Унинг бошига не аҳволлар тушди. Мен эркак одам бўлсам, унинг изидин бориб хабар олишим керак...

Хоразмин шу ўй билан ўрнидин туриб отасидин рухсат олиб, Шералини излаб йўлга равона бўлди. Бир неча кун йўл юриб Шералининг Гавҳарой билан савол-жавоб қилган тоғига дуч келди. Шунда тоғдин Шералини сўраб бир ғазал айтди:

Шу кун сизга келиб юз тутдим тоғлар,
Устингиздин Шералибек ўтдими?
Эранлар маскани сояли тоғлар,
Устингиздин Шералибек ўтдими?

Хабар бергил манго тошли қоялар,
Чилтанлар маскани ёшли қоялар,
Дунёга кўрк берган бошли қоялар,
Устингиздин Шералибек ўтдими?

Келдим Шералининг изин излайиб,
Қиёматлик **дўғанимни** кўзлайиб,
Қанча ошиқ ўтди сени сўзлайиб,
Бейик тоғлар, Шералибек ўтдими?

Сенингдек бейик тоғ дунёда йўқдур,
Қора ер лангарин яратган Ҳақдур,
Уч ой бўлди менинг хабарим йўқдур,
Ё ўлдими, ё муродга етдими?

Сенда ёзу қишин аждарлар, шерлар,
Устингдин кечибдур эранлар-пирлар,
Сенга сўз айтганга Хоразмин дерлар,
Тоғ устидин Шералибек ўтдими?

Алқисса, Хоразмин сўзини тамомлаб тоғ устига чиқди. Тоғ устида бир улкан гужум бор эрди. Хоразмин унинг сиясига бориб, ётиб, уйқуга кетди. Туш кўрди. Тушида Шералини кўрди, унинг қўли танғилган, дор остида турибди. Хоразмин **тискиниб** уйғонди. Дарҳол отига миниб Исфахон қайдасан, деб йўлга равона бўлди. Тезда шаҳарга **дохил** бўлди. Унинг олдидин бир **ёшулли** чиқди. Хоразминни кўриб унга деди:

-Эй йигит, қайдин бориб, қайдин келурсан, сен бу ерларнинг одамига мангзамайсан? Унда Хоразмин Шерали деган дўстини сўраб ёшуллига қараб бир ғазал айтди:

Оқ соқолли, фариштали эй бобо,
Азиз дўстим, Шералини кўрдингми?
Оппоқ тўнли, сариштали эй бобо,
Қиёматлик дўстгинамни кўрдингми.

Ул ишқида ёнар Гавҳарой қизи,
Шул қизнинг йўлида сарғаюр юзи,
Беминнат муродга етирди бизи,
Азиз дўстим, Шералини кўрдингми?

Бугун саҳар кўрдим уни тушимда,
Дор остида пайдо бўлди қошимда,

Унга қараб ҳол қолмади ҳушимда,
Азиз дўстим Шералини кўрдингми.

Билмам унинг паймонаси тўлдими,
Йигит ёши хазон каби сўлдими,
Дор остида жафо чекиб ўлдими,
Азиз дўстим, Шералини кўрдингми.

Хоразмин дер, уни излаб топарман,
Рақибларин топиб бошин чопарман,
Агар уни тирик топсам не армон,
Азиз дўстим, Шералини кўрдингми.

Алқисса, Хоразмин сўзини тамомлади. Ёшулли киши Хоразминга деди:

-Эй йигит, мен Шералини билурман. Ул йигит шугун дорга осилур.

-Унда мен кетдим, уни ё озод қилурман ё ўлурман, деди Хоразмин. Ёшулли деди:

-Эй йигит, сен бу ишга уриниб ўзингни ҳалок қилма, Суюн шоҳ лак-лак қўшин билан турибди.

-Мен қайтмайман, ўлсам ҳам уни озод қилиш йўлида ўлурман.

-Ундай бўлса, зиндонбоши менинг дўғаним бўлади. Унга Шералининг отаси бир яхшилиш қилган эркан. Шералининг Қушқанот отини ул **гизлаб** қўйибди. Мен унинг солиғини берайин, бориб бирга ҳаракат қилсангизлар балки яхшилик юзага чиқар, деди ёшулли киши.

Шундин сўнг Хоразмин зиндонбошининг уйини топиб борди. Хоразмин ул киши билан гапни бир жойга қўйди. Унга деди.

-Мен дор остига бориб бир тўполон кўтараман, шул орада сен Қушқанотни етказасан, кейин не бўлса кўрармиз.

Энди булар тайёргарлик кўраберсинлар, сўзни Шерали билан Гавҳаройдин эшитинг.

Халойиқнинг ва Бодом бибининг арз-доди билан ошиқларга бир неча кун муҳлат бердилар. Бу муҳлат ҳам ўтди. Эртаси Шералини дор остига олиб келиб, бўйнига танобни ташлаб, ипни торт, деб буйруқ берди Суюн шоҳ.

-Хайр, хўш Гавҳаройим, мендин рози бўл, деб Шерали кўзини юмди.

Гавҳарой дод-фарёд кўтарди. Бари халойиқ йиғлашди. Ипни тортдилар, Гавҳарой беҳуш бўлиб йиқилди.

Шул замони Хоразмин от ўйнатиб келиб дорнинг ипига қилич урди. Шерали ерга йиқилди. Хоразмин шул ердаги ясовул, қоровул, жаллодларни жўхори ўргандай қиличдан ўтказди.

Буни кўрган Бодом биби канизларга буюрди:-Шералининг қўлини **чешинг**! Дарров қизлар Шералининг қўлини чешдилар. Юзига гулоб сепиб ҳушига келтирдилар. Шул вақтда зиндонбон ҳам Қушқанот отни етказди. Шерали ўрнидин турди отини кўриб қувониб уни миниб олди. Ул ҳайрон бўлиб:

-Мени озод қилган ким?-деб сўради.

Қизлар: -Билмадик, шердай бир йигит келиб ур-йиқит қилди, дедилар.

Шул орада Суюн шоҳ билан Қийшиқ Сори қўшинни тўплаб Хоразминга ҳужум бошладилар. Ана энди Шерали ҳам жанг бошлаб юборди. Икки шер йигит оч бўри каби шундай уруш қилдиларки, қон-қонга, сув-сувга кетди.

Бир вақт Шералининг олдидин Қийшиқ Сардор чиқди. Шерали бўйнингни орқасими, деб урди қилични Қийшиқнинг калласи тўпдек юмаланиб ўта кетди. Қўшин сафи бузилди. Қочган қутилар, турган тутилар деб лашкарлар тўрт томонга тум-тарақай қочдилар. Суюн шоҳ ҳам беш –олти киши билан зўрға қочиб қутилди.

Бул тўс-тўполондин кейин одамлар **сайпалиб** Шерали билан Хоразмин бир-бирини кўриб қучоқлашиб кўришдилар. Кейин Пирназар, зиндонбоши тўрталаси дўст бўлишга аҳду паймон қилдилар. Уларнинг бариси Гавҳаройнинг ёнига келдилар. Шерали от устида туриб, сабза урган муртини буриб, дўстлари шод, душманлари мот бўлганидин суюниб ўтган ишларга куюниб, Гавҳаройга боқиб, дарёдай оқиб, бир ғазал айтар бўлди:

Бугун шоҳнинг қўшинини **тўздирдик**,
Гавҳаройим, ўпка-гина қилмағил,
Икки дўған бўлиб ғанимни урдик,
Севар ёрим, ўпка-гина қилмағил.

Кечир ёрим, агар бўлса хатомиз,
Бугун бизга уруш очди отангиз,
Ўзи ўзга юртга қочди отангиз,
Нозли дилбар, ўпка-гина қилмағил.

Дўнди азал ваъда этган сўзидин,
Дор тагида ёш оқизди кўзимдин,
Хоразмин излайиб келди изимдин,
Севар ёрим, ўпка-гина қилмағил.

Отанг менинг юрак-бағрим доғлади,
Дор остида икки қўлим боғлади,
Ғазаб этиб ўлдирмоққа чоғлади,
Вафодорим, ўпка-гина қилмағил.

Яратганнинг ўзи бўлди паномиз,
Хафа бўлсанг биз ҳам куйиб-ёнамиз,
Шерали дер, кечир бўлса гуномиз,
Севар ёрим ўпка-гина қилмағил.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлагандин сўнг Гавҳарой Шералига боқиб деди:

-Эй менинг кўзимнинг қувончи, бошимнинг тожи, менинг отамдин кечганим қачонлар эди, сендин ҳеч хафа эмасман.

Гавҳарой бугунги кутилмаган севинчдин хурсанд бўлиб Хоразминга миннатдорчилик билдириб бир сўз айтди.

Баракалло фахр этарман ғўч йигит,
Шералини озод айладинг дордин.
Ошиқларга **хўстор** бўлган бек йигит,
Бошимиз қутқардинг ғамдин, ғубордин.

Ёрим билан дўғонлигинг ҳақ экан,
Қалбу дилинг беғубору оқ экан,
Сенингдай мард бу жаҳонда йўқ экан,
Севар ёрим озод айладинг дордин.

Хоразмин, ёримга дўғанлик этдинг,
От ўйнатиб, ўлар олдида етдинг,
Бугун ошиқларга маҳрамлик этдинг,
Шералини озод айладинг дордин.

Зиндонбон ҳам эр ишини битирди,
Шералининг отин олиб келтирди,
Бу бекларга қувват бер, деб ўлтирди,
Менинг ёрим озод айладинг дордин.

Пирназар ҳам Шерали томон кечди,
Шоҳга душман бўлиб зиндонга тушди,
Суюн шоҳ қўшини енгилиб қочди,
Шукур, ёрим озод айладинг дордин.

Ёрим якка эди тўрт қардош бўлди,
Эранлар мададкор, Худо бош бўлди,
Буни кўриб Гавҳар кўнгли хуш бўлди,
Шукур, бегим озод айладинг дордин.
Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлаб:

-Хоразмин, баракалло этган ишинга, Шералига ҳақиқий дўст экансан, дўст-бирадарлигингни **боржой** этдинг. Сендин биз ул дунё, бул дунё розимиз, деди.

Сўнг булар зиндонбон билан биргаликда бориб, Пирназарни озод қилдилар. Шерали шунда Пирназарга қараб бир ғазал айтди:

Тақдирга шукур эт, Пирназар қардош,
Иккимизга озодликнинг кунидур,
Бу ишлар қисматдур тўкмагил кўз ёш,
Иккимизга озодликнинг кунидур.

Бир ёндин Хоразмин, мен ҳам бир ёндин,
Майдонни тўлдирдик қирмизи қондин,
Суюн подшоҳ қочди бу Исфахондин,
Чиқ, зиндондин озодликнинг кунидур.

Оғалар тўғрисин айтайин сиза,
Дор тагида Али кўринди кўза,
Яратганнинг ўзи раҳм этди биза,
Шукур айлагил, озодликнинг кунидур.

Пирназар ҳам дўстим Хоразмин бўлиб,
Борсак “Боғи ҳавас” ўйнаб ҳам кулиб,
Шерали дер, юринг ичайлик шароб,
Тўрт қардошга озодликнинг кунидур.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Сўнг буларнинг тўртови “Боғи ҳавас”га бордилар. Гавҳарой ҳам 40 канизи билан бирга буларни кутиб олди. Сўнг Пирназарни Исфахонга подшоҳ қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Аммо ул бунга рози бўлмади. Шундан сўнг Суюн шоҳни ўз тахтига ўтиришга таклиф этдилар. Ул келиб Шералининг оёғига йиқилиб. Шерали, Хоразмин, Гавҳарой, Пирназарлар “Ўтган гапга саловот” деб уни кечириб тахтига чиқардилар. 40 кун бу ерда бирга бўлдилар. Шундин сўнг Хоразмин Шералининг қошига келиб уйига кетишга рухсат сўраб бир ғазал айтди:

Қадрдон қардошим, эшитгил арзим,
Бугун кетгум менга рухсат бер энди.
Бугун рухсат бериб шод айла бизим,
Кетар бўлдим менга рухсат бер, энди.

Рухсат берсанг бугун кетарман эла,
Пирназар билан мен тушармиз йўла,
Сен ҳам муродга ет, Гавҳарой била,
Шодлик била бизга рухсат бер, энди.

Муродга етдим мен ошиқлик излаб,
Отам рухсат берди, йиғлайиб-бўзлаб,
Сулгунжон ҳам қолди манга йўл кўзлаб,
Қадрдоним, менга рухсат бер, энди.

Рухсат берсанг соат турманам мунда,
Сулгунжон йўл қараб қолибди анда,
Боргунимча сабр-тоқат йўқ манда,
Шералибек бизга рухсат бер, энди.

Санго эл муборак, мен учун йўллар,
Қилич ура-ура қабарди қўллар,
Шодликларга тўлди ўнг билан сўллар,
Хоразминга кулиб рухсат бер энди.

Алқисса, Хоразмин сўзини тамом этди. Сўнг Шерали унга оқ йўл тилаб рухсат берди. Гавҳарой Хоразминга бош-оёқ сарупо кийгизди. Шерали билан Гавҳарой Хоразмин билан Пирназарни йўлга ўзатдилар. Уларни узатиб бориб

“Чинорли чашма” деган жойда тўхтадилар. Шу жойда Шерали буларга рухсат бериб бир ғазал айтди:

Бугун рухсат бердим санго,
Борғил, Хоразмин қардошим.
Пирназар ёнингда ҳамро,
Ҳақ бўлсин дўстим, йўлдошинг.

Душманларга қилич урдинг,
Дўстингни дордин қутқардинг,
Эр ишини сен битирдинг,
Рухсатинг бердим, қардошим.

Чекдинг қанча оҳу зори,
Сен ҳам суюб Сулгун ёри,
Очилсин кўнглинг ғубори,
Рухсатинг бердим, қардошим.

Дўстлигинг билдирдинг келиб,
Ғам чекмагил гулдек сўлиб,
Бугун сендин хушвақт бўлиб,
Рухсатинг бердим, қардошим.

Эр йигит ишини қилдинг,
Саваш қилиб ёвни қирдинг,

Чарх уриб отингни сурдинг,
Оқ йўл тилайман, қардошим.

Ошиқ бўлган ёрин кўзлар,
Ҳамроҳинг бўлур Пирназар,
Дуода Шерали, Гавҳар,
Рухсатинг бердим, қардошим.

Алқисса, Шерали буларга рухсат бериб хайрлашди. Хоразмин билан Пирназар йўлга равона бўлди. Шерали билан Гавҳарой “Боғи ҳавас”га келдилар. Гавҳаройнинг вақти хуш бўлиб, бир ғазал ўқиди:

Йўқдин бор айлаган қудратли Оллоҳ,
Шукур бугун муродимга етирди.
Булбул гули билан бўлибдур ҳамроҳ,
Шукур бугун висолимга етирди.

Раҳмат, раҳм айлади менга Худойим,
Узоқидин севинтирсин илоҳим,
Шукур қилай ёнимдадур ҳамроҳим,
Мени марду мардонага етирди.

Қанча вақт оқди кўзимдин ёшим,
Бугун қайғу ғамдин қутилди бошим,
Шукур ёзга **дўнди** туманли қишим,
Ошиқларга завқу сафо етирди.

Бошимдин айрилди қайғу ила ғам,
Шоҳ ҳам бўлди бугун бизларга хамдам,
Гавҳарой дер, дуо қилай дамбадам,
Ошиқларни муродига етирди.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамомлади. Бу оқшом ётиб дам олдилар. Оқшом ётар экан Шералининг тушига Доно мулла кириб: -Эй қўзим, гулинг қўлинга тушган бўлса, энди элинга қайт, ўз юртинга эга бўл, деб кўздин ғойиб бўлди.

Шерали тисканиб уйғонди. Қараса туши эркан. Бир оҳ чекди. Бундан Гавҳарой ҳам тискиниб уйғонди. Ул Шералига қараб:

-Шерали бегим, энди муродга етганда яна не оҳ чекарсан, деди. Унда Шерали:

-Эй Гавҳаройим, отам ўлгандан сўнг мен элга шоҳ бўлиб қолган эрдим. Изимда икки акам қолди. Улардин айрилганимга уч йил бўлди. Шунга оҳ чекарман. Энди иккимиз бизнинг элга кетсак қандай бўлар эркан, деди.

-Эй бегим, унинг учун ҳеч оҳ чекма. Мен сенинг ўлик ерингда ўлик, тирик ерингда тирикман. Менга сенсиз жаннатда ўрин йўқ. Сен билан дўзахга кирсам ҳам розиман. Сен бўлмасанг моли дунёни нетайин, не ерга десанг кетайин, деб Гавҳарой Шералига боқди. Унда Шерали Гавҳаройга қараб бизнинг элга кетайлик, деб бир ғазал ўқиди:

Бугун тутғил, ёрим, йўлнинг шайини,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!
Бирга ичиб ишқ-муҳаббат майини,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Шукур, Ҳақ эшитди бизнинг додимиз,
Муяссар бўлибдур кўнгил шодимиз,
Элимизда кутар ул аждодимиз,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Қанча вақт ёндим зоринга сенинг,
Банд бўлиб мен зулфиторинга сенинг,
Эшит, қулоқ қўйғил зоримга менинг,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой.

Эркак либосида от мин, шайланиб,
Бошқа фикр этма, энди ўйланиб,
Севар ёрим тоғ-дарёдин айланиб,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Юргил, энди эркак либосин кийиб ,
Отанг рухсат берса бизларга ийиб,
Уч йилки соғиндим элимни суюб,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Йўлимизни очиқ айласин Худой,
Суюн шоҳга насиб айласин бу жой,
Бизнинг элга бориб бўлайлик боржой,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Элимга кетмасам туро билманам,
Сенсиз ёлғиз элга боро билманам,
Сендин ўзга ёрни кўзга илманам,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Элга бориб сўйсак от, туя қўйни,
Берсак қирқ кечаю, қирқ кундуз тўйни,
Хаёлга келтирма бошқа бир ўйни,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Булбулманам қўнмам ўзга ёт гула,
Раҳм айлагил, Гавҳаройим булбула,
Шерали сўз айтур сочи сунбула,
Юр кетали, бизнинг элга Гавҳарой!

Алқисса, Шерали сўзини тамом этди. Шерали қурол-яроғларини тақинди, отини зартанг-забартанг эгарлади. Гавҳарой ҳам эркак либосларини кийиб, қурол-яроқларини тақиниб, осмонга учай деб турган бир отни эгарлади. Сўнг Жамол деган қизга ҳам эркак либосларини кийдириб, бор отлан, сени ҳам олиб кетаман, деди. Жамол ҳам:

-Ажаб бўлғай бибим, мен сен не ерда бўлсанг бирга борурман, деб яхши бир отни эгарлади, қурол-яроғларини тақинди. Учови ҳам отланиб Суюн шоҳнинг қошига келдилар.

Шерали шоҳдин рухсат сўраб бир ғазал ўқиди:

Гавҳар билан кетай Табриз шаҳрина,
Бизнинг рухсатимиз бер энди, шоҳим!
Яна шоҳсан Исфахоннинг шаҳрина,
Бизни йўллаб энди рухсат бер, Шоҳим!

Гавҳарой йўлида кўп чекдим зори,
Келганимдин бери бердинг озори,
Жамол қиздур қирқ канизнинг сардори,
Учимизга энди рухсат бер, шоҳим.

Бугун келиб рухсат сўраймиз сиздин,
Гуноҳ ўтган бўлса кечиринг биздин,

Хавотир олмангиз Гавҳарой қиздин,
Чин кўнгилдан шугун рухсат бер, шоҳим!

Рухсат сўраб келдик биз шоҳим сиза,
Азалдан шу қисмат ёзилган биза,
Гавҳаройим билан шу Жамол қиза,
Шерали дер, бирга рухсат бер, шоҳим!

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Буни эшитиб Суюн шоҳ деди:

-Эй ўғлим, мен кўп хатоликларга йўл қўйдим, хом сут эмган бандамиз, сендан узр сўрайман. Сен менга фарзандим қилмаган яхшиликларни қилдинг, Худодан қайтсин, менинг Гавҳаройдин бошқа ўғил-қизим йўқ. Шунинг учун сен бу ерда қолиб, тахту тожимга эгалик қил.

Суюн шоҳ бу гапларни айтгандин сўнг Шералига ёлбориб, бир ғазал ўқиди:

Эшит сўзим, бунда қолғил, Шерали,
Эл-улусим, моли жоним сеники.
Гиналарни ташлаб бир тўй қилали,
Шод-хурсандлик, тўй-томоша сеники.

Тақдирдур айб этма, этган ишимдин,
Хабар олғил, менинг кўзим ёшидин,
Гавҳар қизим айирмағил қошимдин,
Фикр, зеҳн-ихтиёрим сеники.

Эй ўғлим Шерали, эшитгил сўзим,
Этган айбим кўпдир, қорадур юзим,
Сизлардин ўзга йўқ ҳеч ўғил-қизим,
Бахт-саодат, тожу тахтим сеники.

Айтган сўзларимга амал қилмадим,
Рақибларнинг алдаганин билмадим,
Рост сўзларни назаримга илмадим,
Кетма мундин, бор давлатим сеники.

Ўпка-гинанг барин сен ҳам ташлагил,
Исфахон элида ёзлаб-қишлагил,
Қолиб бунда менинг кўнглим-хушлагил,
Исфахоннинг боғ-боғчаси сеники.

Шералибек сени ўғлим деяйин,
Элни чорлаб тўй ғамини еяйин,
Суюн шоҳ дер, шоҳлигимни берайин,
Кўшку айвон, хону моним сеники.

Алқисса, Суюн шоҳ сўзини тамом қилди. Шерали қолишга розилик бермади. Сўнг Гавҳаройнинг энаси Бодом биби энди қизининг кетиши ростга айланаётганидин кўнгли бузилиб, қизига қараб, уни қучоқлаб бир ғазал айтди, Гавҳарой жавоб берди:

Бодом биби: Ёлғиз болам, эшит менинг нолишим,
Сенсиз менга ушбу жаҳон керакмас.
Кетма қизим, тўкма кўзлардин ёшим,
Сенсиз менга бу Исфахон керакмас.

Гавҳарой: Энажон, кетма деб тўсмагил йўлим,
Шералидин кўнгил узо билманам.
Мен бир гулам, Шералидур булбулим,
Булбулимдин кўнгил узо билманам.

Бодом биби: Кўнгил узмам, кетаман, деб сўйлама,
Бугун манго охир замон айлама,
Энангни сен банди зиндон айлама,
Сенсиз менга ушбу жаҳон керакмас.

Гавҳарой: Эна, сўнгги сўзим айтайин санго,
Кетма деган сўзни айтмагил манго,
Ихтиёрсиз ошиқ бўлибман анго,
Шералидин қолиб кезо билманам.

Бодом биби: Қулоқ сол, Гавҳарой бир сўз бор менда,
Шу сўзимни қабул айлагил, сен-да,
Шералига айтгил, ул қолсин бунда,
Кетма, Гавҳар, сенсиз дунё керакмас.

Гавҳарой: Шулдур сўзим, эна, кетмасам бўлмас,
Мен ёрим элига етмасам бўлмас,
Ваъдамга вафони этмасам бўлмас,
Энди ҳеч аҳдимни бузо билманам.

Бодом биби: Мен қандай умидим узайин сендин,
Айтганимни қилмай кетсанг сен бундин,
Айрилиқнинг ғами босар кун-кундин,
Сен бўлмасанг фоний жаҳон керакмас.

Гавҳарой: Отини ўйнатиб кўшкимдин **бўкди**,
Мени деб отамнинг азобин чекди,
Дор остида кўздин қонли ёш тўкди,
Мен ёрдин кўнглимни узо билманам.

Бодом биби: Тўққиз ой, тўққиз кун сени кўтардим,
Кўксимдин сиздириб оқ сут кетирдим,
Боқиб сени бул камолга етирдим,
Сенсиз манго боғу айвон керакмас.

Гавҳарой: Рози бўл, энажон, берган сутинга,
Мен ето билманам сенинг додинга,
Рухсат бергил, бугун кўнгил шодинга,
Ёр чеккан жабрига дузо билманам.

Бодом биби: Бодом деяр, болам нолима мендин,

Билдим энди дўниб билмайсан ондин,
Сизлар ҳақ ошиқсиз рухсатдир дилдин,
Қолмади деб дилда армон керакмас.

Гавҳарой: Худойим солгандир ишқ йўла боши,
Шералидур Гавҳаройнинг йўлдоши,
Яратган ёзгандур бизга бу иши,
Ёрсиз бунда бир кун кезо билманам.

Алқисса, булар сўзларини тамом қилдилар. Ундин сўнг Суюн шоҳ деди:

-Эй ўғлим, Шерали, сен энди минг тавалло қилган билан бу ерда қолмайсан. Энди мендин рухсат, Оллоҳ ёринг бўлсин!

Шерали деди:

-Эй шоҳим, мен ҳам отам вафотидин сўнг унинг тахтига эга бўлиб қолдим. Гавҳаройни деб подшоҳлигимни ташлаб бу ерларда дарбадар бўлиб юрибман. Менинг акаларим, элу халқим бор. Муродимга етганимни уларга ҳам аён этишим керак. Магарам улар Шералига не бўлди, бир қизни деб ёт элларда ўлиб кетдими, деб ўйламасинлар. Энди кетмасам бўлмас деб, қўлига олтин созини олиб, баланд номалардин чалиб, шоҳга қараб бир ғазал айтди:

Арзим эшит, гўзал шоҳим,
Мен элга кетмасам бўлмас.
Энди сизсиз қиблагоҳим,
Бир сўзни тутмасам бўлмас.

Бедов бор олтин-зар билан,
Йўл юриб **қора дар** билан,

Рухсат беринг, Гавҳар билан,
Табризга кетмасам бўлмас.

Тақдир экан бунда келдим,
Гоҳо йиғлаб гоҳо кулдим,
Дор остидин озод бўлдим,
Йўл шайин тутмасам бўлмас.

Гавҳар бузмади аҳдини,
Оллоҳим очди бахтини,
Мен нетай тожу тахтини,
Элимга кетмасам бўлмас.

Гавҳарой кўнглимнинг гули,
Мен унинг сайроқ булбули,
Бизни қўшди пирим Али,
Энди мен кетмасам бўлмас.

Гавҳарой, Жамолни олиб,
Ғаним ичига ўт солиб,

Қушқанот устида елиб,
Тоғлардин ошмасам бўлмас.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Суюн шоҳ энди буларнинг кетажагини аниқ билди. Сўнг атрофидаги аркону давлат, барча аёнларига қараб деди:

-Халойиқ, қўл кўтариб буларга оқ йўл тилаб оқ фотиҳангизни беринг. Шералининг кўзига тожу тахт, молу дунё кўринмай турибди. Булар ҳақ ошиқ эканлар. Буларнинг муродини Оллоҳ берди.

Шундин сўнг ҳамма қўл кўтариб оқ фотиҳа бердилар. Яна Суюн шоҳ деди:

-Йўл дегани хавф-хатардин иборат, ёнингизга қўшин берайин, сизларни кузатиб борсин.

-Менга қўшин керак эмас. Мен қўшин билан келмадим, қўшин билан кетмайман. Ёнимда Гавҳарой билан Жамол йўлдош бўлсалар бўлди, деди Шерали.

Шундин сўнг Шерали, Гавҳарой, Жамол учови йўлга равона бўлдилар.

Суюн шоҳ, Бодом биби, барча сарой аёнлари, канизлар, эл-элат уларни узатиб бирга юриш этдилар. Бир майдон юрганларидин сўнг Шерали отининг бошини тортиб, қўлига созини олиб, буларга қараб бир сўз айтди:

Арзимни эшитинг, карамли шоҳим,
Узатгандин йўлдош бўлмас, қол энди.
Гавҳар билан Жамол эрур ҳамроҳим,
Узатгандин йўлдош бўлмас, қол энди.

Армоним йўқ етдим мен Гавҳар қиза,
Кетарман юз уриб **тоғ ила дуза**,
Раҳмат, яхшиликлар этдингиз биза,
Бодом экан, хушвақт бўлиб қол энди.

Оллоҳ солди ишқ йўлига бош урдик,
Ошиқлик ишини ҳаддан оширдик,
“Боғи ҳавас”ни ҳам сизга топширдик,
Қирқ канизлар сиз ҳам хушвақт қол энди.

Гавҳар гулдир, мен Гавҳарнинг булбули,
Шерали дер, бугун кўзладим йўли,
Эшитинг сўзимни Исфахон эли,
Узатгандин йўлдош бўлмас, қол энди.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Суюн шоҳ Шерали, Гавҳарой, Жамол билан хайрлашиб бир ғазал ўқиди:

Мундин кетар бўлсанг бир ёт эллара,
Бор азиз фарзандим, соғ бўлсин бошинг.
Хайр дединг бу боғлара, гуллара,
Бор азиз фарзандим, соғ бўлсин бошинг.

Сен энди барибир сўзим қилмайсан,
Исфахонда қолиб маскан тутмайсан,
Тожи тахтим, мулким қабул этмассан,
Кетсанг Шералибек соғ бўлсин бошинг.

Азалда ёзгандур Оллоҳ бу иши,
Соғ боргайсан, Жамол, этма койиши,
Баржой бўлсин Гавҳаройнинг ҳоҳиши,
Борғил, Жамол, қўзим соғ бўлсин бошинг.

Бугун Исфахондин Табриз кўчарсан,
Чўлдин, тоғдин, дарёлардин кечарсан,
Қанот боғлаб ёт элларга учарсан,
Кетсанг болам, энди соғ бўлсин бошинг.

Суюн шоҳ дер, кетсанг рухсатдир биздин,
Кўришмоқ бормикан янада тездин,
Бугун айро тушиб учарсан кўздин,
Борғил, болам, кетсанг соғ бўлсин бошинг.

Алқисса, Суюн шоҳ сўзини тамом этди. Сўнг Шерали, Гавҳарой, Жамоллар йўлга равона бўлдилар. Ундин сўнг Суюн шоҳ Шералининг оти жиловидин тутиб яна бир ғазал ўқиди:

Сўзимни эшитгил, Шерали бегим,
Обкетсанг Гавҳарни хор-зор этмагил,
Гавҳардур дунёда борим ҳам йўғим,
Йиғлатиб кўзларин ғубор этмагил.

Қиёматгача ул бўлсин йўлдошинг,
Оқизмагил, ёт элларда кўз ёшин,
Мен сенга топширдим бу кўнгил хушим,
Гавҳарнинг кўнглини абгор этмагил.

Гавҳаройим ёз кунларинг қишлама,
Айриликдин юрак-бағринг тошлама,
Соғинганда шаҳло кўзинг ёшлама,
Беғубор дилинга озор этмагил.

Шерали сен ундин дўндарма кўзинг,
Ул дунё, бул дунё бир бўлсин сўзинг,
Зинҳор насиҳатим сен Гавҳар қизинг,
Ўзингдин ҳеч вақт безор этмагил.

Суюн шоҳ дер, қизим ёлғиз дунёда,
Ёт элларда йиғлатмагил зиёда,

Яна ташлаб кетма, тоғда, қиёда,
Анга ғамни сен бешумор этмагил.

Алқисса, Суюн шоҳ сўзини тамом қилди. Шерали унга қараб, қизингдин хотиржам бўлғил, деб бир ғазал айтар бўлди:

Суюн шоҳ қизингдин хотиржам бўлғил,
Менда бевафолик бўлмас ҳеч қачон.
Қийналмай рухсат бер, қийналмай қолғил,
Гавҳаройдин юз ўгирмам ҳеч қачон.

Ҳақ ошиқман, мен дўнмасман сўзимдин,
Хотиржам бўл шоҳим, ёлғиз қизингдин,
Дўнсам айрилайин икки кўзимдин,
Гавҳаройдин юз ўгирмам ҳеч қачон.

Менга тегди ишқинг ёлқини, шоҳим,
Гавҳарой севинчим, Гавҳарой моҳим,
То ўлгунчам бўлур менинг ҳамроҳим,
Гавҳаройдин юз ўгирмам ҳеч қачон.

Ёр йўлида чекдим жабру жафолар,
Ҳеч қачон бузилмас аҳду вафолар,
Табризда сурамиз завқу сафолар,
Гавҳаройдин юз ўгирмам, сен инон.

Хато эрур шоҳим, гумон сўзларинг,
Бизни қўшган Али пирим ўзлари,
Шерали дер, Гавҳаройнинг кўзлари,
Тўтиёдир менга ҳар вақт, ҳар қачон!

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Гавҳаройнинг 40 канизи, отаси, энаси яна буларни узатиб бирга юрдилар. Сўнг Шерали деди:

-Эй Гавҳарой, сен ҳам булар билан хайрлашиб бир сўз айт.

Гавҳарой ота-онаси, 40 канизи, эл-халқи билан хайр-хўшлашиб бир ғазал ўқиди:

Кўп йўллар юрдингиз пойи пиёда,
Раҳмат сизга хўсторларим, хўш энди.
Барингнинг умрингиз бўлсин зиёда,
Ташвиш тортманг, дилторларим хўш энди.

Мен сенда кўрмадим аҳду вафони,
Шералига қилдинг жабру жафони,
Айб қилмағил, мен этарман **топони**,
Аҳди ёлғон, золим отам, хўш энди.

Энам, жафо чекдинг жон-танинг тўзиб,
Оқсут бериб саҳар уйқунгни бузиб,
Мен кетарман, қисматимни Ҳақ ёзиб,
Меҳрибоним каъбам энам, хўш энди.

Мен кетарман узоқ йўлларга тушиб,
Сувсиз чўлдин, бейик тоғлардин ошиб,
Рухсат беринг, бизлар билан хўшлашиб,
Элим-куним, халойиқлар хўш энди.

Сайр этарман боғ-боқчангнинг ишқина,
Зина-зина чиқар эрдим кўшкима,
Гавҳарой дер, тушдим ёрнинг ишқина,
Сайр этдигим “Боғи ҳавас” хўш энди.

Алқисса, Гавҳарой сўзини тамом қилди. Ундин сўнг Шерали деди:

-Эй халойиқ, бу йўл беш-ўн кунда тамом бўладиган йўл эмас, энди қолинглар. Шундин сўнг бутун халойиқ хайр-хўшлашиб, шу ердан изига қайтдилар. Шерали, Гавҳарой, Жамол учови йўлга равона бўлдилар.

Булар йўл юриб, йўл юрса-да мўл юриб Ҳамадон шаҳрига етиб келдилар.

Шералининг ёдига Мўминшоҳ тушди. Ул икки қизни эргаштириб қалъа дарвозасининг олдига келиб тўхтади. Буларни дарвозабон кўриб: -Эй йигитлар, не иш билан келдингиз, деб сўради. Унда Шерали:

-Мўмин оғам борми, деб эски танишлардай савол қилди. Дарвозабон бор, деди. Шерали:

-Бор бўлса, чақир бу ерга, деди. Дарвозабон:

-Подшо деган ҳар келган киши олдига **сўмпилдаб** чиқаверадими, сўзинг бўлса менга айт, етказаман. Подшо сен учун ит эмаску ҳар келганнинг олдига қуйруғини ликиллатиб чиқавермакка, деди. Шерали бу сўздан сал қизишмоқчи бўлди. Аммо ўзини босиб деди:

-Менинг сўзим ҳам қўлдаги чўрак, эмас, итнинг олдига отиб кетаверадиган. Сен чақириб келмасанг, менга йўл бер, ўзим бориб хабарлашаман.

-Мен сенга йўл бермайман, деди дарвозабон. Шунда Шерали йўлимдин қоч, деб унга қараб бир ғазал айтди:

Мен бугун кирмишам шоҳнинг ёнина,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.
Гар ўлдирсам раҳмим келар жонинга,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Қаҳрим келар сенинг айтган гапингдин,
Сен яккасан, мен қўрқмайман кўпингдин,
Гар қочмасанг қилич энар тепангдин,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Бургутдек ғижимлаб оларман жонинг,
Тўкарман **пуркитиб** қирмизи қонинг,
Шу бугун ўқилур сенинг иймонинг,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Шоҳ чиқмаса анга сенинг не ишинг,
Вақт ўтса гар фойда бермас койишинг,
Гавдангдин айрилур **кадидек** бошинг,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Далимисан, ёки жинни бўлдингми,
Ёлғончининг жамолидин тўйдингми,
Ажал етиб, ўлишингни туйдингми,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Шерали дер, шукурим кўп Худоё,
Муродимга етиб келдим бу жоё,
Дўст тенгладинг **қопи** кезган гадоё,
Йигит, қочгил, тезроқ менинг йўлимдин.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Дарвозабон бу сўзни эшитиб оёқи олти енги етти бўлиб шоҳнинг олдига бориб:

-Эй карамли шоҳим, қалъа дарвозаси олдида уч отли турибди. Улар орасида бир йигит чиқиб менга **ҳовой-сиёсат** урди. Шоҳ олдимга чиқсин ёки мени ўтказ, деб турибди, деди. Унда шоҳ:

-Қандай одам, қайси халқдин, қайси элдин келган, сўрамадингми, деди. Дарвозабон:

-Мен билмадим, сўрасам айтмади, деди.

Унда шоҳ деди:

-Олдимга юбор, кирсин.

Дарвозабон Шералининг олдига келиб:

-Оға, йўл очиқ, шоҳ олдига кирабер, деди. Шерали тезда ўтиб шоҳнинг ҳузурига келиб, таъзим бирлан салом берди. Шоҳ алик олди. Шоҳ Шералининг юзига боқиб, савол-жавоб қилиб бир ғазал ўқиди:

Шоҳ: Хабар бергил, қайси элдин бўлурсан,
Болам, сени бир инсонга мангзатдим.
Қайси улус, қай манзилдин бўлурсан,
Қўзим, сени бир инсонга мангзатдим.

Шерали: Келишим Исфахон, боришим Табриз,
Баланд тоғдин ошиб келдим, султоним.
Исфахон кечганда мен эдим ёлғиз,
Ишим битиб, жўшиб келдим, султоним.

Шоҳ: Боқдим ўғлим, чала таниб юзингни,
Исфахон ҳам Табриз деган сўзингни,
Ҳамроҳларинг эмас, фақат ўзингни,

Қараб туриб бир инсонга мангзатдим.
Шерали: Ишқнинг дарёсига тушиб ғарқ бўлдим,
Суюн шоҳга бориб, учта шарт олдим,
Қилич билан аждарҳони уч бўлдим,
Сўнг отни бўкчитиб ўтдим, султоним.
Шоҳ: Бир йигит Табриздин келмали эрди,
Биз билан дўст бўлиб кетмали эрди,
Ул йигитнинг оти Шерали эрди,
Болам, сени шу йигита мангзатдим.
Шерали: Исфахоннинг шоҳи шартин буюрди,
Аҳду вафо этиб бизга сўз берди,
Охирида дор остига юбарди,
Дордин бўшаб бунда келдим, султоним.
Шоҳ: **Ёғдой**-аҳволларинг айлагил аён,
Тўғри сўзни тўғри менга қил баён,
Шералими дейиб айладим гумон,
Ўғлим, сени шул йигитга мангзатдим.
Шерали: Тўғрисини айтайин чоқ этиб билдинг,
Бу жойдин ўтганим ёдинга солдинг,
Менинг қиёматлик отам сен бўлдинг,
Кўп ғанимни қириб келдим, султоним.
Шоҳ: Мўмин шоҳ дер, сўнгги сўроғим санго,
Ҳамроҳларинг, ўзинг аён эт манго,
Тўғрисини айтгил, ўғлим отанга,
Болам, сени Шералига мангзатдим.
Шерали: Мен Шерали-Ғариб, Гавҳарой-Санам,
Жамолга ёнимда юр, деди сен ҳам,
Шоҳим сенга тўғрисин дедим мен ҳам,
Гавҳар, Жамол билан қайтдим, султоним.

Алқисса, савол-жавоб тамом бўлди. Ундин сўнг булар бир-бирини таниб қучоқлашиб кўришдилар. Мўминшоҳ деди:

-Аммо Шерали, бу Гавҳаройни олиб қайтиб келаётганга ўхшайсан. Шерали деди:

-Ҳова шоҳим, қушимни қўлимга қўндирдим.

Мўминшоҳ меҳмонларни меҳмонхонага ўтқазиб катта базмни бошлаб юборди. Бу уч меҳмон бул жойда 40 кун дам-тинчини олдилар. Қирқ биринчи куни Шерали деди:

-Йўл эгаси йўлда яхши, деганлар. Бизга рухсат берсанг элимизга кетсак. Шоҳ деди:

-Ўғлим, кетар бўлсанг мендин не кўмак истарсан? Шерали:

-Эй шоҳим менга ҳеч зотнинг кераги йўқ, деб оқ фотиҳа сўради. Шоҳ оқ фотиҳасини берди. Булар яна уч бўлиб йўлга равона бўлдилар. Шу боришда Шералига Али пирнинг дуч келиб, Қушқанотни берган жойига дохил бўлдилар. Шул воқеалар ёдига тушиб, Шерали бир мухаммас ўқиди:

Отим йўлда қолдириб келиб эрдим мен мунда,
Қанча тоғдин, чўллардин ўтиб, эрдим мен мунда,
Юрарга мадор бўлмай ётиб эрдим мен мунда,
Али пирим қўлини тутиб эрдим мен мунда,
Қушқанот тушди қўлга миниб эрдим мен мунда.

Табриздин чиқиб эрдим Исфахонни сўроғлаб,
Ўн тўрт ёшда ёр дейиб, юрагим ишқа доғлаб,
Гавҳарни Лайли дейиб, ўзимни Мажнун чоғлаб,
Бу йўлдин кечиб эрдим кеча-кундуз қон йиғлаб,
Али пирим етишиб ховандор бўлди мунда.

Мен онт ичиб дўнмадим, ишқнинг оғир йўлидин,
Тушимда қирқ чилтанлар шароб берди қўлидин,
Қушқанотим оширдим кўшкнинг ўнгу сўлидин,
Дор остида Хоразмин хабар олди ҳолимдин,
Гавҳарой, Жамол бирлан яна келдим мен бунда.

Шукур, ўлсам дунёда ҳеч армоним йўқ менинг,
Қўлдади чориёрлар, йўлим қилиб оқ менинг,
Уч ой зиндонда йиғлаб бағрим бўлди чок менинг,
Йўлим тушиб келибман кўнглим шукур, пок менинг,
Ёр ҳақда достон тузиб етиб келдим мен мунда.

Доғи дугун армонлар чиққандур бугун тандин,
Кулиб-ўйнаб, **чойлашиб** кечарман яна сандин,
Қизил гулим қўлимда шодлик ортар кун-кундин,
Шерали дер айрилди ғам билан ғусса мендин,
Али пирим бизларга мададкор бўлди мунда.

Алқисса, Шерали мухаммасини тамомлаб, бу жойга тушиб, дам-тинчларини олиб, яна йўлга равона бўлдилар.

Бир куни саҳар чоғи борар эрканлар Гавҳаройнинг юрагига бир ғулғула тушди. У ўйлади:-Мен Исфахондай шаҳардин “Боғи ҳавас” дек оромгоҳдин, 40 каниздин айрилиб мунда келсам, бунинг ҳам бир ёри бўлса...

Шерали қараса, Гавҳарой ўйга чўмиб, ташвишлангандай бўлиб келаётир. Ул тезда алина созини олиб Гавҳаройга боқиб беш калима сўз айтди:

Нега ғамгин кўринарсан,
Дилбарим, не бўлди санго?
Кўнглингда бир гумондасан,
Дилбарим, не бўлди санго?

Йўлларда шод бўлиб кулдинг,
Сужи сўзлаб кўнглим олдинг,

Бугун не бадгумон бўлдинг,
Гавҳарой, не бўлди санго?

Юрак-бағримни доғлама,
Сўзингни ғайри чоғлама,
Кўздин ёш тўкма, йиғлама,
Гавҳарой, не бўлди санго?

Кел, шодланайлик кун-кундин,
Йўқдур ўзга ёрим сендин,
Ё кўнглинг қолдими мендин,
Гавҳарой, не бўлди санго?

Кўтар ниқобинг оч юзи,
Бўйла ёндирма сен бизи,
Ёшлантирма қора кўзи,
Севгилим, не бўлди санго?

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Сўнг Гавҳарой Шералига қараб бир ғазал ўқиди. Шерали жавоб берди:

Гавҳарой: Бир хабар сўрайин тўғрисин айтсанг,
Мендин ўзга севар ёринг бормудир?
Мен хафа бўламан сўзингдин қайтсанг,
Мендин ўзга севар ёринг бормудир?

Шерали: Инонсанг сўзимнинг тўғриси шулдур,
Сендин ўзга оҳу зорим йўқ менинг.
Санам, дилингдаги сирингни билдир,
Сендин бошқа севар ёрим йўқ менинг.

Гавҳарой: Сенинг бирла ишқнинг йўлини очдим,
Ота-онам, элу юртимдин кечдим,
Қанотли қуш бўлиб сен бирла учдим,
Тўғрисин айт, севар ёринг бормудир?

Шерали: Чўл биёбон кечиб бордим изингдин,
Кўнглим инжиладур туҳмат сўзингдин,
Умидим шулмиди Гавҳарой сендин,
Сендин ўзга интизорим йўқ менинг.

Гавҳарой: Мен отам-энамнинг кўнглин олмадим,
Деганин этмадим, сендин қолмадим,
Кўнглинг хаёлини било билмадим,
Мендин ўзга харидоринг бормудир?

Шерали: Атрофингда кездим мен ёна-ёна,
Ўртама, ўт солма, бу ширин жона,
Кўз ёш тўкмак учун топма баҳона,
Сендин ўзга зулфи торим йўқ менинг.

Гавҳарой: Кўнглимда гумоним айтиб синадим,
Ростин эшитгунча ўзим қийнадим,

Пушаймонман, энди сенга инондим,
Гавҳарой дер, бошқа сўзинг бормудир?

Шерали: Шерали дер, сўзинг ўтибдур жондин,
Янгилишиб, сал четлашдинг имондин,
Кўнглингни тозала ул бадгумондин,
Сендин ўзга олма –норим йўқ менинг.

Алқисса, булар савол-жавоб қилиб бўлдилар. Андин сўнг Гавҳарой деди:

-Эй Шерали бегим мен сени синаш учун бу гапларни айтган эрдим ,кўнглингизга олманг, деди. Унда Шерали:

-Тўғрисини айт, Гавҳарой кўнглинга не учун гумон келтирдинг, деб сўради.

Гавҳарой бу гаплардин хурсанд бўлиб, Шералининг бўйнидин қучиб бир ғазал айтди:

Сени синаш учун айтдим бу сўзи,
Мен ёрингнинг йўқлигига инондим.
Ғамгин бўлма, ёрим, ёришсин юзинг,
Ҳақиқий сўзинга **валло** инондим.

Ота-онам, элим ёдимга тушди,
Ақлу ҳушим бари саримдин учди,
Ногоҳ кўнглимни бир бадгумон қучди,
Валло сенинг сўзларинга инондим.

Билмайин мен хато сўзладим сиза,
Инондим мен энди ҳақиқий сўза,

Гинангни қўй, юр кетали Табриза,
Сенинг сўзларингга энди инондим.

Тавба қилдим, айбим кечир, эй **ғўччоқ**,
Хафа бўлма, тўғри берилди сўроқ,
Пиринг ҳазрат Али, минганинг **Буроқ**,
Гавҳарой дер, энди сенга инондим.

Алқисса, булар сўзларини тамомлаб, апоқ-чапоқ бўлиб, кулишиб-ўйнашиб йўлга тушдилар. Улар йўл юриб, оз юриб, мўл юриб Олим шоҳ элининг ҳудудига дохил бўлдилар. Шерали келаётиб отасининг қубурини Гавҳаройга кўргазиб, беш калима сўз айтди:

Табризнинг четига етишдик энди,
Шу гумбаз отамнинг қабри, Гавҳарой,
Табриз узоқ эмас, уч кунлик йўлди,
Шу гумбаз отамнинг қабри, Гавҳарой.

Отларимиз қистаб, ҳайдаб сурали,
Отамнинг қабрини бориб кўрали,

Юргил, Гавҳар зиёратга борали,
Шу гумбаз отамнинг қабри, Гавҳарой.

Шу қабрда қўйдим отам лошини,
Йиғлаб қон оқиздим кўздин ёшимни,
Шу ерда сен ҳақда кўрдим тушимни,
Шу гумбаз отамнинг қабри, Гавҳарой.

Ўн тўрт ёшда Гавҳар мен сени суйдим,
Ёр сенинг ишқингда ўртандим, куйдим,
Ишқнинг не эканин мен энди туйдим,
Шу гумбаз отамнинг қабри, Гавҳарой.

Алқисса, Шерали сўзини тамомлади. Сўнг улар Олимшоҳнинг қабрини зиёрат қилдилар, қуръон-таъбир қилиб, бир неча оят ўқидилар. Шундин сўнг яна йўл юриб Табриз шаҳрига бир кунлик йўл қолганда бир баланд тепалик кўринди. Унга дохил бўлиб устига чиқдилар. Кўрсалар тепа устида бир кал ўғлон бир семиз тўқлини сўйиб кунжи ёғга солиб кабоб қилиб ўтирибдур. Шерали саломлашгандин сўнг ундин сўради: -Эй ўғлон, сен не ерликсан, кимнинг молини боқурсан? Ўғлон деди:

-Мен Табризданман, моллар Нуралибекникидур. Буни эшитиб Шерали деди:

-Эй ўғлон сен Нуралининг молларини боқиб юрган бўлсанг, ҳозир унинг ҳузурига чоп. Бориб унга ининг Шерали Исфахондин келин олиб келаётир, деб суюнчила!

Чўпон ўғлон Олимшоҳнинг бир ўғли узоқ элларга бир қизга ошиқ бўлиб кетибди, деб эшитган эрди. Бу гапни эшитган замон ўғлон шаҳарга қараб **ўкчани** кўтарди. Қалъа дарвозасидин югуриб кириб, шоҳ боргоҳининг олдида туриб, баланд овоз билан Шералининг келганини суюнчилаб бир ғазал ўқиди:

Нуралибек, чиқ қопинга,
Суюнчи бер, ининг келди!
Кўнглингдагин чиқар манга,
Суюнчи бер, ининг келди!

Аниқ жавоб олдим андин,
Хабарин юбарди мандин,
Бир ёр билан Исфахондин,
Суюнчи бер, ининг келди!

Бейик-бейик тоғдин ўтиб,
Ҳар алинда бир гул тутиб,
Мурод-мақсадина етиб,
Суюнчи бер, ининг келди.

Айтсам хабарим соз бирлан,
Қиш кечиб баҳор-ёз бирлан,

Ёнида икки қиз бирлан,
Суюнчи бер, ининг келди!

Бейик-тоғдин оша-оша,
Жайхун каби тоша-тоша,
Келиб тушди бизнинг қўша,
Суюнчи бер, ининг келди!

Суюнчилаб келдим санга,
Зиёда кал дерлар манга,
Қулоқ қўйғил ушбу **ҳанга**,
Суюнчи бер, ининг келди!

Алқисса, бу ўғлоннинг оти Зиёда кал эркан. Ул келиб Шералининг қайтиб келганидин Нуралига хабар берди. Бу хабарни эшитиб Нурали унга деди: Эй кал, гапнинг ростми, ёлғонми, агар ёлғон бўлса, минг жонингдин бир жонингни қўймасман. Сен унинг келганини кимдан эшитдинг. Бизнинг қўшда, дейсан, гўё кўриб келгандек. Шералини Суюн шоҳ дорга осди деб карвонлар бизга хабар бериб ўтганига қанча вақт бўлди.

-Гапим рост, юринг ишонмасангиз, деди Зиёда кал. Шундин сўнг Нурали, Пирали, Доно мулла ва бошқа хеш-ақраболар Шералини кутиб олиш учун йўлга чиқдилар.

Булар келаверсин, энди хабарни Шералидин эшитинг. Гавҳарой бирлан Жамол эркак либосларини ечиб, ўз кийимларини кийдилар. Шул вақт кутиб олувчилар етиб келди, қучоқлашиб кўришдилар. Нурали уйланган экан. Унинг хотини Гавҳарой билан Жамолнинг қўлидин тутиб келин-қизлар орасига қўшди. Бўлиб кетди бир шод-хурсандлик, ола қийғос қувонч. Шул вақт Пирали Шералига қараб бир ғазал ўқиди:

Соғинганим кенжа иним Шерали,
Соғ-саломат, омон-эсон келдингми?
Топдингми муродинг, сендин сўрали,
Соғ-саломат, омон-эсон келдингми?

Ишқ йўлина тушдинг ўн тўрт ёшингдин,
Қанча воқеалар кечди бошингдин,
Табризни сел олди кўзим ёшидин,
Омон-эсон, соғ-саломат келдингми?

Орада бир карвон хабаринг берди,
Бу шум хабар юрагимга тиғ урди,
Деди: ининг дор остида жон берди,
Кенжа иним, соғ-саломат келдингми?

Деди: ининг чоҳга бостирди Суюн,
Деди: ининг дорга остирди Суюн,

Деди: ининг бошин кестирди Суюн,
Ёлғон эркан, соғ-саломат келдингми?

Кимлар зиён берди юрган йўлинга,
Кимлар тузоқ қўйди ўнгу сўлинга,
Лочин қушинг тушган экан қўлинга,
Эмакдошим омон-эсон келдингми?

Пирали дер, шукур этайин Ҳаққа,
Ёлғиз кетиб, қайтиб келмадинг якка,
Гавҳарой азобин кўп чека-чека,
Жамол қиз ҳам бизнинг учун келдими?

Алқисса, Пиралибек сўзини тамом этди. Кейин Шерали ҳам эл-халқининг олдида созини қўлига олиб, қай аҳволда Гавҳаройни олиб келган саргузаштларини баён этиб, бир абёт ўқиди:

Бошдин ўтганларни баён айлайин,
Бейик-бейик тоғдин ошдим, ёронлар,
Минган отим йўлда қолди, найлайин,
Али пирга мен учрашдим, ёронлар.

Қушқанотни бериб, қилич тут, деди,
Соғ-саломат муродинга ет, деди,
Ўлар вақтда бизни айла ёд, деди,
Телба кўнглим қайтиб-жўшди ёронлар.

Юриш этдим узоқ йўлга отланиб,
Кўнгил жўшди юракларим **бодланиб**,
Борар эрдим бир майдонда шодланиб,
Бек ўғлонбек қарши тушди, ёронлар.

Бек ўғлибек минди шундай хаёла,
Саксон отлиқ қилич туташиб қўла,
Солар бўлди мени оғир аҳвола,
Бошариб билмади қочди, ёронлар.

Ғанимларни оч бўридай ҳуркиздим,
Ҳамадон шоҳига кучим кўргиздим,
Мўмин шоҳнинг ўйи-фикрини буздим,
Гавҳарой ишқига тушдим, ёронлар.

Шу мақсадда юриб Исфахон бордим,
Суюн шоҳ олдида арз этиб турдим,
Тўққиз таъзим қилиб, саломим бердим,
Шоҳ маҳв этишга тушди, ёронлар.

Фалак бизга анча ишлар қайирди,
Шоҳим бизни аждарҳога буюрди,
Барча халойиқлар қарашиб турди,
Кўнглимда хаёлим жўшди, ёронлар.

Мадад тилаб Яратганнинг ўзидин,
Қилич урдим аждарҳонинг кўзидин,
Қон оқиздим Сафар тоғнинг дузидин,
Аждар ўзи ётган лошди, ёронлар.

Сўнгра кетдим Пирназарнинг изидин,
Бориб, хабар олдим Сулгун қизидин,
Курашдик биз рухсат сўраб ўзидин,
Али пирим қувват қўшди, ёронлар.

Уч кун тинмай сардор билан курашдим,
Сўнг Хоразмин билан ёр-дўст киришдим,
Сардорнинг лашкари бирлан урушдим,
Бариси қора ер қучди, ёронлар.

Пирназарни тутиб шоҳга келтирдим,
Сўнгра отим кўшк устидин бўктирдим,
Шоҳнинг барча шартларини битирдим,
Шоҳ хаёли ҳаддин ошди, ёронлар.

Шоҳимардон банд айлади йўлими,
Рақиблар **ол** билан тангди қўлимни,
Шоҳ қирқмоқ истади умр гулими,
Шундай бад хаёла тушди, ёронлар.

Бошим ғамда уч ой зиндонда ётдим,
Ғам-ғусса, кулфату ҳасратга ботдим,
Не бўлса-да, ишқнинг йўлин берк тутдим,
Тақдир дор тагига тушди, ёронлар.

Рақиб бад айлади менинг ишими,
Жаллодлар олдилар дегра-дошими,
Гавҳарой мени деб тўкди ёшини,
Қийшиқнинг шодлиги жўшди, ёронлар.

Отини ўйнатиб Хоразмин етди,
Дўстлик ваъдасини ул маҳкам тутди,
Дор ипин қиличлаб, шоҳни мот этди,
Рақибларнинг ақли чошди ёронлар.

Савашганда икки дўған тенг турдик,
Ғаним калласини қиличлаб қирдик,
Устун келиб Суюн шоҳни қочирдик,
Тахтидин, бахтидин кечди, ёронлар.

Хоразмин, Пирназар кетди йўлина,
Шоҳнинг тожи-тахтин бердик алина,
Шералибек талвас этиб элина,
Бугун келиб сизни қучди, ёронлар.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Шундин сўнг тўй-базм, шодиёналик бошланиб кетди. Шаҳарга бориб 40 кеча кундуз тўй-томоша давом этди. Доно мулла Шерали бирлан Гавҳаройга никоҳ қийди. Шерали оғаси Пиралига Жамолни никоҳлаб берди. Тўйни яна йигирма кеча-кундуз давом эттирдилар. Шу тахлитда 60 кеча-кундуз тўй-томоша бўлди. Курашбозлар кураш тутди, қўчқорбозлар қўчқор уриштирди, мерганлар олтин қовоқ отдилар. Дарвозлар дор ўйнади, машшоқлар нағма-соз этди, гўяндалар достон айтди. Масхарабозлар эл-халқин кулдирди. Бу шодиёнадин Шералининг вақти хуш бўлиб, бир абёт ўқиди:

Бу ёлғончи, кўҳна фоний дунёнинг,
Жафосини чекдим, армон қолмади.
Кел, кўнглим, қийнама, бу азиз жонни,
Ҳар кеча қийнадинг, армон қолмади.

Чекдим бу дунёнинг жабру жафосин,
Энди сурсам керак кайфу сафосин,
Гавҳарой бузмади аҳду вафосин,
Ишқ йўлида ҳеч бир армон қолмади.

Қушқанотим кўшк устидин учирдим,
Қиличимни аждарҳодин кечирдим,
Суюн шоҳни Исфахондин қочирдим,
Кўҳна дунё сенда армон қолмади.

Қанча-қанча қўшин бирлан савашдим,
Муродимга етиб тоғлардин ошдим,
Қариндошу эл-кунима қовушдим,
Ёронлар, дунёда армон қолмади.

Алқисса, Шерали сўзини тамом қилди. Шерали бирлан Гавҳарой муроду мақсадларига етдилар. Худоё табораки таоло ҳамма мўминларни ҳам муроду мақсадига еткурсин. Омин Оллоҳу акбар. Тамматул китоб баавни маликул ваҳҳоб.

“САЁДХОН ВА ҲАМРО”

Озарбайжон юртида ошиқ Аҳмад, ошиқ Мамад деган икки киши бор эди. Ошиқ Аҳмад билан ошиқ Мамад иккисининг ҳам боласи йўқ эди. Кунлардан

бир кун иккиси шикорга чиқди. Шикорга чиқиб иккиси бир жойда дам олиб ўлтирдилар. Ул вақтда ошиқ Аҳмад айтди: ошиқ Мамад сенинг ҳам фарзандинг йўқ, менинг ҳам фарзандим йўқ. Иккимиз бир ваъда қилайлик, бир-бировимизнинг ўғли-қизимиз бўлса бир-бировимизга бермали бўлайлик, деб иккиси ваъда этиб, сўз беради.

Кунлардан бир кун Ошиқ Аҳмаднинг бир ўғли бўлди, унинг отини Ҳамро қўйдилар. Ошиқ Мамаднинг бир қизи бўлди, унинг отини Сарви қўйди. Иккиси кунлардан бир куни етти ёшига етдилар. Етти ёшига етганда иккисини мактабга бердилар. Булар ўн саккиз ёшига етдилар. Ҳамрога Сарвини тўё-томоша қилиб бердилар. Ҳамро юраверди, кунлардан бир кун туш кўради, тушида Саёдхон кўринади. Саёдхонни кўриб Ҳамро қаердалигини билмай касал бўлади. Касали ўтишаверади. Шул вақтда Рум шаҳридан бир савдогар келиб ошиқ Аҳмадникида бўлади. Савдогар Ҳамронинг ҳуснини кўриб жуда ҳайрон бўлади. Савдогар ошиқ Аҳмадга айтади:

-Дўстим ошиқ Аҳмад, сен бу ўғлингнинг тенгини топиб олиб бердингми? Сен келинингни назаримга олиб кел, мен бир кўрай. Ошиқ Аҳмад келинини савдогар дўстининг ёнига олиб келди. Савдогар дўсти:-сен ўғлингнинг тенгини топиб олмабсан, Рум шаҳрида Маматхон деган бир подшо бор. Унинг Саёдхон деган бир қизи бор, Қизил олма деган жойда қирқ таноб боғи бор, тўқсон газ кўшки бор, қирқ канизи бор. Мудомо шу боғининг ичида қирқ канизи билан завқу сафо суриб ётибди. Шу қизни ўғлинга олиб бер, деди. Шу пайтда Ҳамро бу қизни қаерда эканлигини билмай касал бўлиб юрган эди. Ҳамро буни эшитиб кетарман бўлди. Ҳамронинг Сарви ёри мулласининг ёнига борди. Ҳамро кетмакчи деб, мулласига қараб тавалло этиб бир сўз айтди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Бизни ёр кетмали бўлди.
Сийнамни қўйдим йўлида,
Босибон ўтмали бўлди.

Аввало мени шод этиб,
Дўсти душманни от этиб,
Охирда яна ёт этиб,
Ҳамрожон кетмали бўлди.

Кўринглар ёрнинг ишини,
Оқизиб кўздан ёшини,
Ўзга юртларга бошини,
Олибон кетмали бўлди.

Юзимни дўндириб ёса,
Кўҳна дардим бўлди тоза,
Қон йиғлатди Сарвиниёзи,
Бизни ёр кетмали бўлди.

Шул вақтда мулла бориб Ҳамрога тавалло этди. Ҳамро алина соз олиб бир сўз айтди:

Мен кетарман энди мундин бош олиб,
Бир парининг савдосина тушибман.
Бағрим эзиб кўзларима ёш олиб,
Хон парининг савдосина тушибман.

Ошиқ бўлган ақлу ҳушин олдирар,
Дўст йиғлатиб, душманларни кулдирар,
Оға беклар бу дард мени ўлдирар,
Ёр парининг савдосина тушибман.

Ошиқ Ҳамро ошиқлиқнинг йўлинда,
Сўналар ғарқ ўлур чашмим кўлинда,
Бош қўйибман Саётхоннинг йўлинда,
Шул парининг савдосина тушибман.

Шул вақтда Сарви Ҳамронинг кетажагини билиб, Ҳамронинг кетар йўлида қора кийиб, мотам тутиб, йиғлаб ўлтираверди. Ҳамро кўрса ўзининг ёри. Ҳамро айтди: бунга бир кўнгиллик бериб кетайин, деб алина соз олиб, ёрига қараб бир сўз айтди:

Юзингни дўндирма, читма қошингни,
Кел-ҳо, Сарвим, сен кийинма қорани.
Хумор ола кўздан тўкма ёшингни,
Кел-ҳо, нозлим, сен кийинма қорани.

Сарҳовуз бошина доллар ярашур,
Оқ юзинга қора холлар ярашур,

Қора кийма санго оллар ярашур,
Кел-ҳо, Сарвим, сен кийинма қорани.

Ўзинг бир подшосан тахтингда бордур,
Магар сабр қилсанг бахтингда бордур,
Қора киймак сенинг ҳаддингда бордур,
Кел-ҳо, ёрим сен кийинма қорани.

Не сабабдан айтган сўзим унутдинг,
Тириклайин менинг азамни тутдинг,
Ҳамронинг ўлганин сен қабул этдинг,
Кел-ҳо, ёрим, сен кийинма қорани.

Ҳамро бу сўзни айтиб, Рум шаҳри қайдасан, деб бадар кетди. Ҳамро уч кеча-кундуз пиёда юраверди. Ошиқ Аҳмад уйида ўтириб ўйланди: -Бу ўғлимнинг танҳо бир ўзи ул юртларга кетди. Ошиқ Аҳмад ўйлади: “Бу йўлларда на яхшилик, на ёмонлик бор, қандай бўлса ҳам ўғлим билан кетайин”, деб ошиқ Аҳмад икки от топиб, озиқларини олиб, отнинг бирини миниб, бирини етаклаб, уч кун от қувиб Ҳамронинг изидан етди. Ҳамрога тавалло этди, Ҳамро тингламади. Ошиқ Аҳмад ҳам Ҳамро билан кетаверди. Булар бир

неча кун йўл юрди. Булар чўлу биёбонларда кетиб бораётир эди. Буларнинг суви йўқ бўлди. Ошиқ Аҳмад айтди: Ўғлим, Ҳамрожон, сен шул ерда отларни ушлаб тур, мен бир сув топиб келайин, деб ошиқ Аҳмад мешини олиб бироз йўл юрди. Ошиқ Аҳмад шу вақтда бир ёқдан бир итнинг сасини эшитди. Ошиқ Аҳмад шу итнинг саси чиққан ёққа қараб жўнайверди. Ошиқ Аҳмад бироз йўл юриб, бир тепанинг бошига чиқиб қараса, узоқдан бир чашма ошиқ Аҳмаднинг кўзига ялтираб кўринди. Чашманинг бошига келиб, сув ичиб, мешини тўлдириб ўлтирган вақтида кунчиқар тарафдан бир бўлак қизлар соллонишиб сувга келаверди. Ошиқ Аҳмад қараса буларнинг ичида бир қиз бор, ўн тўртдан ўн бешга қадам қўйган, ўн тўрт кечалик ой каби, бир кечанинг қори каби, зулфларини ёйиб, маст бўлиб, барқ уриб келаверди. Ошиқ Аҳмад бу қизга зеҳн этиб қараса, бу қизнинг сочининг ҳар ён тарафи қирқ бештадан ўрилган, ўзи оқдан келган қиз экан. Ошиқ Аҳмад бу қизга ишқи кетиб, унга қараб бир сўз айтди:

Чашмасидан мис кўзасин тўлдирган,
Сўнали қиз бобонг билан кел, таниш.
Ошиқин ўлдириб, яна жон берган,
Мамали қиз бобонг билан кел, таниш.

Соллона-соллона келдинг ёқиша,
Икки маманг бир-бирина қоқиша,
Кўзим тушди оқ юздаги нақша,
Сўнали қиз бобонг билан кел, таниш.

Мис кўзани кўтарибсан долинга,
Қурбон ўлам оқ юзингда холинга,
Лабим қўйсам лабингдаги болинга,
Сўнали қиз бобонг билан кел, таниш.

Узоқ йўлдан келдим мен ҳам ғойбона,
Сени кўрган боқмас ҳуру ғилмона,
Ошиқ Аҳмадни сен келтирдинг омона,
Сўнали қиз бобонг билан кел, таниш.

Ошиқ Аҳмад бу сўзларни айтди, ул қизнинг қаҳри келиб: -Эй бобо, сен шунча соқолингнинг оқи билан шу сўзларни менга айтмоққа уялмайсанми, деди. Ул қизнинг оти Хон пари эди. Ул қиз ҳам Ошиқ Аҳмадга қараб бир сўз айтди:

Тарокаман ошиғи қайдин келарсан,
Оллони севарсан мандин ал кўтар
Чор тарафдан неча хабар берарсан,
Оллони севарсан мандан ал кўтар.

Бобо сенинг аччи-аччи сўзинг бор,
Тошдан қаттиқ, темирдайин юзинг бор,

Менингдайин келининг бор, қизинг бор,
Шуларни севарсан, мандан ал кўтар.

Хон пари дер, чўх савдога тушибсан,
Эътиқодинг кимлар билан қўшибсан,
Магар қартайибсан, йўқса чошибсан,
Оллони севарсан, мандан ал кўтар.

Ошиқ Аҳмад:-Ал кўтар-пал кўтар билан ўзинг бой бўлабер, деб қизни тишлаб ўпаверди. Қизларнинг қаҳри келиб ошиқ Аҳмадни йиқиб устидан босиб урдилар. Ошиқ Аҳмад эсанкираб қолди. Қиз мис кўзасини кўтариб қочди. Ошиқ Аҳмад ўрнидан туриб, чўгирмасини чўп-чорини қоқиштириб, ул қизнинг изига тушаберди. Қиз бир тепадан ошиб ўтиб кетди. Ошиқ Аҳмад шу тепага бориб қараса, узоқдан бир чорва элати кўринди. Ошиқ Аҳмад ўйланди: ман у ерга бормайин, деб чашманинг бўйига келди. Мешни олиб, йўл юриб Ҳамронинг ёнига келди. Ҳамрога айтди: Ўғлим, Ҳамрожон шул ерда бир қиз бор экан, сен Саёдхон дейсан, Саёдхон унинг қўлига сув ҳам қуяолмайди. Шунинг юртига бор. Соз чертиб бир йўллар билан сенга шу қизни олиб берайин. Ҳамро ризочилик бермади. Ул вақтда иккиси икки отни миниб, мешни олиб Рум шаҳри қайдасан, деб кетавердилар. Булар бир неча кун йўл юрди, бир неча кун чўл юрди. Кунлардан бир кун хуфтон вақтида бир чўпонларнинг қўшина бордилар. Ётдилар, тонг отди, кун чиқди. Ошиқ Аҳмад айтди: Эй чўпон жўралар, бу ёқдан чиққан кун қадимдан ўзларимизнинг кунимиз. Кун ботардан чиққани нимадир?

Ул вақтда чўпонлар айтди: -Бу чиққан кун эмас, Рум шаҳрида Маматхон подшо деган подшо бор. Қизил олма деган ерда қирқ таноб боғи бор, тўқсон газ кўшки бор, сар ҳовузи бор, қув ва ғози бор, қирқ канизи бор, Саёдхон деган қизи бор. Шу боғнинг пахсаларига, кўшкларига олтиндан, кумушдан сув берилган, кун билан чақилишиб турган шунинг шуъласидир. Уни эшитиб, икки отни миниб ота-бола боғ ёнига келдилар. Булар қараса, қирқ таноб боғ, уни уч айланиб дарвозасини топдилар. Қарасалар, шул вақтда бир бўлак қизлар суҳбатлашиб келаверди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Ўғлим Ҳамрожон: сен шу қизларга бир ашула айтсанг сенинг Саёдхон ёринг шуларнинг ичинда бордир. Ул вақтда Ҳамро айтди: -Менинг Саёдхон ёрим кўча кезиб юрмас, у боғида бўлар, боғчада бўлар. Мен буларга созимни, сўзимни зоя этмайман. Ошиқ Аҳмад айтди:-Сен айтмасанг айтма. Қарисам ҳам ўзимда бир-икки оғиз сўз топилар, деб ошиқ Аҳмад алина соз олиб, қизларга қараб бир сўз айтди:

Неча алвон дўнмиш юз турли боғлар,
Боғларнинг сафоси ёз билан келар.
Бир бўлак парилар чиқмиш сайрона,
Соллона-соллона ноз билан келар.

Парим кўксингдаги қўша юмурлар,
Кўксингни кўрмасам таним жимирлар,
Бағдод ўлкасиннан тўти-қумрилар,
Алар ҳам юз турли соз билан келар.

Қизил гулни даста-даста теранлар,
Хабар беринг, ёр жамолин кўранлар,
Ошиқ Аҳмад айтур, ёрим эранлар,
Ҳар қулнинг олдига ёзилан келар.

Бу қизлар бу сўзни тингламасдан кетаверди. Ошиқ Аҳмад боғни уч айланди, киришига илож топмади. Бир вақтда майдондан бир солма чиқди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Ўғлим, Ҳамро, сен шу ерда отларни ушлаб турсанг, ман шу тўнгуртқадан боға ўтиб, бу боғда не яхши, не ёмонлиқ бор, шуни билайин. Ул вақтда Ҳамро айтди: -Ота, сен ошиқмисан, ё мен ошиқ бўлиб келдимми? Ошиқ Аҳмад айтти: -Ошиқ-пошиқингни билмайман, боғга мен кираман. Ҳамро айтти: -ман кирурман. Иккиси қилди жанжал ул вақтда Ошиқ Аҳмад айтти:-Ўғлим Ҳамро, иккимиз кураш тутамиз қайсимиз йиқсак, шумиз боға кирамиз. Бул вақтда отаси, боласи иккиси кураш тутди. Ошиқ Аҳмад Ҳамрони йиқди. Ҳар ким йиқса йиққан киради, деб ошиқ Аҳмад тўнгуртқага бошини тиқди, сиғмади. Ҳамро айди:-Пахсадан ошиб ўтинг, мен тўнгуртқадан ўтаман. Ошиқ Аҳмад қайтадан ечиниб тўнгуртқага ўзини урди. Тутила-интила тўнгиртқадан боға ўтди. Шул вақтда Ҳамро усти бошларини ташлаб ошиқ Аҳмад усти бошларини кийиб боға қараб юриш қилди. Ошиқ Аҳмад боға кирса, гуллар очилиб, булбуллар сайраб, пахтаклар сайраб, қумрилар нақши маъво ўқиб, булоқлар ҳар тарафга оқиб, боғнинг ичи гулу гулзор, гўё фасли баҳор бўлиб, Ошиқ Аҳмаднинг ичи оч эди. Ошиқ Аҳмад айтди: -Олмалар пишиб, тагига тўкилиб ётибди. Ошиқ Аҳмад бироз олмаларни териб, қурт-қумурсқасига қарамай еди. Сўнг юқорига қараса шохаларда олмалар пишиб турибди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Водариғ, мен пастдаги қурт-қумурсқали олмаларни едим. Энди юқорига чиқиб еяйин, деб олма шохасига чиқиб, тортиб, эгилтириб синдирди.

Кейин тушган олмаларни бир ерга уйди. Кейин олмаларни ейишга машғул бўлди. Қурсоқи тўйди. Ейишга жой қолмади. Охири олмаларни сувини сўриб мағзини пуркиб ташлади. Ул пайтда Саёдхон тўқсон газ кўшкининг устида бу кишининг қилган ишларини кўриб турди. Саёдхон 40 канизига буюрди.-Ҳозир боға бир хўжа киши келди. Шу кишини тутиб, менинг ёнимга келтиринг! 40 каниз боғни бирин-бирин қидириб, бир вақт Ошиқ Аҳмадни топиб, Саёдхоннинг ҳузурига келтирди. Саёдхон айтди: -Эй хўжа киши, у юртларда оқ соқол бувани хўжа киши дер экан. –Бува, сен боға кирдинг, олмани единг, шохасини синдирдинг, у не қилганинг? –деб Саёдхон Ошиқ Аҳмадга қараб бир сўз айтди:

Хўжа киши гуноҳинга қойилсан,
Нечук тердинг, олмаларни боғимнан?
Гўзалларнинг жамолина мойилсан,
Нечун тердинг, олмаларни боғимнан?

Ўз-ўзингнан қасд айладинг жонинга,
Додинг етмас бекларинга –хонинга,
Буюрсам канизлар бўёр қонинга,
Нечун тердинг, олмаларни боғимнан?

Эранларнинг йўлин гулзор этмадинг,
Бобо сен ўзинга назар этмадинг,
Қаҳр-ғазабимдан нега қўрқмадинг,
Нечун тердинг, олмаларни боғимнан?

Саёдхон пари бир шоҳи хўбондир,
Кулиб-ўйнамоққа ширин забондир,
Урарман, сўкарман ҳукмим равондир,
Нечун тердинг, олмаларни боғимнан?

Ул вақтда Ошиқ Аҳмад айтди: -Бизнинг юртда ҳам бундай боғлар бор. Ул боғларга кирган кириб, еган еб юрибди. Мен шундаймикан, деб боға кирдим. Бизлар бу юртга келиб билдик. Бир шоханинг минг эгаси борлигини бизлар билмадик.

Саёдхон айтти:-Сен гапингни топдинг. сен қўлинга соз олиб юрибсан, не касбинг бор? Ул вақтда Ошиқ Аҳмад Саёдхонга қараб бир сўз айтди:

Ошиқ лола келмиш боғ орасина,
Оройиш айлади будоға олма.
Боғ эгаси дегил, боғбон дегилам,
Истасам еганим будоғи олма. (узилган)

Ундан кейин туриб Саёдхон айтди:-Сенинг сўзингнан нуқат чиқади, шуни айтиб бер. Ул вақтда Ошиқ Аҳмад айтди: -Нуқат пуқатингни билмайман, билсангиз сиз айтинг. Саёдхон айтди: Мен айтсам Калпи деб бизнинг юртда итни айтади. Сен ит бўлиб бизнинг қопида ястаниб ётмоқни кўнгиллайсиз. Ул вақтда Саёдхон канизларга буюрди: бу кишини ура-ура ўлдиринг, ўлигини келтиринг, деган пайтда Ошиқ Аҳмад айтди:-Менинг яна бир сўзим бор, шу сўзим қонқози бўлсин, деб бир сўз айтди:

Бугун санго бир гуноҳлик айлайин,
Бир неча термишам олма боғингда.
Гуноҳкорам гуноҳимни билмадим,
Ўлдириб қонима қолма боғингда.

Кўзингни мангзатдим олғир лочина,
Ҳар бир холинг тегар Чину мочина,
Муродим бер, кирдим боғинг ичина,
Бул ғариб жонимни олма боғингда.

Ошиқ Аҳмад айтур чўхдир гуноҳим,
Тилагимни бергай зилли илоҳим,
Илтимос айликўр парилар шоҳим,
Парвонадай ўта солма боғингда.

Ул вақтда Саёдхон айтди: -Бу гапингдан яна нуқат чиқади. Бунга маъно бер. Ошиқ Аҳмад айтди: -Маънисини ман билмайман. Ул вақтда Саёдхон айтди: -Сен билмасанг, мен биламан.-Қани билсанг айтиб бер. Саёдхон айтди: Кўзингни мангзатдим олғир лочина дейсан, бу гапинг тўғри. Ҳар бир холинг

тегар Чини мочина, дейсан, дунё юзинда Рум шаҳридан катта шаҳар йўқ. Ҳар бир холимни шунга ҳам бермажакман. Яна: муродим бор кирдим боғни ичина, дейсан. Мурод деб бизда улуғ жойни айтади. Сен бизни олмоққа келгансан, кейнингда ўғлинг ё ининг борми, эй хўжа киши тўғрисини айта беринг. Ошиқ Аҳмад айтди: Ўғлим ҳам иним ҳам йўқ. Танҳо бир ўзим. Саёдхоннинг қаҳри келиб канизларга буюрди: токи айтгунча уринг, деб. Қирқ каниз Ошиқ Аҳмадни таёқни тагина ола берди. Ошиқ Аҳмад таёққа чидамай боға қараб қочди. Қирқ каниз кейинидан қувлайверди. Ошиқ Аҳмад ҳовлиқиб ўзини бир эшикка урди. Кирса ул ҳам ўз олдига йигирма таноб узум боғи экан. Ошиқ Аҳмад у ёққа қараб қочди, бу ёққа қараб қочди, бир вақт сурникиб йиқилди. Канизлар ошиқ Аҳмадни тутиб яна таёқнинг тагина ола берди. Жаҳон каниз айтди:-Сизлар бунинг йўлини топмай турибсизлар. Буғдой пишганда қирқиладиган навқан нартидан бир чўп-бир чўп келтиринглар. Мен сизларга уни сўзлатиб бераман, деди. Бир каниз бориб бир қучоқ навқаннинг нартини олиб келди. Икки каниз Ошиқ Аҳмаднинг бошини босди, икки каниз оёқини босди. Ошиқ Аҳмаднинг қорнини усти билан тийдираверди. Ошиқ Аҳмад таёққа чидай олмай, дод ўғлим бор, деб қичқираверди. Канизлар уни Саёдхоннинг ёнига олиб келдилар. Саёдхон айтди: -менга не гапи бор экан? Канизлар айтди: Мунинг ўғли бор экан. Саёдхон айтди:-ўғлинг борми! Ошиқ Аҳмад айтди: -Ҳа бор. Саёдхон айтди:-Ўғлинг бўлса мунда чақир! Ошиқ Аҳмад “Ажаб бўлғай”, деб Саёдхоннинг кўшкининг ёнида туриб ўғлига қараб бир сўз айтди:

Кел болам, сени истарлар,
Истагинг боғда экан, боғда.

Дарди балонг мен олайин,
Саёдхон боғда экан, боғда.

Моҳи мунаввардур юзи,
Ширидур шакардан сўзи,
Маматхон пошшони қизи,
Жалаб қиз боғда экан, боғда.

Суҳбати бор созлар билан,
Ўрдаги бор ғозлар билан,
Бир бўлакча қизлар билан,
Саёдхон боғда экан боғда.

Сийнаси доғларни қори,
Мамаси Ҳиндистон пори,
Қирқ инжа қизнинг сардори.
Истагинг боғда экан боғда.

Кел Аҳмад уйгин Оллоға,
Юзинг дўндар қиблагоҳа,

Ҳамрожоним, киргил боға,
Истагинг боғда экан, боғда.

Шул вақтда Ҳамро бу сўзни эшитиб, дарвозага қараб юриш бошлади. Шул вақтда ошиқ Аҳмад Саёдхоннинг ёнина келди. Саёдхон айтди:-Ўғлингни қичқирдингми? Ошиқ Аҳмад: -ҳа қичқирдим. Саёдхон:-Ундай бўлса канизлар, боғнинг дарвозасини очинг, дегандан қирқ каниз бориб боғнинг дарвозасини очди. Очиб кўрса Ҳамро от устида туриб дарвозани қоқиб турган экан. Жаҳон каниз Ҳамрони қўрқизмоқчи бўлиб, алига соз олиб бир сўз айтди:

Бу боғнинг сайёди кўпдир,
Овлаюрлар ўғлон сани.
Ушбу чаманлар қуридир,
Овлаюрлар ўғлон сани.

Манинг бу пандимни олсанг,
Оқ қўлинг бўйнима солсанг,
Адаб билан бўса берсанг,
Қўллаюрман ўғлон сани.

Отимни десам Жаҳона,
Фаҳм айла яхши-ёмона,
Саҳар вақти бир зиндона,
Солдирурман ўғлон сани.

Ул вақтда Ҳамро Жаҳон канизга қараб бир сўз айтди:

Бир қиз билан бир келиннинг,
Зулфи ёноқина душар.
Тақиниб ҳайкал тумоғи,
Ҳардам қучоғина душар,

Бу боғларнинг гуллоласи,
Чўл даштларнинг қандоласи,
Ширинниинг оҳу ноласи,
Фарҳоднинг доғина душар.

Манинг кўнглим қайнаб-жўшмас,
Ишқнинг ўтина туташмас,
Ҳамро ўзга ерга тушмас,
Ёрнинг ўтоғина душар.

Жаҳон каниз ўйландики, Саёдхонни кўрмагунча бўлмай турган бўлди. Канизлар Ҳамронинг отини жиловлаб Сайёдхоннинг назарига олиб келди. Саёдхон айтди:-Ошиқ Аҳмад, шулми сенинг ўғлинг?-Ҳа, бале, шул.

-Ўғлинг соз билурми?
-Сал-пал билур.
-Сўз билурми?
-Кам-кам билур.

Ундай бўлса бизга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсин. Ул вақтда Ҳамро айтарман бўлди. Ошиқ Аҳмад ўғлига айтди: хабардор бўлиб айт. Бунинг кейнида нуқат-нуқат деб тутадиган жанжал касали бор.
Ул вақтда Ҳамро айтди: Мен нуқат-пуқатини билмасман, деб алина созини олиб Сайёдхона қараб бир сўз айтди:

Ажаб боға кирдим боғбон туймади,
Кўзларим соташди ёр олмасина,
Гуноҳкорам, гуноҳимни билмасман,
Ал узатсам етмас ёр олмасина.

Холли бўлар зулфинг бўёғи найлар,
Хор сапалар зулфинг бўёғи найлар,
Мушкулга бол ўлди бўёғи найлар,
Шодек муродим бор ёр олмасина.

Булбулнинг кезгани боғ яхши керак,
Бутун ошиқлара ёр яхши керак,
Жами ошиқлара қиз яхши керак,
Ҳамронинг каж бахтин ёр олмасина.

Ул вақтда Саёдхон айтди: Санинг бу гапингдан нуқат чиқади, маъни бер. Ул вақтда Ҳамро айтди: Айт деган ўзинг, черт деган ўзинг, мен маънисини билмайман. Агар билсангиз сиз айтинг, деган вақтда Саёдхон айтди: Мен айтсам, шодек муродим бор ёр олмасина дейсан, шо дегани бир кўкча қуш бўлади. Сен ўзингни қуш этиб, бизни олма этиб, емак экан хаёлинг. Эй канизлар, йигирманг отасини, йигирманг ўғлини ура-ура ўлдиринг ўлигини кўминг, ҳеч ким билмасин, деди.

Йигирма каниз ошиқ Аҳмадни таёқнинг тейина олаверди. Ошиқ Аҳмад таёққа пишган қорнини қашиб ёта берди. Ҳамро таёқдан қўрқиб канизларга ёлбориб бир сўз айтди:

Оғалар қоши қаронинг,
Дод алиннан, дод алиннан.
Сиё зулфи чор поранинг,
Дод алиннан, дод алиннан.

Қоши кўзи сузуклининг,
Ўн бармоғи юзуклининг,
Аллари билакузуклининг,
Дод алиннан, дод алиннан,

Қиё-қиё боқишлининг,
Жоним ўтга ёқишлининг,
Ўн бармоғи нақшлининг,
Дод алиннан, дод алиннан.

Қоғоздан юпқа юзлининг,

Шириннан шакар сўзлининг,
Дол бўйли, жайрон кўзлининг
Дод алиннан, дод алиннан.

Ул вақтда канизларнинг унга раҳми келиб, Саёдхондан Ҳамронинг гуносини тилади. Саёдхон Ҳамронинг гуносини зўрдан ўтди. Ул вақтда Ҳамро алина соз олиб, Саёдхонни хушомадлаб бир сўз айтди:

Бир салотин бўйлим, сарви санобар,
Лабларингда сўзинг шакар бол ўлсин.
Қаддинг гула мангзар, қоматинг ар-ар,
Чаманлар ичинда бўйинг дол ўлсин.

Сурма чекилибдур шул қора кўзга,
Ёрим ёшинг етсин эллига, юзга,
Ёзилдим, ёнгилдим тақдирим сизга,
Бир ғалат сўйласам тилим лол ўлсин.

Боғингда очилмиш ранг баранг гуллар,
Шохасинда сайрар шайдо булбуллар,
Ё ёнар, гоҳ куяр хизматкор қуллар,
Кеча-кундуз хизматингда бор ўлсин.

Ул вақтда Саёдхон бунинг гуносини ўтди. Ҳамрони тилла пўш саройга олиб борди. Саёдхон билан Ҳамро иккиси тилла пўш саройда базм қилиб ўлтираберди. Ул вақтда Ҳамронинг отаси Ошиқ Аҳмад саройнинг эшигида туриб мен боғда бир ўзим қоламанми, деб қичқираберди. Ҳамро айтди: Саёдхон сен шу канизларинга буюр, менинг отамнинг кийим кечакларини ювиб берсин, деганда Саёдхон ажаб, деб эшикка етиб Ошиқ Аҳмадга айтди: -Сиз ҳам шу канизлардан биттасини олиб, кийим-кечакларингизни ювдириб базм қилиб ўтираверинг. Ошиқ Аҳмад бу сўзни эшитиб канизларнинг бирисини олиб, бу ҳам бир жойда бўлаверди. Ошиқ Аҳмад 7 кун шу каниз билан бирга бўлди. Етти кундан сўнг Ошиқ Аҳмад юртина кетар бўлди. Ошиқ Аҳмад Саёдхондан рухсат сўраб кетмоқчи бўлди. Саёдхон билан Ҳамро буни йўлга солиб хўшлашиб қолаверди. Ошиқ Аҳмад отни миниб бир манзил йўл юрди. Бир тўқайнинг устидан йўли тушди. Ошиқ Аҳмад қараса йўл устида бир ҳовуз бор. Ҳовузнинг бўйлари бутун дарахт, оғочлик, тўрт атрофи супа, каравотлар қурилган, кўрпа-тўшак ҳаммаси жойида. Ошиқ Аҳмад айтди:-Бу ер жуда яхши ер экан, бироз ухлаб кетайин, деб отни боғлаб, супага келиб ухлаб қолаверди. Бу ер Маматхон подшо қизининг қоровули бўладиган ер эди. Қоровуллар келиб кўрса бир одам ухлаб ётар. Ошиқ Аҳмаднинг ухлаб ўтирган ерида қўлини орқасига боғладилар. Кўзини очиб қараса қўли орқасига боғли.

Шул вақтда осмоннан бир турна учиб Ошиқ Аҳмаднинг юзини юрти тарафа қаратиб эли –юртига салом айтиб йиғлай берди:

Кўкдан учган баланд-баланд турналар,
Арзи ҳолим севар ёра дегайсан.
Манинг бу жонимдан йўқди умидим,
Ошиқ Аҳмад дўстинг ўлди дегайсан.

Ёмон йўлдан юрган Тангридан топар,
Тонгла бир кун юрсанг аросат қўпар,
Турна менинг саломимни тез опар,
Дийдор қиёмата қолди дегайсан.

Мани кўзима Озарбайжон кўринур,
Алим боғли яна бугун эзилар,
Арзим етир ола кўзли ширина,
Йиғлайиб-йиғлайиб қолди дегайсан.

Ошиқ Аҳмад ошиқликнинг йўлинда,
Сўналар ғарқ бўлар чашмим кўлинда,
Банда бўлдим қоровуллар қўлинда,
Йиғлайиб-йиғлайиб қолди дегайсан.

Ошиқ Аҳмад бу сўзни айтди. Турналарнинг ҳар юртдан сафар қилиб келганда шу ерга тушиб кетадиган бир бандаргоҳ кўли бор эди.

Турналар кўлга тушаберди. Қоровуллар айтди:

-Бу кишининг айтган сўзи билан турналар бу ерга тушдилар, деб ошиқ Аҳмаднинг қўлларини дарҳол чечиб, бул бир яхши одам экан, деб дарров ошиқ Аҳмадга қирқиси қирқ танга бериб, отига миндириб, йўлга солиб хўш-хўш деб қолаверди.

Ошиқ Аҳмад бир неча кун йўл юриб юртина бориб қарор топиб ётаберсин. Энди сўзни Ҳамродан эшитинг.

Ҳамро бир неча кун Саёдхон билан тиллапўш саройда базм қилиб ўлтириб эди. Ҳамронинг ичи қисиб боғда чаман боғлаб ўлтириб эди. Шул вақтда гуржи подшосининг қизи Маликахон деган Саёдхоннинг бир дўсти бор эди. Маликахон айтди: Саёдхоннинг ёнина бир юртдан бир яхши йигит келган. Шу йигитни кўриб келайин, деб ёнига ўн икки каниз олиб Саёдхоннинг боғига қараб юриш этаверди. Буларнинг йўли Ҳамронинг устидан тушди. Ҳамро кўрса бу Маликахоннинг Ҳамронинг юртида қолган Сарви ёрига ўхшаган кўп ерлари бор экан. Ҳамро чаманни қўйиб алина созини олиб Маликахонга қараб бир сўз айтди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Бугун бизга жон йўлиқди.
Бизнинг сари қадам босиб,
Кўзлари мастон йўлиқди.

Уйдан чиқар қумғон олиб,
Икки кўзи гулдай ёниб,
Қарчиғайдай хиёлланиб,
Дардима дармон йўлиқди.

Ҳамро айтур, шикастаям,
Ёрнинг бўйига бастаям,

Ўлгунча мудом хастаям,
Дардима дармон йўлиқди.

Ҳамро бу сўзларни айтди. Бу қизлар иши бўлмай ўтаверди. Маликахон канизлари билан Саёдхоннинг саройига борди. Саёдхон буни кўргандан иззат қила берди. Ҳамро буларнинг кейнидан тилла пўш саройга кирди. Ҳамро кириб кўрса, Саёдхоннинг 40 канизи маликахоннинг 12 канизи 52 канизнинг шуъласи саройнинг ичина қандил ёққандай бўлди. Саёдхон Ҳамрони ёнина чақириб: -Ҳамрожон, шу гуржи подшосининг қизи Маликахонни бизга бир мақтаб бер, деганнан Ҳамро ажаб, деб алина созини олиб, бир сўз айтди:

Бир салотин бўйли солланиб келар,
Кўзима соташди холи гуржининг.
Кўрган ошиқ ақли ҳушин йитирар,
Ҳасрати жонимда қолди гуржининг.
Боғчасидан шайдо булбул ўтишмас,
Оҳ чекарман нолам ёра етишмас,
Дардим чўхдир дармон алима тушмас,
Кечар эграмчадан бели гуржининг.

Кийдиги яшилди, ўртиги ола,
Бўйи дола мангзар, лаблари бола,
Юзи Салбия мангзар, қомати дола,
Кўзима соташди холи гуржининг.

Ошиқ Ҳамро гулин терсам боғини,
Тўлиб ичсам пиёласин соғини,
Ётсам қописинда, ёр ўтоғина,
Ман бўлсам ходими, қули гуржининг.

Ҳамро бу сўзни айтганнан Маликахон Саёдхондан жавоб сўраб қайтди. Саёдхон Ҳамрожонга: юринг, боғни бир сайр этиб қидирали, деб иккиси боға қараб юраверди. Боғнинг ўртасига келган пайтда Саёдхоннинг бир ҳовузи бор эди, шул ҳовузда Саёдхоннинг сўна, каклик қушлари кўп эди. Ул вақтда буларни кўрганнан сўналар Саёдхоннинг олдига чиқаверди. Ҳамро бир сўнага қўлини узатди. Ул сўна Ҳамрожондан қўрқиб, ҳовузнинг тейина чўмиб кетди. Ҳамро айтди:-водариғ, менинг ғайри юртдан келганимни бу жониворлар ҳам билди, деб Ҳамро хафа бўлди. Саёдхон айтди:

-Ҳамро, сен шу сўнани бир мақтаб бер, деди. Ҳамро алина созини олиб бир сўз айтди:

Келиб эдим яшил боша учрадим,
Сўна бизни кўриб юзмака тушди.
Ўзини чўмдириб дарё тубина,
Олиб қаламларни ёзмоқа тушди.

Сўна бизни кўриб чиқди қироға,
Кўзим ёша тўлди, кўнглим фироға,

Сарвидан айрилиб тушдим йироға,
Эграмча парларин юзмака тушди.

Истар эдим шунинг изиннан отам,
Алимни узатиб париннан тутам,
Бир хаёл айладим тош билан отам,
Дўзмади кейнина дўзаха тушди.

Буни мақтади. Саёдхон айтди: -Ҳамро, сенинг юртингда ёринг бор экан. Сен сарви деб турибсан. Сенинг Сарви деган ёринг бор экан. Мен сенга беҳуда кўнгил берган эканман. Ҳамро айтди:-юртимда менинг ёрим йўқ. Менинг ҳам сенингдай боғим бор. Шу боғда Сарви деган бир дарахт оғочи бор. Шу эсимга тушиб айтдим. Канизлар айтди:-Саёдхон, сенинг жайрон, каклик, тарлон, қушларинг бор, шуларни ҳам мақтат, шунда ҳам айтаверса ёри борлиғи рост. Дарҳол Саёдхон бир жайронни олиб келди. Ул юртларда жайрон дейди. Бу юртларда кийик деди. Ҳамро алина соз олиб жайронни мақтаб бир сўз айтди:

Сарим қурбон бўлсин сени кўрганда,
Бизинг элнинг жайронидур бу жайрон.
Ақли кетган жайрон мунда найласин,
Бизинг элнинг жайронидур бу жайрон.

Олисдан кўринган жайроннинг тўзи,
Сарининг устида қўша мўгизи,
Ёрим сурмаламиш шул қора кўзи,
Бизнинг элнинг жайронидур бу жайрон.

Оққан чашмаларим сувдан тўлдирон,
Қизил юзим гул бандимни сўлдирон,
Олғир қушим, югурак тозим ўлдирон
Бизинг элнинг жайронидур бу жайрон.

Жайрон кетти тоғдан-тошдан дўланиб,
Дўланибон чашмалардан сув олиб,
Ошиқ Ҳамро гадой каби тиланиб,
Бизнинг элнинг жайронидур бу жайрон.

Саёдхон бир какликни олиб келди. Буни ҳам бир мақтанг, деди. Ҳамронинг юрти ёдина тушиб бир сўз айтди:

Манго ҳиммат беринг улуғ зот эллар,
Ёраб менинг ҳолим олишар бўлди,
Мағрибда, Машриқда ўтган эранлар,
Кўнглим мақсудина етишар бўлди.

Мағрибда, машриқда ўтган эранлар,
Анинг ҳукмидаги замину зарлар,
Бир оҳ урсам ёнар етти қат ерлар,
Жоним ишқ ўтина туташар бўлди.

Ўпар эдим лабларингнинг болиннан,
Тутар эрдим ёрнинг инжа белиннан,
Айро тушдим Сарвижоннинг ёниннан,
Жоним ишқ ўтина олишар бўлди.

Жам бўлиб келинглар оғалар, беклар,
Сурмали кўзларинг мени чўх англар,
Жилвадан айрилан югурак какликлар,
Ҳардам қаҳқо қуриб кулишар бўлди.

Ул вақтда Саёдхон Ҳамронинг Сарви ёрининг борлигини билиб, жуда қаҳри келиб, ҳовузнинг бўйида бир қат жойи бор эди, Ҳамрони жойга солиб устидан илиб Саёдхон саройга жўнай берди. Ҳамро уч кеча-кундуз очдан оч бир ўзи шу жойда ёта берди. Саёдхоннинг қарори чидамай Ҳамронинг ётган жойининг бир панжараси бор эди. Саёдхон панжарадан қаради. Шунда Ҳамро Саёдхонни хушомадлаб бир сўз айтди:

Ўғрин-ўғрин панжарадан кўзлан ёр,
Ёр хумор кўзларинг на тилар маннан,
Ширин жоним ишқ ўтина солан ёр,
Ёр хумор кўзларинг на тилар маннан.

Қурбонинг бўлайин гела йўл гела,
Умидвор қўлларинг бўйнима дўла,
Шул хумор кўзларинг жоними ола,
Ёр хумор кўзларинг на тилар маннан.

Шул қора кўзинга банда бўлайин,
Ман сендан айрилиб қайда борайин
Ман бир тилло юзук санда бўлайин,
Шул хумор кўзларинг на тилар маннан.

Баланд-баланд тоғнинг кетмас думони,
Мункирнинг кўнглидан кетмас гумони,
Ҳамро Саёдхоннинг севгили ёри,
Ёр хумор кўзларинг на тилар маннан.

Ул вақтда Саёдхон эшикка келиб, эшикни гоҳ очиб, гоҳ ёпиб тура берди. Ҳамро алина соз олиб Саёдхонга қараб бир сўз айтди:

Устимизда гуржистоннинг тоғидур,
Мангзамишлар бизнинг билан ёғидур,
Саёдхонни қучмоқликнинг чоғидур.
Қизил гулнинг хирмонидур хирмони.

Ишқнинг шаробини менам ичибман,
Кунда юз минг ёниб, юз минг ўчибман,
Ота-онам, эл-кунимдан кечибман,
Ғариб кўнглим дармонидур дармони.

Қизил гулни даста-даста терарлар,
Териб-териб оқ сийнага сепарлар,
Саёдхон қиз панжарадан қарарлар,
Ҳамро айтур кўра келди ёр мани.

Саёдхон Ҳамрони чиқариб, канизларига буюрди:-Ҳамрони ҳаммомга тушириб, яхшилаб манинг назаримга келтиринг. Канизлар ажаб, деб Ҳамрони ҳаммомга олиб бориб, Ҳамро ювиниб Саёдхоннинг назарига келди.

Саёдхон билан Ҳамро саройнинг ичида завқу сафо суриб ётдилар.

МАЖМУАГА КИРИТИЛГАН ДОСТОНЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

“Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳақида

“Юсуф ва Зулайҳо” достони қўлёзма шаклида Хоразм минтақасида кенг оммалашган. Бизнинг қўлимизда унинг ўнга яқин турли йилларда кўчирилган нусхалари мавжуд бўлиб, аксарияти узук-юлуқ парчалардан иборат. Унинг мукаммал нусхаси ҳалигача топилмаган. Айрим нусхалар Андалиб достонини айнан такрорлайди. Айрим нусхалар бошқача характерга эга бўлиб оригиналлик касб этади.

Биз бу нашрни йиғма вариант сифатида тайёрладик.

Маълумки, 2011 йилда достоннинг Ниёзжон халфа варианти эълон қилинди. Яна ўша йилда О.Менглибоев ижодига мансуб бошқа бир вариант чоп этилди. Биз ушбу нашрда чоп этилган мазкур вариантлардан фойдаланган ҳолда уларга бошқа нусхалардан парчалар киритиб яхлит ҳолга келтирдик. Бу учала вариант мазмунан ўзаро яқин бўлса-да, ҳажман бир-биридан анча фарқ қилади.

Биз нашрга тайёрлаётган йиғма вариантда 226 мураббаъ, 3 мухаммас, 5 ғазал, 1 мустазоддан фойдаланилган. Жами мисралар 1074 қатордан иборат.

Бинобарин, асарнинг мукаммал бир варианти яратилди деб ҳисоблаш мумкин.

Биз эълон қилаётган вариантда Сўна халфа Эшматова, Розия Оллоёровалар (Хонқа тумани) тақдим қилган парчалар ва бошқа қатор нусхалардан фойдаландик. “Юсуф ва Зулайҳо” достони жаҳон бўйлаб шундай кенг тарқалганки, бошқа бирорта достонни бу борада унга тенглаштириб бўлмайди.

“Маликаи Зарнигор” достони ҳақида

“Маликаи Зарнигор” достони ҳам қўлёзма тарзида оммалашган бўлиб, асосан қиссахонлар, халфалар репертуаридан жой олган. Бахшиларнинг оғзаки репертуарига ўтмаган. Бу достон ҳам 1978 йилда Ашгабадда чоп этилган. Ўзбекча матн билан солиштирганда муайян вариантлилик кўзга ташланади. Аммо жиддий фарқ йўқ. Чунки, туркманча вариант ҳам эски ўзбек тилидаги нусхадан олинган. Достон дебочаси Худодан фарзанд тилаб олиш мотиви билан бошланади. Битта олмани бўлиб ейиш орқали фарзанд туғилиши яъни партогенез ҳодисаси асар сюжетининг асосини ташкил этади.

Достондаги марказий қаҳрамон Қосим деган йигит бўлиб, асосан ёр ишқида дарбадар кезади. Бу достон, том маънода романик характерда бўлиб, унда эртак мотивлари устувор равишда намоён бўлади. Қосим қушлар билан

мулоқотга кириша олади. Турли кароматлар, Дали лақаби билан қизиқарли ўйинлар кўрсатади. Бу воқеаларнинг барчаси эртакий тасвирнинг бир кўринишидир.

Достоннинг насрий қисми бутунлай қайта ишланган. Унда сажъ элементлари, идиомалар, учириқ сўзлар туркман вариантига қараганда анча кўп.

Шеърий парчаларда ҳам қайта ишлов берилган оҳангдор мисралар анчани ташкил этади. Буни қуйидаги айрим мисоллар тасдиқлайди:

Туркман варианти:

Өвал мени нечун ёкдан бар эдип,
Ахырында бу гамлара зар эдип,
Өвалы гул эдип, ахыр хар эдип,
Хаста гөвнум нечун эда эйледиң.

Ўзбек варианти:

Аввал мени нечун йўқдин бор этиб,
Охирида бу ғамларга ёр этиб,
Аввали гул этиб, кейин хор этиб,
Хаста кўнглим нечун адо айладинг.

Ушбу тўртликнинг ўзбек вариантида иккинчи мисрада “зор” сўзи “ёр” сўзига ўзгартирилган. Бу ўзгариш биргина сўз бўлишига қарамай тўртликдаги мазмунни мантиқан кучайтирган. Чунки инсон ҳеч қачон ғамга “зор” бўлмайди, “ёр” бўлиши мумкин.

Бундай ижобий ўзгартишларни бошқа шеърий парчаларда ҳам кўриш мумкин. Бу достонда 304 та мураббаъ, тўртта мухаммас, иккита ғазал ишлатилган. Уларнинг барчаси 1360 мисрани ташкил этади.

Достон сюжети қизиқарли ва ўқимишли. Бадиий жиҳатдан мукаммал асар. Унда соф ва эркин севги, вафо ва садоқат улуғланади.

Достоннинг ўзбек варианти туркман вариантидан ҳажман кўп. Шеърий парчалар сони анча ошган.

Туркман вариантида ҳаммаси бўлиб, 796 мисра шеър ишлатилган. Унда 190 мураббаъ, 4 мухаммас, 2 ғазалдан фойдаланилган.

Ўзбекча матн мукаммал кўчирилган. Бу достон Хоразмдаги Ниёзжон Мусаева, Сўна Эшматовалар репертуарида ўқилиб келинган. Уни 1982 йилда С.Рўзимбоев хонқалик Сўна халфадан ёзиб олган.

Достон илк маротаба эълон қилинаётир.

“Гавҳарой” достони ҳақида

Хоразм воҳасида китобот қилиниб халқ орасига ёйилган достонлардан бири “Гавҳарой”дир. Бу достон “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Нажаб” каби достонлар каби унчалик оммавийлик касб этмаган. У фақат қиссахонлар, саводхон достон мухлислари, халфалар репертуарида яшаб келган. Унинг туркманча версияси 1978 йилда Ашгабадда чоп этилган.

Достон “Ошиқ” достонларига қараганда ҳажман анча катта. Қолаверса, унда тасвирланаётган воқеалар қаҳрамонлик-романик характерга эга. Бундай олиб қараганда асар “Гўрўғли” туркумининг “Эрҳасан” шохобчасига анча

ўхшаб кетади. Шунингдек, достон воқеалари “Тоҳир ва Зуҳра”даги тафсилотларни ҳам эсга солади. Энг аввало унинг бош қаҳрамони эпик оти ва қиличига эга. Бу ҳолат бирорта ишқий-саргузашт достонларида кўзга ташланмайди. Достондаги бош эпик қаҳрамон бўлган Шерали моҳир, жангчи, унинг Қушқанот деган оти, ва қиличи ҳам сеҳрли. У маъшуқасини эпик тўсиқлар гирдобидан олиб чиқади.

Асарда қаҳрамонлик достонларига хос жисмоний шартларни бажариш саҳналари ҳам берилган. Шералининг Пирназар сардорни курашда енгиб дўст бўлиши Гўрўғли билан Бозиргон саргузаштларига мос келса, Шералининг Хоразмин исмли кўмакчи қаҳрамон билан бўлган муносабатлари Гўрўғли билан Авазхон ўртасидаги воқеаларга анча ўхшаб кетади.

Достондаги Гавҳаройнинг отаси бўлмиш Суюн шоҳ “Тоҳир ва Зуҳра” достонидаги Бобохон подшога деярлик ўхшайди. Асардаги Қийшиқ Сори образи Қоработир образининг муқобили тарзида намоён бўлади. Гавҳарой эса Зуҳра образининг бошқага бир кўринишидир.

Хуллас, асарда қаҳрамонлик достонлари билан романик достонларга хос хусусиятлар ўзаро уйғунлашган.

Достон туркманча матн билан версия даражасида фарқланмайди. Ўзбекча матн билан ўзаро солиштирганда воқеалар деярлик мос келади. Шеърий парчалар ўзбекча вариантда кўпроқ. Айрим бандлар жиддий ўзгаришга учраган. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:

Туркманча вариант:

Чекдим бу дунйәниң жебри-жепасын,
Ганым душманлариң гырдым көпусин,
Мен билмедим бу дунйәниң вепасын,
Яланчыда хич бир арман галмады.

Ўзбекча вариант:

Чекдим бу дунёнинг жабру жафосин,
Энди сурсам керак кайфу сафосин,
Гавҳарой бузмади аҳду вафосин,
Ишқ йўлида ҳеч бир армон қолмади.

Бинобарин, иккала вариантнинг жиддий фарқланадиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Бироқ, бундай алоҳидаликлар кўп эмас. Достон қўлёзма тарзида тарқалганлиги сабабли котиблар матнни кўчирганда уни ўз тилига мослаган, миллий руҳ беришга ҳаракат қилган.

“Гавҳарой” достони мардлик, жасурлик, дўст-биродарлик, соф севги-муҳаббатни тараннум қилиши билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Достондаги шеърлар асосан мураббаъ шаклида берилган. Уларнинг сони достонда 1384 тани ташкил этади. Шунингдек, унинг таркибида 4 та мухаммас, битта ғазал бор. Жами шеърлар 1519 мисрадан иборат.

Достондаги шеърлар бадиий жиҳатдан мукаммал. Ўйноқи, қофиявий жипслашган оҳангдор мисралар катта кўпчиликни ташкил этади.

“Гавҳарой” достонини шовотлик Ниёзжон халфа Мусаевадан 1983 йилда С.Рўзимбоев ёзиб олган бўлиб биринчи маротаба эълон қилинмоқда.

“Саёд ва Ҳамро” достони ҳақида

Ушбу мажмуага “Саёд ва Ҳамро” достонининг қипчоқлик “Аму -дарё” тумани) Ҳўжамурод бахши варианти ҳам киритилди. “Ошиқнома” мажмуасининг 1-китобига достоннинг қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган варианти, 5-китобига манғитлик Хударган бахши варианти киритилган эди. Хўжамурод бахши вариантини 1938 йил 1 ноябр куни Буюк Каримий ёзиб олган. Бу қўлёзма лотин алфавитида ёзилган бўлиб, Ўз Р ФА ТАИ фольклор бўлимининг архивида №620 рақамли инвентарда сақланади. Бу вариант анча қисқа. Унинг ўртасида узилиш бор. Бироқ, бу вариант айрим томонлари билан илмий қимматга эга. Унда сўзлар тўғри талаффуз қилинган. Шеърларда бадиийлик анча кучли. Шу сабабли бу матнни мажмуага киритишни маъқул кўрдик.

Луғат

А

Абри найсон-ёмғурли булут.
Абри найсондек жаҳонни тўлдирадур кўз ёшим (МЗ)
Абасдур-бекор, беҳуда**.**
Агар юз йил жафо чекса **абасдур** (МЗ)
Атоб (итоб)-таъна.
Маъшуқи жафо пеша ҳар лаҳза **атоб** айлар-**(МЗ)**
Ароқ совун-атир совун.
Сен ёримни ҳаммомга олиб бориб, **ароқ совун** билан ювиб орасталаб, шоҳона кийимлар кийдириб кўшкка олиб кел, деб буюрди малика-**(МЗ)**
Азми равон-йўл олмоқ.
Чўл сарига **азми равон** айлади (МЗ)
Аржуманд-азиз.
Дунёни айладинг неча **аржуманд (МЗ)**
Ахтар-юлдуз
Ўз нуриндин равшан этди **ахтари (МЗ)**
Афғон-йиғламоқ.
Ўз-ўзимдин бу **афғона** етишдим (МЗ)

Б

Ботил-бўм-бўш.
Ботил йўлни обод айлади бугун (Г)
Базми шаро-эсда қоларлик базм.
Бўлди қизиқ **базми шаро**, ял-яли. (МЗ)
Бўйни ридоли-енгсиз тўн, жанда.
Беш минг эшон керак **бўйни ридоли.** (МЗ)
Буқиб-писиб.
Шундан сўнг ҳар бири бир чуқолоққа тушиб **буқиб** ёта бердилар. (МЗ)
Байроқ-мукофот.
Подшонгизни уч кунда энадин тоза туғилгандек этиб, **байроғина** от миниб, тўн кийиб, зар берса олиб, хуржунима солиб кетмакка келдим, деди Қосим. (МЗ)
Бадар кетди-тез, изига қарамай кетди.

Козим уйдан **бадар кетди**. **(**МЗ)
Бир пора-айрим, баъзан.
Бир пора вақтдан кейин ўзига келиб, китобни очиб...**(МЗ)**
Бўкчиб-сакраб.
Маҳрамлар **бўкчиб** туриб икки йигитни излаб кетдилар **(МЗ)**
Боғи раҳо-сўлим боғ.
Кўрмишам **боғи раҳонинг**,
Ушалсин орзу армонинг. (МЗ)
Босқи топиб-енгилиб.
Қирқ йигит бўлиб, бир йигитдин **босқи топиб** келгунча ўлсангиз бўлмайдими, эй сизларнинг отингизга тош, тупроқ! **(Г)**
Бўри доригандай-Бўри теккандай**. (Г)**
Бир замонда қўйга **бўри доригандай** бўлди.
Бош бермажак-бўйсунмоқчи эмас. (Г)
Биз бу ўғлонни бир ҳийла билан тутиб танғимасак **бош бермажак**.
Баржой-ижобат.
Баржой бўлсин Гавҳаройнинг ҳоҳиши (Г)
Бодлан-ҳужум қил.
Душман сари юзинг тутиб **бодлангил. (Г)**
Бути тарсо-ғайридин бути, санами.
Гул бўлди қамар даргоҳина ул **бути тарсо.** (МЗ)
Боғи раҳо-обод боғ.
Кўрмишам **боғи раҳонинг(МЗ)**
Ботил-бекор.
Ғам –аламлар **ботил** ўлди (МЗ)-
Бирён-қоврилмоқ.
Ғам ўти бағримни **бирён** айлади (МЗ)
Баҳру бозли-лочин қуш.
Майдонга кирганда ҳам **баҳру бозли (МЗ)**
Буроқди-туташмоқ.
Оҳим ўти тоғдан тошга **буроқди (МЗ)**
Бўкди-сакради.
Отини ўйнатиб кўшкимдин **бўкди (**Г)
Буроқ-от
Пиринг ҳазрат Али,минганинг **Буроқ** (Г)
Бад-ёмон.
Рақиб **бад** айлади менинг ишими (Г)
Бадланиб-қовоқ уюб.
Шох манго **бадланиб** боқиб (Г)-

В

Валло-мутлақо.
Ҳақиқий сўзинга **валло** инондим (Г)-
Варсоқи-гурунг.
Бобо Козимнинг маҳбуби ёдига тушиб, турналарга қараб бир **варсоқи** айтди: (МЗ)

Воғурди-шовқин.
У нега мен шунча ухладим, нечун уйғотмадингизлар, деб бироз **воғурди** қилди. (Г)

Г

Гизлама-яширма
Ростин дегил, мендин сиринг **гизлама (МЗ)-**
Гунортагача-тушгача.
Маликанинг кўшкига бориб Қосимни **гунортагача** ўйнатдилар**-(МЗ)**
Газиклашиб-навбатма-навбат.
40 кун ҳар жума куни **газиклашиб** бориб турингглар-(Г)
Газик-навбат.
Меҳмонлиғим ҳурмати бир **газик** кечир, деди. Қосим. Малика: (МЗ)
Гумбази ахзар-кўк гумбаз
Оҳим ўтидин шоҳим, **гумбази ахзаринг** куяр (МЗ)

Д

Дигар-бошқа.
Бир ошиқман, **дигар** йўқдир гуноҳим (МЗ)
Дўлаб-айлантирмоқ, кўнгил қўймоқ.
Бир-бировга кўнгил **дўлаб.** (Г)
Дўнмоқ- сўзидан қайтмоқ.
Битирсангда отам **дўнар** сўзиндин (Г)
Даб-адабсизлик маъносида.
Бугун сен бошладинг номардлик **дабин** (Г)
Дошдин –ташқаридан
Дошдин қамаб тутжак бўлдим мен они (Г)
Дўзмарам-чидай олмайман.
Дўзмарам айрилиқ ўта (Г).
Далисан-шаддод, тентак**.**
Девонасан сен ёки бадтар **далисан** (Г)
Доғишиб кетдилар- тарқалиб кетдилар.
Фарзандига бир қойим от қўё билмадик, деб **доғишиб кетдилар**. **(МЗ)**
Дохил бўлди- етиб борди.
Мисрга **дохил бўлди - (ЮЗ**)
Дешон- ташқари.
Хотини ўтин олиш учун **дешона** чиқади **-(МЗ)**
Дурри хушоб-реза-реза тер маъносида.
Қатра-қатра оқизиб, гул юзидин **дурри хушоб.** (МЗ)
Дойисининг –тоғасининг (Г)
Аслида у кечаси мозор ёнида тунашга қўрқиб, **дойисининг** уйида кечани ўтказиб қайтган эди.
Димодим –жуда-жуда. **(Г)-**
-Эй ўғлим, Шералибек сенинг бу ишинг **димодим** қийин масала.
Дўнсам –сўзимдан қайтсам, аҳдимни бузсам. **(Г)**
Бу йўлдин энди ҳеч **дўнсам** бўлмас.
Дим оғир –жуда оғир. **(Г)**

-Эй қизим, сенинг бу ишинг **дим оғир**, яхшиси сен бу йўлдин қайт.
Диралишма-тортишув. **(Г)**
Чанг-чанга қоришиб, уч кун **диралишма** этдилар.
Доғи дугун-Тугунли доғ, ҳасрат.
Доғи дугун армонлар чиққандур бугун тандин (Г)
Дўланмам-қайтмайман.
Жоним чиқса қайтмам, **дўланмам** иза (Г)
Духтар-қиз.
Шу ўлканинг султонининг **духтари (МЗ)**
Дурафшон—дур сочувчи
Шукур-энди **дурафшона** етишдим (МЗ)
Дўнди-айланди.
Шукур ёзга **дўнди** туманли қишим (Г)
Дўған-туғишган.
Қиёматлик **дўғанимни** кўзлайиб. (Г)-

Е

Ер сорсиб-ер ларза бериб **(Г)**
Пирназарнинг жуфт ёқасидин тутиб, бошидин ошириб ерга урди, **ер сорсиб** ларзон берди.

Ё

Ёс тутиб- аза тутиб **(Г)-**
Бари халқи **ёс тутиб**, шаҳарнинг қибла тарафида бир гумбаз бино қилиб, подшони шу ерга жойладилар.
Ёзғитда-тақдир (Г)
Ёзғитда бори бузилмас.
Ёлозо-очиқ **(Г)-**
Ул тоғнинг бир томони кенг, **ёлозо** бир жой.
Ёнгадан –қайтадан **(Г)**
Шерали бўлса, **ёнгадан** аждарҳога от қўйди.
Ёшулли -ёши улуғ.
Ёшуллимсан, муллам, Оқ фотиҳа бериб қол энди. **(Г)**
Ёғдой-аҳвол, имконият.
Ёғдой-аҳволларинг айлагил аён (Г)

Ж

Жонлиқ-тирик жон, қўй маъносида.
Бугундан бошлаб мен бир **жонлиқ** олиб, худойи ош берайин. **(МЗ)**
Жумбурди- титроқ
Шул замони йигитнинг ҳам қизнинг ҳам танасига бир **жумбурди** кирди. **(МЗ)**
Жони афгорин-хаста жон. **(МЗ)**
Ишқ ўти ёқибдур **жони афгорин.**

З

Зингиб юбормоқ- отиб юбормоқ.
Малика сарҳовуз бўйига бориб, юзларини ювиб, рўмолчасига юз-қўлларини артиб, рўмолни ҳовузга **зингиб юбарди**. **(МЗ)**
Зомчадай тумолониб-ҳандалакдай юмалаб. (Г)

Ясовулнинг калласи **зомчадай тумолониб** кетди.

И

Исқин-ҳол
Пиёда йўл юрарга йўқ менда **исқин** дармон (Г)-
Исқаса-ҳидласа. (Г)
Исқаса ёш бўлур, кекса, гулиндин
Ири пиёда, даёв-забардаст, қудратли.
Хоҳлаганингча курашаман, чиқ майдонга, сўнг икки **ири пиёда, даёв** йигит курашга тушди. **(Г)**
Илишди-илинди.
Семурғ сув ичиб, тузоқнинг арқонига **илишди**. **(МЗ)**
Идирли-яхшироқ.
Аммо 40 кунда подшога **идирли** бир гап айта олмай ўзаро келишдилар. **(МЗ)**

Й

Йитирмоқ-йўқотмоқ
Севиб севганини қўлдан **йитирган. (ЮЗ)**

К

Кишвар-мамлакат
Ҳол ила молинг ўртаниб, тахт ила **кишваринг** куяр (МЗ)
Койиш-ташвиш.
Ўз-ўзинга сотин олдинг **койиши (МЗ)**
Кади-қовоқ.
Гавдангдин айрилур **кадидек** бошинг (Г)
Кушойиш-ёрдам.
Алқисса, ул кийик **кушойиш** топиб (МЗ)
Кор, манзил –маво-Касбинг, манзил маконинг не?
Коринг не, манзилу маъвонг не? (МЗ)
Кўлагангда-паноҳингда.
Кўлагангда сояладим (Г)-
Кўнгил жўшди-Кўнглим ўсди маъносида.
Кўнгил жўшди юракларим бодланиб (Г)
Койиш-қайғу.
Ошиқлар бошига **койиш** қайирдинг (Г)

Л

Ложарам-кўнгли ғаш.
Подшо не дерини билмай **ложарам** бўлиб қолди. **(МЗ)**
Лофи –каж-ҳафсаласи пир бўлмоқ.
Қосимнинг **лофи каж** бўлди. **(МЗ)**
Лоқатоқ-бутунлай, мутлақо.
Бир куни унинг оти, ҳолдан тойиб **лоқатоқ** тўхтаб қолди. **(Г)**
Ломакон-маконсиз.
Назар этдим **ломакона** етишдим (МЗ)-

М

Маъво-макон.(МЗ)
Ишқи юрагимда **маъво** айлади.

Моҳи анвар-чарақлаган ой.
Жамоли фалакнинг **моҳи анвари (МЗ)**
Маҳшар-дўзах.
Дор тагида бугун қурилар **маҳшар (Г)**
Манзар-чеҳра
Тўққиз фалак бўлди анинг **манзари (МЗ)**
Магас-чивин, пашша**.**
Ажал етмай ўлмас, билгил, бир **магас** (МЗ)
Мужалло-жилоланиш.
Хуршиди юзинг шуъласидин топди **мужалло (МЗ)**
Малойик-фариштасифат.
Малойик суратли азиз эшонлар- (МЗ)
Мисқириб-масхаралаб.
Шерали бу сўзини айтиб бўлгандин сўнг, сардор бу сўзни эшитиб **мисқириб** кулди. (Г)
Мешкоб-меш. Теридан ишланган сув идиш.
Аммо подшонинг бир **мешкоби** бор эрди. **(МЗ)**
Муанбаргина-мушки анбар, муаттаргина.
Не ажаб тоза гулу ёри ситамгаргинайи,
Сочи сунбул, юзи гул зулфи **муанбаргинайи.** (МЗ)
Мор –илон.
Ишқингда тўлғаниб гўё **мор эрдим**. **(Г)**
Маълул-хафа
Қосим айтар, бўлма **маълул,**
Кеча-кундуз ёдинда бўл. (МЗ)
Мискин-ғариб, афтода.
Зулайҳо маъюс **мискин** бўлиб, қалби севги изтиробига тўлиб, дилидаги пинҳоний кечинмаларини бир-бир баён қилди. (ЮЗ)
Масту хоб-кечаси маст бўлмоқ.
Шароб ичиб ўзим бўлдим **масту хоб** (МЗ)
Мисқирдинг-масхараладинг.
Қизима ал чўздинг**, мисқирдинг** мани (Г)

Н

Нури афшон-нур сочувчи.
Юсуф каби **нури афшон (МЗ)**
Нуктадон-маърифатли.
Маърифатли **нуктадонлар**, хуш қолинг (МЗ)
Навозиш-ардоқлаш.
Навозишлар айлаб ҳолини сўрдим (МЗ)-
Нахли шамшод-шамшод кўчати.
Нахли шамшодим, паризодим, нигорим қандасан (МЗ)
Не кора -қанақа.
Ул **не кора йигит** эркан, тўппа –тўғри қизимнинг ёнига келса, деб вазирига 40 отлиқ бериб, Шералининг олдига юборди. (Г)
Нор-ўт, олов

Парвонадек шамъинг **норина** пишдим (МЗ)

О

Ошоқа-пастга
Юқоридан бошлаб, **ошоқа** чекиб (Г)-
Ол -қизил
Ғулпоқ киярлар **ол билан (МЗ)**
Озим-буюк.
Келажаги **озим** бўлсин (МЗ)-
Оғоч-ёғоч, дарахт.
Бир **оғочдим** якка ўзим бош чеккан (МЗ)
Ол унда-ундай бўлса энди.
Ол унда биз ўзимиздан хабар берадиган бўлсак, биз Рум элидан келаётирмиз. **(МЗ)**
Ошоқларида-пастида.
Бизнинг Рум элинда Семурғ қуш кўп бўлар, тоғнинг **ошоқларида** ҳам ўтлаб юришади. **(МЗ)**
Ола-қийғосдан-тўс-тўполон, шовқин.
Қосим бу **ола-қийғосдан** четга чиқиб бобога деди. (МЗ)
Онг-тонг-ҳайратланмоқ.
Бу хабарни эшитиб, икки йигит **онг-тонг** бўлиб бир-бирига қарашди. **(МЗ)**
Онгри –бариларни-ул-бул нарсаларни.
Етти йил ичида кийимлари тўзиб, чўпонлардан чекмон, телпак яна **онгри-бариларни** олиб кийди. **(МЗ)**
Орқайин-хотиржам
Агар отангнинг не шарти бўлса ҳам охирги қоним қолгунча ғайрат қилурман, сен бундан **орқайин** бўлавер, деди Шерали. (Г)
Ол-ҳийла
Рақиблар **ол** билан тангди қўлимни (Г)
Оризи тар-янги пок
Тўни зар, **оризи тар,** ёқасида тугмаи зар (МЗ)

П

Пуркитмоқ-оқизмоқ
Тўкарман **пуркитиб** қирмизи қонинг (Г)-
Пайкон-ўқ.
Оҳу кўзли ул киприги **пайкона** тасаддуқ (МЗ)
Пуроб-сероб, тўкин.
Жонимни ёқиб ҳардам дийдамни **пуроб** айлар (МЗ)

Р

Рўйи сиёҳ-юзи қора.
Кўтаринг бошимдин **рўйи сиёҳи (МЗ)**
Ризвон-беҳишт
Шому саҳар ёдинг ила бўлғуси бедор,
Ризвонинг эмасму? (МЗ)

С

Сиринг-артинг.

Кўзларимнинг ёшин **сиринг (МЗ)-**
Сужуд-сажда
Йўлинда **сужуд** эмиш хуршиди мири анвар **(МЗ)**
Саман-гўзал маъносида
Зулфи сиё мисли **саман (МЗ)**
Сочоқ-дастурхон
Бир **сочоқ қулча** берали (Г)
Сар-бош.
Билмам не воқеа кечди **сарингдин.** (Г)
Фазли илоҳи-Оллоҳ марҳамати
Сизга арзон эрмиш **фазли илоҳи (МЗ)**
Навхаш-янги ғунча
Сенсан бу жаҳон гулшанида ғунчаи **навхаш (МЗ)**
Сар солиб-кузатиб
Сар солиб кўрса ҳар чинорнинг бошида бир тўти ўтирибди. **(МЗ)**
Соп бўлиб-тугаб
Озиқлари **соп бўлиб**, шу чўлу биёбонда йиқилиб қолди. **(МЗ)**
Солдам-кучли ҳаракат.
Бир вақт сар солса ёри от устида атрофида қирқ каниз билан **солдам** ташлаб келаётир. **(МЗ)**
Солиғини-маълумини.
Эй дўстлар, сизлар аввало менинг қорнимни тўйдиринг, кейин, йўлнинг **солиғини** беринг, деди. (Г)
Сайпалиб-озайиб.
Бул тўс-тўполондин кейин одамлар **сайпалиб** Шерали билан Хоразмин бир-бирини кўриб қучоқлашиб кўришдилар. (Г)
Сўмпилдаб-ғўдайиб.
Подшо деган ҳар келган киши олдига **сўмпилдаб** чиқаверадими, сўзинг бўлса менга айт, етказаман. (Г)
Сужи-чучук
Шакардин шарбатдин **сужи** сўзингдин (Г)-

Т

Туроб-тупроқ.
Нозик танни охир **туроб** айлади (МЗ)-
Тоғ ила дуза- тоғу чўл маъносида.
Кетарман юз уриб **тоғ ила дуза** (Г)
Тўздирмоқ-тор-мор қилмоқ.
Бугун шоҳнинг қўшинини **тўздирдик (Г)**
Тар очилган-янги очилган.
Тар очилган гулистонлар омонми? (МЗ)
Тири камон-ўқ ва камон, ёй.
Беш минг йигит керак **тири камонли** (МЗ)
Топ ўзи-худди ўзи
Ундай бўлса сизлар подшомиз излаб юрган одамларнинг **топ ўзи** экансизлар. **(МЗ)**

Тўпор-тўда.
Бир **тўпор** отлиқлар кўринди, ҳар томондан “Йўл бер”- “Йўл бер”, деган амрона овозлар эшитиларди. **(ЮЗ)**
Тархон-озод қилмоқ, ўз ихтиёрига қўймоқ.
Подшо етти йилги дардидан қутилгани учун 40 кеча-кундуз тўй бошлади, одамларни **тархон** қилди. **(МЗ)**
Торпа-бирдан.
Охири семурғнинг куч-мадори тугаб, бир чўлистонга йиқилди ва **торпа** жон берди. **(МЗ)**
Тискиниб-сесканиб.
Шу вақт **тискиниб** уйғонди, кўрса тонг отибди, ёнида қиз-да йўқ, зот-да йўқ. **(Г)**
Тимтирс-жимжит.
Гулжамол айтдики, мендин сўрасангиз бу гап шу ерда **тимтирс** қолсин, уйдаги гапни кўчага чиқармайлик. (Г)
Топ -айнан.
Шерали сал тисланиб, унинг **топ энгсасидин** қилич урди, калла зомчадай юмаланиб кетди. **(Г)**

У

Угринда-мақсадида.
Мен шу қизни олиш **угринда** юрибман. **(МЗ)**

Ф

Фарёди рас-фарёд етишиши
Сенки фарёдим эшитгил, мендадур **фарёди рас (МЗ)**

Х

Хўстор-ҳомий
Ошиқларга **хўстор** бўлган бек йигит (Г)-
Хору хас-ўт-чўп маъносида.
Оҳ чексам ҳасратимдин туташурлар **хору хас (МЗ)**
Хорош-хижил**.**
Дарди ишқдин сийна чок, мен яна кўнгли **хорош** (МЗ)
Хусурини-қасдини.
Сал ўтмай бир қўшин билан келиб мендин **хусурини** олишлари ҳеч гапмас. **(Г)**

Ч

Чойлашиб-еб ичиб.
Кулиб-ўйнаб, **чойлашиб** кечарман яна сандин (Г)
Чархи гардон-ўткинчи дунё.
Йиқилсин, юмрулсин бу **чархи гардон (МЗ)**
Чўх-кўп.
Бизга давлат **чўх** сафоли керакдур (МЗ)
Чўп-чор-хас-хашак.
Семурғ учун тузоқ қуришга **чўп-чор** йиғиб энди ўтираётганида қаршисида бир хушсурат йигит пайдо бўлди. **(МЗ)**
Чуқолоққа-ўйилган ер
Шундан сўнг ҳар бири бир **чуқолоққа** тушиб буқиб ёта бердилар. **(МЗ)**

Чонокда-товоқча.
Ошиқ-маъшуқалар қўл тутишиб, боғни сайр этдилар, сўнг беш юз зинали тилло тахтнинг устида ўтириб, тилло **чонокда** тўққиз турли таом едилар. **(Г)**
Чошди-тарқалди.
Кўриб ақлу ҳушим **чошди,** ёронлар (Г)
Чўлашди-илашди.
Бора бора бобо бир дарахтнинг устидан келиб, ип дарахтга **чўлашди**. **(МЗ)**

Ш

Шамъи анвари-нурли шам
Сунгиндин яратди **шамъи анвари (МЗ)**
Шотир-жиловдор.
Белин боғлаб **шотир** ўлди (МЗ)
Шамъи сўзона-шам ёлқини
Шамъи сўзона келмишам (МЗ)-
Шабон-шабон-кеча, арзувон-қизил гул.
Шабон билан ҳам **арғувон** яратди (МЗ)-

Ў

Ўнғарса-ўнгидан келса
Йўқдин бор айлаган **ўнғарса** ишим (Г)
Ўжашар-ҳазиллашмоқ.
Ўжашар боғбона қизлар (МЗ)
Ўрасидай-устунидай.
Қосим қараса, қушнинг ҳар оёғи мачитнинг **ўрасидай** гавдаси қора уй билан баробар, тумшуғи чўқморга мангзаш, кўзлари чироғдай.**(МЗ)**
Ўкта-кучли.
Биз бир дали йигитни тутиб олдик, ўзи ўйинчи, соз билан сўзда **ўкта**, хушсуратгина йигит. **(МЗ)**
Ўкчани-тезда жўнаб кетди маъносида.
Бу гапни эшитган замон ўғлон шаҳарга қараб **ўкчани** кўтарди. **(Г)**

Қ

Қора дар-қора тер.
Йўл юриб **қора дар** билан (Г)
Қопи-эшик.
Дўст тенгладинг **қопи** кезган гадоё (Г)
Қутордим-тугатдим.
Доно мулла деяр, **қутордим** сўзим (Г)
Қойим-мос.
Гулшанимга **қойим** бўлсин (МЗ)
Қаҳбо фалак-бевафо дунё.
Қаҳбо фалак ёқмиш мулку молимни (МЗ)-
Қоптолина-ёнбошига.
Она семурғ дарҳол тошни узоққа отиб, ўзи Қосимнинг **қоптолина** қўнди. **(МЗ)**
Қўпди-қўзғолди.
Ул шу вақтда “Оҳ, Шерали” деб йиғлаб ўрнидин **қўпди**. **(Г)**
Қарашиғ-ҳимоя.

Чилтанлар дуосини олгандин сўнг хотинига яхши **қарашиғ** этиш учун одамлардан ул-бул қарз этдиган бўлди. (МЗ)

Ғ

Ғайри ҳаво-ўзгача фикр.
Менинг кўнглим **ғайри ҳаво** айлади (МЗ)
Ғалат-таажжуб.
Аммо бир гапинг **ғалат** бўлди. (МЗ)
Ғалмағал-ташвиш.
Энди шодликка чиққанимда яна бир **ғалмағал** бўлмасин. (МЗ)

Ҳ

Ҳанга-сўзга, товушга.
Қулоқ қўйғил ушбу **ҳанга** (Г)
Ҳасари-таъсири.
Парининг **ҳасари** етишди жона (МЗ)
Ҳўкмон-мутлақо.
Эй нозанин, мен сени **ҳўкмон** топарман. (МЗ)
Ҳазатиб-маза қилиб.
Бобо қизни қучоғига олиб лабина лаб, холина хол, болина бол қўйиб, **ҳазатиб** ёта берди. **(МЗ)**
Ҳовой –сиёсат -дўқ-пўписа.
Улар орасида бир йигит чиқиб менга **ҳовой-сиёсат** урди. (Г)

Э

Эяриб-эргашиб.
Унинг изидан 40 муллавачча ҳам **эяриб** йўлга тушдилар. (МЗ)
Эглади-тўхтатиб турди.
Турли емиш бериб уни **эглади (МЗ)**
Эй ғўччоқ-забардаст, жасур
Тавба қилдим, айбим кечир, **эй ғўччоқ** (Г)

Я

Янго-ҳалигина.
Мен **янго** айтдим. (МЗ)

Мундарижа:

1. Сўз боши.....3
2. “Юсуф ва Зулайҳо”.....18
3. **“**Маликаи Зарнигор”.....68
4. **“**Гавҳарой”.....120
5. “Саёд ва Ҳамро”.....203
6. Мажмуага киритилган достонлар ҳақида маълумот.....217
6. Луғат..... 220

Ошиқнома
6-китоб
Адабий-бадиий нашр

Муҳаррир: Босишга рухсат қилинди
Тех муҳаррир: Бичими 60х84 $^{1}/_{16}$
Саҳифаловчи: Ҳажми 10 босма тобоқ
Мусаҳҳиҳ: Адади
Босмахонага берилди: Буюртма №

“Хоразм” нашриёти
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.